

МИРЗАКАРИМ
НОРБЕКОВ

МИЛЛИОН

текин маслаҳат

ТОПИШ ЙЎЛИ

ёхуд жўжалар
қаерда қишлайди

МИРЗАКАРИМ НОРБЕКОВ

**МИЛЛИОН
ТЕКИН МАСЛАҲАТ
ТОПИШ ЙЎЛИ
ё х у д ж ў ж а л а р
қ а е р д а қ и ш л а й д и**

Тошкент
«Adabiyot uchqunlari»
2015

УЎК: 334.722 (075)

КБК: 88. 3

Н – 79

Н – 79 Норбеков, Мирзакарим

Миллион текин маслаҳат топиш йўли ёхуд жўжалар қаерда қишлайди – Тошкент, Adabiyot uchqunlari: 2015. – 432 б.

ISBN 978-9943-987-93-7

УЎК: 334.722 (075)

КБК: 88. 3

Ушбу китоб – жаҳон бестселлерига айланган «Тентакнинг тажрибаси ёхуд кўзойнаксиз ҳаёт сари» китоби муаллифидан навбатдаги совга. Китобда инсоннинг ўзлигини англаши, ўз танасининг ички имкониятларидан оқилона фойдаланиши ва соғлом турмуш тарзига риоя этиш борасидаги қимматли тавсиялар берилган.

Рус тилидан Меҳри Бону таржимаси


Тақризчилар:

Анзиратов Ф.К., *тиббиёт фанлари доктори*

Бобобоев Х.Н., *Турон фанлар академияси ва*

Лейбниц номидаги Европа табиий фанлар академияси академиги, тарих фанлари доктори

ISBN 978-9943-987-93-7



© М.Норбеков «Миллион текин
маслаҳат топиш йўли
ёхуд жўжалар қаерда қишлайди»
© «Adabiyot uchqunlari», 2015

МУАЛЛИФ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Ҳурматли китобхон!

Ҳаётда шундай инсонларга дуч келиш мумкинки, улар билан бақамти бўлишнинг ўзидаёқ барча саволларингизга жавоб топасиз, муаммоларингиз бир зумда ечилади, ҳаётингизга маъно-мазмун кира бошлайди. Бундай кишилардаги куч-қувват, закийлик, донишмандлик, бағрикенглик, меҳрибонлик, муҳаббат каби инсоний туйғулар билан бирга камтарлик ва оддийлик, қалбларидан таралиб турган чексиз нур ва ҳарорат сизни ўзига оҳанрабодек тортади.

Уларга ҳамсаф бўлсангиз, ўзингизни нафақат ишончли, ҳимояланган ҳис этасиз, балки яшашга, муттасил келажак сари олдинга қараб интилишга, албатта, ғалаба қозонишга иштиёқингиз ҳам орта боради.

Мирзакарим Норбеков ана шундай инсонлардан.

Эҳтимол, бу ном сизга танишдир. Нимагаки, бу ном кимгадир саломатлигини тиклаш билан боғлиқлиги туфайли, ким учундир ўзининг шахсий тадбиркорлик ишини бошлаши, яна кимгадир комил инсон бўлиб ўсиб, маънавий юксалиши ва ўзини Шахс сифатида таниши билан қадрли, кимларгадир буларнинг бари умумлашган ҳолда азиздир.

У атрофдагиларни кимсасиз қоронғу саҳрода чарақлаган нур каби ўзига жалб этади, у билан юзма-юз бўлган ҳар бир киши, хоҳ унинг китоби орқали, хоҳ ўқув машғулотлари орқали мулоқотда бўлган ҳар бир инсон ўзининг, ўзлигининг саргузаштларга, кашфиётларга, қийинчиликлар-у ғалабаларга тўлиб-тошган ғаройиботларга бой дунёсига саёҳат қилгандек бўлади.

Бу ғайритабiiй инсон чексиз истеъдоди, болаларча қизиқувчанлиги билан атрофдагиларга ҳаётдан завқланишни, мард жангчидек довюрак, комилликка етишган донишманд Устозлардек сабр-қаноатли, вазмин бўлиш истагини юқтиради.

Бугунги кунда Мирзакарим Норбеков йигирма тўрт мутахассислик йўналиши бўйича шогирдлар етиштирган. Уларнинг ҳар бири эса ўз навбатида билим ва тажрибаларини келажак авлодларга узатувчи занжирнинг ҳалқаларига айланиб улгуришган.

Битта инсоннинг ортидан турфа йўналиш бўйича бутун бошли қўшин каби издошларнинг бўлиши ақлга номувофиқдек кўринади. Спорт, бизнес, мураббийлик, психология, тиббиёт, деворларга безакли битиклар тушириш, мусиқа, кино, эстрада, ёзувчилик ва бошқа ҳоказолар сингари бир неча соҳаларни ўз шахсида мужассамлаштириш мураккаб ҳодиса.

Мирзакарим Норбеков санаб ўтилган барча йўналишлар бўйича етук мутахассис бўлибгина қолмай, бу соҳаларда катта ютуқларга эриша олган. Бизнес оламида ҳам у мультимиллионер даражасига эришди, бу ҳолатнинг барча қувончу аламларини бошидан кечирди, моддий бойлик ортидан қувишдан тўхташ учун ўзида куч топди, маънавий бойлик излаш йўлида онгли равишда пулдан воз кеча олди.

Бу инсоннинг кўп йиллик меҳнатлари самараси ўлароқ миллионлаб кишилар ўз соғлигини тиклашга муваффақ бўлдилар ва уларда ўзларига нисбатан ишонч пайдо бўлди. Унинг мураббийлиги остида спортнинг бир неча турлари бўйича ўнлаб жаҳон чемпионлари етишиб чиқди, юзлаб кишиларга бизнесга томон йўл очилди ва бу кишилар ўзларининг миллионерлар клубларини ташкил этишди, ҳозирга келиб эса уларнинг сафи янада кенгайиб бормоқда. Мирзакарим Норбеков очган бир қанча институт ва академиялар муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Шунини ҳам таъкид-

лаш жоизки, у дунё эътирофидаги кўплаб инсонларнинг маслаҳатчисидир.

Унинг муваффақиятлари сири ғолиб бўлиш санъатини мукаммал эгаллагани билан белгиланади. Истеъдодининг энг муҳим жиҳати эса инсон табиатини билиши ва инсонни сева олишидир.

Ушбу китоб орқали эса у Ғолиблик сари элтувчи эшикларнинг калити қаерда эканлиги ҳақида ҳикоя қилади.

АРИЗА

Турли корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, компаниялар, жамоалар, ассоциациялар, федерациялар, коалициялар, блоклар, уюшмалар, иттифоқлар, жамиятлар, фирқалар, гуруҳлар, институтларнинг

*ҳурматли
вакиллари!*



*Даставвал сизга митти
бир нақл ҳавола этамиз!*

Жаннатда оддий одамлар ва тадбиркорлар сайр қилиб юришганди.

Йўлбошловчи уларни огоҳлантирибди:

- Ҳозир биз имкон қадар овоз чиқармасдан юриб, кўплаб хоналарга назар ташлаймиз.
- Нега овоз чиқармасдан?
- Чунки ҳар бир эшик ортида ҳар бири ўзини дунёда ягона деб ҳисоблайдиган турли эътиқод вакиллари ўтиришибди.

Ҳаммасини тушундингиз деган умиддаман!

Салкам **саккиз минг йилдан** бери бизнинг мактабимиз фалсафаси – аҳли тариқат ҳаёт жумбоқларига жавоб излаш билан банд. Инсоннинг ўзлигини англаш ва комилликка етишиш анъаналарига йўналтирилган бу изланишларнинг диний ақидаларга ҳеч қандай, мутлақо (!) алоқаси йўқ!

Аммо шундай бўлса-да, бу назарингизда боғингизга бурнимизни тикаётгандек бўлиб кўриниши мумкин. Ҳатто бизга нисбатан сизда тажовузкорлик ҳисси уйғониб,

бу тажовузга кўп вақтингиз ҳамда кучингизни йўқотарсиз!

Бизнинг мактаб ҳақиқат борасида ҳеч қандай тарғибот ишларини ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, айниқса Илоҳий ҳақиқат борасида.

Тангри ҳақиқати Ўзингизда мужассам! Мавжудлигингизнинг ўзиёқ нақадар ажойиб!

Шу сабабли, сизни хотиржам қилиш мақсадида, вақтингизни тежаб, ўз фикримиз билан ўртоқлашган ҳолда сизларга тезкор баҳолаш услубини таклиф қиламиз!

Агар сиз бизни ноҳақ деб ҳисобласангиз, биз: «Ҳа, сиз ҳақсиз. Ҳақиқатан ҳам худди шундай!» – деб жавоб берамиз.

Агар сиз бизни ҳақ деб ҳисоблар экансиз, биз бу ҳолда ҳам: «Ҳақиқатан ҳам худди шундай!» – деб фикрингизга қўшиламиз.

Шундай экан, сиз барибир ғабланмоқчи бўлсангиз, илтимос – ёдда тутинг – яхшилик йўлида қилинган ёмонлик, яхшилик ҳисобланмайди! Сиз ҳам шу фикрдасиз, деган умиддаман!

*Сизга муҳаббат билан муаллиф
ва қўшимчи вазифадаги йўлбошловчи.*

МУҲАРРИРЛАРДАН

Ҳурматли ўқувчилар!

Чин кўнгилдан самимий табригимизни қабул қилинг!

Қўлингиздаги Мирзакарим Норбековнинг янги китоби ҳам тренажер, яъни дастуруламал китоб, феъл-атворингиздаги нуқсонларни бартараф этишда кўмакчи бўлиш билан бирга, кўплаб саволларингизга жавоб топишда, ҳатто ҳаётдаги ўз йўлингизни танлашингизда қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Ҳеч кимга сир эмаски, Мирзакарим Норбековнинг аввалги «Тентакнинг тажрибаси ёхуд кўз нуруни тиклаш калити...» китоби рекорд натижага эришди. Муттасил равишда энг харидоргир китоблар рейтингида биринчи ўринни эгаллаб, ҳақиқий бестселлерлар рўйхатига кирди.

Барча ҳодисалар сингари машҳурликнинг ҳам акс томони бор. Баъзи бир ношир биродарлар Норбеков номидан – унинг рухсатисиз, кетма-кет равишда янгидан-янги китобларини нашрдан чиқариб, сохта йўл билан бойлик орттирмоқда.

Сўнгги йиллардаги тахминий ҳисобга кўра, унинг номидан ўндан ортиқ номдаги китоблар сотувга чиқарилган.

Сизга чин дилдан раҳмат, «ҳамкасблар»!

Чунки сизнинг кўчирмакашликдаги фаоллигингиз натижаси ўлароқ, ижодий жараён керакли томонга йўналди. Мирзакарим Норбеков ўзининг янги китобини ёзди!

Ҳурматли китобхон, ушбу ва кейинги китобларни ўқиш жараёнида муаллифнинг ҳақиқий асари ва унинг номидан чиқарилаётган қалбаки китобларни бир-биридан ажрата олиш қобилиятингизни ҳам ривожлантириб борасиз.

Ана энди, баъзи бир нарсалар ҳақида сирлашамиз.

Мирзакарим Норбековнинг ғайритабиий хислатли инсон эканидан балки сизнинг хабарингиз бордир. Унинг ҳаётида бир қарашда сирли, лекин бу каби инсонлар учун оддий ҳаёт тарзига айланган воқеа-ҳодисалар кўплаб содир бўлиб туради. Бунақа ҳодисалар аксарият кишиларга эртакнамо, ғаройиб, ҳатто муболаға бўлиб туйилиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Гарчи уларнинг барчаси аниқ асосга, деярли илмий асосга эга бўлса-да, оддий одамларнинг тушунмаслигини инобатга олиб муаллиф бу воқеалар ҳақида маълумот беришга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди.

Конфетнинг ўзидан кўра ялтироқ қоғози муҳим кўринганидек, кўп ҳолларда фикрлаш доирасининг торлиги, ҳодисаларни англаш қобилиятининг ривожланмагани, ички моҳиятни назардан қочирган ҳолда бутун эътиборни фақат пўстига қаратишга олиб келади. Афсуски, кўпчилик дунёни мана шундай қабул қилади.

Китобнинг ўқув-машқ қисмларини Мирзакарим Норбековнинг ҳаётидан олинган лавҳалар билан тўлдириш истаги бизда пайдо бўлиши сиз учун ўз навбатида «эртақ»лар оламига шўнғишга, дам олишга ва олинган сабоқларни қайта мулоҳаза қилиб, тошу тарозига солиб кўришга имкон беради.

Шу тариқа биз баъзи бир лавҳаларни киритишга тавakkал қилдик. Уларни қандай қабул қилиш сизнинг эътиборингизга ҳавола.

Агар сиз матнда P.S. (постскрипtum – лотинчадан таржима қилинганда «матндан сўнг») ҳарфларини учратсангиз – бу бизнинг паролимиз бўлади.

Охир-оқибатда Мирзакарим Санақуловичнинг саъй-ҳаракатларимизга кўнишдан ўзга чораси қолмади, нима-нидир ўзгартириш учун энди кеч.

Шунинг учун биздан ўпкаламанг.

Муҳаррирлар

МУАЛЛИФДАН КИРИШ СЎЗИ



*Қўлланма тезкор ўргатиш услубига асосан ёзилган!
Эҳтиёт бўлинг! Ҳақоратлардан таъсирланилмасин!*

Ҳурматли ўқувчи!

Мана бу сиз учун кутилмаган совға.

Мен сизларни узоқ вақт ваъдалар билан тўйдирдим, ахир ким бўлишимдан қатъи назар, мен барибир эркак кишиман, эркак кишига эса, ўзингиз биласиз, ишониб бўлмайди!

Эркаклар! Бу ерда мен ёлғон гапиряпман, гапларимга ишонаверманг! Мен шунчаки қулоққа лағмон осаяпман, холос!

Шундай бўлса-да, бир куни тасодифан, бутунлай тасодифан заррабинга қадалиб ўтирганимда, туйқусдан нимадир кўриниб қолди: мит-г-итина, қаеридир танишдай нарса лии этиб кўринди-ю дарров ғойиб бўлди. Заррабин тасвирни етарли даражада катталаштиргач, уни танидим. «Вой-й-й! Ахир бу менинг виждоним-ку!!!»

Вожаб, қаранг-а, менда виждон бор экан, мана керак бўлса сенга бош оғриғи! Шу заҳоти ўзим берган ваъдамни эслаб, олдин уялдим, кейин яна ҳам қаттиқроқ уялдим! Ана шунда тушуниб етдимки, ортиқ ваъдабозликни чўзиш мумкин эмас!

Мана шу «уялганим» ва «қаттиқроқ уялган»ларимнинг ҳар бири учун яқинларим ёрдамида биттадан китоб ёздим.

Демак, қўлингиздаги биринчи китоб ўз ҳаётига нисбатан виждонал ёндашадиганларга мўлжалланган. Бу ерда

айтилганларнинг деярли ҳаммаси яна такрорланган иккинчи китобим эса, виждоний ёндашуви нафақат ўзига ва яқинларига, балки бутун оламга стадиган инсонларга, эзгулик йўлида, яхшилик йўлида бошқаларга ёрдам қўлини узата оладиганларга мўлжалланган.

Шартли равишда у «Бобоси-ю момосининг сирлари ёхуд махфий билимлар алифбоси» деб номланади.

«Тентакнинг тажрибаси...» китобим билан ва тезкор ўргатиш услубига асосланган ўқув машғулотларимиз билан тапиш бўлишингиздан қатъи назар, қўлингиздаги китобнинг баён этилиш услуби ва шакли сиз учун кутилмаган бўлиши аниқ.

Қолаверса, ўқувчиларни ҳайратга соладиган услубга яна қўшимча равишда парда ҳам тортилган, яъни коса тагида ним коса шаклида баён этилган. Нима учун? Бунинг боиси шуки...

Мен ўзимни танлаш ҳуқуқига эга ҳисоблайман: кимгадир, шартли айтганда, миллион ёки миллиард... масалалар ечимини, шу жумладан иқтисодий муаммолар ечимини ҳам тақдим этиш, кимларгадир эса... Шунинг учун ҳам, авваламбор бу одамларнинг кимлиги билан қизиқдим.

Сиз, китобда гап пул ҳақида борар экан, деб ўйламанг, Худо сақласин, йўқ! Шундай нарсалар борки, улар ҳар қандай моддий бойликдан қимматроқ, азизроқ туради!

Устозларимнинг ҳузурига донишмандлик ва қудратнинг тафтини ҳис этиш, илм ўрганиш йўлидаги машаққатлар-у тўсиқларга қарамай, маблағларини ҳам аямай дунёнинг турли бурчакларидан одамлар оқиб келишади.

Шу боис ҳам кимдир бу китобни арзимаган пулга сотиб олиб, қорин қашлаганча уйқусираб, эснаб, уни наридан бери, ҳар жойидан эринчоқлик билан саҳифалаб ўзининг яширин ички имкониятларига осонгина эришмоқчи бўлганини тасаввур этиш менга ёқмайди.

Сизни ишонтириб айтаманки, бундайлар фойда кўриш нари турсин балки бу билимларни етарли даражада баҳолай ҳам олмайдилар.

Устозларнинг минг йиллар давомида тўплаган билимлари ва меҳнатларини сариқ чақага алишмаслик учун китобда тўсиқлар қўйишимизга, яъни қабул қилиш доирасини чегаралашимизга тўғри келди.

Шулардан келиб чиқиб, «Миллион текин маслаҳат...» китоби атайлаб қўрс ёзилган, баъзи жойларда очикча қўполликлар ишлатилган. Баён этиш мантиғи бузилган, такрорланишлар учраб туради, маъно жиҳатдан бир-бирига қовушмаган сўз ва иборалар ишлатилган.

Сизни чалкаштириш мақсадида мавзу бутун китоб бўйлаб атайлаб сочиб ташланган. Бизга ишонишингиз мумкин, бир бутун яхлит билимни мозаика шаклида беришнинг ўзи бўлгани йўқ, яна ҳар бир унсур гўёки манتيқан тугалланмагандек.

Агар сизнинг сезгиларингиз етарли даражада, айтайлик, «академия»га кириш даражасида етарлича бўлса, сиз гап нима ҳақда бораётганини дарров пайқайсиз, ана ўшанда сиз, ҳозирча миттигина илоҳий қисмингизни, ичингиздаги илоҳий меросингизни чуқур эҳтиром билан узатилган ликопчадан топиб оласиз.

Агар сиз мен ўйлаган одам бўлсангиз, матнда яширинган калитларни осонликча топиб, тугалланмаган жойларни мустақил равишда тиклашга муваффақ бўласиз.

Агар сиз ҳаётда феъл-атворингиз, меҳрибонлигингиз, зиёкорлигингиз билан барча жабҳада ва барча нарсаларда энг яхши, энг аълосига лойиқ бўлсангиз, бу ҳол сиздан муҳим тайёргарликни талаб этмайди, фикрларингизни, шахс сифатидаги энг ажойиб томонингизни жамлашга эҳтиёж қолдирмайди – буларнинг бари сизда мужассам. Қўйилган тўсиқни сиз ҳатто сезмайсиз ҳам. Мана шундайлигингиз учун ўзингизнинг қобилиятингизни, мавжуд ва захирадаги имкониятларингизни янада кенгайтириш имконияти тарзидаги совғани қабул қиласиз.

Хўш қалай, қўрқиб кетдингизми?..

Менинг қадрдонгинам! Биз бу йўлни ахир биргаликда, ҳатто икки мароталаб босиб ўтамиз! Кўзланган манзилга эса ҳаракатдаги одамгина етиб бора олади.

Биз сиз билан бегона кимсаларнинг билимига, тажрибасига асосланган, кимларнингдир чайнайвериб сийқаси чиққан интеллектуал озуқасидан, дунёни одатий қабул қилишидан узилишимиз керак. Бугун эса сиз идрокингиз, қабул қилиш доирангиз даражасидан келиб чиққан ҳолда, бу босқичда нимага тайёр бўлсангиз, шу нарсага эришасиз.

Бундан кейин нашрдан чиқадиған китобда ҳам шу масалалар ёритилган. У китоб ҳам айнан шундай мисол ва маълумотлар асосида ёзилган, лекин бироз бошқачароқ. Қанчалик бошқачароқ эканлиги сизга таниш маълумотларни қай даражада қабул қилишингиз ва шуурингиз нечоғли ўсганига боғлиқ. «Миллион текин маслаҳат...» китоби билан танишмай туриб, «Бобоси-ю момосининг сирлари...» китобига ўта кўрманг.

Ушбу китобдан кўзланган мақсад азиз ўқувчим, сизни атроф-оламни нозикроқ англашга ва уни янада чуқурроқ қабул қилишга шундай тайёрлашдан иборатки, токи келажакда муҳим аҳамиятга эга бўлган биронта нарса ҳам назарингиздан четда қолмасин.

«Бобоси-ю момосининг сирлари...» китобига етиб келгунча сиз берилган маълумотларни кенг кўламли, бир бутун, яхлит ҳолда қабул қилишга тайёр бўласиз. Албатта, яна шундай шарти ҳам борки, сиз ўз устингизда шуғулланган ҳолда, ботинингизда яширинган сирли қудратингизни очишга муваффақ бўласиз.

Сизга яхши маълумки, йўл-йўлакай барча қийинчиликлару тўсиқларни енгиб ўтиб келган булоқнинг суви энг зилол ва мусаффо сув бўлади.

Бу китобга айнан шундай тозариш услубини ҳис-туйғуларингиздаги, феъл-атворингиздаги, шахсиятингиздаги кераксиз чиркларни, хас-чўпларни тозалаш учун атайлаб киритдик.

Мен учун энг муҳими, азизларим, қум уюмидаги ўйингингни имкон қадар тезроқ йиғиштириб, тезроқ улғайишингиз, оддий одамларга хос феъл-атворингиздаги майдакашликни четга суриб, гина-кудурат юкидан халос бўлишингиз ва бу ҳаётдаги ҳақиқий вазифангизни бажаришга киришганингиздир.

Бизни муҳаббат, уйғунлик, комиллик сари етакловчи улкан ишлар кутмоқда!

Хўш, ишга киришамизми?..

*Сизга самимий эҳтиром ила
Мирзакарим Норбеков*

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Яна бир бора муаллифдан

Мана ҳозир неча бора ўтириб турдим, юряпман, баъзан стол атрофида гир айланиб югураман, кейин яна ўйлайман, ўйлайман, ўйлайвераман...

Қачонлардир ёки қаердадир эмас, айнан бизнинг кунларда, шу ерда – орамизда ўзларидаги буюк Илоҳий қудратнинг сирини оча олган инсонларнинг ҳақиқатан ҳам борлигини, қандай қилиб гапириб берсам экан?

Сизга озор бермасдан, сизнинг ҳар жиҳатдан тўқислигингиз ҳақидаги шахсий ҳиссиётингизга путур етказмасдан, буларни қандай қилиб етказсам экан? Дунёни англаш, қабул қилиш даражаси турли савиядаги ўқувчимга китобни имкон қадар кўпроқ ўзи учун фойда олиши мумкин бўлган тарзда қандай баён этиш мумкин?

Ўзимни ўтмишда тушунмасдан, инкор этиб, қабул қилмай йўл қўйган хатоларимдан бугун сизни қандай эҳтиётласам экан?

Бу хилдаги барча «қандай» сўроқларига менинг асосий маслаҳатчим ва устозим – ички сезгимнинг жавоби бор. Устозларим маслаҳатига кўра, эғнимга мажбуран кийиб олган ғарбона ташқи ниқобларим тўхтовсиз равишда қулоғимга минғирлагани минғирлаган: улар сени тушунмасликлари мумкин! Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Айниқса, Устозларимнинг айтаётганларини атроф-оламдаги ҳақиқий ҳаёт билан солиштирганда, уларнинг имкониятлари борасида даставвал менда ҳам катта гумондорлик ва шубҳа бор эди. Аммо-лекин бу инсонлардаги **имкониятларни** кўрганимда уларнинг адолатсизлик-

ларидан хафа бўлиб, норозиликдан фигоним фалакка чиқарди:

– Худбинлар! Сизлар фақат ўзларингизни ўйлайсизлар. Шундай буюк кучга эга бўла туриб, уларни одамлар билан баҳам кўришни истамайсизлар!

Ҳаётда сизлар битта ҳаракатингиз, битта истагингиз билан йўқ қилишингиз мумкин бўлган қанча нохушликлар, урушлар ва бахтсизликлар бор! Сизлар эса фақат баландпарвоз сафсаталар, комилликка эришиш билан бандсизлар.

Ундан кўра одамларни соғайтириш, тўйдириш ва бахтли қилиш ғамини есангиз бўлади-ку. Сизлар бўлса ёрдам бериш ўрнига фақат ҳамдардлик бишдириб, бош қимирилатишдан нарига ўтмайсизлар.

Мен кўп бора улардан норози бўлганча ҳайратланиб сўрардим:

– Нима учун, нега бундай, нима сабабдан?..

Улар эса менга нописандлик ва ачиниш билан қарашар экан:

– Вақти соати етиб ўзингдаги ҳақиқий кучни англаб, уларни оча олсанг, ана ўшанда ўзинг буни билиб оларсан, ёрдам бериш керакмikan ёки йўқми? – дейишарди.

Шундан буён... Эй, Худо! Ўттиз йил ўтибди!

Мана энди-энди уларни озми-кўпми англагандай бўляпман, аммо ҳали ҳам уларни тўла-тўкис англаб етдим деб ишонч билан айта олмайман... Фақат бир нарсани аниқ биламан: уларнинг кўзларида нописандлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Қизиқувчан кичкинтой билан муҳаббат ҳақида суҳбат қураётганларнинг нигоҳларида меҳрибонлик ва ошиқлар ғамгинлиги барқ урарди.

Бу китоб оддий одамлар дунёси ва ғайриоддий имкониятларга эга Ишқ аҳли дунёси ўртасида алоқа ўрнатишга бўлган навбатдаги ғарибона уриниш, холос.

Бу икки дунё ўртасида улкан жарлик ястанган. Неча бора қўлбола мосламалар ёрдамида кўприкча қуриб, балки бўлғуси суҳбатдошларимдан биронтаси кечув

жойини қидираётгандир деган умидда у қирғоқ билан бу қирғоқни туташтиришга интиламан.

Дунёвий шуҳратпарастликдан бегона ошиқлар, ошиқликнинг инжа ҳолати ва қудрати миқёсидаги бу ишқ аҳли оддий одамларга худди ота билан она ўзининг хаста фарзандига қарагандек қарашади. Улар саноқли кишиларгагина ёрдам бериш мумкинлигини англаган ҳолда, бошқаларга ачиниш ва ҳамдардлик билан тикилишади.

Мана, энди бўлди, ёзиб бўлдим, энди мени бир вақтнинг ўзида ҳар икки томондан яхшигина зарбалар кутяпти.

Бир томондан тушадиган калтак – Устозларимнинг баъзи бир таъқиқларини бузиб, баён этишда жуда жўн услуб қўллаган ҳолда олий ғояларга ҳурматсизлик қилганим ва ихтиёрсиз равишда баъзи сирларни ошкор қилганим учун.

Бошқа томондан – ғафлат босганлар дунёси аҳли донишларининг истеҳзоли табассум ила менинг шаънимга йўллаётган бўлмағур киноялари туфайли.

Онгли равишда бу фикрларга, шубҳаларга, такаббурликларга қарши тик боришга тайёрман. Камикадзелар кимоносини кийиб... ёки буни қандай тушунтирсам экан?


Тўхтанг!

Яна озгина, ҳеч бўлмаса бир неча дақиқа ҳеч қандай сунъий ниқобларсиз ўзлигим билан қолишни истайман! Олдимдаги қоғозга ўзимнинг ҳақиқий ҳолатимни туширишни хоҳлайман.

Биз яна бир неча саҳифалардан кейин учрашганимизда, мен буткул бошқача қиёфада намоён бўламан. Аммо эслаб қолинг: кечасими, кундузими, мен қаерда бўлишимдан, нима иш билан шуғулланишимдан қатъи назар, менинг ҳақиқий ҳолатим – **мана шу...**

...Ойдин кеча. Кимсасиз қирғоқ. Елканли қайиқ тўлқинларда сокин чайқалмоқда. У ҳозиргина ўзга оламлар саёҳатидан қайтиб келди. Елканларга узоқ ўлкаларга қилинган сафар шамоли, уйғунлик, ҳақиқат ва Буюк севгининг руҳи сингиб кетган.

2500/1



Бу елканлар фақат ўзга ўлчам оламига хос бокиралик ва тозалик уфуриб турган булут каби ярқирамоқда. Ҳар бир арқон ҳали ҳам ўзида ёрқинлик, тезкорлик, яшин кучини, мўъжизалар сирини, тозалик шуъласини, анвойи ўсимликлар ифорини сақлаб турибди.

Ҳиссиётлар туғёни ҳали ҳануз бошқа давр, бошқа ўлчам, бошқа кенгликдаги ўзга дунёга қилинган сеҳр-

ли саёҳатдан қайтиб улгурмаган.

Кимнингдир ғамгин хўрсиниши ва пиқиллаб йиғламсираши ёқимли хотиралар уммонидан халос бўлиб, ўзимга келишимга мажбур қилди.

Миттигина бир гунча кўйлагимнинг ёқаси тагидан ғўр ва содда нигоҳлари ила қўрқа-писа мўралаб турарди. Икки сониягина олдин мен қайтишга шайланганимда, кичкинтой билдирмасдан кўйлагим ёқасига беркиниб олган, соддадиллик билан бегона дунёда ўзига хос такрорланмас гўзалликни кўраман, деб умид қилган.

Бечорагина! Қанчалар адашганини билганида эди! Фафлат босганларнинг қўрқинчли дунёсига тушиб қолишини у тасаввур ҳам қилолмаган!

Агар аввалроқ пайқаганимда, уни, албатта, бундай кўнгилсизликдан сақлаб қолган бўлардим. Мен, ахир, қаёққа қайтаётганимни билардим-ку!

Унинг катта очилган шудрингли кўзларида чиқинди-ю ахлатлар уюмининг томошагоҳи ой нурида ёритилган саҳнадек акс этиб турарди, бу ерда аллақачон қорин ғами ва ҳирс мадҳияси янграб бўлган. Ижрочилар – ҳордиқ чиқараётган майшатпарастлар хори.

Мана энди майингина илиқ шабада енгиллик билан бу дабдабали воқеанинг узук-юлуқ қолдиқларини тортқилаган ҳолда, хотиралар чиқиндисини ҳар томонга ҳайдамоқда.

Икки томчи ёш нозик новдадан оқиб тушиб чанг босган кийимларим орасига ноумид ҳолда сингиб кетди.

Дилдаги ғашлик билан бир қаторда олди-қочди латифа-ю ҳазил-мутойибаларга, очикдан-очик безбетлик ва қўполликларга, жирканч ҳақоратларга, димоғ-фироғларга, сунъий мулозаматларга, ниқоб учун бўёқларга тўла тўрвахалтамни елкамга ташлаб йўлга тушаман.

Ахир, мен ўзим бораётган жойнинг тили, ўзига хосликлари, урф-одат ва амалларини билишим керак-да! Омадим чоңса, улар мени сезмасликлари мумкин, аксинча бўлса, улар ўзларига ўхшамаганини кўришса тилка-порасини чиқаришади!

Ирода кучимни тўшлаб «цирк томошагоҳи»ни эслатувчи ҳаётнинг митти шаҳрига кириб бораман. Абадий саёҳатлар ва саргузаштлар ҳақида гапириб бериш учун, мана, нечанчи бора мен бу шовқинли, бемаъни маконга кириб келишим. Аммо мени эпителишармикин?

Ғам-ғуссаларимдан масхарабозлик аломатларини ўйлаб топиб, таваллуд лаҳзаларидан рихлат онларига-ча фақат бугунги куни билан пишиқ-пухта қилиб суваб ташланганларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қиламан.

Ўз ҳаётининг атоқли масхарабози ва қизиқчиси бўлганлар томонидан ҳамма чипталар аллақачон сотиб олинган бу циркка мен нима учун келдим?

Биламан! Онда-сонда бўлса ҳам, ўша томошабинлар орасида, фақатгина томошабин бўлиб қолишни хоҳламаётганлар, қалбларининг туб-тубида ниманидир сезиб, қандайдир ҳақиқий ҳаёт учқунларини илғаётганлар учраб туради, ўшалар учун келдим.

Ким билади, балким бу сиздир?..

Цирк пардозхонасига, яъни «оддий одамлар дунёси»-га кириб боряпман. Бу ер арраланган жаннат дарахти-

нинг қириндиси, тамаддун сўнгига қадар одамлашиб кетган шер, йўлбарс ва айиқ пешобининг ҳидлари билан тўлиб-тошган.

Улар ялқов мухлисларнинг кўнглини олиш учун кўр-кўрона машқларга махсус ўргатилган-у, аммо чексиз ўрмон ва чангалзорлар учун аллақачон йўқотилган.

Бу томошабинларга ҳақиқий ҳаёт ҳақида қай йўсинда тушунча берсам экан? Уларни қандай уйғотсам экан? Бедорлик, сергаклик ҳақида қандай сўзлаб берсам экан? Уларга қандай сўзлаб бериш керакки, тилка-пора қилишларидан аввал сўнгги каломимни айтиб олишга имконим бўлсин!

Яна пичирлаб шундай бақирим керакки, бу ухлаётганлар уммонини безовта қилмасдан, уйқусираш ҳолатидагиларнинг уйғонишига ёрдам берсин.

Кўзларини бир-икки марта очиб, кўрганларидан қўрқиб яна кўзини юмиб олганча бор кучи билан яна қаттиқ ухлаб қолишга уринаётганларни қандай қўллаб-қувватлаш мумкин экан.

Мана шунақаларга «доя»лар ёрдамга етиб келади. Бу ўша – менинг бўлажак суҳбатдошим. Унинг уйқудан уйғониши ва ўз йўлини топиб кетиши осон кечиши учун, аввалига у-бу нарсалар ҳақида суҳбатлашамиз. Ўз Севгилисининг уйига йўлни унинг ўзи топади.

Ана шунда китобдан кўзланган мақсадимизга ҳам етган бўламиз.

Лекин қолганлар ҳақида, ҳаётларини ўзлари билмаган ҳолда қўрқинчли тажрибахонага айлантириб юборганлар ҳақида ҳам унутмаслигимиз керак!

Мана, энди кўзгу олдида ўтириб олиб юзимни буткул қоплайдиган аҳмоқона табассумни яшашни бошлайман. Ўзларини бир таниб олишсин.

Янада ифодалироқ кўриниши учун, кўзойнакдан чақчайиб чиққан сўқир кўзларни ҳам ясайман, ана энди уларникига ўхшаб ақлли бўлиб кўринади. Ўзларининг сунъий ҳақиқатларини минбардан туриб, дабдаба-ю асъаса би-

лан намоийшкорона тарзда бақириб-чақириб етказишни машқ қиламан. Ана ўшанда ўзларининг асл нусхаларини шоҳона масхарабозлик сифатида қабул қиладилар.

Эҳ-ҳе, улар мени қанчалар ҳақоратлашади, аҳмоқлигим ва нўноқлигим устидан кулишади, лекин айти дамда ўзларининг устларидан кулишаётганини улар ҳатто тасаввур ҳам қилишмаса керак!

Саҳнага чиқиш олдидан сўнгги тайёргарлик. Саёҳатдан олган ва ҳеч бир кимсага тушунтириб бериб бўлмайдиган қалбимдаги энг ажойиб ва гўзал ҳиссиётларимни бир четга суриб қўйиш вақти келди.

Оҳ, мен сизни бир маротаба бўлса ҳам ана шундай саёҳатларга ўзим билан бирга олиб кетишни қанчалар хоҳлардим! Лекин, афсус...

Бошқача кўринишга киришга мажбурман.

Қани менинг масхарабозча алломалик қалпоғим? Қани менинг медалларим-қўнғироқчаларим, юлдузчали погонларим? Қани, санаб кўрайлик-чи, ҳаммаси жойидами: педагогика бўйича доктор, психология бўйича доктор, тиббиёт бўйича доктор, бу ерда академик, у ерда академик, мана бу ерда профессор, ниманингдир президенти...

Ана энди овоз бўғинларини созлаймиз: доо-о, ре-е-е, ми-и-и, фа-а-а... о со-оле... о с-оо-оле мио... ку-ка-ре-ку-у-у-у! Эҳ-ҳе!.. Ўхшамади-ку!

Иккинчи уриниш... Бироз яхши.

Яна ҳаракат қилиб кўрамиз... Кхекхе... Анчайин ақлли.

Йехх! Яна бир марта... Жуда илмий чиқяпти!

– Ассалому алайкум, муҳтарам халойиқдан қолган ғовакчалар!

– Ҳурматли ақлливой ва ақллиойлар!



– Хонимлар ва жаноблар, ҳоказо, ҳоказо ва ҳоказолар... Ҳозир, ҳозир айтаман... ҳозир айтаман... нимадир ақлли, энди шунақа ҳам ақллики: «Ҳе, падарига...» Мана!

– Бўлди! Масхарабоз тайёр! Манежга чиқиш вақти келди! Бизни буюк чириган помидорлар кутмоқда!

– Мана, мен!

УЧИНЧИ БОРА ҲАМ ЖОНИНГИЗГА ТЕГАМАН

*Муаллифдан
ёхуд муваққат ҳомиладор
даҳолигингизнинг
йигирма тўрт томони*

Хўш қалай, азизларим?

Биринчидан, китоб ёзишни наинки хушламайман, балки бу ишга буткул тоқатим йўқ, лекин мажбурман.

Иккинчидан, китобни кўпроқ шогирдларим учун ёзишимга тўғри келади, чунки товуш пайчаларимни асрашим керак. Шу боисдан бу – иш фаолиятимнинг мажбурий қисми.

Учинчидан, агар ҳаммасини мутлақо ҳаққоний ёзмоқчи бўлсам, ҳамма нарсани ва барчани ўз номи билан аташга тўғри келади! Бунга эса на мен, на сиз тайёр эмасмиз. Буни фақат шогирдларимгина тушуна олиши мумкин.

Мана шу нарса мени бу ишдан тўхтатиб турган эди. Лекин алалоқибат дўстларим ва шогирдларимни китоб ёзишга кўндириш учун бир йилдан ортиқ вақт мобайнида кўрсатган васвасали қилиқларидан сўнг, таслим бўлишдан ўзга чорам қолмади. Айниқса «томинг кетганми» ишорасини юмшоққина тарзда сийпалаб кўрсатавериш ҳам бунга ёрдам берди, бу ҳаракат натижасида пешанамда қавариқ пайдо бўлди.

Тушуниб етдимки, улар менинг эътирозли ҳайқирғимни эшитишдан маҳрум эканлар:

– Шунча касб-корим устига, яна китоб ҳам ёзишим керакми?! Сизлар мени ёзувчи қилмоқчимисизлар?! Бошқа қиладиган ишим йўқми?!

Кейин қарор қилдим:

– Менга барибир! Нима бўлса, бўлар! Қандай чиқса шундайлигича ёзавераман!

«Тентакнинг тажрибаси...» китобини қандай бўлса, шундайлигича нашр қилдирарканман, қанчалик ҳаяжонланган эдим! «Тушунишармикин ёки тушунишмасмикан?...» деб ўйлардим.

Бу китоб менинг барча тахминларим ва ички эътиқодимга яна бир бора катта ундов белгиси қўйди. Ҳаёт менинг назарий амалиётимни ва амалий назариямнинг юз фоизга тўғри эканлигини исботлади.

Мана, ҳозир хона бўйлаб юрганча фикрларимни айтиб туриб ёздирар эканман, жавондаги турли хил совринли ҳайкалчаларга кўзим тушади – булар менинг китобим учун берилган мукофотлар, зеро китобим кўпсонли адади бўйича барча рекордларни ортида қолдирди.

Одатда китоблар рейтинг биринчилигида бир ҳафта, кўпи билан икки ҳафта турарди. «Тентакнинг тажрибаси...» эса нашрдан чиққанидан буён бестселлерлигича қолмоқда.

Нега «Тентакнинг тажрибаси...» китобига ҳали-ҳануз талаб катта? Нима учун унинг адади бугунги кунда беш миллиондан ошиб кетса ҳамки, ҳамон тўхтовсиз ўсишда давом этмоқда? Мен бу натижага қандай эриша олдим?

«Тентакнинг тажрибаси...» китобини шунчаки тезкор ўргатиш услубининг уч ўлчови бўйича ёздим.

Наشريётдаги китобни қайчилаш бўйича олий маълумотли муҳаррирлар мени писанд қилмай, назарларига илмай қарашди. Баъзи бирлари эса бақир-чақир қилиб:

– Сиз нима балолар қиляпсиз? Бунақа қилиб ёзишмайди! Бу қоидага тўғри келмайди! Бизни эзиб, йўқ қилиб ташлашади-ку! – дейишди.

Баъзилар эса тамоман ақлдан озган олимга қараган-

дек, афсус ва ачиниш билан қарашарди. Бу ҳодиса менинг биринчи китобим билан содир бўлиб, муҳаррирлар ундаги асосий, муҳим аҳамиятга эга бўлган жойларини олиб ташлашган эди.

Лекин энди мен уларга шундай талаб қўйдим:

– Ёки қандай бўлса, шундайлигича нашр қиласизлар, ёки... бу жимжимадор адабийлаштирилган жонсиз сўзлар тўпламини катта холагизга беринг!

Тан оламан, «холагизга» сўзини ўшанда ишлатмагандим, уни ҳозир қўшдим. Бундай ифода услубини бир таксичи, бор-йўғи учта сўз ишлатиб, менга бирпасда машина карбюраторини таъмирлашни тушунтириб қўйгандан сўнг ишлатдим.

Тушунтираман: бу сўзлардан бири – эркалар жинсий аъзосининг турли ҳолати, бошқаси – аёллар аъзоси, учинчиси – уларнинг ҳамкорликдаги бизнесини ифодаларди.

Кейин у оҳиста сиёсатга ўтди ва фақатгина сўзларнинг тартибини ўзгартирган ҳолда Россиянинг кўп асрлик тарихини гапириб берди. Кўплаб сиёсатчиларнинг қиёфаси ва фаолияти ҳақида гапирар экан, мен дарров ким ҳақида гап кетаётганини билиб олардим.

Мен ўзимни пойтахтга биринчи марта келгандай қилиб кўрсатдим ва ундан шаҳарни кўрсатишини сўрадим. Бир соат давомида у мени пойтахт маркази ва меъморий ёдгорликлари билан таништириб чиқди.

Ҳеч қандай бошқа сўз қўшмасдан, кимни қайси уйда яшашини ва нима иш билан шуғулланишини гапириб берди. Мана шу зайл оддий таксичи менга рус тилидан сабоқ берди.

Ўша дам менда андуҳли ачиниш ҳисси пайдо бўлди: қанча олимлар тезкор ўргатиш услуби устида ишлаб ётишибди-ю, ёнгинамизда эса тан олинмаган академик кун кўриш учун машина ҳайдаб юрибди.

Демак, тезкорлик билан ўргатиш услубининг кўзга кўринмас томонларидан бири – ўта масъулиятли пайтларда ҳангу манг қилиб қўядиган ҳолатга туширадиган

сўзлар ишлатилиши, бунга баъзан шаънингизга йўналтирилган ҳақоратли сўзлар ҳам киради.

Қаллоб адабиётшунослар учун огоҳлантириш!

Агар сиз бу кўрсатмалардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, у ҳолда **қулоғингизгача ҳалиги нарсага...** хаёл ва орзуларингизга ботиб қоласиз! Нега деганда, нимани, қандай ва қаерда ишлатишни билиш керак, сизнинг китобхонни ҳақоратлашингиз эса тезкор ўргатиш услубидан мутлақо йироқ нарса.

Энди янги китобнинг ҳар бир саҳифасини тезкор ўргатиш услубининг уч йўналиши бўйича эмас, йигирма тўрт йўналишига биноан ёзаман.

Мендан ранжимасликларингизни ўтиниб сўрайман. Ёки ранжисангиз ҳам, фақат бир зумгина, сўнг дарров кечириб юборинг!

Мен қўпол сўзларни ёмон кўраман, ҳаётда ҳам уларни ишлатмасликка ҳаракат қиламан. Агар шунақароқ бирон гап ишлатиб қўйсам ҳам, оғзимни чайқаб тозалаш учун йил бўйи энг кучли тозалаш воситасини қидириб юраман.

Лекин илм-фан учун, кўзлаган мақсадингизга тезроқ етишингиз учун, баъзи бир масъулиятли дамларда сизни тентак деб аташга, фақат меҳр билан, ҳой ярамас, сен унақа-бунақасан дейишга тўғри келади. Ҳазил! (*Ҳазил-мутойибани тушунмайдиганлар учун тушунтириш*).

Майли, шундай бўлақолсин, тезкор ўргатиш услуби пардасининг бир томонини озгина кўтараман. «Озгина» деганим «буткул» дегани эмас. Акс ҳолда, чўчиб кетасиз!

Бу – бутун бошли илм, яна устига устак, бугунги кунда ёпиқ. Агар ҳаммасини тушунтираман десам, камида икки жилддан иборат дарслик ёзишимга тўғри келади, аммо-лекин худди олдинги ишларим каби у ҳам барибир қайсидир ташкилотларнинг темир сандиғига тушади.

Қачон шундай матнни ўқисангиз ёки эшитсангиз, сизда ўзига хос ҳолат пайдо бўла бошлайди. Бундай дақиқаларда англаб етиш даражаси сезиларли тарзда ошиб, ку-

чайиб кетади. Диққат-эътиборингиз жамланиб, аниқ-тиниқ эслаб қолиш имкони ҳам ошади.

Менинг вазифам – сиз буткул иккинчи даражали деб ўйлаган, аслида эса энг асосий бўлган нарсага диққатингизни қаратиш. Акс ҳолда бизнинг ҳамкорликдаги барча меҳнатимиз пучга чиқади ёки пуч чиқадими; бу ёгини ўзингиз англаб олинг!

Модомики, мураббий ва педагог сифатида, мени ўз бошингизга бошоғриқ қилиб танлаган экансиз, содда ва анойиларим, менинг галдаги вазифам қўлимдан келганча миянгизга – **ҳар жиҳатдан даҳо** эканлигингизни зичлаб сингдиришдан иборат бўлади.

Ўз тажрибангиздан келиб чиққан ҳолда сиз менинг сўзларимга шубҳа билдиришингиз мумкин. Агар сизга бу қизиқ бўлса, айтишим мумкинки сизнинг бу шубҳаларингизга тупураман.

Сизлар билан ишлаш жараёнидаги кўп йиллик иш тажрибам шуни кўрсатяптики, ҳурматли ўқувчим, сиз – ҳар қандай давр ва ҳар қандай халқнинг энг буюк даҳосисиз.

ФАҚАТ!

Ухлаётган ва ўз тушини ҳақиқат деб қабул қилаётган, дастурланган туши ҳам четдан устамонлик билан зомбилаштирилган ҳолда эҳтиёткорлик билан тиқиштирилган, бир сўз билан айтганда, келажакда катта умидлар бағишлайдиган ўсиб келаётган ёш авлодсиз.



Сиз билан бизнинг вазифамиз – бўсамиз билан ноз уйқудаги бу уйқучини уйғотиш, ҳаяжонга солиш!

Агар минбарга кўтарилиб, графин ва қиррали стакан ортига яшириниб олиб, минғирлаган-

ча эзмаланиб юксак ғоялар ҳақида гап бошласам, сиз сўргичсиз ҳам чақалоқдай қаттиқ уйқуга кетасиз!

Оддий одам бир мавзуда диққат-эътиборини қанча вақт ушлаб тура олишини биласизми? Мактаб муаллимидан сўраб кўринг. Энг узоғи билан уч-беш дақиқа, кейин тамом!

Бирпасгина чалғидингиз, тамом, сизнинг хаёлларингиз тутқич бермай, ҳар қайсиси кўнгли тусаган томонга қараб тарқаб кетади.

Одам йигирма тўрт ёшга тўлгандан кейин жисмоний ўсишдан тўхтаб, сўнгра унда қарилик бошланиши... сизга маълумми? Ҳа-ҳа! Бу фикрга қўшилмайсизми? Бу қўшилмаслик фикри ҳам қариликдан келиб чиққан!

Ўттиз беш ёшдан ошгандан сўнг ўқиб-ўрганиш қобилияти сусая боради ва сиз энди ҳақиқатпарварлик, ижобий миждовлик сари йўл тутишингизни биласизми?

Шундай экан, демак, сиз ўттиздан ошган бўлсангиз, унда... Ҳа, ҳа, худди шундай! Менинг навқирон эзма, миждовларим!

Мана, ҳозир эса кейинги саҳифанинг қоқ ўртасида қоп-қора ҳарфлар билан ҳақоратлар луғатидан олинган учта сўз ёзаман.



Тест!

Қани топинг-чи, бу қанақа сўзлар. Ўзингиз ишлатадиган сўзларни эсланг. Ўзингизга ёқадиганларини эслашга ҳаракат қилинг. «Сайланмалар» тўпламидан учта энг ёрқинини, энг мазмундорини танлаб олинг.

Хаёлан танлаганимизни иккала қўлимиз билан маҳкам ушлаймиз. Тилимиз билан кейинги саҳифани очамиз – ахир, қўлларимиз банд-ку – ва текшираимиз.

Севимли сўзларни танламасдан туриб, зинҳор кейинги саҳифани очиш мумкин эмас!

Диққа-а-а-а-т! Ноғоралар так-така-туми!

Тантанали равишда очамиз!



БУ САҲИФАДА УНАҚА СЎЗ ЙЎҚ! ҲА, УНАҚА СЎЗ ЙЎҚ!

Мана керак бўлса сизни хаёлларингиз! Мана сизнинг тахайюл дунёингиз!

Уҳ! Қанчалик жирканч!

Сизнинг ўй-хаёлларингиздан ҳатто мен ҳам ўзимни ёмон ҳис этяпман. Мана сизга керак бўлса маданиятчилик! Қандай қилиб ер шунақа одамларни кўтариб юрибди?!



Сиз жуда бузуқ одам экансиз! Худди мен каби!

Қаранг-а, сизнинг диққатингиз қанчалик ошиб кетди. Бекорчиликдан китоб ўқиб ўтирган оддий ўқувчидан бир зумда қизиққон иштирокчига айландингиз.

Сизнинг миянгиз ҳаётингизда биринчи марта, ниҳоят, қандайдир ижодий маҳсулот чиқарди. Бу бебаҳо маълумотни сиз ҳеч қачон унутмайсиз! Бу жуда кетворган маълумот энди қуришни бошламоқчи бўлган янги ҳаётингиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Биласизки, ҳақоратлар, қасам ичишлар тез-тез такрорланаверса ўз кучини йўқотади, шунинг учун сизнинг диққатингизни фаоллаштиришнинг бошқача йўлларига ўтаман, яъни бироз мулойимроқ, лекин фойдаси ҳеч ҳам кам бўлмаган усулларни қўллашга, мажбурман. Ҳар ҳол-

да бу ишда ўзимни шунчаки сувдаги балиқдай эмас, уммондаги наҳангдай сезаман!

Шунинг учун тайёрланинг, ихтиёримиздаги барча ускуналарни қўллаган ҳолда сизни тетиклаштиришга киришамиз. Бундай ускуналардан эса...



Ҳозир кўрамиз.

Ўҳ-хў-ў!!! Хуллас, жуда мўл-кўл, санаб адоғига етиб бўлмайдиган қовунлар, тарвузлар, бодринглар уюмичалик! Энди буларнинг барини ўзингизга ёққан қайла билан суғорамиз...

Ёқимли иштаҳа!

Керак бўлган пайтлари бошингиз чаноғига базўр илиб қўйилган товукмияларингизда кўп марталик қисқа туташувлар содир қилиб тураман.

Ўзимнинг мутахассислигим нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, сизнинг заиф жойларингизга, одоб билан, катта болға ила мулойимгина ва юмшоққина тушириб, тушириб, тушириб тураман.

Бу кўзингиз пешанангизга лўқ этиб чиқиб кетмагунча, ҳаёт синдирган шохларингиз билан менга ғазабдан ташланиб қолмагунингизгача давом этади.

Одамнинг энг заиф жойини биласизми?

Мисол учун, сизнинг яхши ишламайдиган жиҳсий «аппаратингиз», сизнинг куяларга ем бўлган ёшингиз, миллатингиз, сизнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуларингиз. Энди тайёрланаверинг!

ФИКР

*пайдо қилиш учун битта мия
бурмаси бошқасини излайди*

Ка-а-атта сир №2

Ўртача кўрсаткичдаги ақл эгаси ўз хотирасида бир вақтнинг ўзида кўпи билан икки-уч мавзуни бир неча дақиқагина ушлаб тура олади. Сўнгра унинг мия бурмалари бир-бирига буткул боғлиқ бўлмаган тарзда мустақиллик эълон қилади.

Мен буни аллақачон бошлаганман, бир вақтнинг ўзида бештадан йигирма тўрттагача мавзуда сўз юрита оламан.

Нима ҳақдадир бошлайман-у, бирдан бошқасига ўтиб кетаман, ундан учинчисига. Яна бошқасини бошлайман-да, бирдан яна бошқасига, сўнг орқага. Бир у ёққа, бир бу ёққа. Сизнинг фикрларингиз югурсин, чопсин, сакрасин, худди Эшмат

– у ёқда, Тошмат – бу ёқда! – дегандек.

Эътибор қилдингизми, биз қанча мавзуни бошлаб қўйдик?

Бу – тезкор маълумот беришнинг махсус усуллари-дан фақат биттаси. Бунда яна битта мажбурий шарт бор, яъни биронта ҳам мавзу тугалланмаган бўлиши керак. Уларни бошчангизда ўзингиз «тинчитиб қўйишингиз» керак.

Яна бир бора менинг номимдан китоб нашр қилаётган қароқчи-адабиётчиларга мурожаат қиламан.

Бу ҳам ўқувчининг диққатини жамлаш учун тезкор ўргатиш бўйича тайёргарлик кўришнинг фақат миттигина

усулларида бири. Ўзингизга маълумки, фақат тайёргарликнинг ўзи билангина бола пайдо бўлмайди.

Энди янги мавзуни бошлаймиз.

Демак, бештадан йигирма тўрттагача бўлган мавзуда бир вақтнинг ўзида сўз олиб боришим керак, бир мавзудан бошқасига бирданига сакраб ўтиб кетган ҳолда ва...

Сўз нима ҳақда бораётганини тушунмаяпсизми? Ҳозирча йўқ, шундайми? Бу ахир жуда ғаройиб-ку! Чўлп-чўлп! Демак, сизда биринчи қисқа туташув ҳодисаси содир бўлди!

Баъзан атайлаб, гўё тасодифдай, ўзимни инкор эта бошлайман. Нима учун? Сизнинг катта чиқинди қутингиз, кечирасиз, олий мактабнинг илмлари билан тўла бош чаноғингиз борган сари гангиш ҳолатига туша бошлаши учун! Ниҳоят, сизнинг фикрларингиз чўртган балиқ, оққуш ва яна учинчи ҳамроҳнинг ҳамкорлиги каби баҳамжиҳатликка эришиши учун...

Чунки баъзи бир ўта ақллилар учун, яъни сизга ўхшаганлар учун, барча нарсая қоидага биноан бўлиши, ҳамманикидек ва ҳамма нарсая тоқчага терилгандек аниқ бўлиши керак. Албатта, яна унга йўриқнома ва насиҳатнома ҳам қўшиб берилиши керак. Мия йўқ-да ахир...

Микротўлқинли печкани ишлатиш ҳақидаги қўлланмада мушукни қуритиш мумкин эмаслиги ёзилмагани учун, бир хоним даъво иши қўзғади ва судда ютиб чиқди.

Сиз буни лоф ёки ҳазил деб ўйлайсизми? Маълум бўлишича, ҳақиқатан ҳам, бўлган воқеая!

Яна фан аёллар эркаклардан ақллироқ деб ҳисоблайди. Эркаклар, бу қанақаси, ахир?!

Ҳақиқат ҳар доим зиддиятлардан иборат!

Фақат ҳақиқий тентакларгина ҳақиқатни қаерда эканлигини тахминан ҳис қилишлари мумкин, албатта, у ҳамма бир-бирига кўзини лўқ қилиб излаётган жойда эмас.

Сиз билан бўладиган машғулотларимиз давомида сизни шунақа ҳолатга олиб келаманки, норозилигингиздан вақти-вақти билан хўмрайиб, хурпая бошлайсиз...

Зарур бўлса, зангламас пўлатдан сизга бигиз ўрнатаман, керак пайтда ва керак жойда у автоматик тарзда ишлаб кетади.

Айнан шу ҳолатда, кайфиятни бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиш лаҳзаларида ёки тескариси, тажовузкорликдан тинч ҳолатга, асабийликдан хотиржамликка, норозиликдан ўта норозиликка ўтиш ҳолатида қабул этилган ҳар қандай маълумот узоқ муддатли хотирага келиб тушади ва у доимий хотирада сақланиб қолади.

Энди тушундингми, овсар? Яъни, муҳтарам ҳамкасаба!

Кейинги сафар ўзингизда ички лоҳасликни сезсангиз (буни ич кетиши билан ҳеч қандай алоқаси йўқ), сизда темир интизомлилик, онгининг ёрқинлиги, лаънати аниқлик каби Шахснинг буюклигини ташкил этувчи сифатлар уйғона бошлайди... бу сифатлар рўйхатини ўзингиз яна ва яна давом эттиравеишингиз мумкин.

У худди қор кўчкисидай қутуриб, йўлида учраган сиздаги барча шубҳа-ю ишончсизликларни супуриб ташлаб, ўз-ўзидан салбий маълумотларга қаршилик кўрсатади.


Қандай салбий маълумотлар дейсизми?

Бу ўзингиз ҳақингиздаги, гўёки сиз нимжон, кучсиз, бечора, бахтсиз шўрпешана, омадсиз, иродасиз деган фикрларингиз... Бу соҳада эришган ютуқларингизни қўшган ҳолда давом эттиринг.

Масалан, Сиз ҳали миллиард-миллиард долларларнинг ҳаммасини йиғиб бўлмадингиз. Хуллас, умуман олганда, сиз унақа-бунақасиз-да.

Бир сўз билан айтганда, сиз... ҳаммага ўхшаб иш кўрасиз, демоқчиман.

Назаримда, мен сиздан бир аъзоингизни кесиб, узиб, қирқиб олишим, бир сўз билан айтганда, сизни бутунлай бичиб ташлашим керак! Кейин эса сизнинг шунақа жойингизга ҳуқна қилишим керакки, у ичингиздаги ўзингизни камситувчи барча нолойиқ ўй-хаёлларни ювиб ташлашин!



Бир умрга! Эшитялсизми? Бир умрга!

Чунки бизнинг сиз билан умумий мақсадимиз – сизни ўзингиз кутаётган, ўзингиз истаётган, ўзингиз жуда ҳам хоҳлаётган эзгулик йўлида, яқинларининг бахт-соадати йўлида, насиб этса, бошқа одамларнинг ҳам фойдаси йўлида амалга оширмоқчи бўлган ишингизни қилишга мажбурлашдир.

Мана ниҳоят, энди тезкор ўргатиш услубини тит-питини чиқарганча, эзма маърузамни тугатишга рухсат этсангиз, маъруза давомида сизни қаерларгадир жўнатишга тўғри келди...

Қаерга эканини аллақачон билиб олдингиз!

Кетдикми?

ТЕСТ

ёки шу тўғрида

100 та эзма савол

Сўрашга рухсат беринг

• Сизда ўзингиз билан ички зиддиятлар юзага келиб турадими?

• Сиз учун «Афсуски!!!» деган ёзув остида қачонлардир кўмиб юборилган орзулар борми?

• Сиз ўзингиз ва яқинларингиз келажаги ҳақида хавотирга тушасизми?

• Одамлар билан мурося қила олмайсизми?

• Сизни сурункали пул танқислиги қийнайди ва сиз доимий равишда тирикчилик ғамиласиз?

• Сизда эзгу ишларни амалга ошириш учун ортиқча миллиардлар тўшланмаяптими?

• Сиз ўзингизни бировларнинг югурдагидек ҳис қиласиз, негаки ҳамма ишни сизга юклашади, яна ҳаммадан кўпроқ сизга гап тегади?

• Сизнинг назарингизда атрофдагиларнинг ҳаммаси ёмон, улар ҳамма ишни нотўғри қилаётгандай, нотўғри гапирётгандай, нотўғри нафас олаётгандайми?

• Сиз оёққа туришни истайсиз, ўзгаришни, буткул бошқа одам бўлишни хоҳлайсиз, лекин...

• Қалбингизда хотиржамлик, сокинлик, гўзаллик, яхлитлик, уйғунлик йўқми?

• Сиз бу ҳаётга мослаша олмаяпсиз ва ёлғизликдан қийналяпсизми?

Наҳотки, сиз яна 89 та саволни ўқишга тайёр бўлсангиз?

Сизга қойилман! Намунча меҳнаткашсиз-а!

Менинг табрикларим... ва ҳамдардлигимни қабул қилинг.

Ўқиш ва орзуларга берилишни биламиз, лекин ким ишлайди? Нима, менми?

Умуман олганда, ўзингизга-ўзингиз берадиган саволлар юзтадан яна тўрт карра кўпроқ. Улар оромингизни ўғирлаш билан бир пайтнинг ўзида ҳаётини ўта муҳим бўлган энг асосий нарсани тушиниб олишга ҳам халақит беради.

Улар сизни безовта қилиш билан бир вақтнинг ўзида сизга ажабтовур майда хурсандчиликлар келтиради, ахир, бу қанақаси, сиз ахир, бу ёруғ дунёдаги энг бах-т-си-и-з... миждовсиз-ку.

Сизни ҳеч ким тушунмайди!

О-о-о-о-о!!!

Буларнинг бари нима учу-у-у-н?

Азизларим, сизда бу офатларнинг барига доим жавоб ҳам, ечим ҳам бор.

Тушунаман, менинг бўлмағур гапларимни ўқишдан чарчадингиз ва назарияни четлаб ўтган ҳолда, тезроқ фойдали машқларни бажаришга киришишни хоҳлаяпсиз. Қуруқ ваъзхонликни жуда ҳам чўзавермаслик учун дарров амалиётни бошлашни орзу қиляпсиз?!

Машқларни хоҳлаяпсизми?

Мана сизга «амалиётчи»
қадрдоним! Биз ҳали
назарияга ҳам етиб
келмадик. Бу ҳали узундан-
узоқ бўлган «кириш қисми».



Машқларга ўтишни истаяписизми? Гапдан ишга ўтишни жудаям хоҳлаяписизми?

Яхши! У ҳолда сиз мустақил равишда бошлайверинг. Мен олдинроқда илдамлаб кетавераман.

Келишдикми? Йўлда гул ҳам сотиб олайми?

**Бир тасаввур қилинг-а,
сиз қанчалар АҚЛЛИСИЗ... _____**

Тасаввур қилинг! Сиз эрталаб, иродангиз стагида тўшагингиз олдидаги тувакчангиздан турдингиз ва учиб кетдингиз! Қуймучингиздан фаришталарникидай ўсиб чиққан қанотларингизни ёйдингиз ва...

Ёки уйғониб, илма-тешик кўрпангиздан бир амаллаб эмаклаб чиқиб қарасангиз, сиз — миллиардерсиз!

Ёки «пақ» этиб сеҳргарлик қобилиятингиз пайдо бўлди. Сиз мўъжизакорга айландингиз. Кўшлаб кароматлар кўрсата бошлайсиз... патлар билан. Бемалол бировларнинг фикрларини ўқий оласиз, келажакни башорат этиб, воқеа-ҳодисаларни бошқара бошлайсиз.

Зўрми?

Ишларингиз ҳам сеҳрли тасқча ишорасига бўйсунгандек силлиқ юришиб кетади.

Энг асосийси — ҳаётнинг ўзи сизга лаганбардорлик табассуми билан кафтларида омад рамзи бўлган ҳаммом япроғини узатиб турибди.

Анқовлар учун «ҳаммом япроғи» нима экани ҳақида тушунча бераман.

Русларда қадим замонлардан ҳаммомда терлаш анъанаси мавжуд. У ердаги одамлар яхшилаб қизиб, терлаб-пишиб, сўнгра қайин дарахтидан бўлган супургилар билан бир-бирини савалашади.



Ҳўл япроқлар, асосан, орқа қисмнинг пастроғида, дўнғак жойларга ёпишиб қолади.

Энди эса «ҳаммом» нималигини билмайдиганлар бўлса, бошқача тушунтираман. Бу жуда шаллобо ер бўлиб, озодалиқ баҳонасида иссиқ гулдасталар билан уришиш учун бориладиган жой. Ғолиблар орқа қисмнинг пастки томонига ёки ундан ҳам пастроғига ёпишиб қолган япроқлар сони билан аниқланади.

Япроқлар ёпишиб қолганида, ҳаётнинг ўзига хос таъмини сезасиз, бир вақтнинг ўзида унинг ҳам мураккаблиги ва соддалигини, уйғунлиги ва гўзаллигини ҳис қиласиз.

Яшаётган ҳар бир кундан, ҳар бир ҳаракатдан, ҳар бир олаётган нафасдан роҳатланасиз! Ички уйғунлик ва қувватга эга бўласиз.

Ўз ҳаётингизни ижодкор каби яратасиз!

Энди, диққат!

Тасаввур қилинг! Бир лаҳзагина тасаввур қилинг. Илтимос, руҳшуносингизга қасдма-қасд ҳолда тасаввур қилинг. Тасаввур қилингки, парвозлар, миллиардлар ва сизни башоратчилик қобилиятингиз, ҳис қилиш, идрок этиш, эзгулик йўлида хизмат қилиш ва бировларнинг ҳамда ўзингизнинг бахтингиздан лаззатланиш, – буларнинг бари **ҳақиқат**.

Ҳис қилиб кўринг, бу – ҳаётингиз ҳақиқат.

Айнан шундай деб ҳис қилинг! Бу эса, ҳақиқатда ҳам, мавжуд ҳодиса!

Ўз вақтида мен ҳам ишонмаганман. Лекин, ҳурматли ўқувчилар, биз билан ёнма-ён ёки уч-тўрт қадам нарида мисли кўрилмаган имкониятларга эга бўлган инсонлар яшайди ва улар бу имкониятларини авлоддан-авлодга узатиб боришади.

Ҳаммадан ҳам қизиги: сизлардан истаган бирингиз ўзида воқеа-ҳодисалар оқимида ижобий таъсир этиб, уни шакллантира олиш қобилиятини ривожлантириши мумкин, сўзсиз гапириши, ички нигоҳ билан кўра олиши, ма-

софада туриб ҳис қилиши, хаёлан келажагини кузатиши ва бошқа кўплаб нарсаларни бажара олиши мумкин.

Мўъжиза? Э, йўқ! Сиз буни қандай қилишни билмайсиз. Шунчаки бунга ҳаракат ҳам қилиб кўрмагансиз. Чунки атрофингизда фақат ўзингизга ўхшаган одамлар.

Ким ҳам биларди, мўъжиза дегани ўзи нима?

Тушунарлими? Эҳ, ҳеч балони тушунмадинглар!

Қисқаси, ўзингиздаги яширин қобилиятларни очмоқчимисиз? Бу ҳаётда нимагадир улгуришни истайсизми? Тарихда ном қолдириб, болаларингиз ва невараларингиз сиз билан фахрланиб юришини хоҳлайсизми?

Иззат-нафсингиз кучлими? Эзгулик йўлидаги буюк бунёдкорлик сари, комиллик сари интилиш, яратувчилик сари қизиқиш борми сизда?

У ҳолда ҳамма қила олиши мумкин бўлган оддий машқлардан яна биттаси мавжуд.

Ўзингиздан сўранг: «Мен кимман?»

Яхшилаб ўйлаб туриб, сўнгра жавоб беринг.

Қайта сўранг: «Мен кимман?»

Ҳар гал бошқачароқ тарзда жавоб беринг.

Шу тарзда яна қирқ марта. Янаям созроғи тўрт юз марта!

Хавфсизлик техникаси!!



Дастлаб инсон ўзининг ёлғончи «мен»идан халос бўла бошлаётганда унинг ички ҳолатида бўйшиқ юзага келади. Бу эса вақтинчалик асабийлашиб, сиқилиш ҳолатини ҳосил қилиши мумкин.

Агар ноқулайлик ва дангасалик ҳолатини сезсангиз, зинҳор ишлашдан тўхтаманг! Сирларимиздан яна бири шуки, токи ўзингизда эркинлик ва озодликнинг ҳаловатини ҳис қилмагунча тўхтамаслик керак.

Ишчи варақа №1



Тўлдириш шарт!

Жавобларингизни шу ерга ёзинг.

Мен кимман? _____

Мен кимман? _____

Мен кимман? _____

Мен кимман? _____

Мен кимман? _____

Мен кимман? _____

Мен кимман? _____

Мен кимман? _____

Мен кимман? _____

Мен кимман? _____

Қолган 399 варақни ўзингиз мустақил ёпиштиринг!
Кейинги душанбагача тўлдиринг!

Диққат билан санаб кўринг: ўзингизни ҳеч ким эмас-
лигингизни ҳис этган ҳолда неча марта жавоб беришга
тўғри келди? Ва ёлғончи «мен»ингиз томонидан топтал-
ган, камситилган ҳамда йўқ қилинган ҳақиқий «мен»ни
ҳис қилгунча неча марта жавоб бердингиз?

Давом этинг. Ўзингиздан сўранг: «Мен қаерга кетяп-
ман?»

ИШЧИ ВАРАҚА №2

*ўз ичингиздаги ҳақиқат сари интилинг, бунёдкорлик
ва буюк имкониятларингизни англаг*

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Мен қаерга кетяпман? _____

Яна қанча варақ керак бўлиши ўзингизга ҳавола.

ИШЧИ ВАРАҚА №3

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Мен нима учун яшамоқдаман? _____

Бу каби варақлардан яна қанчалигини биласизми?

Энди эса энг муҳими: бу саволларга қаердан жавоб топиш мумкин?

Агар сизда меҳрибон маслаҳатчилар томонидан, ақлли китоблардан, бошқалар тажрибасидан олинган ва сизгача ҳаммаси силлиқлаб қўйилган тайёр жавоблар бўлса, сиз «ҳақиқат»нинг тагига етибсиз ва энди бемалол китобни ёпиб қўйишингиз мумкин. Бизнинг сиз билан гаплашадиган гапимиз қолмади. «Музлатилган»лар билан мулоқот чоғида ўзимда баъзи бир ноқулайликларни сезаман.

Агар жавоблар бўлмаса, бунинг сабабини билиш қизиқ.

Шунчаки:

- **ҳақиқатни ўргатиб бўлмайди;**
- **ҳақиқат тайёр ҳолда берилмайди;**
- **ҳақиқатни англаш ва унга етишиш ўзгалар томонидан берилмайдиган ва ақл билан етишиб бўлмайдиган шахсий тажриба орқали содир бўлади.**

ФАННИНГ ФОЖИАСИ: _____

Тухум товуқдан ақллироқ!

Қадрдонларим! Сизларни кичкинагина бир сайрга таклиф этсам?

Келинг, ўттиз йил орқадаги чекка йўлга ўтамиз. Патлари тўкилган товуқлар тўдасидан қолган чиқиндиларни оёғимиз билан оҳистагина тепкилаганча, кўримсиз чекка қишлоқнинг чанг кўчалари бўйлаб сайр қиламиз.

Сувоқлари кўчиб кетган бир уйга кирамиз. Афт-ангорларида ўсмирлик ҳуснбузарининг илк нишонасини намоёйиш этганча, сариштагина мишиқи болалар ўтиришибди.

Ҳамма қатори оддий кийинган чолларнинг тушунарсиз фалсафасини тинглаймиз. Бу чоллар шу қадар оддийки, уларни кўча-кўйда учратсак, эътибор ҳам бермай ёнларидан ўтиб кетиш мумкин...

Улар шунақа ҳам ҳайратланарли, ғалати ва ишонгинг келмайдиган нарсалар ҳақида гапиришар эдики, бу гап-сўзлар на бу сувоғи кўчган уйга, на ҳадеб ювилаверганидан оҳори тўкилиб, енглари титилиб кетган эгниларидаги кўйлакларига мос келмайди.

Улардан ҳайратланарли улуғворлик ва меҳрнинг қудрати таралар, ҳазил-мутойибалари эса атрофга доимий хушчақчақлик улашиб турарди.

Бир сўз билан айтганда, хушчақчақ масхарабозлар ва ҳазилкашлар тўдаси. Улар одамнинг ишонгиси келмайдиган, тасаввур қилиш қийин бўлган, хаёлга сиғмас имкониятлари тўғрисида гапиришарди.

Ҳаттоки менга, хаёлпарастлик дунёсида яшайдиган ўн беш ёшли йигитчага ҳам буларнинг ҳаммаси кичкинтойларнинг эртагидай туюларди.

Тўпланганларнинг орасида мен ҳам бурун ковлаб ўтирганча, буларнинг бари қачон тугабини сабрсизлик билан кутардим. Бир пайтнинг ўзида амакимга пойтахтда ўқиш нима учун кераклигига ишонарли баҳоналар топиш ҳақида ўйлардим.

Тўғриси айтганда, шунчаки шаҳарга кетишни хоҳлардим. Чиройли кенг кўчалари бўлмаган, юзларида ақллилик ифодасини кўрсатиб юрувчи тўда-тўда одамлар у ёқдан-бу ёққа шошиб юрадиган кўчалари бўлмаган қолоқ қишлоқда қолишни хоҳламаётган эдим. Бу ерда телевизорларда кўрсатиладиган қаҳрамонларнинг ҳаётига ўхшаш муҳит йўқ эди.

Қайси бир йигитча талабалар орасида бўлишни хоҳламайди дейсиз, айниқса, у талабаларни ҳозирча фақат киноларда кўрган бўлса?!

Шундай жойга тушишни орзу қилганча, ўй-хаёлларим чизган саргузаштга тўла ҳаётни кўзлардим.

Катталарнинг гап-сўзи билан мен ҳам раҳматли амаким ҳақида бироз калласи кирди-чиқди деб ўйлашга ўрганиб қолган эдим, жойи жаннатда бўлсин, у доим қандайдир мактаб тўғрисида таъкидларди:

– Бу мактабда ўқиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиш – Яратганнинг катта марҳамати.

Кейин эса бу баландпарвоз сўзларни унинг яшаш шароити билан солиштирардим: керосинка устидаги динозаврлар давридан буён ювилмаган чойнак, кичкина қурилиш майдончасининг ёнида турган филдиракли ёғоч вагонча, амаким ўша ерда яшар ва қоровуллик қиларди.

Ўй-фикрларим бир-бири билан зид келарди. Фақат кўп йиллардан кейингина тушундим, **бу чолларга** қаерда ва ким бўлиб ишлаш, ташқаридан қандай кўринишларининг фарқи йўқ эди, бу нарсаларга улар тупуриб қўйибди, чунки ҳақиқий хазина ҳукмдори, эгаси ким эканини улар яхши билишарди.

Мени ҳайрон қолдирган нарса, оддий ўзбек қишлоғида бир пайтнинг ўзида украинлар ҳам, ўзбеклар ҳам,

яхудийлар ҳам бирга бўлиб қолгани ҳамда уларнинг ҳаммаси ягона Худо ҳақида гапиришлари эди. Шунақа туйилардики, гўё улар бир-бирини узоқ вақтлардан буён танийдигандек, худди бирга ўсишгану, энди бир-бирларига эгизаклар каби боғланиб қолишгандай эди.

Улар аллақандай сирли қудрат тўғрисида гапиришар, лекин мен бу гапларнинг барига телевизор экрани орқали қарардим. Чунки улар яшаётган кўримсиз ҳаёт тарзи, оддийлик, камсуқумлик тақлид учун иштиёқ туғдирмасди.

Ўшанда, ўттиз йил олдин хотирамда сақланиб қолган кун, йигирма иккита Устоз ўтирган эди. Шогирдликка талабгорларнинг икки-учтасига биттадан устоз тўғри келарди. Ўзимизча қандайдир имтиҳон ҳам топширдик, унинг маъносини мен кўн йиллар ўтгач англаб етдим.

Менинг нима сабабдан у ёққа бориш истагим бўлмаганини сиз аллақачон билиб олдингиз. Лекин мендан сўраб ҳам ўтирмай... қабул қилишди.

Эртасига бизни йиғиб шундай дейишди:

– Ўғилларим, бугун сиз ўзига хос мактабдасиз. Қайси мактаб яхшироқ: шинамгина, катта ва ёруғ синфлар, спортзаллар, кўплаб ўқув анжомлари ва қўлланмалари, кўплаб болалари ва билимли одамлари, яъни муаллимлари бўлганими ёки бунисими?

Сизнинг ёшингизда биз ўша мактабни таплардик. У ерда сиз физика, математикани ўрганасиз, шеърлар ва дostonлар ёдлайсиз. У ерда ҳамма нарса тушунарли, ҳамма нарса жой-жойида. Кейин олий ўқув юртларига борасиз, муҳандис, конструктор бўласиз, шаҳарлар қурасиз...

Бу мактабда эса ҳаммаси жуда мураккаб бўлади, ҳаммаси тушунарсиз ва сизнинг тасаввурингизда у мактаб билан рақобатлаша ҳам олмайди.

Кейин улар улғайганда ким бўлишимиз билан қизиқишди. Мен авиаконструктор бўламан дедим. Мени мактаб қўйишди:

– Баракалла!

Кейин давом этишди:

– Биз қадимги билимлар номуносиб одамлар қўлига тушиб қолмаслиги учун юз йил олдин мактабимиз фаолиятини тўхтатиб қўйдик. Йигирма йилдан кейин сизнинг билимингиз, сизнинг кучингиз, имкониятларингиз одамларга керак бўлади. Сиз бизнинг биринчи қалдирғочларимизсиз.

Кейин қизиқишди:

– Саёҳат қилишни яхши кўрасизми?

Албатта, ҳаммамиз бирдан:

– Ҳа-а, яхши кўрами-з-з! – дедик.

– Бизнинг мактабда ҳам, – дейишди улар, – кўп синфлар бор, лекин улар турли қаватларда эмас, балки ҳар хил қитъаларда жойлашган. Сиз ҳозир мактабда эмас, синфда ўтирибсиз, мактаб эса дунё бўйлаб сочилиб кетган. Синфдан синфга ўтиш учун бутун дунёни айланиб чиқишингизга тўғри келади.

Улар шу тариқа қармоқ ташлашган эди. Биласизки, ҳар бир йигитнинг қалбида буюк саргузашт ихлосманди, буюк саёҳатчининг туйғулари яшайди. Ўзингизнинг ўша даврингизни эсланг? Лекин, ҳақиқатан ҳам, жуда кўп жойларда бўлишга тўғри келди.

– Ҳар бир мактаб ўз битирувчилари билан фахрланади. Бизнинг мактаб жуда қадимдан мавжуд ва дунёга кўплаб буюк Устозлар, буюк Пайғамбарларни берди.

У дунёга учта динни берди. Бизнинг Устозлар – бизнинг мактаб ўқувчилари – улар минг-минглаб: Умар Хайём, Алишер Навоий, Фирдавсий, Румий...

– Ҳозир, – улар ҳар биримизга биттадан дафтар беришди,

– ўз истакларингизни ёзинг: нимани ўрганишни, ким бўлишни, қандай яшашни хоҳлайсиз. Ўн йилдан кейин эса ёзганингизни ўқиб кўрасиз.

Биз бурчакларда ўтириб олиб ўз орзуларимизни ёза бошладик. Сездирмасдан кулиб қўярдик: «Буни қара-я! Ўн йил! Ахир бу бутун бир абадиёт-ку!»

Энди эса, менинг азизларим, олдимда учта лафтар ётибди. Негаки бу мактабда ўқиётганимга ўттиз йил бўлди. Турли йилларда, ёшларда ёзилган орзуларимни ўқиб, хижолатдан қизариб кетдим. Уятдан бошимни қўлтиғим тагига тиқиб, кўз қирим билан ўқидим.

– Ўғилларим, – дейишди улар ўшанда, – бугун ҳаёт йўллариңизни ўйлаб кўришнинг охириги имконияти. Яхшилаб ўйлаб кўринг.

Сизлар нимани танлашингизни биламиз. Лекин анъанамиз талабига кўра, биз барибир буни сиздан сўрашимиз керак. Ўшанда келажакда, бу ҳақда эслаб, бу йўлни ўзингиз танлаганингизга ишончингиз комил бўлади.

Улар яна кўп нарсалар ҳақида гапиришди. Ўшанда менга улар кун бўйи нималарнидир гапиравергандек туйилган эди... Қандайдир сўзлар йиғиндиси. Лекин, тўғриси ўша пайт ҳеч нарсани тушунмаган эдим, орадан йигирма йил ўтиб ҳаммасига тушуниб етдим. Қаранг-а, ҳаммаси ёдимда экан!

Ўша пайт шогирдликка талабгорлар олтмиштача эдик. Ўн йилдан кейин йигирма учта қолдик. Ҳар Устозга биттадан шогирд. Бугунга келиб эса ундан ҳам камроқ. Биз бу мактабда неча хил фан ўтганимизни топинг-чи.

Устозлар айтишди:

– Аллоҳ Одам Ато ва Момо Ҳаволарни жаннатдан ҳайдагандан буён, уларнинг кўплаб авлодлари орқага йўл излашади. Бу йўлни топишга ёрдам берадиган илмларни ҳам излашади. Иккита йўл бор.

Биринчи йўл – «ТАҚЛИД ҚИЛИШ».

Бу йўл энг енгил, энг тотли... фақат бошида. Охирида эса энг қийин ва энг ачинарлиси. Бу ерда сидқидилдан меҳнат қилишнинг кераги йўқ. Бу ерда ҳамма қатори бўлиш ва ҳамма қатори яшаш керак. Лекин қариганда пучаймонлик, ғам-андуҳлар, афсусланишлар...

Қарилик – ҳозир сиз учун кўз илғамас масофадаги ноаниқ, ҳеч қачон етиб келмайдигандек бўлиб туюлган ту-

шунарсиз нарса. Худди узоқ-узоқлардаги туман босган орол каби. Ҳар бирингизнинг ишончингиз комилки, сиз ҳеч қачон қаримайсиз.

Бу йўлда ўйлаш, ўзингизни ортиқча уринтиришнинг кераги йўқ, фақат шунчаки хоҳиш-истаклар измида бўлсангиз бас.

Бу – **ғафлат босганлар йўли**. Бу – бошқаларнинг тажрибасини такрорлаш, ўзидан олдингиларга тақлид қилиш орқали дунёни билиш.

«Бўлғуси ҳукмдорлар учун сирли илмлар қонуни»да тахминан шундай дейилган:

«...Шундай давр келадики, одам бирон буюм ёрдамида бошқа буюмни юлдузларгача кўтариб, қайтариши, балки ундан ҳам узоқларга, ўн саккиз минг олам аро Аллоҳ ҳузурига кўтарилиши мумкин.

Шундай давр келадики, одам бирор буюм ёрдамида ўзини юлдузларгача кўтариши ва қайтиб келиши ёки ундан ҳам узоқларга, ўн саккиз минг олам аро кўтарилиб Аллоҳ таолонинг жамолини кўришга мушарраф бўлиши мумкин.

Бу фақат энди вақти соати билан. Бу вақт эса ўттиз сонияда ҳам ёки ўттиз минг йилдан кейин ҳам келиши мумкин. Фақат – вақт соати етиб келганда. Сизнинг ҳаётингиз шунча вақт кутиш учун старли бўлмаслиги мумкин.

Бу йўлда сиз билимларни олишингиз, излаб топишингиз, йиғиб, тўплаб мерос сифатида бошқа инсонларга қолдиришингиз мумкин. Сиз инсоният тарихида ўз изингизни қолдиришингиз, бу йўлдаги тажриба ва ҳаракатларингизни келгуси авлодга узатишингиз мумкин».

Иккинчи йўл – «ҲОЛ»

Ўша қадимги китобда айтилган: «Эсда тут! Минг йиллаб кутишга вақтинг бўлмаса ва сен ҳаётлигингда Яратганнинг жамолига етишиб, Унинг чексиз нурлари ичра сингиб кетмоқчи бўлсанг, ўзлигингни англаш йўлидан

бормоғинг керак. Чунки ўзингни англаб Аллоҳни танигайсан.

Ўзлигини англаш йўлидан кета туриб, ўзингдаги сирли кучларни оча бошлайсан, руҳиятингни кучи билан бирор нарсани кўтариб, юлдузлар қадар ёки ундан ҳам узоқроқ, ўн саккиз минг олам аро Аллоҳ даргоҳига йўллашинг мумкин. Ёки руҳиятинг кучи билан ўзингни юлдузлар қадар кўтариб қайтариб олиб келишинг ёки ундан ҳам узоқроққа – ўн саккиз минг олам аро Чексизликка қадар кўтаришинг мумкин.

Бу йўл бошида сен одамлардан нафратлана бошлайсан ва бу ҳолат сенда бора-бора ҳамдардлик туйғуси билан алмашади.

Ҳамдардлик орқали сен ҳақиқий Муҳаббатни англаб етасан.

Бадавлат бўлиб, камбағаллик ва бойликнинг асл моҳиятини англайсан.

Куч ва кучсизлик моҳиятини англайсан.

Асл ҳақиқатни англаб, унга етасан.

Кўшлаб одамлар орасида бўла туриб, ёлғизлик азоби-нинг нима эканини ҳис этасан.

Ўзингда дунёни ҳақиқий англаш имкониятини очар экансан, одамнинг асли қандай бўлса шундайлигича кўриб, бир вақтнинг ўзида ҳам шодланиб, ҳам қайғуга ботиш аламини татиб кўрасан».

Ҳақиқат берилмайди, ҳақиқатга англаш орқали етилади.

Тақлид йўли. Енгил билимларни олиб, бу йўлда шахс йўқолиб кетади, фақат тўдага сингиб кетган шакли қолади. Бу йўлда ҳақиқатга етишиш жуда қийин.

Ҳол йўли – инсоннинг комиллик сари тутган йўли. Бу йўлда ҳаракатдаги ҳар бир инсон ҳақиқатга етиши мумкин. Унинг камчилиги шуки, куч-қобилиятлари, муҳаббати, қудрати ва ҳақиқатга етиш йўлида қўлга киритган имкониятларини бошқа бировга бера олмайди. Бериш жараёнида, ўзганинг онгида акс этган ҳақиқат нобуд бўлади.

Бу йўлдан кетаётганнинг вазифаси – баркамол инсонни таниши, топиб олиши, кашф қилиши ва унга кейинги маррани белгилаб бериши.

«**ҲАҚИҚАТ**» деб номланган **учинчи йўл** шундай пайтда пайдо бўладики «...икки йўл ҳам уйғунлик билан бирлашиб дарёга айланса, ўшанда комил инсоннинг вақт соати етади. Биз шунинг учун ҳам бу ердамиз».

Улар айтишди: «Ана энди танланг!».

Менимча, суҳбатга берилиб, сиз билан ниқобсиз гаплаша бошладим. Агар шундай давом этаверса, сиз ухлаб қоласиз. Сизни бироз қизиқтириш учун Устозларимнинг бири билан бўлиб ўтган воқеани гапириб бераман.

ТИМСОҲДАН

қандай бўса олиш мумкин?_____

Хавфсизлик техникаси

У пайтларда мен Устозимнинг қўлида югурдак бола эдим, шунингдек ҳайдовчилик ҳам қилар эдим. Бир куни тўйгами, азагами борадиган бўлдик – аниқ эсимда йўқ – эсимда қолгани, у ерда тумонат одам бўлиб, жуда тикилинч эди.

Эллик километрча йўл юрганимиздан сўнг, йўлимиздан жуда баҳайбат эчкемар чиқиб қолди! Тирик эчкемар! Умримда биринчи марта кўришим!

Бирдан тормозни босдим... Машинани тўхтатдим. «Нима? Нима?» – кутилмаганда чўчиб тушди Устоз.

Мен:

– Қаранг, эчкемар! – дедим.

У бўлса кетяп-т-и, кет-яп-ти... Мен уни кўриш учун машинадан сакраб тушиб, орқасидан югурдим. Отахон машина ойнасидан мўралаб, деди:

– Кетдик! Ўғлим, биз кеч қоляпмиз.

– Яхшилаб кўриб олай!

– Майли, – деди у, – орқага қайтаётганимизда кўрарсан, у сени кутиб туради.

Эчкемар бўлса юра-юра тўсатдан тўхтаб, ён томонга ағдарилди, сўнгра орқасига айланиб чалқанча ётиб олди. Отахон деди:

– Кетдик.

Кейин биз кетдик. У ерда чамаси икки ёки уч соат бўлдик, орқага қайтаётганимизда эса, мен эчкемар ҳақида унутишга ҳам улгурган эканман.

Отахон эслатди:

– Сен эчкемарингни кўришни истамайсанми? Бу Тангрининг яратганини, балки қийнаб ўтирмасмиз?

– Кўраман! Албатта, уни кўраман.

Уни қаерда кўрганимизни эслай бошладим. Етиб келдик.

– Ҳўв, ана у ерда. Қани, бор!

Қарасам, эчкемар ҳали ҳам қуёшда тобланиб ётибди. Шунақаям катта! Яқинлашишга қўрқяпман. Эчкемарни думи билан жуда қаттиқ уришини қаердадир ўқиганман ёки эшитганман.

Устозим деди:

– Қўрқмасанг-чи, у сенга тегмайди.

Яқинроқ бориб қарадим: кўзлари очиқ ҳолда менга қараб турибди, тили у ёқдан-бу ёққа бориб келади.

Мен эчкемарни қўлимга олдим, уни ҳамма томонидан қараб чиқдим.

– Бўлдим, – деди устоз, – кўнглинг хотиржам тортдим? Маҳбубангнинг васлига тўйдингми? Юзидан бўса олсанг бўлармиди?

– Ҳа, раҳмат.

Мен эчкемарни ерга қўйишга улгурмасимдан, у сакраб оёққа турди-да жуфтакни ростлаб қолди!

Демак, Устоз бу эчкемарни ўзининг ирода кучи билан шунча вақт, деярли йигирма километр оралиқдаги масофада тўхтатиб, ушлаб тура олган! Лекин қандай қилиб? Бу қандай куч бўлди экан, балки у ҳайвонлар тилини билар?

Модомики, кимдир бундай қобилиятни эгаллаган экан, демак, бундай қобилият сизда ҳам бор, фақат уни уйғотиш керак! Фикримга қўшиласизми?

Демак, давом эттирамиз.

Мана, сизга яна бир воқеа.

«Суннат санъати» дегани нима? _____

**Зарвараққа ўралган навбатдаги
ноқислик мажмуаси.
Фақат сиз учун!**

Суннат нима эканлигини биласизми? Бу байрам, устига-устак жуда катта байрам, чунки той бола энди эркак ҳисобланишини англатади. Бунақа урф-одат ўтказилаётган оилага шу куни минг-минглаб одамлар меҳмон бўлиб келишади.

Устозимнинг қўшниси ҳам шундай байрам ташкил қилди. Кечқурун меҳмонлар ҳовлида тўплана бошлади, чунки ҳеч қандай хонада минглаб меҳмонни сиғдириб бўлмайди.

Хурсандчилик авжига чиқиб, давракаш микрофонни қўлига олиб энди гапиришни бошлаганда чироқ ўчиб қолди. Оёқ тагида ўйнаб юрган болаларнинг бахтига ҳамма нарса қоронғиликда қолди. Уй эгаси қанча йиллардан бери бу байрамга тайёргарлик кўрганди. Балким ўзи емай-ичмай, яхши кийим киймай, йиғиб-териб топганини шу меҳмонларнинг олдига сочиб, уларнинг кўнглини овламоқчи бўлгандир.

Энди тушунгандирсиз бу одамнинг аҳволини? Тўй эгаси тушкунликка тушди.

Устоз — унинг ёши анча улуғ, ҳар ҳолда юздан ошган — байрамда қатнашмай, ўзининг уйидаги очиқ айвонда ўтириб, байрамни томоша қилаётганди. Чироқ ўчиб, галла-говур бошланганда, мени чақирди: «Кетдик, ёрдам бериш керак».

Ўзининг уйдан чиқиб, қўшнидан сўради.

- Байрам учун тўртта терагингни берасанми?

У бўлса, деди:

- Керак бўлса уйимни ҳам ёқишга тайёрман, фақат ҳозир одамларнинг кўнгли чоғ бўлса бўлгани.

Устоз деди:

- Унда сенинг байраминг шундай бўладики, уни бир умр эслаб юришади. Хотиржам бўл. Бориб, ишларинг билан бемалол шуғулланавер. Ҳамма ёқни чароғон қилишни мен ўз зиммамга оламан.

Кўшнининг меҳмонлар ўтирган боғининг уч томонида узун, пирамида шаклидаги тераклар ўсиб ётар эди.

Қария инқиллаганча, чеккадаги дарахт ёнига келиб, у ерда нималардир қилди. Бу дарахт пастдан тепасигача тафти паст ғалати олов каби ёна бошлади.

Тассаввур қилинг! Тун, кўплаб одамлар дастурхон атрофида. Тўрт бурчакда бўлса баланд гулхан. Болалар кулгудан, хурсандчиликдан, завқу шавқдан ақлдан озаёзди. Шунақа томошаки, шаҳардаги мушакбозликлар бунинг олдида ип эшолмасди.

Бунақа қилиш мумкинлигини назарий жиҳатдан билсам-да, лекин амалда энди кўриб туришим эди. Менинг вазифам одамларни кузатишдан иборат эди. Ҳаммадан ҳам қизиги: улар бу ҳодисани худди одатий ҳолдек қабул қилишди. Ярим соатдан кейин, улар қанақа ёритгич остида ўтирганларини эсдан ҳам чиқариб юборишди. Дарахтлар ёняпти, одамлар эса еб-ичиб вақтичоғлик қилишяпти. Идиш-товоқларнинг шовқини, ғалағовур гап сотишлар ҳам авжига чиққан.

Мени ҳар доимгидек ҳайратга солгани: улар нима бўлганини умуман тушунишмади. Бироздан кейин ёнаётган дарахтлар ёнида ҳеч ким қолмади – ҳамма боши билан ўйин-кулгуга ва овқат ейишга шўнғиб кетди. Фақат бир неча болаларгина олов билан тажриба ўтказишда давом этишарди.

Устозим ҳузурига чақириб, шундай деди: «Байрамнинг ташқи дабдабаси – бекорчилар учун. Бор, ундан

кўра фойдали иш билан шуғуллан – ўрган. Бу нарсани яна қайта кўрсатиш учун аввалги куч-қувватим йўқ».

Мен ёнаётган терак ёнига келдим. Унинг тафтидан, дарҳол ортга тисландим. Устозимнинг ёнига қайтиб келиб:

• Ўзи нимани ўрганиш керак? Ҳа, дарахтлар ёняпти... – дедим.

У эса:

• Аҳмоқ, япроқларига қара. Бу иссиқ – кўзи ожизларни алдаш учун. Мана шунга, лаққа тушиб ўтирибсанми, овсар? Ўз-ўзингдан ҳар кунги ҳақиқатни бекитяпсан-ку, – деди.

Дарҳақиқат, кўзларим мени чўчитди!

Яна дарахтга одамлар сезмайдиган томондан яқинлашдим. Ўзимдаги қўрқувни енгиб, олов ичига кирдим. Бир неча қадамдан сўнг ҳарорат тафти йўқолиб, ғайритабiiй совуқлик кучли салқин шабада бера бошлади.

Ҳалигача ҳайрон бўлишдан чарчамайман. Одамлар бақиряшади: «Мўъжиза, мўъжиза кўрсатинг!» Мўъжизани кўрсатганда эса, бепарволик билан елка қисиб қўя қоляшади. «Бу одатий нарса-ку... Шундай бўлиши табиий...» Ёки уни умуман пайқашмайди.

Келинг, таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Эҳтимол сиз: «Бу нарса оммавий гипноз» дейишингиз мумкиндир. У ҳолда тумандан – ўн километрлик масофадан – ўт ўчирувчиларнинг етиб келишига бало бормиди? Ўша масофадан туриб кўришган! Гувоҳлар фақат меҳмонлар ва қишлоқ аҳолиси эмас, яна бутун бошли ўт ўчирувчилар жамоаси.

Эрталабга яқин ҳамма тарқала бошлади. Улар бу воқеа ҳақида ўйлашни ҳам эсдан чиқариб юборишди, олов ўчганини эса сезишмади ҳам.

Энг муҳими эса, биронта ҳам дарахтда ёнғин изи йўқ эди. Тераклар ям-яшиллигича турарди!

Менимча, буни фақат икки одам сизди – қўшни ва мен.

ҲАҚИҚАТ СИЗНИНГ БОТИНИНГИЗДА...

Проктолог қабулига ёзилинг

Сайр қилдикми – ҳозирча етарли.

Хўш, энди нима қиламиз? Ҳақиқат берилмайди, унга англаш орқали эришилади, деган суҳбатимизга қайтамиз.

Бир неча ой мобайнида сидқидилдан ҳаракат қилиб, кичкинтойнинг пул идишига йиғилган чақаларига сотиб олинган музқаймоқнинг таъмини сизга қандай қилиб етказа оламан?! Ялаб кўришга беришим мумкин эди...

Лекин! Бу менинг музқаймоғим! Бу музқаймоқ – менинг ҳақиқатим.

Мен қачон «музқаймоқ» десам, сиз ҳам шу нарса ҳақида ўйлайсиз, лекин сизники барибир бошқача.

Ишонтириб айтишим мумкинки, меники сизга, сизники менга ёқмаслиги мумкин, чунки бизнинг болалигимиз бошқа-бошқа. Ҳар биримиз уни бири-биримизникидан олисдаги ўз жаннатимиздан қидирамиз.

Ўтган йили курорт шаҳарларнинг бирида айланиб юрардим. Зерикканимдан газета дўкони олдида келдим, журнал сотиб олиб ўриндиқда қуёшда тобланиб ўтираман, деб ўйладим.

У дўконда музқаймоқлар ҳам бор экан. Музқаймоққа муносабатим музқаймоқдай, яъни совуқ. У ерда эса музқаймоқнинг турфа хили кўз қамаштирар даражада хориждан келтирилган ранг-баранг қоғозларга ўралган. Ҳавасим келиб, кўп йиллардан буён шунақа нарса емаганимни эсладим. Энг қимматини ва мазалисини сўрадим. Шошмасдан ўриндиққа ўрнашдим-да, лаззатланиш

дақиқасини кутиб, тантанали равишда ўрамларни очдим. Битта тишлашим билан дарров ғафлатдан уйғондим!

Бу нима? Бу музқаймоқ эмас! Бу қиммат атирсовундан тайёрланган бемаза аралашма! Ҳаммасини бузишиб-ди! Ютганимни ҳам тупуриб ташладим. Ортимга қайтиб, энг гўзал ҳисларида алданган одамдай қатъий тарзда сўрадим:

– Музқаймоқ беринг!

– Ҳозиргина олдингиз-ку!

– Сиз менга нима бердингиз? Бу музқаймоқ эмас, атир-упа-ку! Мен сизга аллақандай дайди эмасман! Бу – ғирт одекалон-ку!

– Мана, танланг!

Иккита бошқачасини олдим. Ўрамини очиб татиб кўрдим, яна тупуриб ташладим. Уф-ф!..

Энди учинчи музқаймоқни оғзимга солганимда, нимани қидираётганимни тўсатдан тушуниб қолдим.

Болалик! Ўзимнинг болалигимни! Бу чиройли ўрамлардан, энди фаҳмлашимча мана нимани қидираётган эканман!

Қайтдим. Яқинлашдим. Бироз хижолат тортиб турдим. Менга энди ноқулай эди. Биласизми, нима дедим?

– Офтобим, қадрдоним! Болалик соғинчи бўлган музқаймоғимни қидиряпман. Биламан, сизда қоғоз стаканда сутли музқаймоқ бор. Ҳар қандай нархга сотиб олишга тайёрман!

– У бошида ҳайрон қолди, кейин кулимсираб:

– Тушундим, – деди.

Қидириб, кавлаб, ҳатто боши билан аравасининг ичига кириб кетди.

Бир муддат излаб-излаб бир бурчакда қолиб кетган, уялганидан ғижимланиб қолгандай қоғоз стаканни топиб, худди кўзбойлағичдай тантанали тарзда узатди:

– Мана?

– Ўхшайди! Қанча?

– Текин! Фирмадан совға!

Фақат ҳозир эсладим: ўшанда ҳатто «рахмат» айтишни ҳам унутибман.

Татиб кўрдим... Ўша!!!

Сизга тушунарли бўлиши учун, уни қанақа эканлигини тушунтираман: бир стакан сутни бир бочка сувга аралаштиришади, бир чой қошиқ шакар қўшилади, стаканда эса ёзув «Made in... чаламузлаган».

Лекин меники янада мазалироқ эди.

Қандай қилиб музқаймоқ фирибгарларига миннатдорчилигимни билдирсам экан? Улар мен учун вақт машинаси ихтиро қилишганини билишмайди ҳам!

Ўриндиққа ўрнашиб олиб, сокин хотиралар оламига саёҳат қилдим. Беғуборлик уммонига фарқ бўлдим! Йўқ, мен бу музқаймоқни емадим, унинг қуёшда эриб булоқдек тоза сувга айланишини завқ билан кузатдим. Томаётган томчиларни ялаб ҳузурланардим.

Музқаймоқ ялаганча оддий ҳақиқатни англаб етдим. Ўз ичимдаги ҳақиқатни. Сизга кулгилими? Сиз ҳеч нимани тушунмаган бўлсангиз, у ҳолда менга кулгили эмас!


Ҳақиқат ҳар доим бизнинг ботинимизда!

Ҳамма саволнинг жавоблари ҳам шундай. Фақат арзимаган нарса қолди – ўз юрагингизни тинглашни ва тушунишни ўрганиб, ундаги буюк кучларни уйғотиш!

Ҳақиқатга кириш йўлини қандай топиш мумкин? Мана бу эса энг асосий савол. Унда сизнинг кўплаб муаммоларингизни ечими япиринган сеҳрли эшикнинг калити бор. Мана шу калитни биз биргаликда излашга тушамиз. Сизга буларнинг бари тушунарлими, менинг ҳурматли Буратином?

Агар тайёр бўлсангиз, агар юрагингиз «гуппилаб» ураётган, қийинчиликлардан чўчимаётган бўлсангиз, агар белда кучингиз бўлса...

Оҳисталик билан маҳоратни ошириш машқларига ўтишга тайёрланинг. Бу китоб орқали суҳбатимиз бизнинг сафардаги ўзига хос йўлдошимиздир. У-бу ҳақда суҳбат қуриб, йўл қисқарганини сезмай ҳам қоламиз.



Агар тайёр бўлсангиз, оқ йўл!

Катта театрнинг соялар ва буюк беъманиликлар томошасига борамиз.

Биз сиз билан ўзича бу дунёни бошқаряпман деб ўйлаётган ногиронларнинг қоронғи дунёси орқали ўтамиз. Бир сўз билан айтганда, оддий одамлар дунёси, яъни уларнинг барча академиялари, вазирликлари, фақат овқат ейишдан бўшамай, орзуларга берилган одамлар билан лиқ тўла бўлган бошқарув ташкилотлари орқали ўтамиз.

Беш сезгилilar ҳақидаги бўлимга хуш келибсиз.

P. S

Ҳурматли ўқувчилар, жавондаги ардоқли папкаларимиздан у-бу нарсаларни олиш учун бизга ҳам гал етиб келди.

Биз Мирзакарим Санақуловичнинг кўп йиллик маҳорат ошириш машқлари орқали етишган қобилиятлари ва имкониятлари ҳақида гапириб бермоқчи бўлганимизда, ҳар доим унинг томонидан қаттиқ қаршиликка учраймиз. Айнан шунинг учун ҳам биз бу папкаларни яхшилаб бекитишга ҳаракат қиламиз.

Бу папкаларда дўстлари ва танишларининг унинг ҳаётида бўлиб ўтган турли-туман воқеаларни гапирганлари

қогозларга ва кассеталарга туширилган ва тикиб қўйилган. Бошқача айтганда, бу – гувоҳ бўлганларнинг ҳикоялари.

Ўқиб бўлганингиздан кейин билингки, биз уларни яна ҳам ишончлироқ бошқа жойга бекитган бўламиз!

Қуйида ёзилган воқеани ўқиб, Мирзакарим Санақуловичнинг ҳазилакам жаҳли чиқмади ва даргазаб бўлиб бу тўғрида ўйлаганларининг ҳаммасини бизга гапириб ташилади (бу ерда ҳаммасини сўзма-сўз келтирамыз):

– Бу ерга нималарни тиқиштириб ташиладиглар?! Буларнинг ҳаммасини қаердан топдиглар?! Наҳотки, тушунмаган бўлсанглар, буларнинг бари ёлгон ва бўлмагур гаплар! Қайси бемаъни буни тўқиди?! Ўша пайт, у ерда ташишлардан ҳеч ким йўқ эди. Бу нарсa китоб учун эмас!

Биз уни бу маълумотларни китобдан олиб ташламасликка кўндира бошладик, чунки бу маълумотлар нафақат қизиқ, балки ўқувчилар учун фойдали бўлиши ҳам мумкин.

Бизнинг кўндиришларимизга узоқ қаршилик кўрсатгандан сўнг, охири таслим бўлди ва ҳимоясиз табассуми билан хўрсиниб, деди: «Майли! Сизлар айтганча бўлақолсин! Энди эса жўнangлар, чақмачақарлар!»

Мирзакарим Санақулович, йўлдошларининг ўзлари хоҳламаган ҳолда ўша ҳодисанинг гувоҳи бўлганидан афсусланди.

– Бу менинг хатоим, – деди у. – Биринчидан, ҳис туйғулар измида бўлмаслигим керак эди. Иккинчидан, оддий одамлар орасида, уларда ҳали очилмаган қобилиятларни кўрсатиши бизга тақиқланган.

Лекин айнан шу одамлардан биттаси туфайли муаллифимизнинг биринчи марта метрога тушиши тарихи бизга маълум бўлди.

...Бир кун биз Мирзакарим ва яна битта таниш аёл билан метрога кетаётган эдик. У йўл-йўлакай ҳеч қачон

метрода бўлмаганини, метрода нималар борлиги ва у қанақа эканлигини айтиб беришни сўради.

Бизнинг ҳар биримизда катта одам ҳам, ўспирин ҳам, болалик ҳам мавжуд. Эркаклар бу нарсани яхшироқ тушунишади. Хуллас, аёл ҳамроҳимизнинг олдида ўзимизни кўрсатиб, худди товусдай гердайганча, метрога кириш учун зиналардан пастга тушдик. Кейин нима бўлди...

Қиш фасли, февраль, унинг оёғида бўлса енгил туфли, – нима бўлганда ҳам барибир у жанублик одам-да. Биз зинапоялардан тушаётганимизда, у сирпаниб кетди ва йиқилиб тушди. Боши билан муз қоплаган зинопояга урилди.

Унинг ҳозиргина юқори ғоялар борасидаги гап-сўзларидан кейин, оёқлари осмондан келиб ерда ётиши... шунақа кулгили эдики. Яна ёнгинамиздан ўтиб кетаётган йигит гап ташлади:

– Ҳой тўнка, қишлоқи! Бизнинг қизларга осилиб юришдан олдин шаҳарда юришни ўрган!

Одамлар тўлқини тўхтовсиз келаркан, Мирзакаримга ҳамма унинг устидан кулаётгандай туйилди. У бошини ушлаган ҳолда биздан сўрай кетди:

– Улар нимага кулишяпти? Э, Худо, булар қанақа тарбия кўришган?! Нимага кимдир ўламан деса, бошқалар куламан дейди?! У мени нима деб масҳара қилди?! Мен тўнка, у бўлса одамми?! У фақат шаҳарда юришни билгани учунгина одам бўлиб қолибдими?!

– Тўхта-чи, азизим!

Йигит ҳатто қайрилмади ҳам. Тишлари орасидан:

– Э, бор йўқол... Сендақалар ҳаммаёқни босиб кетган!

Мирзакарим худди ёш боладай хафа бўлиб, ўзини оқлай бошлади:

– Мен уларга нима ёмонлик қилдим?! Ахир мен йиқилдим-ку, улар эмас! Нимага улар мени ҳақоратлашади?

Биз уни тинчлантира бошладик, лекин у ҳазилакам жаҳлга минмаган эди:

– Ҳа, демак, улар шаҳарда юришни билганлари учун ўзларини одам деб аташадими?! Агар мен улардан бунни тортиб олсам, уларда нима қолади?

Бирдан ўша йигит, ҳе йўқ, бе йўқ, тўғри йўлда ўзидан-ўзи қоқилиб, йиқилиб тушди. Оёққа тураман дейди-ю, яна йиқилади.

Кейин Мирзакарим зинапоя томонга юзланди, катта шаҳарларга хос кенг зинада одамлар тўлқини тўхтовсиз оқиб келарди.

Бирдан шу пайт ким зинапояда турган бўлса, бариси қоқила-қоқила пастга туша бошлади. Улар ўринларидан туриб йиқилишар, туришар ва яна йиқилишарди. Бизнинг Мирзакарим эса гапдан тўхтамасди:

– Демак, сизлар юришни биласизларми?! Мана сизга қишлоқи чуркадан совға. Қани, бис! Яна бир бора талабларга биноан сўраймиз!

Биз бу одамларнинг ёнини олмоқчи бўлдик, у бўлса бизни силтаб ташлади:

– Аралашманг!

Шу тариқа биз ҳам жаҳл устида тегишлисини олдик.

Ва яна, худди буйруққа бўйсунгандай, энди оёққа кўтарилган ҳамма яна тойиб кетарди. Бизни ҳаммадан ҳам ҳайратга солгани, ҳаммасидаги завқли қийқириқ ва умумий кулгунинг кайфияти эди.

Кейин у нафасини ростлади:

– Бўлди! Кетдик бу ердан. Сизнинг бўлмағур шаҳрингиздан мени кўнглим айниятти. Ўзимнинг ожизлигимни кўрсатиб қўйганим учун кечирасизлар. Назаримда мендаги эски аламнинг рефлекслари ишлаб кетди. Айнан «чурка» сўзини ишлатиб, ҳарбий хизматда мени кирза этиклари билан тепкилашган, яна шунчалик тепкилашганки, ногиронликкача етказишган! Шундай экан, кечирим сўрайман!

Бугундан бошлаб сизларга сўз бераман, ҳаммангиздан ҳам ортиқроқ ва намуналироқ шаҳарлик бўламан. Айтгандай, улардан ҳеч бири жабрланмади, мен бунинг

олдини олдим! Бу қилмишим учун эса ҳали Устозларимдан тегишлисини оламан!

Кейин Мирзакарим бирдан қайрилиб, бояги «гап устаси» томонга қараб кетди. Биз, «нима, у энди уришмоқчи бўляптими», деб қўрқиб кетдик ва орқасидан югурдик!

У ҳалиги йигитга яқинлашиб, унинг ўрнидан туришига ёрдам берди ва елкасини қоқиб деди:

– Кечир, оғайни! Мен ҳозир сенга нисбатан бўлган муносабатимда навбатдаги хатога йўл қўйдим. Сендан берухсат олган нарсангни ўзингга қайтариб бермоқчиман!

Йигит тушунмай унга қараб турди, кейин чўнтакларини пайпаслаб, текшириб кўра бошлади.

– Йў-қ-қ, ҳамсанинг эмас! Менга сенинг пулларинг керакмас. Шунчаки сенинг «узиб олинган» тухумларингни яна ўзингга қайтармоқчиман. Ўзингга ўхшаган аҳмоқларнинг наслини кўпайтириш учун улар ҳали сенга керак бўлади. Шунақа экан, буёғига ўзингни яхши тут. Бўлмаса, тасодифан келажакда сенга яна мендек «тўнка» учраб қолиши мумкин, лекин у ўзгалар тухумининг «коллекционерси» бўлиб чиқиши мумкин. Майли, бўпти!

Биз уни тинчлантирганча, метрога қараб кетдик. Лекин бу билан иш тугамади.

Ер остига кириш йўлидаги воқеадан кейин ҳали ҳам воқеа таъсирида бўлганимиз ҳолда, бекат томон эскалатордан пастга тушиб борарканмиз, имкон қадар Мирзакаримни кузатиб бордик.

Бирдан унинг юзи ўзгара бошлади. Тез-тез нафас оларкан, кўриниши худди касалманд одамникидек тусга кирди.

Кейин етиб келишимизга жуда оз қолганда, у бирдан томоғини ушлаб қолди, сўнгра шартта орқасига ўгирилиб, тўлқиндек пастга томон келаётган одамларга қарши тепага қараб югурди.

Ҳамманинг жаҳли чиқа бошлади:

– Қаерга тиқияпсан?

У эса майсаларни кесадиган машинкадай ҳаммани кесиб борарди. Икки-уч метр наридаги одамлар ҳам чеки-

нибгина қолмай, ҳар икки томонга оғган ҳолда унга йўл очишарди.

Биз нима бўлганини тушунмасак-да, барибир унинг орқасидан қараб югурдик.

Кейинчалик ўзи гапириб беришича, у бирдан ўзини бўғилиб қолаётгандек ҳис қилган. Йўқ! Бу клаустрофобия синдроми эмас! Шунчаки, у айтиб ўтганидай, бирданига кўрмайдигандай, эшитмайдигандай бўлиб, унга ҳаво етишмай қолганини жуда аниқ ҳис қилган. Бундай ҳолат ҳаётида биринчи бор содир бўлиши экан.

Мисол учун, худди қўл телефони метрода ишламай қолади-ку, унда ҳам нимадир ўша пайтда «ўчиб» қолган-у, у эса бунга тайёр бўлмаган. У ҳар доим ўз Устозларини ҳис қилиб туришга ўрганган, ушбу ҳолатда эса худди алоқа узилиб қолгандай. Мирзакарим ўз ҳаётидаги бундай лаҳзаларни эслашни ёқтирмайди.

Шахс қандай шаклланади?

Сиз «Ким билади!»

дейсизми?

Демак, сўз Кимсан

Академьевичга берилади

Биз сиз билан йўлга отландик. Юкларни санаймиз. Қанча хуржун, портфель, жомадон ва тўрвахалта – бари-ни ҳисоблаймиз, ажратамиз?! Сизнинг елкангизга ўзингизнинг вазифаларингиз, менга эса ўзимники.

Хў-ўш, хўш, қараймиз!

О, ёмон эмас? Сизнинг нарсаларингиздан бошлаймиз. Бошқа бировга вазифа юклаш осон-да!

Сизнинг юкларингиз

– Вазифа № 0. Маҳоратни ошириш машқларини кейинга қолдирмасдан, зудлик билан бошлаш қарорига қатъий суратда ҳеч иккиланишсиз тайёргарлик кўриш.

– Вазифа № 1. Қаерда, кимникида ва қанақа жойда яшаётганингизни тушуниш учун ўзингиз яшаётган атроф-муҳит билан танишиш. Глобус думининг тагига қаранг.

– Вазифа № 2. Ўз «қулдорларингиз»ни яхшироқ таниб олинг, қулларнинг мартаба ва сохта қийматлар байрамидаги шахсий тамғангизни аниқланг. Ўз орзуларингиз рўйхатини текшириб кўринг.

– Вазифа № 3. Ҳар баҳорда ва кузда кўпчиликнинг ҳақиқати ва фалсафаси билан «инқилоб» қилувчи «инқилобчи»ларнинг қисқа баёноти билан иложи борица диққат ва синчковлик билан танишинг – ўзингиз билан солиштириш учун.

– Вазифа № 4. Касалингиз бўйича ташхис ўтказинг ва ўз ҳаётингизнинг емирилиш даражасини аниқланг. Таназзулга юз тутган бу шахсда ўз ўрнингизни аниқланг. Ассенизаторнинг елим этиги ва патологоанатомлар қўлқопини эсдан чиқарманг! Ҳа, газдан ҳимояланиш ниқоби ҳам янгироғидан бўлсин!

Менинг вазифаларим

– Реферат № 007. Олий маълумотли оддий одамнинг тахминий интеллектини топиш мақсадида анатомо-тушқунлик тадқиқотини ўтказиш.

– Мен қоғозларимни тайёрлагунимча, илтимос, югуриб бориб қўшни хонадаги заррабинни олиб келинг.

– Таомнома № 007. Севимли қайла рецепти, унинг селида тарихий шахс еб битирилади.

– № 1001 қадаҳча. Ошхонада «Шахснинг тарихда тутган ўрни» борасида жиддий баҳслар ва у ҳақдаги кейинги тортишувлар.

– Сийқаси чиқиб кетган №1 пластинка. Битта нарсани турли вариантларда камида уч марта такрорлаш.

– Ҳар ҳолда ўқувчилар орасига аёллар даражасигача кўтарилган хонимлар суқилиб кирган бўлиши мумкин. Улар ёзувдаги қатор ости, усти ва ораларидан ўқишни ишташмайди ва билишмайди, шунинг учун уларни ҳисобга олмаймиз.

– Челак № 2. Энг масъулиятли дақиқаларда сизнинг бошингизга қандайдир ифлос балчиқни тўкиб юбориш – у нафақат мазли, балки қайноққина бўлиши учун ҳам иситилади.

– Асосий вазифа № 9. Ва, ниҳоят, ҳаммасини биргаликда яна бир марта такрорлаш.

– Вазифа № 10–99... овоза қилмасликка рухсат берсангиз. Мумкин эмас!

Хўш, қалай? Йўлга! Отларни эгарланг! Энди сафар олдидан бир нафас ўтирамиз ва яна биров, икки-уч кунгина суҳбат қурамиз.

Менинг қадрдоним! Ниҳоят, йўллар айрилган жойга-ча ҳам етиб келдик. Қаёққа отланганингиз эсингиздами?

Дарёдай тошиб келаётган одамлар оқимида кўмилиб кетган, кенг равон йўл бўйлаб юрар эканмиз, бир кўрсаткичдан бошқасига ўтиб бораверамиз? Ҳатто ўйлашнинг ҳам кераги йўқ.

Қаранг-а, йўл уфқ сари оғар экан, тўғри мангулик томон бормоқда. Автобуслар, поездлар, учар гиламлар бахт ҳақидаги орзуларингиз томон етаклашга шай. Теварак-атрофдаги реклама, реклама, рекламалар аҳмоқнинг орзусини рўёбга чиқаришнинг барча имконияти муҳайё.

Мана намуналар. Оёғимга илинган биринчи газетадан кўчирма. Каминаи камтарин қулингизнинг шарҳи.



«Сиз ором оласиз, биз эса сиз учун ишлаймиз!» – тунги ковбойлар таклифи.

«Сиз ҳордиқ чиқарасиз, бизнинг ихтироларимиз сиз учун хизмат қилади!» – вибратор рекламаси.

«Биз сизнинг иқтисодий ғам-ташвишларингизни анча енгиллаштиришимиз мумкин! Ҳозироқ ва шу ернинг ўзида!» – солиқ назорати хизматчисининг таклифи.

Бир сўз билан айтганда, «биз чайнаймиз – сиз ютасиз! Сиз ҳазм қиласиз – биз... сизга». Ҳаёт эмас, нақ жаннатнинг ўзи!

Бу ҳақда биз кейинроқ яна суҳбатлашамиз.

Қаёққа қараманг, ҳамма жойда оддий одам орзусини рўёбга чиқаришнинг имкониятлари, ғафлатдагилар учун тайёр қўлланма. Хуллас яшаяпмиз-з...

Энди эса ишга, яъни навбатдаги қақир-қуқурларга.



ЭНШТЕЙН, КОЛУМБ...



Учинчиси бўласизми?

Қадрдонларим! Сиз учун махсус кийилган масхарабозлик, қизиқчилик ниқобларини ечиб, бир неча дақиқа та-наффус қилишга рухсат берсангиз?

Ҳар ҳолда, биз сиз билан «ҳаёт» деб аталмиш циркда-миз. Циркда сабрсизлик билан кимни кутасиз? Албатта, масхарабозни-да. Нима учун? Шунинг учунки, бу дунёда, ҳеч бўлмаганда битта бўлса ҳам, ўзингиздан баттар овсарни кўриш ҳар доим ёқимли.

Азизларим! Менинг ёқимтойларим! Буюк саргузашт ишқибози қалбингизни ҳали-ҳануз йўқлаб турадими? Ўша, қачонлардир ўнг қатордаги ойна олдида, охириги партада ўтирган? Ўша, сизнинг зерикарли ҳаётингизга чидай олмай аллақачонлар туман ортига жўнаб кетган?

Вақти-вақти билан у сизнинг чанг босган инингизга бостириб кираркан, оёқларингиз тагига гулхан ҳиди

анқиб турган дала гулларидан гулдаста улоқтириб, чексиз шоду хуррамлик билан қучоқларини сизга кенг очиб, қулоқларингизга шивирлайди:

– Салом, салом! Бу – мен!

Сизни ҳатто таъсирланмаётганингизни кўриб, қуёшда тобланган кучли қўллари билан елкангизни силкитаркан, деярли бақиргудек дейди:

– Эшит, эшитсанг-чи! Бу ерда нима қияпсан?! Э, Худо, ўз ҳаётингни нималар қияпсан?! Наҳотки, кўрмаётган бўлсанг?!

Сен бу ерда ўтиравер, унгача жала ва ёмғирлар, довул ва тўфонлар биринчи муҳаббатнинг ҳидини олиб кетиб бўлади! Сенинг йўлингга интизор камалаклар ҳам кўз ёшларда эриб битади. Сенинг ҳажрингда Алп тоғининг майсалари қуриб тугайди!

У томонларда эса далалар узра кечки қуёшнинг ботиши арафасида, ақл бовар қилмас ажойиб шом палласи, тўхтовсиз учувчи пашшалар ғужғони ва ниначи қанотларининг шитирлари, денгиз сатҳи узра ойнинг кумушранг товланиши. Уфқ ортидаги афсонавий оролларга олиб кетиш учун бизни елканли қайиқ кутиб турибди.

Кечқурун юлдузлар остидаги тоғ чўққисида ўтирганча, ўзимизнинг энг асосий қўшиғимиз – саёҳатчиларнинг абадий манзумасини куйлаймиз.

Бўлди, кетдик энди... кетақолайлик?

Ташвишлардан хиралашиб, ҳар томонга тортилиб кетган кўз қорачиғингизга қараркан, ҳар бирига алоҳида ўзгача нигоҳда маънос тикилади. Ўзининг барча чорловларининг жавобсизлигини англаб, эзилганча, иккиланиб энса қашийди. Ахийри қўлини силтаб дейди:

– Қандай бўлсанг, шундайлигингча қолибсан, менинг шаҳарлик тентаккинам.

Намланган кўзларини яширганча, жимгина кетади.

Наҳотки, мана шундай лаҳзаларда сизда: «Тўхтаб тур! Мен ҳам сен билан бораман!» деган ҳайқириқ истаги тўлғонмаса?

Ва хаёлан омборхонага қараб чопасиз, қачонлардир, нима учундир сотиб олинган, лекин ўша пайтдаёқ хаёлингиздан кўтарилган тўрвахалтани қидиришга тушасиз, иситмаси бор одамдай қалтираб унга тиш чўткасини, совунни, сочиқ, тароқ, нина, ип, ва... керакли одамлар манзили битилган ён дафтарча... ҳаммасини тикиштира бошлайсиз. Яна нима олсам экан? Энг кераклиларини...

У ерга яна тикиштирадиганимиз (рўйхатга қаранг):

- кўп ўринли кароват «Сони»;
- «Мумия» музлаткичи;
- «Ўзимишқалайман» ваннаси;
- «Унитас» телевизори;
- Олти кишилик «Катафалк» лимузини;
- «Саргузаштмаңд мақбараси» қум қасри;
- «Вогов»нинг уч қаватли обрўси;
- дипломлар, гувоҳномалар, квитанциялар, полислар, сертификатлар ва ҳаётда қилиш мумкин бўлган барча ишлари учун авф этиш ёрлиқлари;
- «Карьера» исловатхонасидаги кўп йиллик бокира хизмати учун тўшлаган «Кўш» банкидаги жамғарма.

Жами: Алвидо, саргузашт ихлосманди!



Қадрдонларим, мана, мана бу лаънати одатни касб касаллиги дейишади! Агар кўп йиллар давомида тезкор ўргатиш услуби бўйича машғулотлар олиб бораверсанг... қандай қилиб яна юзингга масхарабоз ўқитувчи ниқоби-ни кийганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан!

Ҳазилларсиз, жиддий тарзда суҳбатлашишни истагандим, ўзимни муқаддас, ардоқли ҳисларим билан бўлишмоқчи эдим, лекин ҳар доимгидай бўлиб чиқди.

Баъзан шунчаки кимсасиз, ўзлаштирилмаган ёввойи жойларда бўлганингда, сендан жуда кўп минг йиллар аввал ва яна миллион йиллар кейин ҳам мавжуд бўладиган чегарасиз, бепоён кенгликларни кўрганингда – одамларнинг пасткашлик, қуруқ ва бекорчи ташвишлари худди кафтдагидек кўринади.

Ана энди ўзимизнинг абадий саволларимизга қайта-миз.

Сизнинг қалбингизда ҳамон донишманд сеҳргар, довуорак қаҳрамон тирикми?

Юрагингизда чексиз эзгулик нафас оляптими?

Сизда ҳали ҳам ҳамдардлик ҳисси заррачалари, ҳар бир бахтсиз одамга ёрдам қўлини чўзиш истаги нур сочяптими?

Эсингиздами, болаликда қандай бўларди?

Ўйлаган орзуларингизни амалга ошириш учун қалб қўрида оловнинг тафти ҳали ҳам борми?

Балким сиз, фақат пул ҳақида ўйларсиз, эрталабдан кечгача фақат тирикчилик ғамида меҳнат қиларсиз ва сизда ортиқча миллион йиғишдек ушалмас орзу ҳам борми?

У ҳолда уни тезроқ топиш учун сизга ёрдам беришимга имкон беринг, фақат пул учун ишлаш нақадар аҳмоқлик эканлигини англаб етишингиз учун! Тезроқ муҳтожликдан озод бўлиб, ниҳоят ҳаётингиздаги энг асосий ишга – энг буюк, энг кучли, энг қудратли, энг гўзал, лекин фалакнинг энг ўрганилмаган Инсони, яъни ўзингизни ўрганишга киришишингиз учун.

Бу дунёда тутган ўрнингизни кўриш учун биз сиз билан жуда қисқа, деярли юзаки-пухталиқ билан «ху»лардаги «ху»ни ўрганишни бошлаймиз, буни алоҳида «ху»дан бошлаб тўдадаги «ху»га ўтиш орқали амалга оширамиз.

Ҳозир бироз чалғиб тарихга назар ташлаймиз. Гап фақат сиз ҳақингизда – бу сатрларни ўқиётган киши ҳақида эмас, балки сизнинг ич-ичингизга беркитиб, суваб ташланган ўша Буюк ҳақида боради.

БУРНИДА ИККИТА ТЕШИГИ БЎЛГАН МИТТИВОЙЛАР ҲАҚИДА _____

Қарайлик-чи, тарих кимларга суянар экан. Худди сизникидек - думалоқ боши, битта бурун ва унда иккита тешиги бўлган «кичкина» бир одамни тарихдан олиб ташласак нима бўлади, бутун бошли **давр йўқ** бўлади.

Ўша давр ўзининг минглаб одамлари, миллионлаб миллиардерлари, миллиардлаб миллионерлари, ҳамма шоиру ёзувчилари, ҳамма подшочалари ва президентчалари, ҳисобчилари-ю академиклари билан йўқолиб кетади.

У ўзининг қалби, ўзидаги муҳаббат, ўзининг ирода кучи билан шундай ишлар қилдики, бунинг эвазига Аллоҳ унга абадийлик берди.

Зардуштнинг олтин асри, Мусо даври, Исо даври, Будда даври, Муҳаммад алайҳиссаломнинг даври. Тарих ҳақида ўйлар эканмиз, беихтиёр ундаги буюк инсонлар ҳақида хаёлга толамиз, Эверест бу инсонлар олдида болалар майдончасидаги қумтепаликдек бўлиб қолади.

Келинг, қарайлик-чи, тарихда Шахслар қанча экан — бир-икки, уч... минг — жуда кам.

Президент Линколнни танийсизми? Ҳеч бўлмаганда, доллардаги тасвирдан?

Леонардо да Винчини-чи? Ҳали бунақа валютани қўлингизда ушлаб кўрмадингизми?

Александр Македонский? Умар Хайём? Конфуций? Наполеон? Қирол Артур? Цезар? Паганини? Ал-Хоразмий? Фирдавсий? Румий? Аристотель? Абу Али ибн Сино? Амир Темур?

Биринчи бўлиб миямга келганларни санаб ўтдим, холос, ва ҳеч нарсани ўзгартирмасдан шундайлигича қол-

диришга қарор қилдим. Кўпчилик, кўпчилик, бошқа буюкларга нисбатан эҳтиромим юксак бўлишига карамай.

Улар ҳақида билмаслигингиз мумкин. Ҳеч бўлмаса ўзингиз ҳақингизда, буюк камтаринлик азобидан қийналаётган ўзингиз ҳақингизда эшитгандирсиз?

Тарихда битта инсон ҳамма нарсани ўзгартириб юбориши мумкин. Сиз бу фикрга қўшиласизми?

Биргина Зардушт бутун тарихни ўзгартирди.

Биргина Мусо алайҳиссалом бутун тарихни ўзгартирди.

Биргина Исо алайҳиссалом бутун тарихни ўзгартирди.

Биргина Будда бутун тарихни ўзгартирди.

Биргина пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бутун тарихни ўзгартирди.

Бу Шахслар ўз даврида антенна, қутб ролини бажаришган. Улар орқали ҳар қандай жойга янги ҳаёт, барака, яхшиликлар ато этилган. Улар қаерда бўлмасин, уларнинг атрофида янгича дунёқараш, янги ҳолатлар, янги сифатга эга ҳаёт оқими пайдо бўла бошлаган.

Бу одамларни ўз даврининг «қутб одамлари» деб аташган.

Биз сиз билан оддий, ўткинчи одамлармиз, шунинг учун элчилик вазифасини бажарган буюклар руҳини безовта қилишдан ўзи сақласин. Лекин бизда баъзи бир буюк олимлар, шоирлар, ёзувчилар ҳаётини кузатиш имкони ҳам бор, улар ҳам инсоният ҳаётида ўзига хос қутб вазифасини бажарган. Лекин бундан уларга оддий одамлар билан мулоқотда бўлиш осон кечган деб бўлмайди.

Хаёлан инсоният тарихидан атиги битта алломани олиб ташланг, масалан, ал-Хоразмийни. Олиб ташладингизми? Бўлди! У билан бирга алгебра ҳам йўқолди.

Кибернетика-чи, кибернетика қаерда қолиб кетди? Ҳамёнингиз ва юрагингиз учун қимматли бўлган компьютерлар ҳам худди тумандек тарқалиб ғойиб бўлди.

Дунё ривожига ҳам бошқа йўналиш бўйлаб кетди. Миллиардлаб одамлар мутлоқо бошқа-бошқа йўналишлар билан кетди.

Мактабда алгебра ўрганганмисиз? Ҳар бир мактабда алгебра фанидан сабоқ бериллади. Алгебра нафақат миллионлаб математикларни боқяпти, балки уларнинг хотинлари, жазманлари ва хушторларини ҳам санайверсак, санаб ҳисобига етиш учун ҳеч қандай математиканинг кучи етмайди.

Алгебра қаерда пайдо бўлган? Шарқнинг илм-фан ва санъат пойтахтларидан бири бўлган Хоразм ёки Хива шаҳрида пайдо бўлган. Сиз ушбу шаҳар ҳақида эшитганмисиз? Албатта, йўқ!

Ал-Хоразмий деган инсон бўлган. Ўтган аср охирида бутун дунё унинг таваллудининг минг йиллигини нишонлади. У «ал-жабр» – алгебра ва кибернетикани яратди.

Энг қизиғи, шу ўтган минг йил ичида дунё олимларидан биронтаси унинг алгебрасига арзигулик бирон янгилик қўша олмади. Аммо сиз бутун компьютер олдида ўтирибсиз, компьютерга, кибернетикага эса бундан минг йил олдин асос солинган.

«Кибр» -- манманлик, гердайнш маъносини англатади. Минг йиллар давомида олимлар ўйлай-ўйлай ҳеч нарсага тушуна олишмади, бу «кибернетика» деганини нима билан ейишаркан деб, тушунмагач, ўзларича хулоса чиқаришди, бу – даҳонинг ҳазили.

«Кибернетика» илмини ўша хоразмлик математик ал-Хоразмий яратди. Орадан минг йил ўтди ҳамки, ҳали-ҳануз бутун дунё ҳисоблаш техникалари унинг кашфиётига таянган ҳолда ишляпти.

Бу инсон ўзи яшаётган даврдан минг йил олдинга ўзиб кетган!

У «алгоритм» тушунчасини киритди: арабча «ал-хоразм», «алгоризм», «алгоритм»га айланди. У вақтларда араб тили Шарқ халқлари учун, биз учун ҳозирги пайтдаги инглиз тилидай эди.

Буюк донишманд ал-Хоразмий ернинг ясси эканлигига мутлақо ишончлари комил бўлган ақлли олимлар ҳукумати томонидан бегона юртларга қувғин қилинган эди, у ўз юртидан узоқда оламдан ўтди.

Тарих варағидан Эдисонни олиб ташланг. Ёрдам беринг! Ҳамма лампочкалар бирваракайига ўчиб қолди! Дунё бошқа йўналиш бўйлаб кетди. Болалар сони ҳам анчага кўпайиб қолган бўларди. Фикримга қўшиласизми ёки йўқми?

Агар эътирозингиз бўлса, бир ҳафта чироқсиз яшаб кўринг, ана ўшанда кўрасиз, жуфтингиз билан чиқиша олмаслик ҳақидаги гап нечоғли сафсата эканлигини. Чароғим менинг!

Ер қутб атрофида айланади, тарих эса мана шу инсонлар, ШАХСлар атрофида айланади.

Шахс – бу саҳродаги булоқ. Булоқ битта, атрофида эса катта-ю-кичик барча тирик мавжудот. У ёғи эса қум...

Саҳродаги йўловчилар булоқдан-булоққа, қудуқдан-қудуққа қараб йўл босишади.

Табиат инъом этган истеъдод ҳам булоқ: ўзидаги барча сохта юкларни улоқтирганча, нурга қараб ёриб чиқади.

Қудуқ – бу қаерни ва қандай ковлаш керак эканлигини биладиган инсонлар меҳнатининг натижаси. Уларнинг номи вақт ўтиши билан унутилиб кетар, лекин қудуқ барибир ташналар учун мўлжал бўлиб қолаверади.

Булоқ ва қудуқ моҳиятан битта вазифани бажаради – ён-атрофидаги ҳамма нарсага ҳаёт бахш этади. Нимага шама қилаётганимни тушундингизми? Тубсиз қудуқчам менинг!

Ана энди ЖЭКингизда ишлайдиган тентак Машани олиб ташлаймиз, ёки чиқиндиларни қайта ишлаш фабрикаси бош директорини, ёки қайсидир бир вазирни – ҳеч нарса ўзгармайди. Тарихдан юз минг, миллионлаб одамларни олиб ташлаймиз – ҳеч нарса ўзгармайди.

Энди дунё миқёсидаги тиббиётнинг учта отахонларидан энг каттаси Абу Али ибн Синони оламиз.

XIX асрнинг ўрталарига қадар «Тиб қонунлари» ҳар бир европалик шифокорнинг иш столидан тушмайдиган асосий китоби бўлган. Устозларимдан бири тиббиётнинг улкан намояндаси бўлмиш бу инсоннинг асарларини рус тилига таржима қилган.

Сизнинг камтарин қулингиз у пайтда тиббиётнинг асоси билан шуғулланаётган эдим. Устозим менга мажбурий равишда Абу Али ибн Сино асарларини ўрганиб чиқишимни буюрди. Биласизми, мени нима ҳайратга солди?

Китобларни сақлаш омборхонасида чанг ютиб юрган кезларимда картотекаларни ковлаб кўриб билдимки, охирги марта бу китобларни қирқ-эллик йил олдин ўқишган. Ана ўшанда ҳозирги замон шифокорининг минг йиллик тажрибадан қанчалар узоқлашиб кетганлигини тушундим.

Қатор касалликлар рўйхати мавжудки, ҳозирги замон шифокорларининг кўпчилиги улар ҳақида: «Тузалмайдиган!» деб гапиришади.

«Тузалади» деган ҳар қандай кимсага улар нодонга қарагандай беписандлик билан қарашади.

Яқинда, мен тиш шифокори ҳузурида навбатда ўтирганча, йўлакдаги телевизор орқали стоматология бўйича машҳур амалиётчи профессорнинг интервьюсини кўраётган эдим. Қулоқ тутсам, даволаётган шифокор ўша профессорнинг ҳар бир сўзига изоҳ бериб борапти: «Бемаънилик, булар ҳаммаси бўлмағур гаплар, сафсата!».

Унинг сўзларини кетма-кет бу ерда келтириб ўтирмайман, лекин унинг айтганларининг мазмунини айнан шундай эди.

Бу нима деган гап? Омадсиз ҳунарманд, қўлидан диплом олган ўз устозини муҳокама қиляпти. Навбатдаги ақлан ялқов такасалтангга навбатда ўтирганимни тушуниб етдим. Ўрнимдан туриб кетдим.

Биз атайлаб озгина чалғидик ва атайлаб чалғишда давом этамиз.

Абу Али ибн Синонинг асарларига қайтамиз. Унда кўплаб хасталарнинг касалликдан фориг бўлишлари учун рецептлар мавжуд. Баъзи тавсиялар ўта мураккаб, баъзилари эса жуда содда.

Улар орасидан айнан ҳозирги замон тиббиётининг

талабларига тўлиқ мос келадиганларини танлаб олдик. Маълумингиз бўлсинки, ишляпти!

Мисол учун, псориаз. Истаган шифокорингиздан сўрашингиз мумкин, бугунги кунда бу касаллик деярли даволаб бўлмайди, деб ҳисобланади. Бу касалликка даво сифатида Абу Али ибн Синонинг берган барча тавсияномаларининг ичидан энг оддийсини танлаб оламиз. Э, Худойим, ёрдам беряпти! Ёрдам берганда қандоқ!

Камтарин қулингизнинг соғломлаштириш тизими айнан мана шу билимлар асосида яратилган. Мен ҳеч қандай Американи кашф қилганим йўқ!

Ҳозир биз фойдаланаётган баъзи бир маълумотлар бундан минг йил олдин Абу Али ибн Сино томонидан топишган, шундай экан, ўзимнинг «совриндор кучукнинг тақинчоқлари» каби барча докторлик ва академиклик унвонларимни ўзимники деб ҳисобламайман! Мен бор-йўғи Абу Али ибн Сино ва бошқа Буюклардан мерос қолган илмларнинг озгинасини амалиётда қўладим, холос.

Биласизми, бу қандай бажарилади? Бир ҳовуч қадимий билимлардан оласиз-да, уни амалда синаб кўрасиз. Фойдаси борми? Бор! Ана шунда бор кучингизни тўплаб у билан ўта ривожланиб кетган ҳозирги замоннинг бошига туширасиз.

Буюк Абу Али ибн Сино эса умрининг охирларида вазир даражасига етган бўлса-да, доим қувғинда юрди ва бегона юртларда оламдан ўтди. Албатта, бу қувғинлар юқори даражадаги билимдон юртдошларининг ёрдами-сиз бўлмади, оддий дипломли мутахассисларни-ку умуман гапирмаса ҳам бўлади!

Ҳеч қачон пайғамбарлар ўзи яшаган даврда қадрланмаган! Улар доим ўтмишда бўлади ёки тахмин қилинган келажакда кутилади. Ҳозир эса у ҳамма учун алдоқчи ёки тентак, ёки хавфли рақиб, шунинг учун уни бор имкониятдан ҳам ва йўқ имкониятдан ҳам фойдаланиб йўқ қилиш керак. Ҳасад дегани катта холангиз эмас, қўйни тошга тўла баджаҳл амаки, мисол учун, сизга ўхшаган.

Микробиолог Пастер шифокор эмас эди. Лекин у нимани яратди? У вакцинацияни ихтиро қилди. Минглаб тиббиёт олимлари натижасиз уринишди, у бўлса ярата олди! Лекин умрининг охирида замондошлари унга шундай бўҳтонлар қилишдики!...

Биргина Эйнштейннинг ўзи бутун физиклар дунёсини ўзгартириб юборди. Ўз вақтида эса уни коллеждан ҳайдашган эди. Уни ҳайдаб юборганларни кимдир танийдими?

Шекспирни тарихдан олиб ташлашга ҳаракат қилиб кўринг. Уларга халақит бериб яшаган замондошларининг орзусини рўёбга чиқаринг!

Ван Гог ўзини отиб ўлдирган ўқни тайёрлаш жараёнида иштирок этишни истайсизми? Сизларни кўриб, балким у ўйлаб қолган бўлармиди: «Бунақалар билан бир ҳаводан нафас олгандан кўра, яхшиси...»

Хемингуэйни ҳам шунчаликка олиб боришди! Уни ҳамма билади ва ўшанда ҳам билишарди. Билишарди ва шунчаликкача олиб боришди!

Пушкин европаликлар назари билан қараганда жуда хотинбоз бўлган! Аслида эса у севиб қолган хонимларининг ҳаммасига уйланишининг иложи йўқ эди.

Агар ҳақиқий мусулмон бўлганида эди, худди ўзининг мавританиялик аждодларига ўхшаб ҳарам мудир бўлган бўларди, яъни жуда ҳурматли, обрўли ва керакли одам бўларди! «Онегин-2» ни ёзган бўларди, бунинг ўрнига эса дуэлдаги отишувга борди ва бекордан-бекорга ўлиб кетди. Лекин нима учундир уни ҳам ҳамма танийди. Фикримга қўшиласизми?

Лев Толстойни ҳам ҳамма танийди.

Бутун бошли миллионлаб адабиётчилар, ёзувчилар, танқидчилар ўзлари ҳеч нарса ёзмаган ҳолда, ҳаммани танқид қилишади... Вақтида бунақалардан қанчаси бўлган?! Бунақалар ҳозир ҳам бор.

Демак, ташхис қўйилди...

**Фанда кашфиётлар
қандай қилинади?
Қаердан олинади? _____**

**Ўзи учун саргузаштлар
яратишнинг усуллари...**

Бироз олдин биз битта тадқиқотни ниҳоясига етказдик. Лекин дарров ниманидир тадқиқотини бошлаганимизни тушуниб етмаган эдик ва қанақа жойларга кириб кетганимизни ва қандай чалкашликларга тушиб қолганимизни жуда кеч англадик. Бугун менинг ишончим комил, биз деярли ишни ҳали бошлаганимиз ҳам йўқ, лекин унинг натижалари мени ҳайратга солмоқда. Нафақат ҳайратга солмоқда, балки ўзининг улкан кўлами билан мени даҳшатга келтиряпти.

Мен ҳеч тушуна олмайман, наҳотки одамлар ўз муаммоларининг сабабини ва уларнинг оддий ечимини билишмайди, тахмин қилишмайди, сезишмайди?

Гуруҳимиз ўтказган тадқиқотнинг айрим натижалари билангина ўртоқлашамиз.


Одамларни соғломлаштириш усулларини қидириш вазифаси қўйилган эди. Бугунги кунда биз юздан ортиқ касалликларнинг давоси бўйича энг яхши натижаларга эришдик.

Йўналишларимиздан бири – бу кўриш қобилиятини тиклаш.

Ўз вақтида бизга, кўриш қобилияти тикланаётган пайтда, миянинг кўриш марказида нима содир бўлаётганини билишимиз зарур бўлди. Баъзи институтлар билан

келишиб, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб боришга киришдик.

Энцефалограмма қилиб, мианинг керакли қисми ишини кузатамиз. Бу усулдан фойдаланиб, одамнинг кўриш қобиляти меъёрий ҳолатдами ёки йўқлигини аниқ билса бўлади.



Кўзлар олд томонда, кўриш маълумотларини қайта ишлаш маркази эса энсада. Яна ҳар доимгидай бўляпти, олд томон кўради, орқа эса ўйлайди.

Мана бу эгри чизиқларга қаранг. Биринчи – бу ўртача статистик миёли бош кўриш марказининг ишлаш ритми.

Кўзи ожиз одамни таклиф қилиб, ундаги маълумотларни ҳам оламиз. 2-эгри чизиқлар ҳосил бўляпти. Юзлаб кўзи ожизлар билан тадқиқот ўтказамиз. Ҳаммасининг кўриш маркази импульсининг эгрилик кўрсаткичи бир-бирига ўхшаш.

Яна бир марта 2-сонли эгри чизиқларга қараймиз.

Олинган маълумотларни умумлаштириб кўргач, нимага эга бўламиз? Соғлом кўрувчи кўзларнинг кўрсаткичи билан ногиронларникининг ўртасидаги фарқ қонуниятга мувофиқ келганига гувоҳ бўламиз.

Кейин эса худди шу тарзда эшитиш марказининг ишларини ўрганамиз. Бу ерда ҳам аҳвол худди ўша – аниқ қонуниятга мувофиқ эканлигига дуч келамиз.

Ҳид билиш қобилятига ўтамиз. У ерда ҳам худди шу ҳолат, ўша тартибсизликлар.

Демак, буларнинг бари умумий қонуниятга мувофиқ!

Мана шу тарзда ўз бошимга тадқиқотларни ўтказиб боравердим. Ахийри бир кун ўйлаб қолдим: тўхта, тўхта, тўхта! Қани миянинг бошқа қисмларини ҳам текшириб кўрайликчи.

Ёрдамчи олимлардан топиб, лаборатория ташкил қилдик. Галдаги вазифа қуйидагича эди: миянинг ҳам худди шундай кўрсаткичларга эга бўлакларини топиш. Ниҳоят, шундай қисмлар ҳам топилди! Ва ҳаммаси кетма-кет бошланиб кетди.

Ахир, шу кунгача тинчгина яшаб юрувдим!

Қисмлардан бири – ғуддасимон без ёки эпифиз ва дастлабки миянинг баъзи бир қисмлари.

Мана одам, бир қарашда мутлақо соғлом, физиологик меъёрдан четга чиққан ёки оғиб кетган эмас. Ҳамма қатори, ҳаммага ўхшаб шими тешилгунча ўтираверади – оила, бола-чақа, маош деб. Барча ақлий кўрсаткичлар бўйича гўёки рисоладаги одамдай. Ташқи кўриниш жиҳатдан ҳам ҳаммадан ошиб тушган – бутун маҳалланинг фахри!

У ҳолда нима сабабдан унинг мияси айрим бу қисмларидан ногиронлик кўрсаткичининг эгри чизиқлари чиқяпти? Фақат битта унда эмас, балки 75–80% унга ўхшаганларда ҳам. Кўзи ожизлар ва кар қулоқлар унчалик кўп эмас-ку, булар – ўҳ-ҳў, қанча! Бу қанақа касаллик ўзи?!

Самарали тадқиқотлар ўтказиш учун, энг яқин ва одам кўп жойга, мактабга бордик. Бу ерда бизни навбатдаги кутилмаган совға пойлаб турарди: ҳамма рақамлар тескарисига – оёғи осмондан бўлиб туришди.

Бу ерда тескариси: соғлом «ғуддачалар» миқдори 75–80 %. Ногиронлар чизиғи кўрсаткичи – 20–25%.

Яна битта аламли қонуният мувофиқлиги: мактаб ўқувчиси ёши катталашган сари, у шунчалик даражада «ногирон»лашиб боради. Ўнинчи синфга келиб соғломлар тахминан 30 % қоляпти.

Талабаларни текширдик. Умуман фантастика! Маълум бўлишича институтга киришга ҳаракат қилган ва

кира олганлар асосан ғуддасимон ногиронлар экан. У ерда соғломлардан 10–15% топдик. Буларнинг ҳам кўпчилиги, сиз ишонмайсиз, кейинчалик у ердан шунчаки кетказилмайди, ҳайдаб солинади ёки уларнинг ўзлари кетишади. Қарабсизки, битирув вақтига келиб соғлом «ғудда»лардан атиги – 3–5% қолади, холос.

Биз нима ҳақда гапирялмиз, сиз нима деб ўйлайсиз?

Мактабга қайтамыз... Йўқ, яхшиси тўғри боғчаларга борамиз. Кичкина болалар билан узоқ вақт кузатиш ва тадқиқот ўтказиш қийин, уларда сакровчанлик жуда ривожланган бўлиб, барчаси ягона тақвимдаги чигиртка буржида. Иш жараёнида баъзи бир янгиликлар ихтиро қилишимизга тўғри келди.

Биз уларнинг бошларига «кўринмас одам»га айланттирувчи қалпоқларни ва турли эртақ қаҳрамонларининг бош кийимларини кийдирдик. Қизил поролонли зўлдирларни бурнимизга тақиб олиб, қийшанглаганча, уларнинг ғуддалари тўғрисидаги маълумотларни ёзиб олишга улгурдик.

Лекин бу масхарабозликнинг натижаси умуман кулгили чиқмади. Бу чурвақалар орасидаги ногиронлик кўрсаткичи деярли олий ўқув юртларидаги соғлом битирувчилар билан тенг эди – 7-12 %.

Демак, бизнинг галдаги вазифамиз – 7-12 % бу ёшгина ногиронларнинг «касал»и нима? деган саволга жавоб топиш. Тана соппа-соғ, ақл ундан ҳам соз. Ҳатто биз шуни ҳам сездикки, уларнинг кўпчилиги бошқа болаларга қараганда ҳам ақллироқ.

Машинани тўхтат-чи! Эврика!!! Биринчи илмоқ!

Ҳамма гап мана шунда-да! Улар жуда ақлли! Кичкинагина, лекин шунақа мулоҳазалики, аллақачон ўқиш-ёзишни ҳам билишади. Хуллас... митти қариялар! Феъл-атвори айниган қариялар!

Катталарнинг фикрлари билан ўйлашади. Катталар тушунчаси билан муомала қилишади, катталарнинг гапларини гапиришади, хуллас, кичкина тўтиқушлар. Бола эмас, нақ мўъжизанинг ўзи, фақат патлари йўқ.

Қизиқ, улар мактабда қанақа бўлишар экан?

Энг яхши ўқувчилар, аълочилар, бутун мактаб педагогика жамоасининг фахри – биздаги рўйхатнинг «ғуддалари» бўйича мисли йўқ ногирон-қалдирғоч учирмаларнинг биринчиларидан бўлишади.

Педагогларнинг кўрсатган жонбозликларига қарамасдан, битирув кечасигача соғлом «ғудда» билан кимлар етиб кела олди?

Бу соғломлар охирига келиб бизни буткул издан чиқаришди. Маълум бўлишича, улар энг гапга кирмайдиган, энг тарбиясиз, яъни мактаб ўқитувчилари кўзидаги хира пашшалар. Ўзини намунали тутиш бўйича уларнинг баҳолари – уч, тўрт. Хуллас, бориб турган «безори»лар.

Одатда улар баъзи фанлардан бешга, баъзиларидан икки баҳога ўқишади. Тадқиқот натижалари уларнинг бу фанлардан ёмон ўқиши ўзлаштириш қобилияти пастлигидан эмас, шунчаки ўша фандан дарс берувчи ўқитувчига тоқат қила олишмаслигидан эканлигини кўрсатди.



Сездирмасдан, билдирмасдан бу педагогни яхшироқ ўрганамиз. Кўриниб турибдики, у бу соҳага тасодифан келиб қолган одам. Уни умуман бир қадам ҳам болалар ёнига яқин йўлатиш мумкин эмас.

Агар болалар ўқитувчининг носамимий одам эканлигини билишса, тўғрироғи сезишса, уни ҳам, у ўтаётган фанни ҳам рад этишади ва ўзларининг икки баҳоларини олаверишади. Агар педагог ўқувчилари билан бўлган ўзаро муносабатда уларга шахсга қарагандек муомала қилса, ўшанда ўқувчиларнинг баҳолари ҳам аъло бўлади.



Биринчи уй вазифаси. Агар сиз мактабдан узоққа кетиб қолган бўлсангиз, у ҳолда вақт машинасига ўтириб орқага қайтамиз. Ўз синфдошларимизни эслаймиз. Таҳлил қиламиз. Уларни уч гуруҳга бўламиз:

- аълочилар;
- ўртаҳоллар;
- «думбуллар».

Тахминий тақсимланиш шунақа: аълочилар – икки-учта, ўртаҳоллар – кўпчилик, «думбуллар» – икки-учта.

Ҳар бир синфда шунақа бўлади, албатта, агар сиз жуда истеъдодли болалар ёки ақли заиф болалар учун мўлжалланган мактабда ўқимаган бўлсангиз.

Эсладингизми?

Лекин бизни бошқаси қизиқтиради, яъни бу учта гуруҳга ҳам тўғри келмайдиган – бошқалари. Ҳар синфда бунақалардан битта-иккита бўлади. Уларни мен шартли равишда «безорилар» деб атадим. Мана шу тартиб ва меъёрни бузувчилар, «отнинг қашқалари» ҳам икки тоифага бўлинишади: раҳмдил ва ёвуз.

Энди саёҳатдан ихтиёрий тарзда қайтиб келганларга назорат учун саволлар:

Синфдошларингиздан қайси бири ҳаётда нимагадир эриша олди?

Кимнинг номи чиқиб машҳур бўлди, кимга ҳавас қиласиз?

Ким бу ҳаётда йўлбошчи бўла олди?

Ким шахсий бизнесини очиб бошқаларни ҳам иш билан таъминлай олди?

Ким одамларга етакчи бўла олди?

Ким янгиликлар яратди, ўзи шуғулланаётган соҳасида каттами, кичикми ўзгаришлар киритди?

Ўринбосарлар, бош ҳисобчилар ва бошқаларни, бошида компьютер жойлашган ўта-а ҳурматли мурвати-ни бураб юргизиладиган қўғирчоқларни, илтимос, бу рўйхатга киритманг!

Мен нимани назарда тутяман?

Ўйлайманки, ҳозир кўпчилигингиз шу саволга тўқнаш келдингиз: аълочилар-чи, улар қасққа ғойиб бўлишди? Улар институт ва университетларга йўл олишди, ўқишни имтиёзли дипломларга тугатишди, кейин эса, нақ этиб кўздан ғойиб бўлишди.

Олдиндан айтиб қўймоқчиман: истисно доим ҳам бўлган. Мен сизга мутлақ ҳақиқатни баён этаётганим йўқ, амалдаги кузатишларимиз ва хулосаларимиз натижаси билан ўртоқлашдим, холос.

«Думбуллар» ҳақида эслаб ўтирмаймиз. Булар ҳақиқатан ҳам касал одамлар.

Мана бу аълочилар эса, одатда, бегоналар истагини аъло даражада, ажойиб тарзда амалга оширувчилар бўлиб қолишади.

Ўртаҳоллар! Муҳтарам жаноблар ва хонимлар, сизни улкан ҳаракатлар билан янглишмасдан қулоғингизгача қаерга ботириб қўйишди. Ўртаҳоллар, бошингиздаги... тож билан адашиб ўзингизни шу пайтгача улар қаторига қўшиб юрган бўлсангиз. Сиз нима деб ўйлагандингиз?

Бир сўз билан айтганда, бу мотам куйини нимжонгина умид билан, лекин тантанали тарзда ўртаҳолларга бағишлайман. Тасодифан тирик бўлиб, шунчаки ухлаёт-

ган бўлсангиз, бирдан менинг паст овозим сур овозидай сизни уйғотиши мумкиндир?

Ана энди – безорилар.

Биз катта ёшдаги одамлардан сўраб суриштирдик:

• Синфингиздаги энг безори бола ҳозир қаерда?

Улар бўлса:

• Ҳа у болами... (бу ерга ўзингиз севимли сўкишларингиздан қўйинг)... нима балолар қилмасди, энди эса банклари, заводлари, компаниялари бор, қайсидир туманними, шаҳарними, вилоятними, давлатними бошқаради.

Тушуняпсизми?

Бу безориларни махсус тадқиқ қила бошлаб, уларнинг ўзларини тутишларидаги асосий қонуниятни топдик ва қуйидаги нарсаларни билиб олдик.

Алоҳида эътибор қилинг! Ниҳоят, мақсадимизга етдик!

Интуиция!



Тажриба орқали шуни исбот қилишга эришдикки, ғуддасимон безлар бизга маълум бўлган фаолиятдан ташқари яна индивиднинг макон-замон мўлжалига ҳам жавоб берар экан.

Аниқландики, у – идрок ва мулоқот органи. Қисқаси, тажрибадан тасдиқлангани, миянинг бу қисмлари тебранади, кейин эса макон орқали маълумотларни қабул қилади ва узатади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, изланишлар олиб борилган шароитда тажриба иштирокчилари орасидаги масофа йигирма минг километрни ташкил қиларди.


Лекин ҳозирча бизни ғуддасимон безнинг фақат битта имконияти қизиқтиради, айнан келажакни ҳис қилиш имконияти.

Яна безориларга қайтамиз.

Эътиборингизни қаратинг! Айнан мана шу мактаб «безориси»нинг интуицияси бошқаларга қараганда кўпроқ ривожланган. Кейин ҳам шундай. Айнан педа-

гоглар охиригача одам қила олмаганларда, ғуддасимон безнинг нормал функцияси сақланиб қолади. Мана шунақа гаплар!

Уларда интуитив фикрлаш жараёни йиллар ўтган сари яна ҳам кучайиб боради. Улар ўзларини ўраб турган муҳитдаги кўплаб сунъий чеклашлардан озод бўлишади. Вақт-соати билан улар гўё ҳамма тан олган қонунларга қўшилгандек туюлса-да, бари-бир бу қонунлардан, дунёқарашлардан четда, улардан юқорида бўлишади, яъни ўзлари ўрнатган қонун-қоида асосида яшашади, чунки уларнинг ҳар бири алоҳида Шахс.



Эсингиздами, биз сизлар билан Шахслар ҳақида гаплашгандик? Энди тушуняпсизми, улар қаердан пайдо бўлганини?

Эйнштейннинг коллеждан ҳайдалганини биласизми?

Менделеевга эса, ўта ақлли муаллимнинг орқасидан чайналавериб сийқаси чиққан билимларни такрорлашни

истамагани учун, кимё фанидан «икки» қўйилганидан хабарингиз борми?!

Ушбу рўйхатни яна ва яна давом эттириш мумкин. Саҳифаларимизда одамзотнинг Буюк ва Улканлари ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. Уларнинг кўпчилигининг тақдири шундай.

Сиз бизнинг давримизда Шахсларга нисбатан муносабат яхшиланди деб ўйлайсизми? Ҳеч ҳам унақа эмас-да!

Эътиборингизни қаратинг! Ҳақиқий эстрада юлдузлари орасида консерваторияни тугатганлар жуда кам. Кўпинча уларни бу ўқув даргоҳидан ҳайдашган ёки умуман қабул қилишмаган.

Узоққа бориб нима қиламиз?

Муסיқачи дўстимни келажаги йўқ «касбига яроқсиз» ҳисоблаб, консерваториянинг иккинчи курсидан ҳайдашди. Бироқ, у яқинда Ўрта Осиёда йилнинг энг яхши бастакори деб тан олинди. Унинг истеъдодини баҳолашни ўз зиммасига олган педагогларни эса ким танийди?

Ҳеч ким. Яна такрор айтишим мумкин: катта холасига ҳам керак эмас улар!

Менинг азизларим, тарихни Шахслар яратадилар.

Лекин шахсларга доим кўримсиз кулранг тўда қаршилиқ кўрсатади. Булар – ҳаётнинг ўлик ҳужайралари. Бу одамларнинг ўзлари ҳеч нимани бунёд этишга қодир эмас, улар танадаги ёғ ҳужайралари сингари: истеъмоқ қилишни билишади. Улар фақат истеъмоқчи!

Лекин улар кўпчилик, танадаги ёғ қатлами каби бу тўда ҳар доим Шахсларга нисбатан тажовузкор. Ўзингизнинг қорнингизга бир қаранг-чи.

Шунақа экан, танланг, қайси бири яхши: кўримсиз тўдадаги ёғ қатлами бўлиб қолишми ёки **Шахс бўлишми?**

Энди эса бу шубҳали номдор «ғудда» билан яна ҳам яқинроқ танишиб олишга ҳаракат қиламиз. Кўрайлик-чи, интуицияси бор одам интуицияси ривожланмагандан нимаси билан фарқ қилар экан.

ЛОБОТОМО-раторияга томон қадам ташла!



Илтимос, менинг ортимдан ташхис хонасига юринг. Интеллектингиз хусусида таҳлил топширишингизга тўғри келади!

Ана энди, диққат! Нафақат кўзни, балки ақлни ҳам ишга сола-миз!

Назорат саволлари.
Сизда шунақаси бўлганми, бир ойдан бери му-

лоқот қилмаган танишингизга қўнғироқ қилиш ниятида телефонга қўл узатасиз... Айнан шу пайтда телефон жиринглаб қолади. Гўшакни кўтарасиз – худди ўша одам!

Бўлганми шунақаси? Бўлган!

Давом этамиз. Сиз анчадан бери кўрмаган қайсидир одам ҳақида ўйладингиз, кун бўйи хаёлингиздан кетмаяпти. Худди шу кун уни учратиб қоласиз, у эса сизга: «Бугун кун бўйи сен ҳақингда ўйлагандим», дейди.

Ёки яна ҳам қизиқроғи.

Ким ҳақдадир ёнига бадий қўшимчалар қўшиб-ча-тиб маза қилиб ғийбатлашиб ўтирибсиз.

Бирдан ҳамсуҳбатингиз нимагадир жимиб, мункайиб, ғамгинлашиб, кейин курсида типирчилаб қолади, сиз эса роҳатланиб гапиряпсиз, гапиряпсиз.



Ниҳоят қайрилиб қараш кераклигига фаҳмингиз етгач, сиз нимани кўрасиз?!

Ўша, сиз ғийбат қилаётган, устидан мағзава ағдараётган одам ҳозир бу ерда бўлиши керак бўлмаган бир пайтда, худди шу ерда, орқангизда турганча сизни катта қизиқиш билан эшитаётган бўлади.

Шунақаси бўлганми? Бўлган!

Ёки кўчада кетяпсиз. Бирдан қанақадир ғалати, озгина уйқусираган ҳолатга тушиб қоласиз. Гўё сиз... бу ерда илгари ҳам бўлгандайсиз.

Сиз буни аниқ биласиз: ҳозир муюлишда эшиги очилиб ётган телефон будкасини кўрасиз. Унда битта одам турибди, у шунақа-шунақа кийинган. Гапираётган сузлари шунақа-шунақа эканлигини аниқ биласиз.

Кейин у одам будкадан чиқиб, ўз йўлида кетади, сиз эса уни қаёққа кетаётганини аниқ биласиз. Сиз ҳамма-ҳаммасини аниқ биласиз! Бу ҳаммаси илгари ҳам бўлган... У ёғига нима бўлишини ҳам аниқ биласиз! Энг ақлга сиғмайдиган сирли томони, худди шундай бўлади ҳам!

Шунақаси бўлганми? Бўлг-а-а-н!

Буни оддий қилиб «дежа вю» дейишади.

Хўш, муҳтарам овсар! Буларнинг бари бармоқларингизни елпигич қилиб керганча, орқангизни босиб ўтира-вериб йўқотиб қўйган тўқислик ҳолатингизнинг парчаси. Бу – илоҳий имкониятларингизнинг зарралари. Бу – ҳаётга қаердан тушган бўлсангиз, яъни жаннат ҳақида ўчиб бораётган хотирангизнинг шабадаси. Бунда сиз бир умрга чўзилган талваса пайтида бир неча сониягагина ўзингизга келиб, дунёни ҳақиқийлигича кўрасиз.

Нимага шама бўлганини тушундингизми? Ҳозиргина мен қаерда ва қандай қилиб ўша арзимас миллиардларингизни топиш мумкинлигига шама қилдим, агар сиз ҳамма бахт пулда деб ҳисобласангиз.

Ҳозирнинг ўзида, асосий нарсани тасодифсиз равишда фош қилиб қўйдим, яъни сизнинг барча «қандай?», «нимага?», «нима учун?», «бундай бўлганда нима?..», «мана бундай бўлганда эса нима?..» деган саволларингизга жавоб қаерда яширинганини айтиб қўйдим. Энди бу ёғига ўзингиз давом этинг.

ТУРМАСЛИК ҚАНДАЙ ҲОЛАТ ЎЗИ?!

*Буни билмасангиз,
омадли экансиз!*

Азизим! Мана, ниҳоят! Ниҳоят, ўша фурсатга етиб келдим, ҳеч қандай таъзимларсиз, эзма, лекин муҳим бўлган тушунтиришларсиз, энг асосий нарсага – навбатдаги тушунтиришларга киришдим. Қўрқманг, ҳазиллашдим!

Гуддасимон безни ўрганиш жараёнида, биз аҳмоқона ҳолатга дуч келдик. Маълум бўлишича, айнан «дежа вю» ҳолатида сизни ширин уйқудаги эпифизингиз э йўқ-бе йўқ уйғониб, уйқусираган кўзларини ишқалаганча бақираркан:

– Ҳе-й! Тирик жон борми? Мен кимгадир керакманм-и-и? Эҳ, сизлар! Мени нима аҳволга солдинглар? Атрофда эса олий маълумотли ўлик сукунат. У хўрсинганча бошқа томонга ағдарилиб яна фафлатга ботади.

«Дежа вю»нинг илмий изоҳи қандай?

Кичик чекиниш.



Психология дарсликларида хайрли кўз ёшларни оқизганча қуйидагиларни ўқиймиз: «дежа вю – миянинг касалманд ҳолати бўлиб, толиқиш ёки бошқа ҳолларда келиб чиқади, бундай ҳолатда келаётган маълумотлар керакли жойдаги эшикка кирмай, бошқа бирига, яъни ўтмишдаги хотиралар турган жойга киради. Бу қисм орқали одам ҳамма нарсани худди бўлиб ўтгандек қабул қилади».

Сиз бу бемаъни, бўлар-бўлмас ифодали илмий гапларни ўқиб, бир пайтлар камтарин қулингиз қийналгандай, қийналмаслигингиз учун, таржима қиламан:

агар сизда «дежа вю» ҳолати бўлса, сизга дам олиш тайинланади. Агар бу ёрдам бермаса –даволаниш. Агар сиз сурункали дежавист бўлсангиз – мажбурий даволаниш. Ҳаммаси қанчалик оддий, тушунарли ва илмий! Ҳатто йиғлагинг келади!

Психология бўйича дарсликларни ўқиб, бу айнан шунақа эканлигини билиб олдим. Маърузалар эшитиб яна ҳам ақллироқ бўлдим, тушундимки, бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Буни диплом бериш билан тасдиқлашди.

Кейин амалиёт пайтида яна «дежа вю» билан тўқнаш келганда ёнидан ўтиб кетдим. Чунки бу ерда ҳаммаси равшан, ҳеч қандай кутилмаган нарсанинг ўзи йўқ, лекин кўнгилимда...

Бир марта ғуддасимон без бўйича олиб бораётган тадқиқотларимиз навбатдаги боши берк кўчага кириб қолди. Ҳар доимгидек олдин ўзимни, кейин бошқаларни тергай бошладим. Аллақачон ўз ходимларимни бўғишга тайёрланаётганимда, улар ҳам мени бўғишга тайёрланибгина қолмай, арқон сотиб олишгаям улгуришган эди... Мана шундай ҳориб эзилган пайтимда бирдан ўзимнинг барча аҳмоқликларимнинг сабабини тушуниб етдим.

Эй-й! Мана, аҳмо-оқ!

Асрлардан бери маълумки, шогирдлар кичик ёки катта вазифаларнинг ечимини топишни, англаш, сезиш орқали қизиқиш билан амалга оширадилар, сермашаққат ва жуда жўн кўринган фикрлаш шаклини, мантиқни менсимай қўядилар.

Устозлар, фикр юритишнинг бу зайл бир томонлама бўлиб кетишининг олдини олиш ниятида, анъанавий тарзда мантиқни қўллаб-қувватлаш вазифасини қўядилар.

Мантиқни ривожлантириш бўйича машқларни бажариб, яъни оддий одамлар илми билан шуғулланиб, ҳид билиш қобилиятимни ҳам йўқотиб қўйиб, Устозларим

ўргатганларини унутишимга ҳам оз қолди. Англаш орқали фикр юритишга, мантиқ билан интуициянинг уйғунлашган ҳолатида эришиш мумкин.

Эҳ, сени! Ахир, бу ердан энг оддий машқларни олиб, улар орқали ҳозир мен шуғулланаётган нарсани ўтказасак бўлди-ку.

Керакли ҳолатга кириш учун кечалари бироз шуғулландим, энг оддий машқларни танлаб олдим. Ҳар ҳолда, дангасароқман-да. Кейин ҳамма саволларни ёзиб олиб, маълумотларни оддийгина «ҳа» ва «йўқ» сезги индикаторидан ўтказдим.

Дарвоқе, ёдингизда бўлсин! Булар – бошловчиларимиз учун энг содда машқларимиздан! Сизлар ҳам буни ўзлаштириб олишингиз керак! Шундан кейингина амалий машқларга ўтамиз.

Топпириқлар рўйхатини бир-бир кўздан кечирарканман, сезгим лом-мим демасди. Иккинчи даъфа ҳам бу ҳол такрорланди. Бешинчи марта ўтганимда, худди ёғ босган мушукдай, масхараомуз боққанча сезгим елкада ётибди. Жаҳлим чиқиб кетиб, рўйхатни чиқитга улоқтирдим. Унинг остидан бизнинг тажрибамизнинг навбатдаги ҳисоботи топилди. Ва шунда ... Тўхта! Жиринг!

Ва ниҳоят сигнал келди! У ерда битта сўз «ёзилган»: дежа вю. Мана шу ерни кавлаш керак!

Мумкинми, шу мавзуда латифа айтиб берсам?



Саҳрода йўловчи кетяпти. Бутага дуч келди. Интуиция:

– Мана шу бута тагида ҳазина бор.
– Йўловчи ковлашни бошлади. Ковлай, ковай – ҳеч нарсa топмади. Йўлида давом этди. У қояга дуч келди.

– Интуиция:

– Мана шу қоя тагида аниқ ҳазина бор. Қидир! Ҳа-ҳа, аниқ шу ерда.

– Йўловчи қазий-қазий яна ҳеч нарсa топмади. У ёғи-

га юриб эмас, судралиб кетяпти. Судрала, судрала, қуриб қолган дарахт ёнига етиб келди.



Интуиция:

– Хазина мана шу ерда – аниқ! Шу ерда бўлиши керак! Мен сенга айтяпман!

Йўловчи охирги кучини тўплаб қумларни очиб ташлади...

Катта темир сандиқ! Очди, сандиқда беҳисоб бойлик бор эди.

Интуиция:

– Қойил-ей!

Нима учун бу латифани тўқидим? Ўзим ҳам билмайман, балки бу ҳам интуициядандир...

«Дежа вю» га қайтамиз. Навбатдаги тадқиқотлар кетма-кетлигига киришдик. Вазифа: бу ўзи нима эканини тушуниш. Бошланғич натижа – нол. Бу нуқтага эришиш учун бизгача бу тўғрида ҳамкасб олимларимизнинг тўқиганларининг ҳаммасини унутиш керак.

Асбоблар: ёпиқ идиш ичидаги қора ва оқ рангдаги соққачалар. Идишнинг тешикчаси ҳам бор. Ҳозир тешикдан қанақа рангдаги соққача тушишини ҳеч ким билмайди. Лекин соққачаларни бефойда нарса деб бўлмайди.

Тасаввур қилинг, сиз нима учундир ҳозир айнан қанақа рангдаги соққачанинг, ундан кейин яна қанақасининг тушишини билишингиз керак.

Бошладик! Миянгизга нима келса, шуни ўйламасдан гапираверинг!

Сиз, «қора», дейсиз, оқ тушади. Сиз, «оқ», дейсиз, табиийки, қора тушади.

Лекин биз шунга эътибор қилдикки, ҳатто оддий одамларда ҳам, агар улар астойдил машқ қилсалар, қанчадир вақт ўтиб уларнинг тахминлари мос кела бошлайди. Вақт соати билан натижа 100% ни ташкил қилади.

Хўш, бу ерда «дежа вю»ни қаерда кўряпсиз? «Дежа вю» илмий нуқтаи назардан қараганда, бу – сал эси кирди-чиқди дегани! Бунақада эса вақтдан олдинга саёҳат қилишнинг иложи йўқ. Эсдаги кирди-чиқдилик билан қора ранг оқ бўлиб қолмайди.

Олимлар ҳақ бўлиб чиқишди: улар таъкидлаб ўтганларидай «дежа вю» ҳолатида ҳамма нарса бор – толиқиш ҳам бошқа айтганларим ҳам мавжуд.

Керак бўлган ҳамма нарса, фақат галлюцинация эмас. Шундай бўлса ҳам, ўта толиқиш натижасида эс-ҳушда кирди-чиқдилик пайдо бўлиши мумкин. Лекин бу – алоҳида ҳодиса! Умид қиламан, сизга бунинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

«Дежа вю» ҳолатида бошимиздан нимаики кечирмайлик, бу ҳолатда нималарни ҳис қилиб, нималарни кўрмайлик, буларнинг ҳаммаси ҳақиқийдир.

Биз келажакдаги, ўтмишдаги ва ҳозирдаги ҳақиқийликни бир неча сониядан то чексизликкача бўлган ҳақиқийликни ҳис қилиб турамиз.

Демак, маълум ҳолатларда биз замон ва макон майдонида санғиб юришимиз мумкин экан.

Тажибадан маълум бўлди: «дежа вю» ҳолатидаги одамда фанга ҳали маълум бўлмаган қатор қобилиятлар ишга тушади.

Биринчи, ўтмиш ва келажакни кўра олиш қобилияти.

Иккинчи, ҳаётда энг мақбул ҳаракат йўлини танлаш қобилияти.

Учинчи, ўзининг энг оқилона келажagini танлай билиш қобилияти ва уни такомиллаштириш, унга бунёдкорлик таъсирини ўтказиш.

Тўртинчи, ўраб турган атроф-муҳитда ўзига хос акс таъсир уйғота олиш.



Энди дадиллик билан «дежа вю» сўзидан воз кечишимиз ва бу ҳолатни оддий одамларнинг тўқислик ҳолати деб аташимиз мумкин. Лекин бу сифатлаш ҳам тўғри эмас.

Биз қаеримиз билан кучли сезамиз ва қаттиқ таъсир ўтказамиз? Аллақачон фаҳмлагандирсиз? Қуйруғимиздаги локаторимиздан ташқари, бизда яна баъзи бир сезги органларимиз бор, масалан, гардан!

Жуда ҳам аниқ ишонч билан айтмаймиз: бу – биринчи мия жойлашган қисм. У ерда вазифаси бизга наридан-беригина маълум бўлган бир қанча фаройиб ўсимталар жойлашган.

Нега ноаниқлик билан гапиряпман? Чунки мия фаолияти ҳақида ҳаммадан кўра батафсил маълумотларни


фақат институтнинг учинчи курс талабаси Эшмат Али билиши мумкин.

Сизнинг камтарин қулингиз эса назариётчи эмас, амалиётчи. Менинг вазифам, исбот қилиш эмас, балки сиздан олдинги минглаб кишилар билан ишлаш натижасида ортирган тажрибам орқали машқ қилдириш.

Эсингиздами, биз сиз билан эпифиз ва унинг ноёб хусусияти борасида гаплашгандик? Энди эса жуда оддий ва мураккаб вазифа – «ғуддалари» меъёрида сигнал бераётган одамларни тадқиқ қилиш. Улар қандай яшаяпти? Нималарни ўйлашади? Қандай таъсирланишади?

Тадқиқотлар ўтказдик ва яна бир марта қаердан бошлаган бўлсак, ўша ерга қайтдик. Қаерларга келиб қолдик-а?

Сиз тўғри пайқадингиз, худди ўша улғайиб қолган бозориларга, улар катта тадбиркор, олим, рассом ва раҳбарларга айланишган, бир сўз билан айтганда – Шахсларга.



Энди барча янги руслар, янги, кечирасиз, украинлар, яна қozoқлар, ўзбеклар, умуман олганда, барча иши бароридан келган америкаликларнинг сири бизнинг қўлимизда:

меъёрида ривожланган ўта сезгирлик одамни ҳаётнинг барча жабҳаларида энг оқилона ва энг самарали ишни танлашга маҳкум қилади.

Ниҳоят, моҳиятга ҳам етиб келдик! Энди тинчгина, виждонан қийналмасдан дам олсак ҳам бўлади.

Агар бу иш нима билан тугабини билганимизда эди! Аниқроғи, ундан кейин нима бошланишини.

Биз биринчи натижаларни меҳр билан силаб-сийпа-лаб шундай деган бўлардик:

– Чувалчангим менинг, чувалчанггинам. Мана, ниҳоят қўлимдасан.

Бу чувалчанг қимирлаганида эса... Ўҳ, ҳў, ҳў, яна қа-нақа қимирлади! Маълум бўлишича, бу филнинг думи экан.

Бизнинг тадқиқот майдонимиз секин-аста кенгайиб ва кўпайиб борарди. Айтгандай, илмий изланишга кетган харажатларимиз ҳам худди шундай. Бир сўз билан айтганда, илм-фан эмас, нақ... Ўзингиз айтинг, нималигини!

Бу писмиққина фил, аслида, ер шари аҳолисининг тах-минан 85 фоизини эгаллаб олган ашаддий тарзда қутур-ган эпидемия бўлиб чиқди. Биз янги юқумли касаллик топгандик, у онгни шикастлантириб, мия фаолиятини деярли кўзга кўринмайдиган асоратларга олиб келади, мана шу зайл у писмиқларча қабиҳ ишини бажаради.

Йўлимизда давом этамиз, азизларим!

Ҳар дақиқада минглаб даҳоларни оддий одамлар ўлқонига ютиб кетаётган, яъни эпидемия авжи қутурган жойга йўл олишдан олдин, яхшилаб назарий дезинфек-циядан ўташ.

Назарияни летаргик уйқудаги сурункали бешсезгили-лар осойишта ухлаб ётган музлаткичда ўрганамиз.

ХОМО хреновинус

Сурункали бешсезгилилар дегани кимлар ўзи?

Булар ўша – қўғирчоқларнинг бемаъни театрида чайқалиб турган малайлар тўдасида вақтинчалик ёки бир умрга миллионлаб одамлар гирдобига тиқилиб қолганлар. Булар бир умрга кўзи очилмаган кучукчадек қолувчилар. Кучукчалар катталар ўйинини ўйнар экан, ҳайрон бўлишади: «нима учун уларнинг муваффақиятлари фақат хаёлпарастлик мевасидан иборат?»

Бу одамларнинг ҳамма нарса ҳақида аниқ ўз фикрлари мавжуд. Улар тақлидий билимлар, қоида-ю қўлланмалар билан қуролланишган. Уларнинг онги мана бу нарса шундай ва ҳеч ҳам бошқача бўлиши мумкин эмас, деган мутлақ қатъий фикрга тўлдирилган.

Улар тиниқ ақл ва равшан хотира эгалари эканликларини жуда аниқ билишади.

Айнан мана шу анабиоз ҳолатидир.

Ҳозир сиз бу сатрларни ўқиясиз. Атрофга қарайсиз, кўзни у ёқдан-бу ёққа югуртирасиз, қизиқиб ёки уйқусираб киприк қоқасиз. Бу – сиз учун оддий, меъёрий ҳолат. Фикримга қўшиласизми?

Энди давомини ўқинг, сўнгра кўзингизни юминг.

Кўзларингизни юминг.

Ҳозир эмас, тентаквой! Ҳозирча ўқишда давом этамиз.

Кўзларингизни юмгандан кейин тасаввур қилинг – худо асрасин-ку, аммо – сизнинг кўзларингиз кўрмайди, деб тасаввур қилинг. Осмон ғойиб бўлди, уфқ ғойиб бўлди. Бутун дунё гўзалликлари ҳам кўринмайди. Энди ҳар

доим шунақа бўлади. Эртага ҳам, индинга ҳам ва бутун умр. Абадий!

Энди кўзи ожизлар ролига киришишга ҳаракат қилинг, имкон борича бу ҳолатни ҳис этинг. Кўзи кўрадиган ва кўзи ожизлардаги имкониятларнинг фарқини ҳис қилиб кўринг. Бу фарқ осмон билан ерчалик, деган фикримга қўшиласизми?

Нималарни ҳис қиляпсиз? Агар сиз етарлича ҳис қилишга эришган бўлсангиз, ишпontiриб айтаманки, сиз ҳақиқий кўзи ожиз одамнинг қандай аҳволда эканини фақат бир мисқолинигина ҳис эта олдингиз. Бу даҳшат! Бу фожиали тарздаги ожизлик!

Кўзларимизни очамиз.

Таҳлил қиламиз. Кўриш қобилиятини йўқотгач, нималарни йўқотдингиз?

Сиз ёруғликни йўқотдингиз, макондаги мўлжални, мустақилликни ва эркинлигингизни йўқотдингиз.

Сиз энди бошқа одамларнинг васийлигига муҳтожсиз, уларнинг эса сизсиз ҳам ўзи... Энди бошқалар эга бўлган нарсаларга етишишга ҳаракат ҳам қилмайсиз. Чунки энди сизда мутлақо бошқа қадриятлар мавжуд.

Сизнинг кўзингиз ожиз ва кўзи ожизлар жамияти қонун-қоидаси билан яшай бошлайсиз, шу билан ўзингиздаги кемтик томонингизни тўлдиришга ҳаракат қиласиз.

Лекин сиз туғилгандан кўзи ожиз ва шундайлар орасида катта бўлган бўлсангиз, ёруғлик фақат тасаввурингиз ўйини бўлиб, хаста хаёлпарастлик ҳисобланса, у ҳолда ўзингизни ҳеч қачон нуқсонли ҳисобламайсиз. Сиз ўз жамиятингизнинг меъёридаги оддий, бахтли фуқаросисиз.

Сиз қонун-қоидали жамият яратдингиз, бу ердаги барча ўқитиш услуби ва ҳаёт тарзи айнан кўзи ожизларга мўлжалланган.

Бу ерда олий маълумотли кўзи ожизлар, кўзи ожиз ўқитувчилар, докторлар ва академиклар бор. Бу вазиятни назорат қилиш учун идоралар, вазирликлар, бутун бошли давлат аппарати ташкил қилдингиз. Ва, албатта,

Ўз мутахассисларингиз ҳам бор, улар сизнинг болаларингиздан бўлажак кўзи ожизчаларни тайёрлашади! Албатта, аниқ мақсадга қаратилган қамчи ва ширин кулча услубини қўллаган ҳолда.

Бирдан, ажойиб кунларнинг бирида, пақ этиб кўзларингиз равшан тортди.

Ана энди сизнинг имкониятларингиз кўзи ожизлар билан солиштирганда қанчага кўпайди? Имкониятларингиз қанчага кенгайди? Айтиш мумкинки, чек-чегарасиз.

Агар кўзи ожиз одам кўзи ожизлар ҳамда карлар жамоасига тушиб қолса, нима бўлади? Бундай ҳолда у ҳам худо, ҳам подшо-да, ахир, унда битта сезги кўпроқ.

Демак, сезгилари кучлироқ одамлар дунёсида сиз – кўзи ожизлар ҳолатидасиз. Сезгилари пастроқлар дунёсида эса, йўлбошчи.

Кўзи ожизлар-чи? Кўзи ожизлар буткул кўзи кўрадиганлар дунёсидан узатиладиган садақага боғланиб қолган. Кўрувчилар кўзи ожизлар учун иш жойлари ва шароитлар яратишади. Кимдир кўзи ожизларни қўлидан етаклаб юради. Кимдир эса бурнидан, худди сизни мактаб давридан бери судраб келишаётгани каби.

Энди эса етаклаб юрувчи сизнинг уйингиздаги телевизорда ўтирибди. Чунки сизнинг бутун ҳаётингиз ногиронларнинг ёпиқ маконида кечмоқда. Сиз «ҳаёт» деб атаган нарсаларнинг мутлақо ҳаммаси: қишлоқми, шаҳарми, пойтахтми, хорижми – ҳеч қандай фарқи йўқ! Кўр одам Африкада ҳам кўрлигича қолади.

КЎҲНА ПАТЕФОН

*«Бизнинг йиллар узун... пуч,
Бизнинг йиллар узун... пуч...»*

Яхши! Унда пластинкани бошқа томонига айлантира-миз. Тириқ! Пшшш. Янги мавзу: кўзи ожизлар тўғрисида гаплашамиз... Тириқ! Пшшш... Янги мавзу: кўзи ожизлар тўғрисида гаплашамиз... Ўз ҳаётингиз ФҲК (фойдали ҳаракат коэффициентини)ни ошириш учун, ҳурматли «Кўрлар жамияти» аъзолари, биринчи навбатда кўз очилиши керак.

Мана бу - бизнинг навбатдаги вазифаларимиздан бири. Айнан шу билан шуғулланамиз. Қачонки кўзингиз очилса, сизга ҳасса керак бўлмай қолади. Кўзи ожиз одам билан солиштирганда ҳаракатингиз анча тезлашади, мақсад сари ҳатто юриб эмас, югуриб бора оласиз.

Кўзи ожиз эса мақсадни кўра олиш нари турсин, ҳатто унинг нима эканини ва у қаердалигини ҳам билмайди.

ЛЕКИН!

Кейинги кичик хатбошида, бизнинг соғломлаштириш курсларида шуғулланганларга мурожаат этишимга рухсат берсангиз.

Сиз ўз ирода ва руҳиятингиз кучи билан, ўз муҳаббат кучингиз билан саломатлигингизни тиклаб олган бўлсангиз, жумладан, кўриш ва сезги қобилиятингизни ҳам, интуициянинг ишини ҳам тўлақонли тиклашингиз мумкин. Ана шунда сиз таниш ва нотаниш бошқача ҳаётни ҳам бемалол кўра бошлайсиз! Ўзингизни қудратли эканлигингизни ҳис қиласиз.

Ана шунда сиз: кўпчилик одамлар, ақл бовар қилмас тарзда буткул тескарисига яшашини кўра оласиз. Куни

ўтиши учун яшашади, пул учун ишлашади. Улар табиатнинг буюк инъоми бўлган Ҳаётни аллақандай нарсаларга, пулга, латта-путталарга алмашадилар. Кунлар, ойлار, йилларни мойдек кесиб олиб, худо билади, нималарга алмашади.

Бизнинг ногиронлар жамияти яшасин! Унинг ҳамма қонунлари ва ҳамма ютуқлари – ҳаётга!

Изланишларимизни давом эттира туриб, ҳайратланарли ҳодиса билан тўқнаш келиб қолдик: интуиция ҳаммада ҳам бор нарса, лекин у ҳаммада ҳар хил ишлайди. Аксар ҳолларда у кўпчиликка зарар келтиради. Шунақа зарарки, буни душманингга ҳам раво кўрмайсан!

Ўртача статистик одам тахминан, бутун инсониятнинг 85 фоизи – аввал бошданоқ ўз бошига омадсизликлар яратади... Бўм-бўш ҳаётни яратувчи даҳо, ўз бошига... саргузаштларни ишлаб чиқарувчи фабрика.

Бу кавш қайтариб, ҳазм қилувчи фуқаролар – буткул ўзини ўраб турган дунёга қарам бўлганлар. Булар «бе-е-е»лар жамиятининг айнан ўзи. Бу «бе-е-е»ларга дайидан вазиргача беҳисоб турдаги персонажлар киради.

Умуман одадга вазирлар... Йўқ, унақалари ҳам бўлади.

Бу одамлар кун кўриш учунгина ҳаракат қилишади.

Кун кўриш учун я-ша-аш! Бор-йўғи!

Улар доим ўзлари англаган ва англамаган ҳолда катта ё кичик қўрқувлар, айниқса эртанги кунга бўлган ишончсизликлар таъқибида бўлишади. Бу алаҳсирашлии пайнасланишлар, номаълум кўчаларда етакловчисиз қоқилган одамнинг синдроми. Бу одам қаергадир кетяпти, лекин яна бир неча қадамдан кейин нима бўлади?

Мажхуллик!

Мажхуллик қўрқувини бартараф қилиш учун тўда ўзининг қонунларини ўйлаб топди, ўзларининг низомини тўқиб чиқарди, ўз таомил ва қадриятларини яратишди. Бу тўдада бир одам бошқасидан нусха кўчиради. Бир сўз билан айтганда, протоплазмадан пайдо бўлган роботлар.

Бир вақтлари Волга бўйида бўлгани каби уларни очликдан силласини қуриштилади.

Ҳар куни худди бир бўлак гўштдек миллионлаб одамларни урушга жўнатилади.

Чунки таъбир жоиз бўлса, бу микроорганизмлар подаси, четдан юкланган аниқ билимлар билан тўлдирилган, яъни:

қандай бўлиши керак ва қандай бўлмаслиги керак,
ким душману ким дўст,
нима эзгулигу нима ёвузлик,
нима ҳақиқату нима ёлғон
ва қаерга интилиш керак

ва ҳоказо ва ҳоказоларни ўз зиммасига масъулият сифатида юклаб олган мажруҳлардир.

Бу билимларнинг, маълумотларнинг ҳаммаси ҳам худди шундай ногиронлар – бешсезгилилар томонидан тайёрланади. Ва бўлажак зомбиларга – ўрта ва олий ўқув даргоҳларига узатилади, уқтирилади, тушунтирилади.

Мана шунақа, азизим, мана шундай воқеалар гирдобини ҳосил бўляпти. Ўзига ўхшаганларни тайёрлаш ва ўзига ўхшаганларга ўз тажрибасини узатиш. Узатиш ва тайёрлаш. Тайёрлаш ва узатиш.

***Винни Пух билан Тумшуквой
дарахт ковагида нима
билан шуғулланишиганди?!***

Биз болани қандай қилиб ўзимизга ўхшатиб қўямиз? Шунчаки биз унинг миясига шеърларни, қўшиқларни, «бу мумкин», «бу мумкин эмас», «бу яхши», «бу ёмон» деган тушунчани қуйишни бошлаймиз. Винни Пух билан Тумшуквой ковакда нима қилгани, уч ёшли болага нима учун керак? Биз унга керак бўлмаган билимларни тиқиштирамиз. Бу – чалғитувчи билимлар!

Биз унинг табиий ҳолатини ривожлантириш ўрнига, ҳисоблаш, ўқишларни ўргатамиз. Икки-уч ёшдан кейин сизнинг болангизда жуда қизиқ ҳолат барқ уриб ривожлана бошлайди. Унинг миясига ўзимиздаги «қарилик» миждовликларини қуя бошлаймиз ва ўзимизнинг вундеркиндларимиз билан фахрланамиз.

Аста-секинлик билан бола кимга айланади?

Йўқ, қарияга эмас, қаришга улгуради, худди биз сингари мажруҳга айланади! Меъёргаги жамият фаҳри!

Ботаётган қуёш нурларида қиличларини ялтиратиб, бутун бошли суннатланганлар тўдаси менга қараб учиб келяпти.

Сизнинг жавобингиз? БЎЛМАҒУР САФСАТА!

Ҳозир мен сизга айтганларимнинг бари бемаъни гап, шундай эмасми? Сиз буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз! Туғилгандан буён кўр бўлсангиз, қандай қилиб ёруғликни тасаввур қилишингиз мумкин? Аниқроғи, икки-уч ёшдан кейин, айнан шу даврдан бошлаб сизни ҳам шундай усулда тарбиялай бошлашган.

Сиз – ўша боласиз, фақат яна ҳам ошиб тушгани!

Сиз аллақачон макон ва замонни росмана ҳис қилишни унутиб қўйгансиз. Тўлақонли фикрлаш нима эканини, сезгиларни йўлга солиш, кўриш ва эшитиш тасаввурини ҳаракатлантиришни, ҳақиқий имкониятларингиз мажмуасини ишлатишни эсдан чиқариб қўйгансиз, сизга берилган... айтмоқчийдимки, Худодан, лекин сизни йўқ қилиб бўлмас материалистик мафкурангизнинг кўнглини олиш учун, Табиатдан дейдиган бўлсак, сиздаги бу хотирани болалигингиздаёқ қоқиб туширишган.

Энди эса сиз ўз фикрингизни, ўзингизнинг хотирасизлик тажрибангизни фарзандингизга тиқиштирганча, аниқ мақсадли тарзда болангизни интуитив фикрлаш, руҳий, маънавий – ҳақиқий ҳаётини йўқ қиляпсиз. Нима учун? Чунки ҳамма «бе-е-е»лар ўз улоқчаларини шундай тарбиялашади.

Хўш, бундан нима келиб чиқяпти? Ўзингизнинг ҳаётингизга ўгирилиб қаранг! Мана шулар келиб чиқади. Балки, ундан ҳам ўтакетган...

Биз, фарзандларимиз биздан-да юксакроқда бўлишларини хоҳлаймиз. Уларни биздан ҳам узоқроққа боришларини орзу қиламиз. Улар ҳар жиҳатдан биздан яхшироқ бўлишига ҳаракат қиламиз. Фикримга қўшиласизми?

Мана шунда жуда ғаройиб ҳол юз берди: биз тарбия беришни ошириб юбордик. Уларни нима қилиб қўйдик? Зомби. Етакланиб юрадиган, ҳар доим кимдир тўғри маслаҳат бериб туришига, ҳар доим кимдир тўғри йўл кўрсатиб туришига ўргатдик.

Агар уйингизда шундай бахт, етарлича улуғвор ёшдаги икки-уч ёшли кичкинтой бўлса, тажриба ўтказиб кўришингиз мумкин. Қўлингизда-

Бу ерда асал бор эди.



ги ҳар хил рангдаги конфетларни орқангизга яширинг.
Кўрсатмасдан туриб, сўранг:

– Қайси қўлимда қизил конфет, қайси бирида яшил?
Энди эса қанақа? Агар топсанг – конфет сеники!

Фарзандингиз, шунчаки, ўйин тарзида тўғри жавоб беради. Кўпинча болалар ҳайрон бўлиб ҳам сўрашади: «Нимага сўраяпсан, шуни ҳам билмайсанми?»

Текшириб кўринг!

Хўш, улар ковакда нима билан шуғулланишган эди?
Тўппа-тўғри, асални паққос тушириш билан.

**Телбалар дунёсига
хуш келибсиз...** _____

Уй-га!

Энди сизга савол: болаларни майиб қилиб, уларни нотавабга айлантирадиган жамиятнинг бундай шакли нима учун пайдо бўлди?

Балким сиз бу ким томонидандир атайлаб ўйлаб топилган деган фикрдадирсиз? Йўқ, бу англабмаган ҳолда амалга оширилган ва ҳеч ким буни атайлаб қилмаган. Шунчаки, бу борада иккита йўл мавжуд.

Биринчиси – катта йўл, одамлардаги ялқовликни қониқтириш учун қурилган. Иккинчиси – сўқмоқ йўл, ўз-лигини излаётганлар, юрагида чўғи борлар босиб ўтади.

Биз сиз билан энг дангаса, ҳосилсиз, унумсиз жамиятда тарбия топганмиз.

Бола қачонки бирон нарсани хоҳламаса, шундай дейди:

– Мен хоҳламайман.

Катта одам нима дейди?

– Мен бандман, мен жу-у-да бандман.

Бундоқ қараганда, катталарнинг «мен жуда бандман» ва болаларнинг «мен хоҳлайман» дейишлари битта нарса.

Ҳурматли катталар, модомики, биз ўзимизни ишбилармон олифта қилиб кўз-кўзлар эканмиз, нима учун: «Мен жуда бандман» дейишимизнинг сабабини тушунмаймиз.

Биз шунчаки буни ўйлаб топамиз, биз хоҳламаяпмиз, чунки ялқовмиз.

Бизнинг жамиятимизда бойликка, фаолиятсизликка интилиш сифатида қаралади. Ўзимизнинг барча муаммоларимизни техникага, асбоб-ускуналарга, аппаратураларга юклаймиз.

Қачон ялқовлик халқ номидан гапира бошласа, сиз, албатта, билаверингки, халқнинг яна бир бора бойлик сари интилиши ошади, биз техника ривожланиши йўлида яна янги қадам ташлаймиз. Ўқув жараёнларимиз ҳам тўлалигича мана шу дангасалигимизга хизмат қилади.

Ким кўпроқ бунёдкорларми ёки шунчаки ўзидаги инстинктларини қондириш учун яшаётган дангасаларми? Ким кўпроқ?

Дангасалар кўпроқ, дангасалар. Улар жуда кўпчилик.

Архимед битта, физиклар эса сон-саноксиз. Ақлдан озган Архимед янгилик яратди: «Эврика!» – минг-минглаб физиклар эса бошқаларни ўқитиб, диссертациялар ёқлашади. Тушуняпсизми? Бошқа соҳаларда ҳам худди шундай.

У бунга қандай эришди?

Интуиция!

Демак, биринчи навбатда, сиз билан биз нимани тиклашимиз керак? Интуицияни!

У пайтда сиздаги фикр юритиш шакли, вақти келиб ҳозиргидай бўлмайди.

Агар янада жозибалироқ ифодаляйдиган бўлсак, бу ҳақда айнан шундай дейишга арзийди: ўз интуициянгизни тиклагач, ўзингизнинг шахсий ҳаётингизни, шу жумладан, оилангиз ва хонадонингиздаги «кўрларни» ҳам ҳимояловчи фариштага айланасиз.

У ҳолда сизда қорани оқдан, кулрангни қизилдан, қизилни сариқдан, ҳақиқатни чала ҳақиқатдан фарқлаш имконияти пайдо бўлади. Чунки олтинчи сезгини алдаш мумкин эмас.

Сиз одамларнинг авра-астарини кўра бошлайсиз, улар сиз учун очик китобдай бўлиб қолади. Сиз интуицияни тиклаб, Худо илҳом берса, ўзингиз сари йўл оча оласиз.

*Мен сув парисиман,
уммон – масканим,
Лекин сирлашишга
кимсам йўқ маним _____*



*Мен учишни, мен учишни...
У-му-ман мен ЕЙИШНИ хоҳлайман!*

Биз ҳали ҳам лабораторияда эканимизни унутмадин-гизми?

Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз япон тилида яхши гапира оласизми? Агар йўқ бўлса, демак, сиз японлар орасида бегонасиз, тўлақонли эмассиз. Бўрилар тилида гаплаша оласизми?

Демак, бўрилар орасида ҳам сиз бегонасиз. Бўри, одамлар нуқтаи назаридан қараганда, жуда бўлмағур махлуқ, лекин ҳайвонлар орасида у юқори даражада ри-

вожланган жонивор, чунки бўри миясининг ҳажми катта. Аслида ҳаммаси нисбий.

Нормал, яъни меъёрдаги одам ким? «Меъёр» дегани нима?

Бу – бизни ўраб турган муҳитда мўлжални қулай олиш учун пайдо бўлган, ҳамма томондан қабул қилинган муомала доираси. Бу – ҳар бир ўртача статистик бошга жойлаштирилган, ҳаммага маълум бўлган фактлар ва билимлар йиғиндиси.

Демак, «норма» – бу одамлар дангасалигини амалга ошириш: бош қотирмаслик, роботга ва ҳаммага ўхшаб иш тутиш.

Қачон биттаси ёлғон гапирса, буни «ёлғон», бошқа биров бу ёлғонни такрорласа, буни «иктибос» деб аташадди. Ҳамма бу ёлғонни такрорласа, буни «ҳаммага маълум бўлган факт», деб қабул қилинади.

Ёлғонларни мактабларда, кейинчалик институтларда ўқитишса – буни «олий маълумот» дейишади. Бу ёлғон умумники бўлса, у «билим»га айланади.

Даҳо дегани ким ўзи? Рисоладаги одамнинг нуқтаи назарида у рисоладагидек эмас. У бошқача ўйлайди, дунёни бошқача қабул қилади, бошқача ҳаракат қилади. Даҳо – бу ўша шизофреник, фақат унинг юзага, яъни рўёбга чиқа олган ҳолати.

Шизофреник дегани ким? У – бемор.

Сиз биласизми, Наполеоннинг тутқаноқ касали бўлган? Достоевскийнинг ҳам. Пётр I нинг ҳам. Хаста инсонлар!

Руҳшунослик нуқтаи назаридан соғлом одам ким ўзи? Бу кўпчиликдан ҳеч нимаси билан ажралиб турмайдиганлар.

Кўпчилик омма, тўда дегани нима? Биз бу ҳақда гапириб ўтгандик. Кўпчилик юлдузларга кимнингдир қуйруғи орқали қарайди. Бундай ножоизроқ ибора учун узр!

Битта Шахс бутун тўданинг, миллионлаб одамларнинг онгини буткул ўзгартиради.

Миллионлаб одамлар юзага чиқиш учун курашиб, Шахсни тилка-пора қилиб ташлашга ҳаракат қилишадди.

Шаҳар тўдаси, қишлоқ тўдаси, ишчилар тўдаси... мавжуд. Агар мен: «Достоевскийлар тўдаси» деб айтсам, сиз гапимдаги бемаъниликни сезасиз?! Ёки Шекспирлар тўдаси? Шекспир – тўда ёки сонлар ҳисоби эмас. Шекспир – бу сифат!

Омма – ўзи қила олмайдиган, ўзи қила олмаган ҳамма нарсани инкор этувчи, нималигини ўзи ҳам билмайдиган, жуда кўпчиликни ташкил қилувчи қиёфасиз оломон. Бу меъёрдаги одамларни ким эслайди, паспортли бир бўлак гўштларни ким эслайди?

Азизларим! Дунё мисоли қатлама пишириғидай қатқат! Пиёниста, мен ҳамма қатори ичяпман, деб ўйлайди, ва у ҳақ, чунки унинг атрофидагилар фақат пиёнисталардан иборат.

Ўхшашлар бир-бирига интилади ва улар ҳаммани ўзига ўхшаш деб ҳисоблайди.

Тирикчиликдан бошқа нарса билан иши бўлмаган кишининг эҳтиёжи «орбит» билан «памперс» оралиғидаги чегарада жойлашади.

Нима сабабдан ўртача статистик одамнинг мияси бор-йўғи 2–3% ишлайди. Чунки ҳаётда ейиш ва ухлаш учун ундан кўпининг кераги ҳам йўқ.

Тор фикрли киши даҳолар борасида ўйлар экан: «Бўлиши мумкин эмас! Булар мен учун эмас, демак, бу нарса мавжуд эмас», – дейди.

Одам худди сувга ўхшайди: қайси томон пастроқ бўлса, ўша томонга оқиб кетади.

«Мен» ёки «эго» деган тушунча бор. Мана шу «эго» атрофида, уни ювилмаган «мен»и атрофида бешсезгилиларнинг ҳамма қизиқишлари гирдикапалак бўлиб айланади. Ўз «эго»си атрофида бешсезгилилар ўз ахлоқий қарашларини, ўз қонунлари ва ҳатто ўз динини яратади.

Туғилганидан бўрилар орасида яшаган одам одам бўлиши мумкин эмас. Сиз ҳам атрофингизни ўраб турган бўрилар каби бўласиз.

Даҳолар-чи? Ахир улар ҳам ўша ўрадан эмасми?

Ҳа, албатта. Лекин даҳоларда уларгагина хос табиий аномалияси, туғма касалликдай истейдоди, индивидуал ўйин қоидасини, ҳаёт қоидасини баён этиб туради. Уларда ички даъват бор.

Сизда ҳам ички даъват бор, бу – ички интилиш. У ҳаммада бор. Фақат сизда бу даҳоларникига қараганда кучсизроқ. Ҳозирча.

Бу интилишни ривожлантириш мумкин!

Сиз уни ривожлантиришни, кучайтиришни истайсизми? Мана, гап қаерда.

Агар сиз тайёрга айёр бўлсангиз, афсус, бизнинг йўлимиз бошқа.

Агар сиз учун тўда орасида яшаш яхши бўлса, сизга катта кўча, ўзимга ундан-да каттароғи.

Лекин сиз истакни, интилишни, даъватни, кучни ҳис қилсангиз...

ОҚИЛОНА САВОЛ: _____

***Сиз ҳаётингизни ҳамма қатори
яшаб ўтишини хоҳлайсизми?***

Қандай қилиб сизни бу тўда асирлигидан, тор идрок қилиш балосидан қутқариб олсам экан? Нима қилсак, сиз дунё миқёсидаги одам бўлиб, ЖЭКдаги тентак Маша билан эмас, бутун дунё билан, уни ҳис этиб яшайдиган бўласиз,

Нима қилиш керак? Нима?

Устозлар айтишади: «Ўзингни англаб, Худони топ-гайсан».

Машғулотларим пайтида менга кўпинча умумбашарий муаммолар ҳақида савол беришади. Бундай пайтларда мен уларга шундай жавоб қайтараман: «ЎЗИНГИЗ ҳақингизда сўранг! Сиз олдин ЎЗИНГИЗ билан танишинг, ЎЗИНГИЗНИ билинг, кейин инсониятни англай оласиз».

Сизда ҳамма саволларга жавоб тайёрами, менинг даҳоларим!

Ўзлигингни англаш... Бу шунчаки қийин эмас, бу даҳшатли даражада қийин! (Атайлаб қўрқитаяпман.)

Мана, сиз қариндошларингиз, танишларингиз, қўшнилариңизнинг муаммолари билан жуда қизиқасиз: унинг нима дарди бор, қанча маош олади, ким билан яшайди? Сиз бутун инсониятни қутқармоқчисиз. Бу эса сизни ўзингиздан, ўз муаммолариңиздан қочаётганин-гизнинг биринчи кўрсаткичи.

Йишлаб қандайдир физика-математикани, чет тилини ёки фалсафани ёки яна нималарнидир ўрганишга тайёрсиз. Лекин гап ўзингизни ўрганишга келганда, бу сизни

қўрқитади. Сиз фақат шуни қилмаслик учун ҳар турли баҳона ўйлаб топасиз.

Қизиқувчанлигингизнинг орқасига бекинмоқчи бўласиз, нима бўлса ҳам ўрганасиз, нима билан бўлса ҳам ўзингизни машғул қиласиз, фақат ўзингиздан чалғисангиз бўлгани. Асосий нарса – ўзингизни англаш кейинга қолса бўлди, чунки одам ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзидан, ўзи билан ўзи ёлғиз қолишдан қўрқади. Сиз фикримга қўшиласизми?

Ўзлигингизни англашни бошлаганингизда, нима содир бўлади? Ўзингиз билан танишишнинг ўн беш-йигирманчи дақиқалариданоқ сизда ички тўсиқ пайдо бўлиб, ички қаршилик ўсиб боради. Шундан кейин эса тобора ошиб бораётган яққол зеркиш, ланжлик, камситилганлик, ўзини англаш ҳолатида бўлмаслик истагини пайдо қилади.

Бу ҳам қонуният!

Сиз яшаб ўтган кунларингиз билан учрашишдан ҚЎРҚАСИЗ. Сиз ўзингиз қилган ишларингиз учун жавоб беришдан ҚЎРҚАСИЗ. Сиз ўзингиздаги жиноятчини кўришдан ҚЎРҚАСИЗ. Сиз бу иблис билан юзма-юз бўлишдан, ўзлигингиз билан учрашишдан ҚЎРҚАСИЗ. (Атайлаб бўрттираяпман).

Ҳақиқат ҳар доим оғир.

Ёки ҳар доим эмасми?

Одамнинг қўрққани, ўзига нисбатан сустлик қилаётгани, ҳаракатсиз дегани. Бундай одам ҳаракатдагиларга, фаолларга нисбатан тажовузкор бўлиб қолади.

Пилла қуртининг ғумбаги ҳолатидан чиқиш учун очилиб, капалак бўлиб учиб кетишни жуда хоҳлашингиз керак. Жуда ҳам хоҳлашингиз керак!

Қалбингизни ҳар бир ҳужайраси билан буни хоҳлашингиз керак ҳамда қилмоқчи бўлаётган ишингизни севиб қолишингиз керак. Ҳаракат қилишингиз, ишлашингиз, тертўкишингиз, яъни ўзлигингизни англашингиз керак!!!

Сиз ўзингизни дастурлашингиз, ўзингизни қайта дас-

турлашингиз мумкин. Озодликка эришиш учун қайта дастурлаш. Ўзгулик ва ёруғлик фариштаси ҳурлигидир.

Сиз ўзингиз томон ўтирилиб қарашингиз керак. Ўз устингизда ишлашингиз, ўзингизни КИМЛИГИНГИЗ ва НИМА УЧУН яратилганлигингизни билишингиз керак.

Ўзингизга саволлар беринг: МЕН КИММАН? МЕН НИМА УЧУН ЯРАЛГАНМАН?

Диққатингизни қаратинг, бу – қадим замонлардан бери одамларни қийнаётган савол!

Нима учун сиз аёлсиз ёки эркаксиз?

Нима учун сиз айнан мана шу йилда, айнан мана шу санада, айнан мана шу давлатда туғилдингиз?

Нима учун сиз айнан мана шу ота-онанинг фарзандисиз?

Нима сабабдан сиз шундай ҳисоблайсиз?

Нима сабабдан сиз бошқача ҳисоблайсиз?

Нима сабабдан бирор ҳодисадан қувонасиз? Нима сабабдан бошқа ҳодисадан қайғурасиз?

Қандай қилиб, бир вазиятда сиз кўрқасиз? Қандай қилиб, бошқа вазиятда сиз фахрланасиз?

Нима яхши, нима ёмонлигини қаердан биласиз?

Биз бу саволларни чуқур англаб ета бошлаганимизда, бизнинг ўтмишдаги кўплаб андуҳларимиз йўқолади. Уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлади. Лекин бу пайтга келиб сиз аллақачон нима қилиш кераклигини билиб олган бўласиз!

Биз сиз билан қайғу нима эканлигини англаб етсак, қайғу йўқолади.

Биз сиз билан кўрқув нима эканлигини англаб етсак, кўрқув йўқолади.

Биз сиз билан кибру ҳаво нима эканлигини англай олсак, кибрланиш йўқолади.

Бас шундай экан, табиий савол туғилади: унда нима қолади? Инсонийлик уруғи қолади. Шахс қолади.

Одам шартлиликдан, кишанлардан ва унинг фикрларини ўраб турган, ҳаракатларини бошқариб турган

симлардан, иплардан озод бўлади ва у бирдан ТИРИК эканлигини ҳис қилади, бирдан ЯШАЁТГАНИНИ англаб етади!

Энди у бирдан атрофда фақат соялар югуриб юрганини кўради. Кўзингизни кўкартириши мумкин бўлган соялар. Оғриқ етказиши мумкин бўлган соялар. Муштлари билан мажақлаб, янчиб кетиши мумкин бўлган соялар.

Қиёфасиз, тўлқиндек чайқалаётган роботлар тўдаси. Сиз эса ҳар бир одамнинг белгиланган тақдир эгаси эканлигини кўрасиз. Сиз олдиндан бу одам нима қилиши, нимани гапиришини биласиз...

Сезгилари тўқис ривожланган одам бутун дунёнинг бемаънилигини кўради. Бу дунё – ҳар бир қўғирчоқ ўзини «тирикман», деб ўйлайдиган бемаъниликлар томошагоҳи.

Олтинчи сезги – ортиқча қобилият, тасодикий истеъдод эмас, зарурият. Еттинчи сезги эса инчунин!

Сиз ўзингизнинг «нима учун» яралганлигингизга жавоб бера бошлашингиз билан, қандайдир Буюк Нисбийлик, қандайдир Буюк Бўшлиқ борасида ўйланиб қоласиз.

Вақтнинг боши ва охири йўқ. Вақтнинг оқими йўқ. Ҳаётда ҳамма нарса спирал ўрами тарзида юзага келади.

Баъзан спиралнинг битта ўрамида туриб, биз бошқа ўрамга деярли яқинлашамиз. Шу маҳал бирданига бу ўрамларнинг туташуви юз беради. Мана шундай пайтларда бирдан ҳис қиламиз: бу ҳаммаси аввал ҳам содир бўлганди-ку. Ҳозир бу одам мана буни айтади, ҳозир бу ва мана булар содир бўлади ва биз буни КЎРАМИЗ, СЕЗАМИЗ, БИЛАМИЗ.

Нима учун? Чунки бу дамда ҳали хотирадан бутунлай ўчиб кетиш ҳолати юз бермаган бўлади.

**Агар уйқудаги кишининг
бошига тушириб қолсак... _____**

Тасаввур қилинг! Бир куни тасодифан ўтиб кетаётган одам уйқудаги кишининг бошига тушириб қолди ва у уйғониб кетди. Уйғонди-ю, ўйлай бошлади:

- Мен кимман?
- Нима учун яралганман?
- Нима учун ердаман?
- Нима учун айнан бу шаҳардаман?
- Нима учун айнан мана шу вақтдаман?
- Нима учун эркак ёки аёл қиёфасидаман?
- Нима учун ёлғизман?
- Нима учун? Нега? Нима сабабдан?

У ўйлашни бошлади. У ўйлашни бошлади! У ўйлашни бошлади!!!

Кейин у **тушуна бошлади**: нима сабабдан қўрққанини ва қўрқувни келтириб чиқарган сабабдан қочганини. Ҳар хил баҳоналарни рўқач қилиб қочаверди. Фақат ўзини ишчан одам кўрсатиш учунгина ўзига минг хил эрмак топди, яъни ўзлигидан қочди. Ўз-ўзи билан муомала қилишдан, ўзини тушуниб етишдан, ўзини англашдан қочди.

Ва у, ўша шахс, уйғониб олгач, **излана бошлайди**.

Мана шундай пайтда унда олтинчи сезги ишга тушади.

Қадрдонларим! У худди ёш болага ўхшаб, **йиғлай бошлайди**. У бошқа уйғоқларни **эшита бошлайди**.



Бошқа уйғонганлар бу боланинг ёнига кела бошлашади. Тушуняпсизми? Чунки оддий одамлар «ҳаёт» деб атаган кимсасиз шаҳарнинг кўчаларида ярим кечаси ҳамма ширин уйқудалигида, янги туғилган чақалоқнинг овози аниқ эшитилади.

Ва «доялар» келишади, албатта келишади, шоду-хуррамлик билан келишади.

Устозлар келишади.

Уларнинг вазифаси – сиз шундоқ ҳам биладиганларни ўргатиш, кўп бора ўрганган нарсаларингиздан сабоқ бериш, фақат сиз ҳар гал ёнгинасидан ўтиб кетган нарсалардан. Уларнинг вазифаси – идрок эта олиш, ҳис эта олиш доирангизни етарлича тиклаш.

Билимлар ҳақида суҳбатлашамиз. Нима деб ўйлайсиз, минг йиллик тажрибалар қаёққа кетди? Кўплаб авлодлар томонидан тўпланган донишмандлик қаерда сақланади? Сиз улар ўтмишда, йиллар уммонида қолиб кетди деб ўйлайсизми? Э, йўқ! Ҳеч қаёққа кетмади. У махфий ҳолда сақланиб, кўпайтирилмоқда. У шунчалик пухта беркитилганки, сиз уни ҳеч қачон топа олмайсиз!

Бу билимлар қулфланган темир эшик орқасида, чуқур ғорда етти муҳр остида, шундоққина бурнингиз тагида, яъни уйингизда яширилган.

Ҳайрон қолдингизми? Мана, кўрдингизми, шундай бебаҳо дуру жавоҳирлар хазинабони эканингизни ҳатто билмасдингиз!

Қадим даврлардан буён дарвешлар буюк ҳикматнинг тагига етганлар ва ушбу ҳикматни махфий тилда бутун дунёга эртақ, ривоят, қизиқарли ҳикоялар, чиройли шеърлар кўринишида тарқатишган. Донишмандликнинг хазинабони эса ўзингиз.

Китоб тоқчасига қаранг. Албатта унда Умар Хайём, Низомий, Румий, Фирдавсий ҳатто Абу Али ибн Сино асарлари ҳам топилса керак.

Ўйлайманки, «Минг бир кеча» эртақлар китоби сизда бор. Аслида эса бу – болалар учун эртақ эмас, маҳоратли изланувчилар учун дарслик.

Сиз ҳам ушбу рўйхатдаги муаллифлардан нималарнидир ўқиган бўлсангиз керак. Фақат ҳамма гап қандай ўқиганингизда.

Ташқи кўриниш жўн одамлар учун жуда содда ва жозибали. Бунақа китобларни ўқиркан, улар ўзича ўйлайди: «Ҳа! Қара-я, муаллиф ҳам худди мендай фикрлар экан! Умуман, ёмон эмас, ёмон эмас!»

Сиз муаллифни ҳам худди ўзингизга ўхшаган деб ўйлайсизми?

Истасангиз, биргаликда қадимий махфий сирлар сақланаётган ертўлалардан бирига сайр қиламиз?

Умар Хайёмга йўлдош бўлиб оламиз, одатда, уни фақат шоир деб ҳисоблашади. У жуда машҳур шифокор, астроном, математик, давлат арбоби ва яна кўплаб унвону мансаблар соҳиби бўлган. Ҳозир биз махфий билимларни махфий тилда ёзиш бўйича моҳир бўлган Умар Хайём билан озгина танишамиз.

Буюк ёзувчи мана бундай деб ёзганди: «Ёвуз одамлар тўдаси бу ҳақиқатларни ёмонлик йўлида ишлатмасликлари учун, мен ўз ҳақиқатларимни етти муҳр ва қирқта қулф ортига яширдим».

Кўпчилик Хайёмнинг рубоийларини ўқишади.

Унинг шеърларидан лаззатланиб, қойил ҳам қоласиз: «Қандай гўзал шеърят! Шоир дунёни нақадар нозик англаб етади! У қандай қилиб бутун борлиқнинг ночор-

лигини, одамларнинг барча интилишлари беҳудалигини тушунди экан!»

Аслида эса, у сизнинг ожизлигингизга, шубҳаларингизга, ишонмаслигингизга ва фаолиятсизлигингизга мос тушишга ҳаракат қилади.

Бошқа биров эса, Умар Хайёмни маишатпараст, ишратпараст деб ўйлайди. Ахир, у май, аёллар ва майхоналар ҳақида ёзган-ку. Хотинингизга ҳам ўзингизни оқлаш учун дўқ урасиз: «Жим бўл, аҳмоқ! Хайём ичган, мен эса атиги бир шишани бўшатдим».

Умар Хайём ҳар бир ўқувчининг олдига чиройли ҳошияланган кўзгуни ўрнатиб қўйган, мана, юз йиллардан буён тор фикрли кишилар унда ўз аксини кўриб ўзига мафтун бўлишади. Шунинг учун ҳам бу китобни ўзларида сақлашади.

Сизга, у пайтларда бир томчи май учун танангизни нимта-нимта қилишлари ёки қозиққа ўтқазиб жазо беришлари маълумми? У даврнинг ўз инквизицияси бор эди-ку.

Умар Хайём буюк Устозлардан бири бўлган.

Менинг қадрдонларим, Умар Хайёмда «май» ҳақиқатни англашдан маст бўлиш деган маънони англади.

Ҳар бир сўз сиз ўрганиб қолган мазмундан ташқари яширин маънони ўз ичига олади ва мутлақо мантиқий фикрлашга мўлжалланмаган.

Шундай тил билан ёзилган бир жумланинг мазмунини сизга етказиш учун бир неча ўн варақ керак бўлади.

Мушоҳада юритиш орқали фикри ёрқинлашадиган инсон битта жумлани ўқиб, полдан шифтгача китоб билан тўлган кутубхонадаги маълумотчалик билимни олиш имконига эга.

Махфий ёзувларни ўрганишга киришишдан олдин, уч йилгача қанақа ўқиш кераклигини ўрганиш лозим.

Мана, агар хоҳласангиз, махфий ёзувларнинг кичик луғати.

Ошиқ – дарвиш.

Шаҳзода – шогирд.

Аёл – ғафлат босганининг қалби.

Соҳибжамол – изланувчининг қалби.

Беқарор соҳибжамол – қалбнинг ақлга бераётган азоби.

Маст – ҳақиқатга етган дарвеш.

Сархушлик – фикрнинг ёрқинлашуви.

Қадаҳ – онг.

Майхона – машқ қилиш учун йиғиладиган жой.

Кўза – ақл.

Кўзанинг бир парчаси – ўтган усталар тажрибасининг бўлаги.

Соқий, яъни май қуювчи – май орқали ҳақиқатни берувчи, яъни Худонинг белгиларидан бири.

Боғ – машқ жараёни.

Дарахт – шогирдларсиз устоз.

Мева берувчи дарахт – устоз ва шогирдлар.

Тоғ – ҳаққа етган, олий тоифадагилар қаторига кирган.

Тепалик – Устоз.

Тик қоя – ўқишнинг бошланишига сабабчи бўлган зот.

Катта бир бўлак палахса – донишмандлик.

Тош – машқ қилувчиларнинг бошлиғи.

Узук – шогирдлар доираси.

Қиммат тошли узук – Олий Мураббий иштирокидаги шогирдлар доираси.

Сапфир кўзли узук – Сулаймон машқларини қўллаётганлар.

Зумрад кўзли узук – Муҳаммад машқларини қўллаётганлар.

Олмос кўзли узук – Мусо машқларини қўллаётганлар.

Шода – устоз, ҳамма асосий Мактабларни ўзлаштирган уста.

Ва ҳоказо

Устозлар замон ва маконда бир-бирларига махфий маълумотларни жўнатиш учун 3001 сўзни ишлатишадди.

Бир гал Устозим менга махфий ёзувлар алифбоси ва Умар Хайёмнинг «Рубоийлар»ини берар экан, деди: «Мана бу тўртликни таржима қил». Таржима қилишни бошладим. Бу ишга икки ой вақтим кетди. Битта тўртликдан деярли 270 варақ босма ҳарфли матн чиқди.

Умар Хайёмнинг ҳар бир тўртлигининг биз учун аҳамияти бўлмаган ташқи шакли, пўсти бор. Бу – бор-йўғи катта болалар учун жозибали муқова.

Махфий ёзув алифбоси бўйича эса қуйидагича чиқяпти:

Биринчи пардаи очамиз, ўқиймиз: «Made in...», яъни қайси юртда, қаерда ва ким томондан тайёрланган, қайси мактабга мансуб ва машқларнинг вазифаси.

Иккинчи парда – назарий асослар.

Учинчи парда – хавфсизлик техникаси, йўл қўйиш мумкин бўлган хатолар ҳақида огоҳлантириш.

Тўртинчи парда – машқларнинг ташқи техникаси.

Бешинчи парда – ички техникаси.

Олтинчи парда – жараёни бошлаш, машқларнинг дастлабки босқичи.

Еттинчи парда...

Рухсатномангизни кўрсатинг, илтимос! Кечирасиз, бу ёғига йўл ёпиқ.

Ва натижада биз бутун бошли илмий асарга эга бўламиз. Агар бу матнни бирорта замонавий синчков қўлланмалар ҳаваскорига кўрсатилса борми, у шу заҳоти ҳасаддан ҳушидан кетиб йиқиларди. Чунки сизнинг олдингизда қатъий, имкон бориचा лўнда, асрлар бўйи тарошланган ва силлиқланган кўрсатма ётган бўлади, мисол, сувнинг оқимини тўхтатиш учун ирода кучи билан қаерда, қандай кетма-кетликда, қандай ҳолларда ва айнан нима қилиш керак. У ва бу ҳолатларга етишиш учун қандай ва қай йўсинда машқ қилиш лозим.

Ривоятлар ҳам юзаки кўриниб турган матндан бутунлай бошқа маънони англатади.

Эсимда, қирқта пардали кичкинагина бир ривоятни таржима қилиш учун менинг саккиз ой вақтим кетганди.

Диққат! Баъзан ривоятларни русча ўқиганимда, ўша шўрпешана таржимонни кураш гиламига чақириб, ҳалол жангда яхшилаб адабини бериб қўйиш орзуси пайдо бўлиб қолади.

Маъно жиҳатдан таржимасини чиқаришим учун мен олдин матнни рус тилидан асл тилига ўгиришим ва фақат шундан сўнггина пардаларни очишга киришишимга тўғри келади.

Кичкинагина саёҳатни хоҳлайсизми? Сизга озгина тушунарли бўлиши учун «Озуқа ва патлар» ривоятидан битта парча келтирамиз. Олдин унинг сиртқи томонини ўқиймиз.

«Билмам қайси замонда, билмам қайси томонда бухоролик Абу Кулол деган талаба бўлган экан. У ҳар куни ўзининг Устози ёнига бориб, оёқ томонида ўтирганча, унинг ҳамма айтганларини қоғозга ёзиб оларкан. Деярли ҳар куни шундай қиларкан.

Бир куни кечқурун хотини рўмол ёпилган хумчани унинг олдида қўйибди. Талаба рўмолни бўйшига боғлаб, хумчани ичига мўралабди, у ерда ёзув билан тўлган қоғоз ва патлар бор экан.

– Мана, кечгача сен нима билан шуғуллангансан. Энди уларни ейишга ҳаракат қилиб кўр...», – дебди хотини ва ҳакозо.

Фафлат босганлар дунёсида яшовчи оддий одамлар учун ривоятнинг ташқи кўриниши мана шундан иборат. Улар бу кўнгилочар ривоятни болалари тезроқ ухлаб қолишлари учун айтиб беришга сақлаб қўйишади. Бу ерда эса гап умуман бошқа нарса ҳақида кетяпти.

«Талаба» изланувчи деган маънони англатади, у қалб ва идрокнинг бирлашиши орқали уйғунликка эришишга интилади.

Жуда жўн тарзда қилган таржимам учун улфатларим – Ишқ аҳли мени кечирсинлар-у, бу ерда тахминан шундай дейиляпти.

«Изланишини энди бошлаган! Сенинг ақлинг («ақл» бу «ўша») ҳар доим, ҳар куни ҳақиқатнинг бошида («оёқлари томонда») ҳаётни билиш («Устоз»—бу «Худо»), Олий Ҳақиқатни ва Олий Қудратни билишнинг бошида бўлади.

Лекин сенинг ақлинг ҳамма нарсани хотирада сақлашга ҳаракат қилади («қоғоз» хотира дегани).

Ҳаётнинг охирида сенинг қалбнинг («хотин») сендаги бор ақлни кўрсатади (бу тушунганингиздай «хумча») у ерда, хотирадан («қоғоз») ва ўлик фикрлардан бошқа («патлар») ҳеч нарса топмайсан. Ва оқибатда сен қалбнинг изтиробларидан ўзингни осишга тайёр бўласан («рўмолча» — бу ўша, қалбга алоқадор).

Энди яна шу матннинг биринчи олти сўзи: «Билмам, қайси замонда, билмам қайси томонда...» ақл-идрокнинг ҳаётини билдиради. «Ақл-идрок яшарди». Демак, мен бу қўлланмага қандай қилиб ҳаёт беришни, уни қандай қилиб ҳаётга тадбиқ қилишни билиб олишим керак.

«Оёқларни тиззадан букиб ўтир». Стулда ўтирганингизда оёқларингиз устида ўтирасиз. Агар сиз машқ ҳолатида ўтирган бўлсангиз, унда сизнинг гавдангиз «оёқлар устида» бўлиб қолади. Агар «оёқлари ёнида» деб ёзилганида эди, унда «устоз билан ёнма-ён» деган маъно ҳосил бўларди.

Учинчи парда: Бу ерда «Тиззани букиб ўтир» маъноси: дастлабки бошланғич ҳолатга кир дегани. Ўз онгингни, ўз хотирангни оқ қоғоз даражасида тозала («қоғоз»). Бўм-бўш бўл, фикрлашни тўхтат.

Давоми тўртинчи парда — бу «кутубхонага», яъни абадий маълумотлар қатламига йўл топиш учун машқлар.

Ривоятнинг «Озуқа ва патлар» деган номи «жонсиз фикрлар билан фойдали амалиёт», яъни «мушоҳадани кенгайтириш учун машқлар» деган маънони англатади. Бир сўз билан айтганда, махсус кутубхонага аъзолик паттасини олиш учун машқлар.

Кейин бешинчи парда ва шу тариқа ушбу жараён қирқинчи пардагача давом этади.

Минг йиллар олдин қоғоз масаласи жуда муаммо эди. Сополдан тахтакачлар тайёрланиб, уста унга 400–500 ва-

рақ қўлланмани жойлаши керак бўлган, лекин шундай ёзиш керакки, дуч келган кимса ундан ўз манфаати йўлида фойдалана олмасин. Балки бу нарса ўша пайтлардан бошлангандир?

Умар Хайём ўз ҳақиқатларини минг йиллар оша белгиланган эгаларига етказишга эришди. Буюк математик, ўз билимларини ҳамма, аксар кўпчилик ишлатадиган оддий сўзлар ичига сиқиб, зичлаб жойлади, содда тилга шифрлаб махфийлаштирди.

Нима учун донишмандларнинг буюк билимлари махфийлаштирилган? Бу билимлар, бу кучлар ёвузларнинг қўлига тушмаслиги керак, чунки улар бу билимларни ўзларининг манфаати йўлида ишлатиши мумкин, уларнинг ғаразли йўлда ишлатилиши эса одамни ҳалок этиши мумкин.

Оддий одам эса ҳар қанақа кучга эга бўлиши билан уни, биринчи навбатда, ўзининг ҳайвоний истакларини қондириш йўлида ишлатади. Мана нима учун буюклар билимининг муваффақияти махфийлаштирилган.

Буюк Умар Хайём айтган эди: «Ёвуз одамлар тўдаси бу билимларни ёвузлик йўлида ишлатмаслиги учун мен ўз ҳақиқатларимни етти муҳр ва қирқ қулф ортига яширдим». Тор фикрли одамларнинг қўлига қудратли қурол тушмаслиги учун махфий ёзувнинг бутун бир илми ўйлаб топилган эди.

Махфий билимлар авлоддан-авлодга, отадан-ўғилга ўтиб келган. Минг йиллик тажриба, миллиард инсонлар тажрибаси ҳеч қаерга йўқолгани йўқ. Тўлақонли ва муфассал идрок қилишни қандай ривожлантириш керак, қандай қилиб шахс бўлиш мумкин, бунинг учун нима қилиш керак, ишни нимадан бошлаш керак – бу ҳақдаги ҳамма маълумотлар, ҳатто аниқ тушунтирилган қўлланмагача эҳтиётлик билан сақланиб, асрлар бўйи бизгача етиб келмоқда.

Қадрдонларим, муқаддас битикларнинг ҳаммасида ҳам бекордан-бекорга айтиб ўтилмаган: ўзингни англаб Худони топгайсан. Бунинг маъноси: ўзингни англаб, ўз қудратингни англайсан

Махфий ёзувлар ҳақида гап бошлаб, ўзим билмаган ҳолда чуқурлашиб кетдим ва навбатдаги ёзишим керак бўлган китобнинг қўлига тушиб қолдим. Энди мен «А»ни бошлаб қўйиб, ўзимни «Б»ни ҳам айтишга мажбурдек ҳис қиляпман, яъни қадимий ривоятларнинг асл маъносини тушунишни истаганлар учун алифбо тузишга киришишим керак.

Азизларим, тушуниясизми?

Танлаш имкони сизда, ҳурматли ногиронларим! Сиз танлашингиз керак: Шахснинг йўли ёки ҳеч қасрга олиб бормайдиган йўл!

Қандай қилиб Шахс бўлиш мумкин? Тайёр жавобни хоҳлайсизми?

Агар хоҳласангиз, демак, сиз – Шахс эмассиз.

Мана шунинг учун сизга чиройли қилиб тугилган шимилдирик!



Биламан, ҳузурингизга қалбингиз орқали кириб бориш вазиятида эмасман, чунки қалб аъзоингиз битта тилда гапиряпти, бошқа тилда тушуняпти. Ва мен шундай узу-у-у-н, чексиз эзма-а-а йўлдан тил орқали, қулоқ орқали, сўз орқали юришимга тўғри келади.

Бу – жуда маънисиз, фойдасиз иш. Нима учун? Чунки қулоқ орқали ўтадиган ҳар қандай маълумот ҳазм бўлиш хусусиятига эга.

Сиз ошхонада тайёрлайдиган ҳар қандай ошпазлик дурдонаси ҳазм бўлгач, натижада ҳар доим бир хил кўринишга, бир хил хидга эгадир... Афсус, бу шундай!

Бешсезгилиларнинг мушоҳада қилиш механизми ҳам шундай. Кўпинча у ҳамма нарсани ҳазм қилади ва табиий хулоса чиқаради. Кейин эса ҳайрон бўлади, нима учун унинг ҳаёти шунақа... расво?!

Сиз ўзингизнинг хулосангизни овоза қилганингизда,

тоза ҳавога зарурат туғилади. Машгулотларимда доим шогирдларимга таъкидлайман: ҳеч қачон олмосни сабзавотлар растасида сотиш мумкин эмас. Сизнинг рўпарангизда ўтирганлар фақат ўзининг иқтисодий манфаатини ёки жисмоний соғлиқларини ўйлашади, бундоқ олиб қаралса, буларнинг иккаласи ҳам бир нарса. Қалб кўзининг очилиши уларга нимага ҳам керак? Тақдирларини яхши томонга ўзгартириш нега ҳам керак?

Сиз фикримга қўшиласизми?

Донишмандлик учун қанақа товон тўланади? Азобланиш! Кўзи ожизликдан қутулиш эвазига, англаб етиш азобини қўлга киритасиз. Бировларнинг сўқирлигини кўриш азоб эмасми (яна сизни қўрқитяпман).

Маънавий қашшоқ бўлганлар, фароғатдадирлар.

Лекин ҳар ҳолда...

Биз сиз билан ҳозир инкубатор эшиги олдидамиз. Хоҳласангиз, ўзингизнинг синган тухумларингиз ёнига қайтишингиз мумкин (ёки тухумчанингми? Адабий тилда қандай қилиб талаффуз қилиш керак? Буни билмаслигимни ҳозиргина тушуниб етдим). Хоҳлайсизми, у ҳолда олға!

Илтимос, елкаларингизни қимирлатинг. Орқадан нимадир халақит беряптими? Ҳеч бўлмаганда баъзан? Баъзида сизга тўшакда эмаклашга тўғри келганда, уҳ тортиб: «балким, бу ҳаётда менинг ҳам қандайдир вазифам бордир? Нима учун мен ўз ҳаётимни қандайдир тентакликларга бой беряпман?» деб ўйлаб қолганмисиз?

Тушунинг, ахир, сизни тинчгина ухлашга қўймаётган нарса бу сизнинг эҳтиёжсиз қолган қанотларингиз. Бургутникидай бақувват, фариштаникидек чиройли, капалакникидай енгил қанотлар – сизнинг тантанали мадҳиянгиз, ижодий парвозингиз. Муҳаббатни англаш, ҳаётни англаш қанотлари, сизнинг белгиланган буюк вазифангизни пайқаш учун ато этилган қанотлар.

Эркак танасидаги ХОНИМ

Ҳозир «Секстан» машқини ба-
жарамиз. Секстан – бу саёҳатчи
кеманинг турар жойини аниқлаш-
га ёрдам берадиган асбоб.

Менинг қадрдонларим!

Ҳозир ҳаммамизнинг ҳам бо-
шимиз думалоқ ва ҳаммамизда
ҳам икки тешикли бурун «жойла-
шиб» олганига эътибор берманг.

Бизнинг ҳар биримиз ўзига хос
индивидуалликка эгамиз.

Сиз, албатта, биласиз, баъзи бир
ўғитларда одамларни ҳар хил тои-
фага ажратиш одат тусига кирган. Мисол учун, ўсимлик да-
ражасидаги одам, ҳайвон даражасидаги одам. Лекин биз-
нинг орамызда энг асосий тоифадаги инсонлар бор, уларни
«Инсон» деб аташади. Албатта, катта ҳарфлар билан.

Келинлар атрофимиздагилар орасидан шундайларни
топамиз... Кимни? Инсон бўла олган одамни? Йўқ, олдин
ҳайвонларни топамиз.

Агар кучук мушук терисида уйғонса, у ўзини қандай
ҳис қилади? Тасаввур қилинг.

Келинг янада соддалаштирамиз: Сиз, ҳурматли хоним-
лар, эркак қиёфасида уйғондингиз. Ҳеч ҳаётингизда шун-
дай бўлганми? Уйғондингиз, нимадир киймоқчисиз, кўк-
сингизда эса яширадиган нарсанинг ўзи йўқ. Пастга қарай-
сиз – нимадир ортиқча. Сиз ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

Эркаклар! Эрталаб турдингиз, ҳожатхонага чопиб
келдингиз, уйқусираб ўзингизда нимадир қидирасиз, у



ерда бўлса ҳеч нарса йўқ. Сизнинг гурурингиз ғойиб бўлибди! Ва кўриниши ўзгарган ҳолда, бошқа жойда жуфтлашиб осилиб турибди. Сизда қандай ҳолат юз беради?

Устига-устак сиз эркакларга ёқиш учун ҳаракат ҳам қилишингиз керак. Сиз, ахир, эркак деган ярамасларнинг қанақалигини биласиз-ку! Қийин вазият, фикримга қўшиласизми?

Аёллар тоифасига тааллуқлимизми ёки эркаклар тоифасига тааллуқлимизми – бу нима дегани. Бу – инстинкт. Фикримга қўшиласизми ёки йўқми? Табиатан берилган инстинкт. Бизнинг ҳар биримиз ўз тоифамизга тегишли эканлигимиздан фахрланамиз.

Инстинкт ишга тушганда, унга алоқаси бўлмаган ҳамма нарса фаолиятдан тўхтайтиди. Бунга эркаклар мисолида кўрамиз. Уларда иккита бош мавжуд, фикримга қўшиласизми? Пастда ва юқорида. Пастки бош ишлаганда, юқори, яъни ҳақиқий бош ишламайди. Эркакларда умуман сурункали «камқонлик»: битта бош меҳнат қилганда, иккинчиси ўчади. Бу бир.

Давоми.

Ким ҳаммадан кўпроқ гапиреди: «Менинг эътиқодим! Менинг миллатим! Менинг шахрим! Менинг кўчам! Менинг! Менинг! Менинг!» Ўшалар ҳайвоний даражада қолганлар. Фикр ва ҳаракатларини ҳайвоний инстинкт орқали бошқарадиганлар.

Эсладингизми, доимий равишда ўз чегараларини белгилаб чиқишни кимда кўрамиз?

Жучкани олайлик, сизнинг кучукчангиз. Вақти-вақти билан, зарурат туғилганда, у сиз ҳақингизда эслаб қолади ва айланишга олиб чиқади.

Биринчи қиладиган иши бурчак-бурчакларни кўриб, ҳидлаб чиқади ва хавотир билан ўйлайди: «Қоралар келмадимикан?». Ва кўрсатиш оёғини кўтариб: бу ер чегара! Ватанпарварлик ҳисларидан унда энурез бошланади. Сўнгра ҳар бурчакка ёза бошлайди: «Меники!»

Ўз ҳудудини сақлаш, ўз майдонини ҳимоя қилиш – бу ҳайвоний ҳис-туйғулардир. Одамлар тилида бу янаям чиройлироқ қилиб «ватанпарварлик» дейилади.

Яна ҳам оддий шаклларини кўрамиз. Энг жажжилари, гала бўлиб йиғиладиганлари – қушлар, балиқлар.

Балиқларда бош мия деярли мавжуд эмас. Ҳар хил балиқларни аквариумга қўйиб юборамиз ва кузатамиз. Аквариум бир зумда ҳудудларга ажратилади. Энг асосий «акулача» давлатнинг яхлитлиги учун жавоб беради – аквариумнинг қулай бурчагида.

Айтгандай, у ернинг ўз миршаблари бор. Агар қандайдир балиқча қизиқиш билан бу бурчакка кирса, улар дарров ташланишади: «Аусвайс! Хужжатларингни кўрсат ёки ўзингни тарихий ватанингга жўна».

Улар бунини яшаш учун кураш тарзидаги ички дастур бўйича инстинктив тарзда бажаришади. Уларда мия ўрнига фақат орқа мия мавжуд. Тушуныспизми?

Худди шу реакцияларни одамларда кўрганимизда, олдимизда икки оёқли, инсон тилида гапираётган ҳайвон гавдаланади. Бундайларни биз «одам-ҳайвонлар» деб атаемиз, улар ўзларининг интеллектуал ривожланишидан узоққа кета олишмаган.

Тушуныспизми?



Оддий одам пода қонунига биноан яшайди. У дунёни пода қонуни бўйича қабул қилади ва ўзлаштиради. Мен ҳозир, айтайлик, чўчқалар ҳақида гапиряпман. Колбаса! Бир бўлак гўшт. Тумшукли ва жонли кабоб, қовурғалари ошпазликкача бўлган ривожланиш даври босқичидаги чўчқалар ҳақида. Шунақаси янада тушунарли-ку, тўғри-ми?

Демак, уни чўчқалар подаси қонунига биноан ўқитишади. Бу кичкина мечкайлар олдин яслига боришади. хўрхўрлашга ўргатилади, яъни шеърлар, қўшиқлар ва бошқалар ҳақида «хўўўррр»лашга. Кейин эса мактаб – ёш мечкайлар мактаби. Кейин институт – ёш чўчқалар олийгоҳи. Унга диплом берилаётганда, дипломида ёзилган бўлади: «Олий маълумотли чўчқа, шунақа-шунақа мутахассислик бўйича».

Бунақа подани бошқариш ҳамиша осон. Агар бирон-бир чўчқа етакчилик қилиб қўйса – бўлди! чўчқалар ҳамжиҳатлик билан уни кўкка кўтариб, дейишади: «Марҳамат!»

Етакчи қаёққа кетяпти – бу катта сир! Лекин сиз ҳам унинг орқасидан ўша томонга қараб кетаверасиз. Яна биттаси айтади:

– Биз бошқа йўлдан юраимиз!..

Ва юришади... Кўп йиллардан кейин манзилга етиб келишади, маълум бўлишича, яна ўша илк босқичдаги ерга келиб қолишибди.

Кейин эса бошқаси эълон қилади:

– Энди ақлимиз кирди, улар ҳақ эмас эканлигини биламиз. Жаноблар, бошқа яхшироқ йўлдан борамиз!

Мана, бўлди! Бу ёғи мангу дарбадарлик.

Азизларим, сиз етакчи чўчқа бўлишни хоҳлайсизми? Ким етакчи чўчқа бўлишни хоҳлайди? Туёғингизни кўтаринг, илтимос.

Кўтарасизми, кўтармайсизми – нима фарқи бор? Барибир сиз ҳам шу подадансиз.

Менинг қадрдонларим, сизга чўчқа бўлиш ёқадими? Бу яшашнинг энг қулай усули. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мавжуд бўлишнинг энг қулай йўли.

Лекин кўряпманки, сизга зоология ёқмас экан. Одамлар қизиқроқми? Яхши.

У ҳолда ўз чўчқаларимизга қайтамиз, яъни ўзимизга. Хафа бўлдингизми? Э, Худо!

Сизда ҳазилни тушуниш туйғуси туғилганингиздаёқ суннат қилинган. Сиз ҳамма нарсани жуда жиддий қабул қиласиз. Давом этамиз.

ШОҲ бўлишининг қай тариқа кафолатлангани

**ўтирган жойингдан
чиқаётган фикрларга ишониб**

Навбатдаги машқ. Ўз феъл-атворингизни таҳлил қилиш учун сабаб.

Тасаввур қилинг! Сиз шоҳ бўлишни хоҳлаяпсиз ёки жуда бўлмаганда депутат. Албатта, бунинг учун электоратнинг кўпчилик аъзолари сиз учун овоз беришлари керак. Кўпчиликни ташкил қилувчи одамлар эса қайси тоифага мансуб?

Илмоқли савол? Уларга нима деган бўлардингиз? Сайловолди компаниянгизни қандай тарзда тузган бўлардингиз?

Рухсат этсангиз, сизга баъзи бир маслаҳатларни таклиф этсам. Имкон борича кўпроқ одамларни ўз томонингизга жалб қилиш учун оддий ҳақиқатларга амал қилиш керак.

Биринчидан.

Одам ҳам ҳайвондан келиб чиққан. Оддий одамнинг фикрлаш жараёни, унинг ҳаётдаги бутун мақсади : инстинктларни қондиришга қаратилган: ейиш, ухлаш, нимадир қилиш (pardon), сўнг яна мазалироқ нимадир ейиш.

Унда фақат бешта сезги ишлайди. Унинг бутун ҳаётий мақсади кўпроқ ва янада кўпроқ лаззатланиш манбаларини қидиришдир.

Демак, биринчи инстинкт – овқатхўрлик. Ўзингиз томонга кўпчилик тарафдорларни жамлаш учун: «Агар мени сайласангиз – ҳар бирингизни энг тансиқ овқат билан сийлайман!» – дейсиз.

Иккинчи инстинкт – ҳудуд, у биринчи инстинктдан келиб чиқади. Бошқаларнинг унинг дастурхонига суқилиб келишидан хавфсираш, олдин хафаликни, сўнгра эса худди кучукларникидай дарғазабликни келтириб чиқаради. Хафа бўлиш – такаббурликнинг бошқа жиҳати.

Ҳайвоний даражада фикрловчилар ҳамма ерда ҳам бир хил бўлади, фақат тури ҳар хил. Бу хоҳ Европа, хоҳ Осиё бўлиши мумкин – ҳеч қандай фарқи йўқ. Ҳамма ҳайвонлар, ҳамма ерда бир хил тарзда фикрлайди.

Битта кучук унчалик тажовузкор ва хавфли эмас. Лекин кучуклар тўда бўлса, бу тажовузкорликни кучайтиради.

Демак, яна бир марта қайтарамиз.

Агар одамнинг интеллектини ўзингиз билган жойда бўлса, у биричи навбатда ўз чегараларини белгилаб олади. Унинг тушунчаси: «менинг уйим», «менинг хонам», «менинг кўчам», «менинг миллатим» – меники, у меники, бу меники. Ҳайвоний инстинктнинг олий ҳолати – империядир. Чегаралар қулфда, бегоналар ҳудудини эгаллаш керак.

Инсоннинг энг олий ҳолати, агар улардан ҳар бири Инсон бўлса, – бу ҳам бирлашиш. Лекин тушунган ҳолда севиб бирлашиш, бу муҳаббат орқали бирлашишдир. Агар глобусга қарайдиган бўлсак, шундай жойларни топамиз.

Сиз ўз миллатингизга тегишли эканлигингиз билан фахрланасиз. Ким ҳам фахрланмайди? Ҳар бир миллат вакили ўз миллатига мансублиги билан фахрланади. Тушуняписизми?

Чукча ўзининг чукчалиги билан фахрланади. Агар унга сен рус десангиз, хафа бўлади. Ҳатто уришиб кетиши ҳам мумкин, бу унинг учун ҳақорат. Яҳудий ўзининг яҳудий эканлиги билан фахрланади. Украиналик украин бўлгани учун ва ҳоказо.

Энг олий ҳолат – бу космополит одам, яъни у одам учун бутун дунё, бутун Коинот – бир бутун ватан.

Эътиборингизни қаратинг! Аёллар азалдан космополит. Уларнинг «шовинистлиги» жинсига мансублиги билан асосланади.

Инсоният тарихида аёл киши уруш бошлаган ҳолат юз берганми? Ҳа, аёл эркакшода бўлиб қолса, у уруш бошлаши мумкин. Мен билмайман, ўзимча шунчаки тахмин қиляпман.

Агар эркак киши бир мартагина, фақат бир марта ўз юраги остида бошқа бир юрак уришини сезса, у бегонанинг боласини ўлдирмаган, ўлдира олмаган бўларди.

Агар у кўкрак сути билан боқиб, тунларини бедорликда ўтказса, йиғлаб тарбиялаб, болани қандай ўсишини кузатса, унинг йиғлашлари, гапиришларини кўрганда у ҳеч қачон уруш бошламаган бўлар эди.

Эркаклар аёлларга қараганда анча одми. Нима учун одми?

Бефаҳмлик, бировлар ҳаётига қасд қилиш эркакларга хос хусусият.

Аёллар – ҳаёт берувчи. Эркаклар эса ҳаётга боғланмаган.

Мен биламан ва бунга ишончим комил, эркаклар дунёни бошқариши мумкин эмас. У моҳиятан ўлим келтиради, аёл эса ҳаёт.

Лекин сурбетлик – иккинчи бахт. Сиз фикримга қўшиласизми?

ФАҚАТ битта оёқ билан учиш мумкинми?

Яна бироз зоологиядан гаплашамиз.

Уй ҳайвонларингиздан қайси бири одамшавандароқ: мушукми ёки ит?

Келинг, мушук ва итни юз километр узоқликка олиб бориб ташлаб келамиз. Қайси бири уйга қайтиб келади? Мушук. Нима учун? Чунки мушукни бирон нарсага шунчаки ўргатиб бўлмайди. Фикримга қўшилмайсизми? Нима, мушугингиз «Тарас Бульба кўчаси» деган ёзувни ўқишни биладими? Ёки у бошқа мушуклардан сўрайди-ми: «Гражданин, гражданка, хоним! Айтинг-чи, Москвага қандай етиб борсам бўлади?»

Йўқ! У шунчаки мақсад сари қараб кетаверади. Уни нима етаклайди? Интуиция.

Интуиция, эътибор қилинг-а! Бу шундай сезгики, у инстинктдан юқори қилиб берилган.

Кучук-чи? Мақсад сари интуитив равишда ҳаракатланиш қобилияти мушук билан солиштирганда кучукда хийла ноаниқ. Мана шуниси билан у бизга «ўхшайди». Кучук айнан бизга ўхшаганлиги учун ҳам йўлда ўлади, чунки у яшовчанлигини йўқотиб қўйган. Демак, унинг инстинктларига ақл-идрокнинг куртаклари қўшилган.

«Ақл» дегани нима? Мантиқли фикрлаш қобилияти.

Одамнинг инстинктларига мантиқ, «тўғри» фикрлаш, баъзи бир қоидаларга биноан маълумотларни умумлаштириш қобилияти қўшилади. Бу қобилият интуициянинг ўрнини эгаллаб олади. У интуицияни сиқиб чиқаради. Мантиқнинг қўшилиши оқибатида одамнинг яшашга мослашувчанлик қобилияти пасайиб кетади.

Бу ерда қандайдир номувофиқлик юзага келяпти, тўғрими? Мантиқни ишга солиб, инсон яна ҳам кўпроқ ривожланиши, яна ҳам кенгроқ имкониятларга эга бўлиши керак. Ҳа, кенгроқ имкониятларни олади, лекин бунинг ўрнига яшовчанлигини йўқотади.

Шарқликларнинг мана бу мақоли беҳуда айтилмаган: «Дунё улкан бозор: нимадир олиб, эвазига асосий нарсангни – ўз ҳаётингни майдалайсан»

Демак, агар мантиқий фикрлаш жараёни интуициядан алоҳида ривожланса, у ҳолда сизнинг қобилиятингиз фақат бир томонлама ривожланади, ҳурматли якка шохлилар.

Ҳозирги замон мактаби нимага асосланган? Мантиққа! Ниманинг зарари ҳисобига? Интуициянинг. Замонавий мактаб, кўпинча яхши ният билан дунёни англашни бир томонлама қилиб ривожлантиради.



Бир қанот билан учиш мумкинми? Бир оёқ билан юриш мумкинми? Замонавий одамга мантиқий ҳаракат қилиш интуитив сезишга қараганда анча қулай, анча ўрганиб қолинган, анча машқ қилинган. Мантиқий фикрлашда қалб туйғуларини сарфлаш шарт эмас.

Мантиқ нимаси биландир кавш қайтарувчиларнинг овқат ҳазм қилишига ўхшайди.

Одам турли-туман тажрибаларни, маълумотларни ўмариб, сўнг қолган умрини уларни ҳазм қилишга сарфлайди. Бу тажрибалар, бу маълумотларнинг озгина қисми ҳақиқат, озгинаси чала ҳақиқат, яна озгинаси эса мутлақо ёлғондан иборат. Умумлашган ҳолда бу билимларнинг бари четдан келган маълумотлардир.

*Текинтомоқлар ва
бекорчилар полки ҳақида*



РИВОЯТ

Сиздаги билимлар – ўзингизники эмас, тайёрга айёр бўлганларга мўлжалланган билимлардир. Текин билимлар ён-атрофдан, жуда ақлли бўлиб кетган мутахассислардан олинган.

«Текин» дегани нима? Ким ўзи у, бундай мутахассису текинтомоқларни кўпайтираётган? Бу масалага ақл билан, илмий, тилшунослик, этимологик нуқтаи назардан ёндашамиз. Қарши эмасмисиз?

Қадим замонларда шишасозлар томонидан пуфакдек шиширилган шиша «текинхўр» деб номланарди. У ҳолда ўша, шишираётганни ким деб атаймиз? Текинхўрми? Йўқ, «бекорчи!» Ана ўшандан бери бизнинг ҳаммамизни...

Нима? Шунақа, эмасми?

Қаранг, бизга турли кўринишдаги текин таклифларни тақдим қилишяпти. Ҳамма рекламалар шу аснода қурил-

ганки, сизга ҳаракат қилишдан озод бўлишни ваъда қилишади. Оздирувчи иштонни киямиз, диванга ётамиз ва ухлаганда озамиз. Ҳақдорилар-чи? Уч килосини ютасан, ютишинг билан, дарров... Эътибор қилинг-а: соғлиқ, гўзаллик, куч, хурсандчилик – сизга ҳамма нарсани оғзингиз орқали таклиф қилишяпти.

Шундай чуқур илмий тушунча бор: «лағмон осувчи». Сиз ўзингизни ҳар бир интилишингиз учун лаънатлайсиз! Бу ерда эса – марҳамат, сизга ҳеч қандай қийинчиликсиз ҳамма нарсали бўлишга ёрдам берамиз. Бир сўм беринг, мингни олинг! Бунинг устига солиқлар тўлаймиз – давлатга ҳам ёрдам берамиз. Лекин айтиш керак, давлатга эмас, «лағмон осувчилар» сизга аниқ ёрдам беради. Ақлли бўлишга ёрдам беришади. Бир-икки марта пешанангиз деворга урилгач, ҳеч қачон ҳеч нарсадан бирор нарса пайдо бўлмаслигини балки тушуниб етарсиз. Сургичлар суриб озишнинг натижасини кутиб ётиш ўрнига спортзалларга борарсиз. «Ажаб эмас» деб умид қилиш ўрнига...

«Ҳолва, ҳолва» деб қанча гапирма, барибир оғзинг чучимайди. Шунақа дейилармиди? Лекин «текин, текин» дейилсачи? Оҳ, қанчалик ёқимли, лаззатли! Ўртадаги фарқ эса бор-йўғи биттагина «мен» номли кичкина дангаса.

Одий одамнинг ўзи ўз бошига доим саргузаштлар изловчи ҳисобланади. Ўзининг «дум»ига демоқчи эдим, лекин, кўрдингизми бунақа демадим.

Ҳамма саргузаштларни, муаммоларни замонавий одамнинг ўзи ўйлаб топади, ўзи пайдо қилади, сўнгра эса мағрурланиб: «Мен бу муаммони ҳал қилдим!» – дейди. Ва бутун умр худди ғилдирак ичидаги олмахон каби: муаммони пайдо қилади – ҳал қилади, пайдо қилади – ҳал қилади, пайдо қилади – ҳал қилади. Ҳаёт бўлса ёнгинасидан ўтиб кетаверади.

Биз қандай қилиб қарор қабул қиламиз? Фикрлаш ва мантиқий мулоҳаза юритиш йўли билан.

Бизнинг ақлий хулосаларимиз, дунёқарашларимиз ва ҳаракатимизнинг ҳаммаси юқорида айтилган «текин»-дан бошланади, яъни четдан, ақли ошиб кетган мутахассислар томонидан берилган маълумотлардан.

Шу маълумотлар асосида биз хулоса ясаймиз, бирор қарорга келамиз ва ҳаракатлар қиламиз. Ва ҳозирнинг ўзида қаергадир йиқиламиз ёки бирон бир муаммога йўлиқамиз. Ҳар бир хатоимиздан, ҳар бир омадсизлигимиздан тажрибамизни оширамыз: «оғриқли», «даҳшатли», «тушунарсиз» ва ҳоказо.

Бизнинг ҳаётимиз бутунлай ишончсизликка, сусткаш кузатувчанликка, эртанги кун учун қўрқувга айланади. Биз эса жаж-жи-ги-на бахтси-и-и-з одамчага айланамиз.

Бундан қуйидаги мантиқий хулоса келиб чиқяпти: мантиқ бизнинг руҳиятимизни энг суст, энг дангаса қисмига хизмат қилар экан.

Биз дангасамиз, шунинг учун аксар ҳолларда мантиқий фикрлаймиз.

Ҳозирги вақтда кўпчилик одамларнинг энг катта муаммоларидан бири маълумотларни олиш, бу маълумотлар билан ишлаш, хулоса ва қарор қабул қилиш бўлиб қолмоқда.

Бас шундай экан, у ҳолда биз қабул қилган маълумотларнинг бир қисми бошиданоқ ёлғон бўлиб чиқса, бизнинг кейинги барча амалларимиз ҳам ҳаракатларимиз ҳам ўзида бу хатоларни яширин тарзда сақлайди. Ҳақиқий ҳаёт билан тўқнаш келганда эса, бизнинг барча ниятларимиз кунпаякун бўлади, чунки бу чириган дарахтдан қурилган устун эди.

Интуиция нима дегани?

Менинг қадрдонларим, интуиция бу шундай асбобки, унинг ёрдамида биз қачон, қаерда, нима мавжуд эканини аниқ топамиз. Чунки интуицияни алдашнинг иложи йўқ.

ДИҚҚАТ!

ТАРТИБСИЗЛИК ЧЕГАРАСИ!

Тайёрланмаган, ҳис қилиши чекланган, махсус
жиҳозлар билан таъминланмаган ўқувчиларнинг
у ёққа ўтиши хавfli!

Чегарадан ўтгач, фикрларингиз ва хулосаларингиз
учун ўзингиз жавоб берасиз!



Ўта чандаст КОНЧИЛАР

учун парчалаш илми _____

Биз маълумотларни қандай топамиз?

Қабул қилиш сезгиларимиз орқали.

Кўриш қобилиятимиз ёруғлик ва ранглар дунёсида фаолият юритади. Эшитиш – овозлар дунёсида. Ҳид билиш ҳидлар дунёсида. Таъм билиш – таъм билиш дунёсида. Сезиш, ҳис этиш қобилиятимиз ҳам бизни қандайдир даражадаги йўналиш билан таъминлайди. Фикримга қўшиласизми?

Шулардан учтаси – ҳид билиш, ҳис қилиш, таъм билиш қобилиятлари моддий макон доирасида ишлайди. Иккитаси номоддий, айтайлик, нисбатан номоддий. Овоз ва кўриш бир хил тўлқинда, фақат турли диапазонларда фаолият олиб боради.

Ҳид билишнинг таъм билишга нисбатан самарадорлиги анча кучли. Пайпаслай туриб ҳис қилиш ҳид билишдан анча кучли. Эшитиш ҳис қилишдан ҳам кучлироқ. Кўриш эшитишдан анча устунликка эга. Ҳар бир кейинги сезги инсондаги имкониятларни геометрик тарзда ўстириб боради.

Кейинги сезги қанақа?

Олтинчи сезги кўриш қобилиятига нисбатан янада кучлироқ. Олтинчи сезги — бу бошқа сезгилар учун мумкин бўлмаган имкониятлар олами, кўринмас нарсаларни макон ва замонда кўра олиш. Ўтмишни ва келажакни кўра олиш ва энг асосийси, **бутун борлиқни тўлақонли қабул қилиш.**

Шубҳали шухрат эгаси бўлган олтинчи сезгининг анатомик аъзоси қаерда жойлашган?

Бутун асаб тизими антенна сифатида хизмат қила-

ди. Локатор эса назарий жиҳатдан кўкрак учидан икки бармоқ пастда жойлашган. Илтимос, киндик атрофидан қидирманг, баъзи бировларнинг кўкраги ҳозир ўша ерда бўлиши мумкин! Бу тахминан қуёш чигали атрофида.

Барча сезги органларида бўлгани каби, бош мияда ҳам маълумотларни қайта ишлайдиган ўзига хос «офис»лари мавжуд, олтинчи сезгида ҳам худди шундай. Бу – сизга гапиравериш қулоғингизни қоматга келтириб юборган миянинг қисми, яъни биринчи мия қисми.

Олтинчи сезгининг имкониятлари қандай?

Сизга интуиция аъзоси билан қараганимда, тахминан феъл-атворингиз қанақа, сизнинг туйғуларингиз, юриш-туришингиз, муносабатингиз, иқтисодий аҳволингиз, ишбилармонлик имкониятларингиз қандай, ҳаммасини ҳис қиламан. Яна бошқа кўп нарсаларни ҳис қиламан.

Агар сизга: «Қанча дўстингиз бор?» деб савол берсам, ўзим унга тахминан жавоб беришим мумкин.

Сиздаги кўплаб касалликлар, муаммолар айнан номаълумликдан, ўз билимларингизга бўлган ишончсизликдан келиб чиқади. Натижада асабийлашиш, тушқунлик, доимий хавфсираб юриш тажовузкорлик ҳолатини келтириб чиқаради.

Кўзи ожиз одамда невроз тез юзага келади. Кўзи ожиз ва қулоғи оғир одамда ундан ҳам тезроқ. Олтинчи сезгининг тикланиши ҳар қандай вазиятда, шу сонияда жавоб бериш имкониятини беради. Бу нарса, айниқса, муаммолар ечимида ва мақсад сари етишда жуда қимматли. Бу ерда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди! Барча-барчасини кўра оладиган кўзларни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Олтинчи сезги кўплаб саволларга жавоб беради, у кўплаб мақсадлар сари элтувчи йўлни билади.

Демак, бизнинг вазифамиз: интуицияни тиклаш ва айни пайтда у билан мантиқий фикрлашимизни мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Машиқ

Кўлларингиз кафтини «қулф» ҳолатида қўйинг. Энди диққат билан қаранг: қайси қўлингизнинг бармоқлари тепада? Сиз буни ўзингизга қулай, одатий ҳолда, беихтиёр бажардингиз. Энди қўлингизни шу ҳолатга тескари тарзда қўйинг: агар аввал ўнг қўлингизнинг бармоқлари тепада бўлган бўлса, ана энди чап қўлингиз тепада бўлсин.

Вой-бў, қанчалик ноқулай! Фикримга қўшиласизми?

Албатта, биласизки, ҳар бир қўл ўзининг миядаги ярим шари билан боғлиқ ва унинг фаолиятида индикатор бўлиб хизмат қилади.

Хулоса: сиз билан бизнинг битта ярим шаримиз, илмий тилда гапирадиган бўлсак, чала ишлайди...

Қўшимча таҳлил: ёмон ишлайдиган бутун калла ўрнига сиз билан биз яна ҳам ёмон ишлайдиган яримтасига эгамиз.

Қисқа хулоса: Бошнинг иккинчи ярмини ҳам ишга тушириш керак!

Тавсия: ушбу вазиятни тўғрилаш усуллари топиш мақсадида ҳозирги иқтисодий имкониятларни ҳисобга олиб, дунёнинг ҳамма томонига илмий-тадқиқот экспедициясини ташкил қилиш.

Экспедиция нимани аниқлади? Мия қуйидаги вазиятларда ишга тушади.

– Катта болға билан бошига аямай туширамиз! Шу тариқа керакли натижага етгунча давом этамиз. Аммо!

Илмий нуқтаи назардан озгина ножўя таъсири бор: тайёргарликнинг етарли даражада эмаслиги ва маҳаллий илмга нисбатан садоқатнинг йўқлиги тажриба қилинаётганда бошини шу сингари экспериментларга қўйиб беришни қатъиян истамасликка сабаб бўлади.

– Тананинг тепа қисмини яшин уриши.

Бу тажрибани амалга ошириш мақсадида ҳукумат комиссиясини ташкил қилиш зарур ҳамда вазирлар кенгашига яшинларни тутиш учун махсус полигон ташкил қилишга пул ажратиш учун илтимоснома тақдим этиш ва уларнинг йўналишини қайта кўриб чиқиб, тажриба учун мўлжалланган каллага йўналтириш. Яна бу дастурнинг илмий-техник базасини таъминлаш учун қатор илмий-техшириш институтлари ташкил қилиш тахмин қилиняпти.

Лекин қуйидаги объектив сабаблар пайдо бўлди:

- бунга бутун АҚШнинг бюджети етмади;
- тажрибадагилар қатъий қарши;
- тажрибадагилар тажриба ўтказувчиларни илмий дастгоҳларга иштонларидан осиб қўйишди;
- тажриба ЕРнинг биосферасига глобал ўзгаришлар олиб келди;
- МРБ томонидан махфийлаштирилган;
- Хавфсизлик хизмати томонидан махфийлаштирилган;
- МОССАД томонидан махфийлаштирилган.

Биз билан сизга барча катта махфийчилардан қатор услублар қолди. Мана шулардан бирини биргаликда кўриб чиқамиз.

Кимдир, қаердадир, қандайдир иккита ярим шарни ва бошқа ярим шарчаларни улаш усули билан айнан бугун шуғулланаётгандир. Мана шундан бошлаймиз.

Сездингизми, севги билан машғул бўлганда, авжи юқори эмоционал кўтаринкилик ҳолатида интуиция ишга тушиб кетади. Агар буни мунтазам ва тартибли равишда ўтказилса, шартли рефлекс пайдо бўлиб, бу вақтда мия тўлиқ ишлайди. Лекин қандай? Биз буни тасвирлаб бериш ҳолатига эга эмасмиз, чунки мияси тўла-тўқис ишловчилар биз билан, илмий ходимлар билан муомала қилишдан бош тортдилар, сабаби сўралганда эси пастлар билан муомала қилиш қизиқ эмас дея изоҳладилар.


Ана шундай нозик шамани тушундингизми? Сиз билан биргаликда айнан шу билан шуғулланамиз. Машқ техникаси орқали. Келишдикми?

Демак, бу машқ берилган, тушунтирилган ва атайлаб китобда сочиб ташланган. Топинг, бўлаклардан йиғинг ва шуғулланинг!

**Академиклар учун
САВОДСИЗЛИКНИ
ТУГАТИШ МАКТАБИ:** _____

Ўтмиш ва келажак

Аввал мана бу расм орқали «оддий одам» нима-ю «қудратли одам» нималигини кўрсатаман.



Оддий одам:


1 – туғилиш; 2 – ҳаётий тажриба орттириш; 3 – одамнинг айнан ҳозирги вақтда тутган ўрни. Номаълумлик чегараси; 4 – синов ва хатолар услубидаги узлуксиз тасодифий ҳаракатлар танлови; 5 – тасодифий тақдир; 6 – ҳаётий циклниң тугаши. Ҳаётнинг бошқа шаклига ўтиш.

Мана бу ерда сиз туғилдингиз (1). Мана бу ерда (2) сизнинг ўтмишингиз. Бу (3) – айнан ҳозир яшаётган вақтингиз. Сиз ҳозир шу ердасиз ва биз сиз билан мулоҳаза юритяпмиз. Бу ҳаётнинг лаҳзалари, у ҳар доим ҳаракатланиб туради, унинг ҳар бир қадамига қараб келажак ўзгариб боради.

Мана сизнинг келажагингиз (4). У томон сиз учун туман ортидек. Ўтмиш сизнинг устингиздан ҳукмрошликка

эга. Ноаниқ ва мавҳум келажак эса... Ўзингиз ҳам билмаган томон қараб оғиб кетмоқдасиз (5).

Хотимасида нима? Хом сут эмганларим менинг, ўлим эмас! Ўлим фақат бешсизгилилар учун мавжуд! Ўтиш (6)! Бу цикл тугагандан кейин.



Қудратли инсон:

1 – туғилиш; 2 – ҳаракатларнинг мумкин бўлган барча турлари, тажриба, натижа; 3 – инсоннинг айти ҳозирги вақтда турган ўрни; 4 – оқилона ечимларнинг чексиз варианти; 5 – ҳаёт йўлини онгли равишда танлаш; 6 – кейинги ҳаёт шаклига ўтиш.

Тўлақонли инсон учун ўлим мавжуд эмас, чунки у кейин нима бўлишини билади ва кўра олади. Тўлақонли инсонларда танлов имкони бор, сизда эса йўқ, ҳурматли юрадиган ошқозон ичак-чавоқлар.

Демак, оддий одам туғилганидан то ҳозирги пайтгача ўтган даврдан олган тажрибасидан фойдаланади. Келажак унинг учун мавҳум. У келажак ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш имконига эга эмас.

Кўзи ожиз одам ҳаётда қоқилиб-суқилиб юрар экан, маълумотни фақат ўз оёқларидан олади. Бир қадам ташлагач, пайпаслаб текшириб кўради – чуқурлик борми-йўқми? Иккинчи қадам. Унинг бутун ҳаёти мақсад сари қадам ташлаш билан эмас, оёқни қаёққа қўйиш ҳақидаги ўй билан банд.

Сизнинг ҳаётдаги мақсадингиз қанақа? «Ҳммм... ҳали билмайсизми? Бунинг учун ҳозирча сизда вақт топилмадими?

Бешсезгилилар фақат ўтмишдаги маълумотларидан фойдаланади, унда ҳам эсида қолганидан, хотирасидан ўчиб кетмай ғимирлаганлардан. Шу маълумотлар ёрдамида у ўтмиш қолипи асосида келажак лойиҳасини тузади. Бу вариантлар унинг ўтмишдаги тажрибалари билан, омадсиз уринишлар, умидсизликлар, кўкарган кўзлар, тўпланиб қолган қўрқувлар билан қатъий чегараланган.



Оддий одамда ҳам кучли интуиция бўлади. Лекин у худди шайтоннинг оддий ҳазили каби ишлайди.

Агар бу одамнинг олдида ўнга лойиҳа қўйилса: биттаси – банкрот, тўққизтаси – миллионли фойда, оддий одам айнан банкротли йўлни танлайди ва яна юраверади қулоғигача муаммоларга ботиб! Кўпинча мен бу тажрибани машғулотларда синаб кўраман.

Сиз ҳам сон-саноқсиз мароталаб шундай йўл тутасиз. Шунинг учун ҳам иштонсиз, қулоғингизгача балчиқда бўкиб ўтирасиз! Илмий истилоҳдаги баёним учун узр сўрайман.

Олтинчи сезги келажакдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда оптимал ҳаракат қилиш йўлини танлайди. Бу ерда минг хил вариант мавжуд. Инсон онгли равишда интуитив йўл топади ва ўзига керакли йўналишда юради.

Оддий одамда эса танлов имкони йўқ, у оқим бўйича сузиб кетаверади. Унинг учун муваффақият тасодиф – ютуқли лоторея. Олтинчи сезги эса инсонга танлаш имконини беради.

Тан-ла-аш!

Миллион вариантлар ичидан у айнан керагини танлаши мумкин. Лекин бу вариантни ҳам ўз истагига кўра яна ва яна яхшилаши мумкин. Ўша кўзи ожиз бешсезгилилар йиқилиб кетиши мумкин бўлган чуқурга, сиз – кўзи кўрадиган – йиқилмасдан ўтишингиз, айланиб ўтишингиз, сакраб ўтишингиз, учиб ўтишингиз мумкин.

Тушунарлими?

Еттинчи сезги ирода кучи ёрдамида кўприк пайдо қилиши, йўл барпо этиши, дуч келиши мумкин бўлган чуқурни текислаш имкониятларини туғдиради. У йўл яратади. Шундай инсон қаёққа бормасин, тасаввур қилинг, унинг йўлида улкан ўрамдаги равон йўллар тўша-либ бораверади. У мақсадини аниқ кўради ва шунчаки ўша томон қараб кетаверади. Нима учун шундай содир бўлади? Чунки, ҳар бир бошланган йўл аввалбошданоқ ўзида охирини сақлайди. Ва кўзи кўрадиган киши буни бутунлигича кўради. Лекин бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз.

ТАКАГА ўзини бағишлашнинг кафолати _____

Демак, назарий қисмни тушунтирдим.

Энди яна сиз билан лабораторияга ўтамиз. Ҳозир сизга пробиркада ўртача статистик одам қандай ҳаракат қилишини кўрсатаман ва нима учун бешсезгилиларнинг ҳаёти доим саргузаштларни ўз бошига сотиб олаверади...

Биз ҳозир ўртача статистик одам келажакдаги маълумотларни қандай қилиб бугунги кун муаммоларини ҳал қилишда ишлатишини кўрамиз.

Тушунарли бўлиши учун, сизни «саноқ чўп» тажрибасининг қатнашчиси қилмоқчиман.

Тажрибадан кўзланган мақсад нима? Машғулотларда тингловчилардан кимдир ўйланган иккита сонни топиши керак.

Улардан биттаси «бахт»ни билдиради, бошқаси «бахтсизлик»ни. Гўё тингловчилар орасида «бизнинг одамлар» ўтирибди деган ҳаёлга бормаслик учун, мен орқага ўгирилиб турган ҳолда, ҳар доим қўлма-қўл юрганидан «хотинбоз» номи билан машҳур бўлган ўйинчоқни улоқтираман...

P.S.

Ҳурматли ўқувчилар!

Сизга 2002 йил май ойида Москвадаги Инсон ўзини-ўзи тиклаш Институтида ўтказилган Асосий курс машғулотларидан бирининг стенограммасини таклиф қиламиз.

М.С. Норбеков қўлида юмшоқ ўйинчоқ филчани ушлаб турибди:

– Мен бу филчани улоқтираман... Кимга бориб тушса, у яна улоқтиради. Ўша учинчи одам бизнинг тажриба ўт-

казадиган қуёнчамиз бўлади. Биз ҳозир унинг интуициясини текшириб кўрамиз. Келишдикми?

Лекин бу учинчи одам ҳам ўйинчоқни ташлаб, ўзига шерик топади. Мана келинг, ҳозир кўрамиз. Мен ўйинчоқни қарамасдан отиб юборяпман.

Ўйинчоқни улоқтиради. Тингловчилар ҳам уни бир-бирига улоқтиришади.

– Биринчи. Иккинчи. Учинчи.

Ўрнидан турган тингловчига:

– Демак, ҳозир сиз ўзингизга шерик топишингиз керак бўлади. Кечирасиз, исмингиз нима?

– Катерина.

– Катерина, демак, сиз маълумотларни қабул қиласиз. Ўйинчоқни қаёққадир улоқтиринг, сиз ўзингизга шерик топишингиз керак.

Катерина ўйинчоқни улоқтиради. Иккинчи тингловчи ўрнидан туради.

– Сиз, азизам, маълумотларни узатасиз. Сизнинг исмингиз нима?

– Наташа

Мирзакарим Санақулович Катеринага:

– Қанақа сонларни кўрсатишганини кўрмаслик учун, кўзларингизни юмасиз. Эшитмаслик учун биз бармоқларимизни ишлатамиз.

Наташага:

– Наташахон, сизнинг бармоқларингиз – бу саноқ чўплари. Бармоқларингиз билан сонларни кўрсатасиз

Катеринага:

– Сиз кўзларингизни юмасиз, токи исмингизни айтмагунимизча уларни очмайсиз.

Наташага:

– Филчани бу ёққа қайтаринг. Раҳмат. Ҳозир сиз сонларни кўрсатасиз... Катерина, мен сиздан кўзингизни очмасликни илтимос қилгандим-ку! Тушунаман, сиз аёл кишисиз, лекин барибир шунчалик гирромлик қилманг-да!

Наташага:

– Бирорта сонни кўрсатинг!

Наташа бармоғи билан 1 сонини кўрсатади.

– Бу сонни «яхшилиқ» деб атаймиз. Энди кейинги сонни кўрсатинг.

Наташа 3 сонини кўрсатади.

– Буни биз «ёвузлик» деймиз. Майлими? Биринчи сон – бу «ҳақиқат», иккинчи сон эса – «ёлғон». Ўтиринг, илтимос.

Доска олдида турган ёрдамчига:

– Доска ўртасидан чегара чизамиз.


Ёрдамчи доскани вертикал ҳолатда ўртадан бўлади. Норбеков Катеринага мурожжаат қилади:

– Катерина, кўзларимизни очамиз. Демак, сизнинг олдингизда ўнта йўл. Битта йўл ечимга олиб келади, қолганлари бўш, лекин улар орасида сиз учун хавфли, сиз уни танлашдан қочишингиз керак бўлган ечим ҳам бор. Қаранг. (Доскани кўрсатади.)

Ўнгда «хавф», «ёлғон», «омадсизлик» турибди. Агар эркак бўлса, бу албатта «така». Чап томонда «рост», «ҳақиқат» турибди. Агар гап эркак ҳақида бўлса, бу сизнинг «тақдир»ингиз, «шаҳзода»нгиз.

Сизнинг олдингизда ўнта ечим. Агар сиз аълочи бўлсангиз... Сиз мактабни аълога тугатгансиз? Шундайми?

– Ҳа.



Мирзакарим Санақулович:

– Оҳ, қандай бахтсизлик!

(Залда кулги.)

Агар сиз аълочи бўлсангиз... Қаранг... Бошладик. Нолдан тўққизгача бўлган сонларни оламиз, мияда аралаштирамиз. Бештасини бу ерга ёзинг, унинг ичида «яхшилиқ» бўлсин, бештасини бу ёққа, бу ерда «ёвузлик» бўлсин. Нолдан тўққизгача. Ўйламанг!

– 5, 3, 7, 1, 8

– Шундай, жим, жим! Ҳамма жим!

Катеринага:

– Нима учун, сиз бунақа жиддийсиз, азизим? Олдинги гал ҳам сизни бўғиб ташлагим келганди. Кўриш қобилиятингизни тикладингизми?

– Ҳа!

– Раҳмат, энди бу ёққа.

– 2, 9, 4, 6, 0

– Яхши. Энди диққат! Ҳозир, мана, қаранг. Кўпинча биз нимадир қилмоқчи бўлсак, миямизда аллақандай ечимлар гир-гир айлана бошлайди. Кўп ҳолларда! Жуда хиралиқ билан, без-бетларча айланишади!

Катеринага:

– Нимадир айланаяптими? Қаранг, илтимос? Менга эмас, доскага қаранг! *(Кулги.)* Яхши кўрганингиз бўйича танламанг! **Ҳаётда ҳақиқат асосида танлаш керак!** Ҳозир нима айланаяпти? Ҳозир ниманики айтсангиз, ахлат қутига ташлаймиз ва сизда тўққизта вариант қолади.

– 5.

– Бу бешни ўчириб ташлаймизми?

Катерина қатъий туради.

• Ахир сизга айтгандим-ку, ҳар гал бошда айланадиган ёлғон маълумотни, буни мантиқ беряпти. Аълочилиги дарров кўриниб турибди. Мана, мен сизга имкон берман: 5 ни ўчирамиз. Ана энди, мана шу қолган тўртта сондан – 3, 7, 1, 8 – бир нечтасини ўчирамиз. Иккитасини... қолдиринг. Қанақасига?

5.

Ё, товба!

(Залда кулги.)

Сиз бу бешни ўчириб ташланг!

Залга:

Тушуняисизми, одам қандай иш тутишини? Илтимос, сиз таҳлил қилиб боринг. Биз ҳозир одамнинг фикр юри-тиш тарзини таҳлил қиляпмиз. Кўриниб турибди, аёл-да! Шу қолган тўрттадан иккитасини қолдирилинг.

3 ва 7.

Уч? Ва... етти. Қанақа сонларни ташлаб юбордингиз? 8, 1. Мана шу ташлаб юборган сонларингиздан ҳам би-ринчи навбатда ниманидир ўчиринг! Ниманидир... У ерда 1 ва 8. Ўчиринг!

1.

Ақллигинам...

Залда кулги.

– Энди қолган 3 ва 7 дан битта сонни ўзингизга қол-дирилинг. Бор-йўғи иккита сон қолди-ку! *(Яна кучли кулги кўтарилади.)* Биттасини! Танланг, илтимос... Мана, ик-кита эркак, битта эркакда уч турибди, бошқасида – етти.

(Залда кулги.)

– Айтинг, кимга турмушга чиқасиз?

– Уч.

(Залда кулги. Қарсақлар.)

Мирзакарим уф тортади:

– Ўтиринг, илтимос.

Мен айтгандим, олдиндан тушунтиргандим-ку. Ўзин-гиз шу ишни қилдингиз. Сиз ҳозир ўзингизни кўрдингиз, азизларим! Ҳурматли аълочилар! Марҳамат, қаранг: нима ўчирилган эди? «Яхшилик», «ҳақиқат», «тақдир», «тўғри жавоб» йўқ қилинди!!! «Ёвузлик», «бўш ечим» – бу уч эди – танланди!!!

Катеринага:

– Табриклайман, табриклайман, азизам! Ҳозиргина сиз такага турмушга чиқдингиз!

Катерина:

– Биламан... Мен ахир аслида шунинг учун ҳам ажрашгандим-ку...

– Демак, келажакдаги вазифа қандай? Ўз шахзодангизни тўғри топиш ва танлаш!

Минг, минг, минг мароталаб бу тажрибани ўтказаман

– 98 фоиз натижасига сиз яна ўшани такрорлайсиз. Энг кўрқинчли касал... Ҳозирги замон одамнинг э-н-и-н-г кўр-қинч-ли касали унинг майиблиги эмас, балки қай даражада майиб эканлиги.

Аввал бошиданоқ лабораторияга ўтишдан олдин замонавий одам – омадсизлик тарқатувчи деб сизга айтгандим.

Агар сизга иқтисодий саволларни ечиш керак бўлса, мингта ечимдан энг бўшини танлайсиз. Ҳамма касбларнинг ичидан айнан ўзингизга тўғри келмайдиганини танлайсиз. Биринчи навбатда энг тўғри ечимни инкор қиласиз! 85 фоиз одамлар худди мана шундай иш тутади. Сизнинг бахтсизлигингизнинг сабаби ҳам шунда...

Мана Устозим мендаги қандай хасталикни даволаган. Ўзимга келиб, қарасам: эҳ-е-е. Маълум бўлишича бадавлат бўлиш, бахтли бўлиш шунчалик осон эканки.

Тажриба давом этади.

– Кетдик! Яна бир марта! Ўйинчоқни улоқтираман.

М.С. ўйинчоқни залга улоқтиради ва тингловчига мурожаат қилади.

– Яхши, бу ёққа келинг! Сиз тажриба ўтказиладиган қуёнсиз. Ўйинчоқни кимгадир улоқтиринг!

Ҳозир мураккаблаштирамиз. Сезяпман, ҳозир ўйинчоқ анча қобилиятли одамга тушади, шунинг учун тажрибани қийинлаштирамиз.

Тингловчи аёл ўйинчоқни улоқтиради. Ёш йигит ўрнидан туради.

М.С. Норбеков тингловчи аёлга:

– Кўзингизни юминг. Олдингизда юзта эркак.

Тингловчи йигитга:

– Бармоқларингиз билан бирорта сонни кўрсатинг.

Тингловчи йигит 5 ва 3ни кўрсатади.

– Раҳмат, яхши. Улардан қайси бири «бахт», «тўғри жавоб», «хавфсизлик», «яхшилик»?

Тингловчи йигит 5 сонини кўрсатади.

• Раҳмат. Унда бошқаси – «бахтсизлик», «хато жавоб», яъни «хавф» ва «ёвузлик».

Тингловчи аёлга:

– Сиз ҳозир бор-йўғи битта сонни айтасиз. Кимга турмушга чиқишни танлайсиз.

Залга.

– Диққат билан эшитинг, қандай сон танланади! Тажрибани такрорлаймиз, тасодиф эмаслигини яққол кўриш, яъни бу нарсанинг тиш-тирноғи билан ўрнашиб олган қонунийлик эканини яна бир бора кўриш учун!

Тингловчи аёл:

– 3.

– Бу нима? «Ечим»ми? Ақллигинам!

(Залда кулги.)

– Бу нима эди? «Ёвузлик» эди! Сизнинг учингиз – бу ўша ёвузликка йўл, бу йўл такага томон етакловчи йўл эди! Кўряпсизми? У ҳозир ўйламасдан, нимани танлади? Ёлғон йўл! Кейингисини айтинг.

– 5.

(Қарсаклар.)

– Ўттиз беш чиқяпти.

– Мен олдин 5 ни ўйлагандим, кейин бирдан 3 ни айтдим.

(Кулади.)

– Сиз 53 ни топишингиз керак эди. Беш – «тўғри жавоб», уч – «ёлғон». Сиз бўлса ўйламасдан туриб такага турмушга чиқдингиз! Сиз 35 ни танладингиз.

(Залда кулги.)

– Ана энди биз сиз билан қанақа вазиятларда интуиция вақтинчалик аниқ ишлашини кўриб чиқамиз. Бунинг учун бизга илм учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлган кўнгилли-мазохист керак.

Тингловчи аёлга:

– Сиз кўнгилли бўлишга розимисиз?

– Розиман.

– У ҳолда, яхши, марҳамат қилиб кўзларингизни юминг ва доска томонга ўгирилиб туринг.

(Норбеков тингловчидан бармоқлари билан яна икки сонни кўрсатишини сўрайди. У 7 ва 9 ни кўрсатади.)

• Биринчи – бу нима? «Тўғри». Иккинчиси – «нотўғри». Келишдикми?

(Тингловчининг елкасига уриб қўяди, аёл вой-войлайди.)

– Кўлларингизни беринг!

(Қўлидан маҳкам ушлаб уни айланишга ва саҳнада югуришга мажбур қилади.)

– Тезда! Бешта сон айтинг!

– 8.

– Давом этамиз!

(Мирзакарим «жазони» давом этади.)

– 7.

– Давом этамиз!

– 9.

– Давом этамиз!

– 5.

– Ва охиргиси!

Тингловчи вой-войлаганча;

– 0.

– Ана энди тез айтинг: улардан қайси бири сизники? Сизни тақдирингиз қайси?

(«Жазолаш» ҳали ҳам давом этапти.)

– 7.

(Қарсақлар, кулги.)

– Ана энди, кимга турмушга чиқиш мумкин эмас? Фақат тез! Ўйламанг!

– Албатта, 9.

(Залда қаҳқаҳа. Тўлқинли қарсақлар.)

Мирзакарим Санақулович залга:

– Тушунарлими? Энди таҳлил қиламиз! Мен нима қилдим?

Залдан овозлар:

– Ўчирдингиз.

– Мен интеллектни вақтинча «ўчирдим», интуицияга ўзини кўрсатиш учун имкон бердим. Унинг орқасига урдим, кейин тортқиладим...

(Тингловчи аёлнинг қўлидан ўпади.)

– Раҳмат. Ўтиринг.

Менга кераги, азизимиз, бизнинг қуёнчамиз, ўйлашдан тўхташи керак эди! Сунъий равишда унда саросима, тажавузкорлик, оғриқдан қўрқиш ва йиқилиб тушишдан қўрқув билан чалғитиб онгни ўчирдим. Бу вақтда, мана бу ерда – бошини кўрсатади – «ҳеч ким» қолмагандан кейин, интуиция ишлашни бошлади. Тушунарлими? *(Залда кулги.)*

Мана, биз сиз билан нима иш қиламиз! Мана нима учун бизга жисмоний машқлар керак! Бу машқларни бажараётган пайтда, ўзингиздаги кучли чарчоқ ҳолати билан бизга ёрдам берсангиз, қолганини ўзимиз тугатиб қўя қоламиз. *(Кулги.)*

Қачон бошингиз бўм-бўш бўлганда, биз нимани машқ қиламиз? Интуицияни, махсус машқ қилувчи қарталар билан машқ қиламиз.

Бизнинг тажриба қуёнчамизда, кўриниб турибдики, интуиция бор. Лекин бу интуиция қандай ишляпти? Тескарисига! Буни «Қарши интуиция» деб аташади. Биринчи галда биз тўғри жавобни ўчирдик!

Мана шу кўринишдаги хатти-ҳаракат бугунги кунда кўпчилигимизни асосий бахтсизликларимиздан бири бўлмоқда. Интуиция бор, лекин у ишламайди, ишлатилмайди. Кўз бор, лекин кўришни билмайсиз! Чунки икки хонали сон йўл-йўлакай топилган эди, фақат оёғи осмондан келган ҳолда. Унинг топилиш эҳтимоллиги эса юздан бир эди!

Биз нимани кўряпмиз ҳурматли тингловчилар? Бу ерда тасодиф йўқ, қонунийлик бор. Учта ҳодисанинг

ҳаммасида ҳам бир хил натижа! Сиз ёнаётган оловдан тўппа-тўғри кетингиз билан шайтоннинг шохига келиб тушяпсиз. Жуда маданиятли изохим учун кечирасиз.

Одамларнинг юзларида ақллилик ифодаси, олий маълумотлилиқ, қатъиятлилиги билан барча имкониятларнинг ичидан ҳар доим қайта-қайта энг ёмон ечимни танлашганини кўрганимда, дарғазаб ва баджаҳл бўлиб кетаман.

Хулоса!

Қуйида нималар ёзилган бўлса, диққат билан ўқинг!

Илтимос, менинг ҳайқириғимни эшитинг!

Ҳаёт – бу тажриба майдони эмас! Ҳаётингиз охирида: «тажриба ҳеч қандай натижа бермади, тажриба ўтказувчи аҳмоқ эди», – дейишингизни истамас эдим!

Ҳар бир вазиятда, сиз нима билан шуғулланманг, нима иш қилманг, бу бизнес бўладими ёки шахсий ҳаёт, энг самарали ечимни, энг оқилона вариантни танлашни ўрганишимиз керак! Энг майда ечимлардан тортиб энг глобал, тақдири азалгача!

Агар ИНТУИЦИЯ орқали танлайдиган бўлсангиз, сиз МУВАФФАҚИЯТГА маҳкумсиз! Яна бир бора қайтараман: МУВАФФАҚИЯТГА!

Қадрдонларим! Менинг кескин сўзларимга хафа бўлманг! Сиз мени аллақачон билиб олдингиз ва ҳис этаётганингиздек, буларнинг ҳаммасини муҳаббат билан гапиряпман.

Кўп ўтириб қолгандай бўлмаяпсизми? Шундай экан, қани бир турайлик! Юз ифодаси! Қаддимизни ростлаймиз! Табассум! Амалий машқларни давом эттирамиз...

(Стенограммани ўқидим, ҳеч қандай ўзгартириш киритмасликка қарор қилдим. Қандай бўлса, шундай қола қолсин – М.С.)

ПИЁЛА келажакда қандай қилиб синди? _____

Аввалги стенограмма орқали, бешсезгилилар қандай фикр юритишини билиб олдик. Энди, агар сизга қизиқ бўлса, қалб кўзи очилган одамнинг ҳаётни қабул қилиши, унинг қандай фикрлаб, қандай ҳаракат қилишини ва олтинчи сезгининг қандай ишлашини гапириб берсам.

Даставвал ёз кунларининг бирида Устозимникида ўтказилган машғулотнинг қандай кечгани ҳақида сўзламоқчи эдим.

Ўша куни нисбатан ёш Устозларимдан бири уйида мен билан машғулот ўтказаётган эди. Адашмасам, «Тақдир ҳодисалари нима ва уларга қайси чегараларда аралашishi мумкин?» деган мавзуда эди.

Биз ҳар доимгидек уйда эмас, ҳовлида ўтирган эдик.

Тасаввур қилинг. Тоғ ёнбағри, ёзнинг иссиқ кунларидан бири. Чангдан упаланган тупроқ йўлни тамоман қоплайди.

Оддий қишлоқ уйи, деворлари оқланган, теvarакни майса қоплаган, атрофда товуқлар, ҳар хил жониворлар, болалар югуриб юрибди, эски, занглаган машина турибди.

Биз одатимизга кўра, кенг ёғоч супада, ишком тагида ўтиргандик. Агар сиз узумнинг қандай ўсишини қачондир кўрган бўлсангиз, унда биласиз: ерга темир қувурларни кўмишади, уларни бир-бирига туташтиришади, улар бўйлаб соя бериб узум занги ва шохчалари чирмашади.

Устоз деди:

– Қара, мен сенга неча марта айтаман! Агар бундан бошқаларнинг тақдири зарар кўрса, одамларнинг тақдирига аралашиш, воқеаларни ўзгартириш мумкин эмас. Ҳаттоки сен уни ўлимга маҳкум этган касалини даволай олганингда ёки бирор тасодифий фалокатдан қутқаришинг мумкин бўлган тақдирда ҳам, нима бўлганда ҳам биз сен билан унинг қутқарилиши, ўзгалар учун қандай ўзгаришлар олиб келишини кўриб чиқишимиз керак.

– Агар бир кишини фалокатдан қутқариш бошқаларда кетма-кет фожеаларни келтириб чиқарса-чи? Кечирасан-у, оғайни, сенга бу қанчалик оғир бўлмасин, сен фақат кузатувчи ўрнида қолишинг мумкин.

– Уста ҳар кун, ҳар дақиқада танлаш имкони қарши-сида туради. Унинг олдида минглаб йўл бор. Лекин аксарият инсонларнинг тақдири маълум бир вақтда тўқнаш келади ва уларнинг ҳаммаси умумий кўприкдан ўтишади. Бундай кўприклар жуда кам. Йўллар уларга нисбатан анча кўп. Шундай вазиятлар бўладикки, уларга аралашишга сенинг ҳаққинг йўқ.

– Мана бу пиёлага қара. Кўлингга ол ва қара. У ерда ўчириб бўлмайдиган белги бор. Уларни ўн беш йилча олдин, уйланганимдан сўнг олганман. Бир даста пиёла сотиб олганимда, шунисига белги қўйишимга тўғри келди.

– Устозим айтган ерда беш-олтита пиёла турарди. Қарасам, бунисида, ростдан ҳам, пастки томонда, тубида қизил белги бор эди.

– Бугун бу пиёла синади, – деди Устоз. – Бунга сабаб эса, ҳў ўша бизнинг ёнимизга келаётган одам. У мени олдимга мана шунақа, шунақа сабаблар бўйича келяпти. унда мана бундай муаммолар бор.

Ҳақиқатан ҳам қарасам, узоқ-узоқлардаги йўлдан бизга қараб бир киши келяпти.

– Нима учун бу пиёланинг тақдирига аралашишга биз ҳақли эмасмиз? – деб сўрадим.

– Бу пиёла билан менинг ўғлимдан туғиладиган неварамнинг ҳаёти боғлиқ. Неварам мана шунақа пайтда

чанқаб қолади, пиёладагини сув деб ўйлайди, бу эса сирка бўлади. У ичади, заҳарланади ва ўлади.

Сиз Устознинг мулоҳаза юритишига эътибор қилдингизми?! Унинг ўғли ҳовлида югуриб юрибди, у етти ёшда. Биз эса унинг ҳали туғилмаган набираси тақдири ҳақида гаплашяпмиз!

– Яхши, – дедим, – у ҳолда нима учун Сиз уни дарров синдирмадингиз?

– Ҳамма нарсанинг ўз вақт-соати бор. Мен буни ўша сотиб олаётган пайтнинг ўзида кўргандим. Ўша пайт менда танлаш имкони бор эди. Бу вазиятни биринчи галда сенга фойдали тарзда ўнглашим мумкинлигини кўрдим.

– Сиз буни синади деб айтяпсизми? Яхши! Агар шундай бўлса, келинг у ҳолда бу пиёлани ўша одамдан яшириб қўямиз. Синдиришга эса ҳар доим ҳам улгураимиз.

Мен ёзги костюмда эдим, бу пиёлани олиб костюмимнинг чўнтагига солиб қўйдим.

Бу пайтда йўлдаги киши етиб келди. Келди, ўтирди, ўзининг ҳамма муаммолари тўғрисида сўзлай бошлади. Аввал у, сўнгра бу дегандай...

Гаплашиб бўлдик. Бир ярим соатлардан сўнг у хайрлашиш учун тура бошлади. Ўрнидан турди, маълум бўлишича, унинг оёқлари увишиб қолган экан, биз шарқона усулда чордана қуриб ўтирган эдик. Ва бирдан у менинг устимга йиқила бошлади.

Мен уни ушлаб қолиш учун тезлик билан қайрилдим. Бу ҳаракатдан костюмимнинг этаги пропеллердек кўтарилиб, темир қувурга тегди ва мен қарс этган овозни эшитдим... Кейин қарасам, чўнтагимдаги чинни пиёла парчаланган эди.

Менинг аҳмоқлигим очиқ-ойдин аниқ бўлиб қолди, чунки айнан ўша одам сабаб бўлиб пиёла барибир синди-да. Ўзимдаги ўзига хос қизиқ ҳолатни кузатиб ўтирдим... Тасаввур қилинг, ўта ноқулайликдан бошқа яна нимани ҳам ҳис қилишим мумкин эди.

Меҳмон кетгандан сўнг, Устозим деди:

– Энди машғулоти давом эттирамиз.

Дастурхон тагидан букланган қоғозни чиқариб берди. Очиб ўқидим: «Бугун Мирзакарим ўзининг навбатдаги аҳмоқона саволлари билан мени қийнайди. Лекин мен атайлаб шу мақсад учун чақирган ўша одам ёрдамида, ниҳоят, пиёгани синдиргани учун унга миннатдорлик юзасидан тоқат қиламан».

Ютганингга тиқилибгина қол, МУШУКЧА!

Кейин биз кўнгилчанлик ҳақида гаплашдик: одам ҳаммага ҳам ёрдам бериши керакми. Яна бир марта фикр ва мулоҳазаларнинг юритилишига диққатингизни қаратишни сўрайман.

Устоз деди:

– Бизнинг бугунги амалиётимиз учун шу бугун кечқурун бўлиб ўтган бир қанча ҳодисаларни танладим.

У худди шундай деди: «Бугун кечқурун бўлган», лекин вақт ҳали кундузги соат тўртлар атрофи эди.

– Ҳў-ў-в ана, қара, томнинг бостирмаси остида чумчуқлар чирқилляпти. Бугун у ердан чумчуқ болалари учирма бўлишади. Чумчуқ болаларидан бири олдин мана бу кир ёйиладиган ипга қўнади, лекин ўзининг кучсиз панжалари билан ипни ушлай олмайди. Йиқилишдан қўрқиб, яна учиб кетади. Кейин ариқ устидан учиб ўтиб, ҳўв ана ўша уйдан келаётган сўқмоқ йўлга ўтиради.

Устоз менга эллик метрларча нарироқдаги қўшни уйни кўрсатади.

– Бирдан қўшнининг мушуги пайдо бўлиб, уни еб ўяди. Ҳозирча улар учиб кетишмади, нима қилиш кераклигини тез ҳал қилгин! Аллоҳ яратган бир жониворнинг келажагига қара. Ўз кўнгилчанлигинг натижасини кўр.

Ҳаракат қилдим... Раҳмдиллик билан дедим: «Ҳеч нарса чиқмаяпти». У жавоб берди:

– Биз вазиятни ўзгартиришнинг энг оддий хилини ўйлаб топишимиз мумкин. Биринчи: бирор бўлак мато билан уяча тешигини ярим соатга ёпиб қўямиз. Вазият бошқа йўналиш билан кетади. Қушча тирик қолади.

Иккинчиси: сен ўша ерга борасан ва мушукни ҳайдайсан. Вазият яна ўзгаради. Чумчуқчага яна ҳаёт кулиб боқади. Биз кўряпмиз, вариантлар чексиз! Лекин!

Тоғ этагида жойлашган ҳў-в анави ташландиқ бинога қарагин. У ерда қачонлардир ферма бўлган, ҳайвонлар ўлатдан қирилган. Бизнинг бугунги кўнгилчанлигимиз бир йилдан сўнг панд беради. У ергача ўн километрча масофа бўлса-да, бу чумчуқча ўша ерга учиб боради, касаллик юқтиради ва тарқатади, ундан ўн минглаб қушчалар нобуд бўлади. Шунақа экан, ҳал қил! Танлаш сендан.

У гапида давом этаркан, том остидаги уясидан чуғурлашганча чумчуқчалар учиб чиқа бошлади. Битгаси, худди жадвал бўйича ҳаракатлангандек, олдин ипга келиб ўтирди, бир неча марта чайқалгач, ўзини ушлай олмай, яна учиб кетди.

Қарасам, сўқмоқ йўлда ҳеч қандай мушук йўқ. Хаёлимда шамол тезлигидаги ўйинқароқ фикр ўтди: «Наҳотки, Устоз янглишган бўлса?!»



Бизнинг кузатувимиздаги қушча ўн беш метрча учиб бориб, ариқ устидан ўтди ва тўғри йўлга тап этиб тушди. Бу вақтда, қатъий жадвал бўйича, худди курьер поездидай буталар орасидан қўшни-мизнинг мушуги югуриб чиқиб, уни тутиб олди ва олиб кетди. Тамом, вассалом...

Бу инсонларнинг фикр юритишига диққатингизни қаратинг! Улар бугунги вазифаларини, кейинги режаларини келажакда мавжуд бўлган маълумотларга таяниб ҳал қилишади.

Шарқда шундай мақол бор: «Сувни кўрмай, этик ечма». Менинг Устозларим, уйда ўтирганча, нафақат сув-

ни кўришади, уларга этикни ечишнинг ҳам кераги йўқ, чунки улар ҳар доим кўприк қаердалигини билишади.

Беш, ўн, юз йил олдинни кўра билиш қандай яхши! Сизда табиий савол туғилиши мумкин: «Мен ҳам шу даражага ета олармиканман?»

Шу заҳоти навбатда турган жавобимни бераман: «Бу саҳифаларда сиз билан чўпчак айтишни машқ қиляпмизми?!»

Беҳуда музокаралар

ТЕЖАМИ

Менинг Устозларимдан бири ҳаётда тадбиркор ниқобини тақиб юради. Ҳар ҳолда унинг давлати икки ярим миллиард доллардан ошади.

Бойлик – ҳаётининг мақсади эмас, шунчаки бу инсонларнинг ҳаётига илова холос. Пуллар маълум бир миқдорга етгач, ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. Айниқса, ўн йилдан кейин нима қадр-қимматли бўлишини аниқ билсанг.

Ўз вақтида биз унга шогирд эдик. Эрталаб у мени ёнига чақирди. Олдида бир варақ қоғоз, унда қуйидаги рақамлар ёзилган: 1, 2, 3, 4, ...50. У қараб чиқиб, сонларни бир-бир ўчириб чиқди. Учтасининг олдига эса белги қўйди.

Бу рўйхат билан котибнинг, яъни Устознинг катта шогирди олдига чиқиб, дедим:

– Мана бунга хўжайиннинг қабулига кирмоқчи бўлганларни ёзинг. Навбат бўйича ёзинг. Кимнинг фамилияси белгиланган сонга тушса, ўшаларни тўхтатмасдан киргизинг. Қолганларини – ким бўлса ҳам, вазирми, ернинг киндигини кесган зотми, ўринбосарларга жўнатинг.

Унинг ўринбосарлари ҳам ўз ишининг устаси: чой-қаҳва билан меҳмон қилиб, мулоим, маданиятли, юмшоққина... ўз хўжайинларини келажаги йўқ таклифлардан озод қилишади. Ҳаётни тежашади! Мен нима ҳақда гапираётганимни раҳбарлар жуда яхши тушунишади!

Бу нимани англатади?

Ким билан ҳамкорликда иш қилиш маъқуллигини у аввал бошданоқ кўра олган. На исмини, на фамилия-

сини, на мансабини билмасдан туриб. Бу алоқа иккала томонга ҳам қандай фойда келтириши мумкинлигини у олдиндан ҳис қилади.

Қабулга йигирма-ўттизтача одам ёзилишган, лекин фақат шу учтаси гаплашишга арзийди. Қолганлари эса қуруқ маҳмадоналик учун, унинг пули учун, унинг вақтини олиш учун келганлар.

Ўша учтасини у қабул қилди ва олдиндан уларнинг таклифига рози бўлди. Ҳатто муҳокама ҳам қилмади.

Қолган вақтини у ўз шогирдларига бағишлайди, уларнинг кўпчилигини тадбиркорликка умуман ҳеч қандай дахли йўқ.

Бугунги кунда мен унинг «невара шогирдларига» мураббий бўлганимдан фахрланаман. Улардан кўпчилиги ўз соҳаларида шунақа юксакликларга эришдиларки, Аллоҳ ҳар биримизга ҳам шундай мартабаларни берсин!

Машқ учун қилинган шамани тушундингизми?

Душманинг маъшуқаси
ТЕЛЕФОН рақамини
қандай билса бўлади? _____

Амалий тавсиянома

Ўз вақтида жуда муҳим бўлган маҳоратни эгаллашим керак эди, бу сезги, ўсишим учун жуда муҳим бўлган абдий кутубхонага аъзолик чиптаси олишим учун керак эди. Лекин мен икки-уч йиллаб битта жойда туриб қолдим. Ҳеч қанақасига ишим юришмаяпти. Нимадир ҳис қилгандай бўламан-у, давоми йўқ. Қанақадир қисқа вақт сезиб тураман-да, давомида яна йўқотиб қўяман. Шунақа ҳиссиётки, худди мияда нимадир тиқилиб айланмайди-ган бўлиб қолгандай: давомида ҳеч вақо кўринмайди.

Тасодифий жанжал ёрдам берди! Бир гал машғулот ўтказаетган эдим, катта зал, одамларга лик тўлган. Биринчи қаторда учта эркак ўтирганча, одамларни ўзига жалб этадиган тарзда ўзларини тутишар, гўёки уларни биров бу ерга зўрлаб олиб келгандай эди.

Уларнинг тинчлигини бузганим учун мени гажиб ташлашга тайёр эдилар. Сўнгра биринчи машқларга ўтганимизда, улар томонидан ҳар хил бачкана қилиқлар бошланди. Улар гуруҳдаги тингловчиларни масхара-лаб-бақиришар, қичқиришар эди. Бутун зал энди ишламасдан, фақат уларга қараб турарди, мен эса ўзимни қандай тутишимни билмасдим.

Агар уларга қарата: «Тур, жўна бу ердан!» десам, улар айнан шуни кутиб, мен билан уришиш учун баҳона қидиришяпти. Бошқа томондан эса атрофдагиларга халақит беришяпти.

Сездимки, секин-аста ичимда нимадир қайнаяпти, ҳаттоки шаққиллаяпти. Бутун диққат-этиборим уларга қаратилган ва бирдан шуни тушундимки, мен фақат улар ҳақида ўйлаяпман.

Уларни шунақа ҳам жойига ўтқазиб қўйгим келдики! Буни албатта қилишим керак! Жамоат олдида улар билан муштлашишгача бора олмайман-ку?! Йўқ, жойига ўтқазиб қўйишдан олдин, мен уларнинг ким эканлигини билишим керак!

Ва шу маҳал аён бўлди! Тушуняпсизми? Аён бўлди! Бу одамлар ҳақида ҳамма нарсани билиб олдим. Онгимда шундай чарақлаш юз бердики, ҳаммаси бирдан аён бўлди!!!

– Азизлар, илтимос сиздан, одоб чегарасидан чиқманг. Бу ерда сиздан катта одамлар ўтирибди ва ҳоказо.

Жавобига эса – нуқул қўполлик. «Бу ерда қулоғимизга лағмон осиб турибсан. Сендақаларни ҳайдаб юбориш керак, бошқаларга ўрнатилган бўлиши учун», деганга ўхшаш гаплар.

– Яхши! – дедим. – Унда хафа бўлиш йўқ! Сизнинг исмингиз шунақа-шунақа. Сизники, уники ҳам шунақа-шунақа.

Ва уларнинг ҳамма икир-чикирларини гапириб бера бошладим.

– Сен туман савдо ташкилотидан ишлайсан. Олдин у жой, бу жойларда бўлгансан. У жойдан мана шунча пул ўмаргансан. Сенда учта машина бор, лекин биттаси ҳам сенинг номинида эмас. Биттаси хотинингнинг номига расмийлаштирилган, бошқаси...

Ва ҳоказо.

Сўнгра яна бирдан эсимга келди: шундай қилгинки, бу одам айтаётганларингни барчасини тан олсин.

Сўнгра давом этдим:

– Ҳожатхонангнинг атрофида уч юз минг сўм кўмилган, чуқурлиги ... метр.

Бунга анча бўлган. У пайтда уч юз минг жуда катта пул эди. Ҳалиги, пул ҳақида гапиргандим, бақиряпти:

– Ҳамма гапинг, ҳамма-с-и тўғри! Фақат пул тўғрисидаги гапларинг нотўғри! У ерда пул йўқ!!!

Ҳақиқатан ҳам у ерда пул йўқ, буни мен атайлаб айтдим.

Иккинчисига ҳам жуда кўп гапларни айтдим: унинг машинасининг рақамини, моторини ва севгилисининг телефон рақамини. Учинчисига ҳам...

Шу маҳал тўсатдан тўладан келган, ҳамма ёғи тилла тақинчоққа бурканган битта хоним сакраб ўрнидан турди-да ўша иккинчи бетайинни ура бошлади:

– Ҳа сеними!!! Айтгандинг-ку, у билан учрашмай қўйдим деб!!!

Маълум бўлишича, уни калтаклаётган аёл ўз хотини экан.

Улар уриш-жанжални бошлаб юборишганидан кейин қанақа машғулот ҳақида гап бўлиши мумкин? Ҳамма уларга қараяпти. Улар айнан шуни хоҳлашган эди, яъни ҳамманинг эътиборини қаратишни, мана ниятларига етишди.

Танаффус эълон қилиб, саҳна ортига кетдим.

Кульминацияга етиб келдик!

Келяпман, ўйлайман: «Э Худо, фақатгина бу ҳолатни эсдан чиқармасам! Фақат бу ҳолатни эслаб қолсам! Фақат эслаб қолсам!!!»

Ёнма-ён келаётган шогирдимга дедим:

– Уч хонали сон ўйла ва ёз!

Дарров бу сонларни айтиб, сўрадим:

– Шуларми?

Айтди:

– Мен энди ўйлашга улгурган эдим, Сиз дарров айтдингиз.

БЎЛДИ!!!

МАНА, НИҲОЯТ, БУ ҲОЛАТНИ УШЛАДИМ!!!

Ниҳоят бу тўсиқдан ўтдим! Ниҳоят, бу лаънати ғовни ёрдим!

Ва имкон қадар эслаб қолишга ҳаракат қилдим. Гарчи ҳамон баъзан қабул қилишда омадсизликлар бўлиб турса-да, буни эпладим. Сизда ҳам шунақаси бўлади, шундай экан, думингизни тайёр ҳолда тутинг!

БИРИНЧИ қўл телефони қаерда ихтиро қилинган?

Мен Устозларимдан бирига шогирдликка тушганимла, унга ҳар куни кечқурун чой дамлаб берардим.

Бизда шогирд югурдак бола ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўз Устозини майда-чуйда муаммолардан озод қилиш. Мен Устозга уй ишларида ёрдам берардим, чой дамлаш, йиғинштириш, нарсаларни олиб келиш ва ҳоказо, ва ҳоказо. Албатта, сиз дарров: «Бунақада нимани ҳам ўрганиш мумкин?»

– деган хаёлга боргандирсиз. Жавоб бераман.

Қачонлардир бир авлиёдан сўрашибди:

– Қандай қилиб авлиё бўлса бўлади?

У жавоб берибди:

– Хизмат қилиш йўли билан. Тушунарлими?

Ҳар куни шомда Устозим ўз хонасига кирганича у ерда ёлғиз ўзи анчагача қолиб кетарди. Менга эса унинг хонасида нима билан машғул бўлаётгани жуда

қизиқ туюларди. Қанақасига у ёлғиз ўзи ўтириб зерикмас экан?! Бир марта секин мўраладим. Ахир бу жуда қизиқ-ку, фикримга қўшиласизми?! Қизиқувчанлик –



қўрқинчли нарса! Ҳар доим бурнингни ёки бармоғингни керак бўлмаган жойга тиқасан.

Қарасам, у ўтирибди, бир нуқтага тикилиб, лаблари қимирлаб қўяди ва вақти-вақти билан: «Хи-хи-хи-хи», «Кхе-кхе»лаб куляпти.

«Ана холос! – ўйладим ўзимча, – Лаққа тушибман-ку! Келиб-келиб кимга шоғирдликка тушибман? Ахир унинг хаёли кирди-чиқди-ку?»

Бир гал у мени ва кичкина ўғлини чақириб деди:

– Дўстимникида бугун чой қанақадир бадбўй. Мен ўз чойимни ичишни бошласам, у ўзиникини ичяпти. Унинг чойи шунчалик ёқимсизки, меникининг мазасини босиб кетяпти. Унга икки кило сараланган кўк чойдан олиб бориб беринглар.

Ва бизни ярим кечада чопар қилиб аллақаерларга юборди.

Биз деярли уч юз километр юрдик. Тахминан кечки соат бирларда боряпмиз, тоғлардан юра бошлаганимизда бензин тугаб қолди. Бирдан йўл чеккасида керосинли фонар ушлаганча, бурнини оқизиб битта бола турганини кўриб қолдик. У қўл силтади, биз машинани тўхтатганимизда, деди:

– Бобом мени сизларни кутиб олишга юборди.

Ёнида эса эшак турибди. Энг қизиғи, бу эшакнинг устида юкланган... икки бидон бензин. Болакай тагин бизни ҳайрон қолдириб деди:

– Бобом айтдилар, мана шу ерда машинангизнинг бензини тугаб қолар экан.

Биз келаётганимиз ҳақида ҳеч кимга хабар бермаган эдик! Қандай қилиб билди экан машинада бензин тугашини? Буни қандай тушунтириб бериш мумкин?

Биз бензинни қуйиб, қаерга боришимизни билиб олгач йўлда давом этдик. Ўша чойхўрнинг уйига қадар яна етти километрча юрдик.

Уйга кирдик. Чол айвонда ўтирган экан. Айвон – Шарқда шунақа жойки: уч томони девор билан тўсилган

олди устунлардан иборат очик жой. Чол бизни кўриб деди:

– Мен у қари елвизакка сизларни қийнамасликни айтудим-ку? Сиз энди биз қарияларни кечиринглар. Мен чидаяпман-ку ўша ювиндига. Менга унинг чойининг нима кераги бор? Эрта-индин умрим тугаб боряпти.

Тушуняпсизми?

Маълум бўлишича, улар уч юз километр ораликдаги масофадан муомала қилишар экан! Суҳбатлардан маълум бўлишича, ўша чолнинг чойи бемаза экан. Чол ҳали ҳам сўзлашдан тинмасди:

– Ахир, мен бугун уни сизларни безовта қилмасликка кўндиргандим. Барибир, муттаҳам қария сизларни жўнатибди-да. Шунақа бўпти-да, яна бир марта бизни кечиринглар.

Вақт-соати билан тушуниб етдим-ки, устозлар учун масофадан туриб муомала қилиш – оддий ва жўн ҳолат экан, худди европаликлар учун телефонда суҳбатлашгандай.

Кейин билдим, маълум бир вақтда улар ўз қизиқишлари бўйича гуруҳларга тўпланишади – ким Лондонда ўтирибди, ким Тибетда, ким Непалда, ким Японияда. Булар ҳазилакам қобилиятли чоллар эмас! Ўзларига текинга «уяли телефонлар» ўйлаб топиб, ўтиришибди чойини ичиб, у ҳақда, бу ҳақда суҳбатлашиб.

Устозимнинг энг яқин суҳбатдошларидан бири Қирғизистонда яшарди, лекин улар кўп йиллаб кўришишмаганди. Устозим айтганди:

– Бир-биримизнинг кийимимизни кўришнинг нима кераги бор? Биз ёш бола эмасмиз-ку, кийимларимиз билан қизиқсак. Бир-биримизни бошқа шаклда кўриш учунгина учрашишнинг нима кераги бор?

У «бошқа шакл»да деди!

Тушуняпсизми, азизларим?!

МАКАКАЛАР

ва муҳтарам алломалар

Сизга буларнинг барчаси чўпчакка ўхшаб туйилма-
яптими?

Буларнинг ҳаммасини қила оладиган шундай одамлар
бор экан, нима учун улар ўз имкониятларини ишга со-
лишмайди? Нима учун улар ўз кучларини одамларнинг
фаравонлиги йўлида ишлатишмайди?

Ўрганишни бошлаган пайтларимда, менда ҳам шу-
нақа «нима учун»лар жуда кўп эди. Нима учун бу одам-
лар қудратли кучга эга бўлиб, бошқаларга ёрдам бериш-
майди? Нима учун қандайдир аблаҳлар дунёни бошқара-
ди? Нима учун... Нима учун... Нима учун? Нима учун бу
одамлар ҳақида ҳеч ким билмайди?

Бир гал сўрадим:

– Нима учун сизлар ҳақингизда ҳеч ким билмайди?
Нимага қодир эканлигингизни, ҳеч бўлмаганда, бир мар-
тагина кўрсатсангиз дунё ўзгарди!

Улар:

– Ўзингдаги «нима учун»дан бошланадиган барча
саволларингни ёзиб ол-да, йигирма йил сақлаб қўйгин.
Ўзинг нимагадир эришганингда тушуниб оларсан. Йи-
гирма йилдан сўнг, агар истасанг, сўраётганларингни ба-
жарармиз. Истасанг, ўшанда уларга ўзинг ёрдам берар-
сан! – дейишди.

Саволлар, талаб-истаклар, маслаҳатлар, нима қилиш
кераклигини мен ёзиб қўйдим, фақат бир ярим йилдан
сўнг ташлаб юбордим.

Чунки менинг олдинги фикрларим митти маймунча-
нинг фикрларига ўхшар эди, худди қафасда ўтириб гапи-
раётгандай:

– Агар қафас ортидагилар, сен айтгандай, шунақа ақлли бўлса, нима учун мен билмайман? Нима учун улар намойиш қилишмаяпти? Нима учун бизга тушунтиришмаяпти? Нима учун бизга ёрдам беришмаяпти, бизга тоғдек уюлиб ётган бананларни инъом қилишмаяпти?

Ҳозиргача ҳал қилинмаган абадий банан етишмовчилиги муаммоси бор экан, ва у атайлаб ҳал қилинмаётган экан, демак, сен ёлғон гапиряпсан, ярамас маймун!

Юзаки қараганда жавоб жуда оддий бўлиб чиқди:

– Бу шунинг учунки, маймунлар эҳтиёжу-иштиёқларининг одамлар учун қизиги йўқ.

«Маймун» бўлишни бас қилиш учун дастлабки уч йил олтинчи ва еттинчи сезгиларнинг уйғотилиши ва тиклалишига кетади.

Ҳа, шунақа узоқ вақт! Сиз нимани хоҳлаган эдингиз, ноғорангизга ўйнашимними, сизнинг хоҳишларингизга, сизнинг ўрганиш маҳоратингизга, гўёки сиз қутулмоқчи бўлган одадий фикрлаш тарзингизга мослашим керакми?

Жудаям ўқимишлилардан кимдир айтганди: «Икки карра икки тўрт бўлади».

Сиз мендан шуни эшитишни хоҳлайсизми? Ва чиройли шалпангқулоқларингизни осилтириб, тайёр нарсаларни ютасизми? Лекин ўрганишнинг айнан шундай шакли, маълумотларни шу шаклда жойлаш одамни қулга айлантиради. Бу – оддий одамларнинг йўли. Бу – ўрганишнинг энг қўрқинчли шакли.

Сиздаги энг қўрқинчли хасталик – бу сиздаги моҳиятига тушунмай, тайёр шаклда олинган билимлар.

Демак, мен ўз тажрибамни, ўз ҳақиқатимни сизга бера олмайман. Чунки, агар мингта устани учратсангиз, ҳар бир устанинг ўз шахсий ҳақиқати, ўз шахсий йўли бўлади.

Ҳақиқатни ҳеч бир ҳолатда, ҳеч қандай усул билан бериш мумкин эмас. Устоз фақат ишонч, муҳаббат ва йўналишни беради, шогирд етишиш йўлини ўзи танлайди!

Ва иккинчидан.

Ҳеч қачон Устоз энди бошловчига айнаи дамда қила олмайдиган, кўра олмайдиган, эплай олмайдиган нарсани кўрсатмаслиги керак.

«Тоғлар тонгги паллада аниқ кўринади. Агар сен тоғ олдида бўлсанг, шогирдинг ғарбда турган бўлади.

Унинг онги кечқурундан тонгги ҳолатга ўта бошлаганда, унинг ички қуёши фонида кўринаётган, уфқ орқасидан яққол намоён бўла бошлаган ўша тоғларни сен унга кўрсатишинг мумкин.

У тоққа етганида, тоғ ортидаги уфқни кўришга тайёр ҳолатда бўлади. Қачонки у тоққа кўтарилганини кўрганингда, ана ўшанда унга уфқни кўрсатгин. Сенинг тоғ ортидаги гўзалликлар борасидаги ҳамма сўзларинг тоққа ҳеч қачон чиқмаган одамда шубҳа уйғотади».

Тушуняпсизми, нима учун ўта жиддий олимлар кўпинча буларнинг ҳаммаси бемаъни гап деб, ниҳоятда қатъий ишонч билан айтишади? Бундай қобилиятни ким ҳам намоёйиш қилиши мумкин, кимда бундай қобилият бўлмаса ёки деярли бўлмаса, фақат қанақадир почор куртакчалари бўлганлар, холос. Бу қобилиятлар ҳақиқатда очилишни бошлаганда эса олимларнинг тан олишларининг кераги бўлмайди.

Устозларимиз қаердан куч тўплашади, нима учун уларни намоёйиш қилишни исташмайди? Худди бир пайтлар мен ўзимдан излагандай, жавобни оддий одамнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўз ичингиздан қидиряпсизми? У ерда жавоб йўқ. Мактабга бормасдан, биринчи ҳарфни ёзмасдан: «Қандай қилиб дoston ёзса бўлади?» – дея савол беряпсиз.

Сиз ҳатто қалам нима эканлигини, қоғоз нима эканлигини билмайсиз!

Ҳозир фақат битта нарсани айтишим мумкин: бу мактаб сизнинг ичингизда! Унга йўл қидиринг! Ҳаракатдаги одамгина кўзлаган манзилига етади! Қимирлаган қир ошар!

КЕЧИРИШ

«Барбаросса» режаси

Ўзингизни хафа қилган инсонларни тез-тез эслаб турасизми? Яна ва яна ташвишланасиз, қийналасиз, ғазабланасиз, дилхираликни қайта-қайта чайнайверасиз? Хафа қилган одам аллақачон нариги дунёда бўлса ҳам, барибир уни эслашингиз билан қайнаб кетасиз, «Барбаросса» режасини тузишда давом этасиз.

Хаёлан хафа қилганни ковлаб оласиз, уни қабрдан кўтарасиз, кийим-кечак, оёқ кийимини кийдирасиз, эҳтиётлик билан гардларини қоқасиз, кейин эса ғишт билан у юзига, бу юзига, уриб, хаёлан қичқирасиз: «Ётибсанми аблаҳ, кечирим ҳам сўрамайсанми?»

Сиз, ахир, шунақа қиласиз-ку, тўғрими? Ёки унақа эмасми?

Сиз, ахир, судясиз, суд қиласиз: у – аблаҳ, ярамас одам. Сиз ҳақсиз, улар ноҳақ такалар! Тўғрими?

«Ҳақиқат» дегани нима? Менга нима ёқса, бу – ўша ҳақиқат. «Ёлғон» дегани нима? Менга нима ёқмаса, бу – ёлғон.

Сизни хафа қилган марҳумнинг ҳаётида ниманидир ўзгартира оласизми?

Ўзингизнинг ҳаётингизда эса ниманидир ўзгартиришни хоҳлайсизми?

Келинг, жавоб топишга уриниб кўрамиз. Хафа бўлиш дегани нима?

«Мен – яхшиман! Мени эса ёмон деб аташди, бу билан шафқатсизларча муомала қилишди, ҳақоратлашди. Қадримга етишмади, камситишди, устимдан кулишди, азоб беришди. Мен эса яхши бўлсин дегандим... Ярамаслар!

Айрим тафовутлар билан тахминан шунақа. Сиз мантиқий жиҳатдан умумлаштиришингиз керак?! Бирор кимсадан хафа бўлишнинг оқибатида ҳаммадан хафа бўлиш келиб чиқади.

«Атрофимиздагиларнинг ҳаммаси аблаҳ, яшагани қўйишмайди! Ҳақиқат қаерда? Худо қаёққа қараяпти?» — деб ўйлайсиз.

Мантиқий занжирни яшашда давом этамиз. Ҳаммадан хафа бўлишдан ўзингизга бўлган хафалик ўсиб улғаяди ва гуллаб яшнайди.

«Ҳа, мен ўзим яхшиман, шунақа-шунақа, бунақа-бунақа! Ақлли бўлганимда, кучли бўлганимда шунга йўл қўярмидим? Менга бу ҳам кам. Ҳаммасини ер ютсин».

Танишми шу гаплар?

Шунчаки сиз хафа қилганни айблаб, ҳукм қилиб, ҳаёлан қатл қиласиз, у билан биргаликда ўзингизни еб бораверасиз. Бизнинг ниятларимиз, истакларимиз, агар улар қалбингизнинг тубидан чиқаётган бўлса, амалга ошиш хусусиятига эга.

Ўзингиздаги айбдорлик ҳисси, ўзингизни севмаслигингиз — бу заҳар. Бу заҳар олдин қалбингизни кемиради, кейин танангизга ўтади, сиз касалманд бўлиб, фаолиятсиз, ҳаётга қобилиятсиз бўлиб қоласиз. Ва ниҳоят, хафа қилганнинг қисмати сизга жуда тез етиб олиши мумкин. «Нима учун курашган бўлсак, ўшанга тўқнашдик» тамойилига биноан.

Лекин сиз ҳозир айнан мана шундан қутулишни хоҳлайсиз. Хоҳлайсизми ёки йўқми? Бу китобни нима учун ўқияпсиз?

Сиздаги хафагарчиликнинг, ногиронликнинг, кўзи ожизликнинг, ухлаб ётган интуициянинг ўзаро қандай алоқаси бор.

Буни ҳозир тушунтираман.

Фақат олдин саволларга жавоб беринг.

Сизлардан қайси бирингиз ҳеч ёлғон гапирмагансиз? Мен «бугун эрталабдан» деб сўраётганим йўқ, умуман.

Қайси бирингиз алдамагансиз? Хаёлан қўлингизни кўтаринг!

Қай бирингиз қорин қаппайтириб баднафслик қилмагансиз?

Сизлардан ким сўкинмаган? Сиз, ахир, биринчи саволга қўл кўтармадингиз-ку, шунақа экан, энди мен сизга аниқ ишонаман.

Орангизда ким ҳасад қилмаган? Бор-ку шунақалар, улар ҳеч қачон ҳасад қилмайди, фақат ҳавас қилади, бу ҳам баъзи-баъзида. Шунақалар борми?

Шунақалар бўлса уларга савол беришни хоҳлардим: моҳиятан оқ ит билан қора ит бир-биридан нимаси билан фарқ қилади? Агар оқ ит ўнг томон думбангизни тишлаб олса, қораси эса чапдан – сизга қайси томондаги оғриқсиз туйиляпти? Фақат қорада кир унчалик кўзга ташланмайди. Бошқа ҳеч қандай фарқи йўқ.

Демак, ҳурматли алдоқчилар, очофатлар, сўконғичлар ва ҳасадгўйлар...

Ким бирон марта ҳам юрмаган? Мен «кучук билан» демаяпман.

Тушунарлими? Тушунарли! Қаранг-а, қанақа жамоа йиғилибди!

Демак, азизларим, ҳеч кимни ҳеч кимдан хафа бўлишга ҳаққи йўқ. Ҳамманинг тупроғи бир.

Лекин сиз яхши бўлишни хоҳлаб қолган, ўзингиз учун ҳаракат бошлаган экансиз, демак, ўзлигингиз томонга кучли ҳаракат бошлабсиз, сиз бугун бошқасиз, энди кечаги одам эмассиз. Бугун сиз қачонлардир хатога йўл қўйган одам эмассиз. Сиз – бошқа одамсиз.

Нима учун Ойсаранинг қилмиши учун Гулсара жавоб бериши керак? Нима учун Эшматнинг қилмиши учун Тошмат жавоб беради? Ўзингизни кечиринг, ўтмишдагиларни кечиринг, Аллоҳ хайрингизни берсин.

Демак, нима қилиш керак? Ғолиб бўлиш учун нима қилиш керак? Мана шу хафаликларнинг устидан, ўз ичингдаги душманнинг устидан, душманингга нисбатан

меҳрсизликнинг, ўзингга нисбатан бўлган меҳрсизликнинг устидан голиб бўлиш керак.

Ўзингизни қийнаганда, бировларни хаёлан қатл қилганда, биринчи навбатда, ўзингизнинг интуициянгиз зарар кўради. У ўта нозик, озодликни яхши кўради, тутқинликда кўпаймайди. Унга алоҳида ўзига хос маънавий иқлим зарур. Агар сиздаги ёвуз ниятлар у ёққа – бу ёққа тиқилса, у яширинади. Бундай ҳолда ўзингизнинг ҳам кўнглингизга эзгуликлар сиғмайди.

Демак, кечиришга тўғри келади. Душманингни кечириш, ўзингни кечириш ўз ўтмишинг юкидан халос бўлишдир. Кечириш ва юкдан халос бўлиш, келажак учун жойни тозалаш, муҳаббат учун ўзингизда мудраётган кучингизни озод қилишингиз керак.

Октавани эслаймиз! Сиз кучсиз, сиз муҳаббатсиз, сиз кечиришни биласиз!

Худо ҳаққи, ҳаммани кечиринг.

Ўзингиз учун ҳаммани кечиринг.

Мана шу ҳақда гаплашамиз, майлими? Доимгидек, худди шарқдагидек гапни узоқдан бошлайман.

Имтиҳон КОМИССИЯСИДА учрашамиз

Қадрдонларим, қачонлардир клиник ўлимни ўрганиш лабораториясини тўрт йил бошқаришимга тўғри келганди.

У ерга қандай тушиб қолдинг, дейсизми? Шунчаки, ҳаммаси жонга тегди. Жонга теккунча бойвачча ролида бўлдим. Елкамда ўрнашиб олган бир гала текинтомоқларнинг «ҳурматим»ни жойига қўйишларидан тўйдим. Натижасига депрессия, тушкунлик, ҳаётга қизиқишимни йўқотдим. Мен буни образли ифода этяпман. Айнан тушунманг!

Лекин нимадир қилиш керак эди!

Бир фикр миямга урилди: «Кел, илм билан шуғулланаман, ақлли нималардир ёзаман, масалан, диссертация, унвон оламан» – дедим.

Дангасалигим сабаб энг енгил соҳани танладим – психологияни. Бўш аравани шалдиратиб-тарақлатиб орқа-олдинга ҳайдаб юриш ҳаммасидан яхши эмасми, кўнгилнинг қаерларидадир кечаётган кўринмас жараёнлар ҳақида мулоҳаза қилиш-чи? Фикримга қўшилмасизми?

Ўзимни нима учун психологияга урганимнинг биринчи сабаби мана шу эди.

Яна нима ҳам қилишим мумкин эди, Ниагара шаршарасидан ҳам таъсирланмай қолган бўлсам? Агар қирқинчи кенгликдаги Горн бурни ҳам ўзининг доимий довуллари билан зериктириб юборган бўлса, энди нима қилиш керак? Жуда тўйиб кетдим. Менимча, ҳаммасини татиб кўрдим.

Адреналин етишмаётганди, уни қаердан олиш мумкин? Тана жуда кучли адреналинни қачон ишлаб чиқаришини биласизми? Ўлим билан ёнма-ён бўлганда, фикримга қўшиласизми?

Бизнинг ҳамма ҳаракатларимизни иккита дастак, иккита инстинкт бошқаради: яшаш истаги ва ўлимдан қўрқиш. Умуман олганда, бу иккаласи – бир нарса.

Шу тариқа ўзимнинг номзодлик диссертациямга мавзу танладим. Унинг соддалаштирилган номи қуйидагича: «Мия агониясидан келиб чиққан кислород етишмаслигининг галлюциноген омиллари».

Ҳаммадан осони – ўзгалар галлюцинацияси ҳақида ёзиш. Фикримга қўшиласизми?

Агар ҳақиқатни гапирадиган бўлсам, бу мавзу билан қизиқишимнинг жиддий сабаблари бор эди... Устозларимнинг ўлим тўғрисидаги сўзларидан сўнг ўзимда пайдо бўлган баъзи тахминларни текшириб кўрмоқчи эдим. Лекин бу – жуда мураккаб мавзу, уни, яхшиси, ўтказиб юборамиз.

Шундай қилиб мен клиник ўлим лабораториясига келиб қолдим ва у ерда тўрт йил қолиб кетдим. Ўз бошимга... саргузаштлар излаб, ҳаётдаги таянчимни топдим.

Бу ерга ашаддий материалист бўлиб келган бўлсам, бу ердан чуқур эътиқод билан чиқдим, энди олим сифатида Олий Ақл-Идрок, Олий Виждон, Олий Муҳаббат борлигига аниқ ишондим. Буни аниқ биламан – текширганман!

Тўрт йил ичида бу лабораториядан беш мингга яқин одам ўтди, бу эса беш мингга тадқиқот! Сиз буни тасаввур қила оласизми? Кунига ҳар хил туманларга тўрт-бешта-лаб чақирик.

У пайтда ҳар бир институтда, ҳар бир клиникада махфий бўлим бўларди. Улар бизга қўнғироқ қилишарди, биз эса учардик.

Клиник ўлимдан чиққандан сўнг ўзи билан нималар содир бўлганини одам бир-бир ярим соатларча эслайди. Кейин эса бу хотиралар ўчиб кетади, фақатгина узук-

юлуқ қолдиқлари қолади. Икки-уч кундан сўнг ўша «са-
ёҳатчидан» сўрардик:

– Эсингиздами, ўша куни сиз шундай-шундай деган-
дингиз?

– Йўқ, эсимда йўқ, бунақаси бўлмаган!

Унга овози ёзилган кассетани қўйиб берамиз.

– Ҳа, тўғри, менинг овозим. Наҳотки шуларни мен
гапирдим?

Биз ҳамма нарса ҳақида суриштирардик: бемор нима-
ни кўрди, нимани эшитди, нимани ҳис қилди, қандай ҳис
қилди. Ва галдаги вазифамиз буларни текшириш бўларди.

Агар одам бирор жой ҳақида гапирса, бизни унинг
тафсилотлари: қаерда нима тургани, ётгани, юргани
қизиқтирарди. Тушунайсизми? Ва шу заҳоти ўша ерга
жўнардик ва қарардик: ҳақиқатан, айтилган нарса ўша
ерда борми, ростдан ҳам шунақа вазиятлар бўлганми.

Ва далил кетидан далил, унинг изидан яна далил...
Биз аниқ билардикки, бу одам ҳеч қанақасига ўша ерда
бўлиши мумкин эмас, бўлмаган ҳам. Лекин у ҳамма май-
да-чуйда тафсилотларигача айтиб беряпти, асбоб-анжом-
ларни тасвирляпти... Бунақа бино, унда шунақа хона, бу
хонада шунақа стол, шунақа идиш-товоқлар борлигини у
иқир-чиқирларигача билиши мумкин эмас эди...

Сизнинг қулингиз эса ашаддий материалист эмасми,
айниқса, иш бунақа нарсаларга келиб тақалганда! Қў-
лим билан ушлаб кўрмагунимча, сўзларга ишонмайман.
Агар, кеча лифтда папирос қутиси ётган десангиз:

– Кечирасиз, мен буни текшириб кўришим керак, –
дейман.

Агар сиз бу папирос қутисини кўрмаган бўлсангиз-чи?
Ҳечам кўрган бўлишингиз мумкин эмас эди!

Ва биз бу лабораторияда ҳамма нарсани текширар-
дик. Жойини, вақтини, вазиятни тасдиқловчи далиллар
олардик. Ўша вақтда деярли беш юзтача иш очдик. Ўша-
лардан уч юз саксон еттитасида ўлим йўқлигига эътироз
билдириб бўлмайдиган далиллар келтирилади.

Нима қилиш керак? Нима қилиш керак?

Менинг сохта материалистлигим чок-чокидан сўкилиб кетди. Яна қанақа шовқин билан. Маълум бўлганидек, ўлим йўқ нарса. Яна бир марта бунга ишонч ҳосил қилдим.


Ўлим йўқ нарса!

Худди биз ўзимизнинг тўзиган кийимимизни ташлаб юборгандек, танамизни ҳам худди шундай қолдирамыз. Ишонасизми-ишонмайсизми, мен сизнинг фикрингизга тупурдим. Барибир ўша ерда, имтиҳон комиссиясига кираверишда учрашамиз.

Хоҳлайсизми, лаборатория архивидаги ҳужжатлардан битта воқеани гапириб бераман?

Бир гал биз чақриқ бўйича кетдик. Етиб борсак 37 ёшлардаги бўйи икки метрдан баланд, худди телефон будкасидай баҳайбат эркак киши. Геолог-пиёниста.

Экспедициядан қайтиб келиб, шаҳар паркида пиво-хона олдида ким биландир уришиб қолган, пичоқдан ўн тўрт марта яраланган. Касалхонага олиб келишаётганда, ўлим юз берган ва уни моргга олиб боришган. Бу воқеа жума куни бўлган эди.



Икки кундан кейин, душанба куни патологоанатом ишга келиб, танани ўрганишга киришганда, нафас олмай ётган тана бирдан қимирлаб, унинг қўлидан ушлаб олган, сўнгра энг сараланган сўкишларни қаторлаштирган.

Бир неча кундан кейин биз тирилган геолог билан суҳбатлашдик.

– Мастлигимда муштлашиш содир бўлди. Бирдан жуда қаттиқ оғриқни сездим. Кейин канализация қудуғига тушиб кета бошладим. Пастга қараб қанча шўнғиганимни эслолмайман, ёдимда қолгани, деворга ёпишганим, оёқларим, қўлларим билан тиралдим. Сезяпман, агар тубигача шўнғисам, тирик қолмайман.

Мен шилимшиқ деворга ёпишиб, тепага тирмаша бошладим. Чидаб бўлмас даражада бадбўйлик! Шунчалик жирканч эдики, сўзлашга сўз қаҳат! Бу бадбўй уфунатдан ўзимга келдим. Ташқарига ўрмалаб чиқдим.

Чиқсам, у ерда «тез ёрдам», милиция машиналари турибди. Одамлар йиғилган. Ўзимга қарасам, ҳаммаси жойида, ҳаммаёғим тоза. Шунақа исқирт жойлардан ўтиб келсам ҳам, нима учундир ҳамма ёғим тоза. Нима бўлди экан, деб яқинроқ бориб қарадим.

Одамлардан сўрасам, улар менга умуман эътибор ҳам беришмасди! Қарасам, қандайдир киши замбилда ётибди, ҳамма ёғи қон. Ўзимча ўйладим: «Баттар бўл». Бу кишини юзида мени ўзига нимадир жалб этди. Қасрдадир кўришган бўлсак керак?

Замбилни «тез ёрдам»га юклашди ва бу машина юриб кета бошлаганда бирдан ҳис қилдим: бу тана билан мени нимадир боғлаб турарди.

Бақира бошладим:

– Ҳой! Менсиз қаёққа кетяпсизлар? Акамни қаёққа олиб кетяпсизлар?!

Шу маҳал бирдан эсимга тушди: менинг ҳеч қанақа акам йўқ! Олдин ўзимни йўқотиб қўйдим, кейин эса тушундим: бу ахир мен-ку!

Агар бу тана бўлса, мен-чи, мен кимман? Мен улар орқасидан югурдим, қичқирдим:

– Тўхтанглар! Мени қаёққа олиб кетяпсизлар!

Кейин сезиб қолдим, мен машина ортидан югураётганим йўқ, ундан озгина баландликда учяпман. Тана «тез ёрдам» ичида, мен эса орқада учяпман...

Ва ҳоказо.

У бизга қайси кўчалардан учганини, бу кўчаларда нима бўлганини айтиб берди. Битта жойда маълум бўлишича, кичкинагина ёнғин бўлиб, ўт ўчирувчилар туришган. Бунни эслайди. Биз кейин текширдик – тўғри бўлиб чиқди. Шу ерда ёнғин бўлган экан.


«Тез ёрдам» касалхонага етиб келди, жарроҳ уни кўриб

– Ўлибди, – деди.

Мен эса у жарроҳнинг ёнига югуриб бориб сўкинишга тушдим:

– Сен нима?.. Қанақасига мен ўлдим? Қани, ўша ҳалиги, тарам-тарам тикиб қўй дарров! Мен ўзимга келаман, мен ҳали ўлганим йўқ!

Моргга олиб кетадиган бўлишди. Мен умидсизликдан у ёққа-бу ёққа



бориб келаман. Сўнг танани ортидан кетдим.

Аравачани лифтга киргизишмоқчи эди, тана бўлса катта – сиғмаяпти. Эшиклар ёпилганда оёқларни сиқиб қолди.

– Э, сени! – дейман. – Нима иш қиялпсан?! Менга бу тана ҳали керак бўлади!

Санитарга мурожаат қиламан – эшитмайди.

Шундай! Шу ерда чекким келди. Қарасам, лифтда ёғимланган папирос қутиси ва қатиқ шишаси турибди. Қатиқ шишада учдан бир қисм қатиқ қолган.

Мени моргга олиб боришди. У ерда эгаси йўқ скафандрлар орасида икки кун юрдим.

(Эътибор беринг – «эгаси йўқ»!)

Мен у ёққа бордим, бу ёққа бордим, ҳар жойда ва ҳар ёқда бўлдим. Уйга борсам – хотин йиғлаяпти. Хотинимга тушунтираман, тинчлантираман: «Нима ҳам қилиш мумкин?»

Лекин тана барибир мени қўйиб юбормасди. Қайтиб келиб, унинг атрофида айланиб юраман.

Душанба куни эса тана мени орқага тортди. Мен у ёққа қайтишни ҳеч ҳам хоҳламаган эдим, чунки жуда қаттиқ оғриётган эди, яна ҳаммаси шунақа кир-чир эдики.

Патологоанатом ишга келганида эса... мен тушундим, шу билан энди ҳаммаси тугайди. Унинг атрофида у ёқдан-бу ёққа югура бошладим ва бирдан қандайдир лаҳзада мени тортиб кетди...

Тўрт кундан сўнг палатада ўзимга келдим.

Диққат қилинг: «тортиб кетди». Бу танага қайтиш лаҳзасини камдан-кам одам эслайди.

Уни эшитиб бўлганимиздан кейин биз текшира бошладик: папирос қутиси лифтда жойида ётибди. Тана ёпилган бўлган, кўриши мумкин эмас эди. Шиша эса йўқ. Маълум бўлишича, фаррош олиб кетган экан.

Қаттиқдан бўшаган шишани топдик, лекин у ювилган эди. Сўрадик:

– Қанча қаттиқ бор эди?

Фаррош айтди:

– Учдан бир қисми бор эди, лекин у жудаям ачиб кетганди...

Нимага биз арзимаган шишани қидириб юрганимизга фаррош қўрқиб кетди. Кўчаларни текширдик, чиндан ҳам ёнгин бўлган. Йўналишни текширдик.

Лекин канализация қудуғини топмадик. Бу воқеа бўлган жойда, шаҳар паркида битта ҳам қудуқ йўқ эди. Ҳатто кўнгиллилар билан тинтиб чиқиш ҳам ёрдам бермади.

Шунга ўхшаш ҳодисалардан деярли тўрт юзтасини йиғдик.

Р.С. Баъзида Мирзакарим Санақулович тингловчилар билан клиник ўлим ҳолатини бошидан кечирганлар ҳақида савол-жавоб ўтказади. Қизиқ томони, ҳар бир курсда, албатта, бир нечта шунақа одам топилади. Мана шундай савол-жавоблар стенограммасидан бир намуна.

– Залда клиник ўлим ҳолатини бошидан кечирган кимдир борми? Кимда юракнинг тўхташи бўлган, врачлар томонидан тасдиқланган... Кимда, қўлларингизни кўтаринг? Илтимос.

(Бир нечта одам қўлини кўтаради.)

– Яна кимдир борми? Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти. Э йўқ, бешта сизлар. Мен сезяпман. Бунақа одамлар ҳар доим кўриниб туради. Келинг, марҳамат, сизни бу ерга чақирсам бўладими? Мен сиздан илтимос қиламан.

(Тингловчилар саҳнага чиқишади. Мирзакарим Санақулович микрофон билан биринчи тингловчининг ёнига яқинлашади.)

– Марҳамат. Сиз ҳозир айтиб берадиганларингиз содир бўлган воқеаларнинг арзимас парчалари, холос. Бу қачон содир бўлган эди? Қандай содир бўлган эди ва ўшанда нимани ҳис қилгандингиз?

– Бу мен туғаётган пайтда бўлганди. Туғиш жараёни жуда қийин кечди...

– Кўзларингизни юминг.

Саҳнада турганлар кўзни юмишади. Мирзакарим Санақулович залдагиларга мурожаат қилади:

– Мана шу траекторияни эслаб қолинг.

(Олдин қўли билан диагонал бўйича тепани, кейин горизонтал йўналишини, сўнгра диагонал бўйича пастни кўрсатади.)

– Кейин эса турган жойидан... Тушунарлими, ҳа?

Саҳнада турганларга:

– Кўзларимизни очамиз.

(Тингловчи аёл билан диалог давом этади.)

– Ҳа, туғиш жараёни жуда қийин кечган, демак, алоҳида хонага ўтказишган, туғадиган жойда эмас, балки опе-

рация хонасида. Тўхтатиб қолишмоқчи эди. Умуман, кейин нима бўлганини билмайман. Мен билганим... Мен ҳушимдан кетиб қолдимми ёки шунга ўхшаш нимадир юз берди. Кейин бирдан қаёққадир учиб кетдим, қанақадир қувурга ўхшаш жойга.

– Траекториясини айтинг: пастга учиб кетдингизми, олдингами, тепагами?

– Йўқ, мана бундай. *(Диагонал бўйича юқорини кўрсатади.)*

– Тепага, ҳа?

– Бироз тепага. Мен қанақадир ҳолатда турардим...

– Чунки фақат туғиш пайтида ўлган аёлларни Аллоҳ шахсан ўзи ўша ерга қабул қилади. Тепага кетади...

– Ҳа, мен катта тезлик билан учаётган нарсанинг олдида турган эдим... паровоз эди шекилли. Бирдан қоронғи туннелдан қаёққадир учиб чиқдим. Шунақа кенглик, қандайдир... Ҳатто ҳозир ҳам гапиряпману бутун баданим жимирлаб кетяпти. Чунки у ерда шунақанги такрорланмас гўзаллик бор эдики! Бу жуда катта қуёш эди. Бу қандайдир жуда катта, кенг майсазор бўлиб, у ерда ҳамма нарса жуда ажойиб эди!

Мен ҳатто қандайдир товушларни эшитдим, овозларни эшитдим. Лекин мен у ерда битта ўзим эдим. Мана. Бирдан менга қандайдир овоз деди: «Ҳа майли, азизам, қайтақол, қайтақол». Лекин мен ҳеч ҳам хоҳламагандим! Қайтиб келганимдан сўнг, менга жуда оғир бўлди. Умуман, мана... Менда...

– Қадрдонларим, сиз хотиранинг қандайдир узукюлуқ қолган парчаларини эшитдингиз. Бу – парчалар холос. Дарвоқе, ўзингизда қайтиб келиш хоҳиши бўлмаган, тўғрими?

– Йўқ, мен қолишни жуда хоҳлагандим.

– Лекин сизни у ердан ҳайдашди.

– Ҳа, қайтишим кераклигини айтишди. Ахир қизчам туғилганди-ку. Зеро у жуда узоқ кутиб истаганим эди. Менга туғишни ман қилишганди, чунки юрагим касал.

Лекин мен бари-бир журъат қилдим. Ҳомиладорлигимни билганимда, буни эҳтиёткорлик билан ҳаммадан бекитдим. Ҳеч қаёққа бормадим, шифокорга мурожаат қилмадим, фақат туғруқхонадагина мени анализ қилишди... Умуман, туғиш жуда қийин кечди.

– Раҳмат.

(Кейинги тингловчи ёнига келади.)

– Менда йигирма йил олдин, оддий аппендицит бўлган эди. Кесишганидан сўнг маълум бўлишича перитонит экан.

– Келинг, мана бундай қиламиз, ҳикояни сиз қачон ўз танангиздан чиққан бўлсангиз, ўша вақтдан бошлаймиз.

– Бу операция столида юз берди. Бу маҳал мен нимани кўрганимни билмайман, бунга анча бўлди, лекин эсимда қолгани шуки...

– Сиз ўзингизни четдан кўрдингизми?

– Кўрдимми? Йўқ, мен ўзимни четдан кўрганим йўқ. Қаерларда учаётганимни кўрдим, яъни метрога ўхшаш туннелда... Шунақа туннел ва ёруғлик... У ерда қуёш бор-йўқлигини кўрганим йўқ, лекин қаердандир ёруғлик келарди... Бутун туннел ёрқин, шунчалик ёрқин эдики... Ёруғлик ҳам шундай тиниқ, ҳатто... Қандайдир ҳарорат шундай латиф-мулойим таралаяптики. Буни ҳозир ҳам ҳис қиляпман.

Мана мен катта тезлик билан учаяпман, лекин шамолни ҳис қилмасдим. Учаётганимни биламан, шунчаки учаётганимни билиб турардим. Бирдан қандайдир оқ деворни кўрдим. Ва қандайдир овоз менга шилпиди: «Сенга ҳали у ерга эрта». Бўлди...

– Ҳайдашди...

– Ҳайдашди, ҳа...

– Ҳали эрта. Раҳмат.

(Кейинги тингловчига ўтади.)

– Биласизми, менда унчалик айтарли нарса йўқ, чунки мен ҳақиқатда ҳам, фақат баъзи бир лавҳаларнигина эслайман, холос. Бу ҳам туғруқ пайтида бўлган эди.

Биринчиси, аҳволим оғирлашиб қолганда кўрганим, бу катта айлана эди, мен ўша бўйлаб юришим керак эди. Шунда тўсатдан ҳеч қайси томонга – на олдинга, на орқага, на тезлик билан, на секинлик билан юра олмаслигимни англаб етдим. Мана шу ерда ниманидир нотўғри қилдим ва мен... Ўша ёруғлик қаршисида турардим, лекин у ёққа ўтмадим. Бу ёруғликни фақат бўсағасидагина турардим...

– У ёққа ўтишни хоҳлаганмидингиз?

– Хоҳлагандим.

– Ҳали эрта! Раҳмат. Ҳаммага раҳмат, ўтиринг, марҳамат.

Қадрдонларим! Бошқа активларни ишлаб топиш керак, бошқа актив... Лекин моддий активларни ҳам унутиб қўйманг!

(Кейинги тингловчига мурожаат қилади.)

– Менда бу ҳодиса наркоз остидаги жарроҳлик операцияси пайтида рўй берди.

Мен бу операциядан қаттиқ қўрқиб, асабийлашган эдим. Умуман олганда, бу операцияни қандай қилишганини эсламайман. Фақат тушуниб қолганим, хонанинг қайсидир бурчагидан туриб, қандай аҳволда столда ётганимни кузатяпман. Атрофимда нимадандир безовталанишяпти, югуришяпти, нимадир қилишяпти. Менга бўлса шунақа ҳам қизиқки!

Ўзимча ўйладим: «Бу операциядан шунақа қўрқиб юрибман, умуман оғримас экан-ку... Сўнгра... Ҳеч қандай туннелни кўрмадим... Қандайдир катта, узун, чуқур, гўёки қудуққа ўхшаш жойнинг тубида пайдо бўлиб қолдим... Олдинда эса ёруғлик милтилларди... Кейин спирал бўйлаб тепага кўтарила бошладим... Қийинчилик билан, қандайдир оғриқлар билан. Менга гапирганларидан сўнг ҳушимга келдим: «Худоба шукур, хайрият у қайтди...»

Мирзакарим Санақулович аудиторияга мурожаат қилади.

– Тушунарли, а?

(Қўли билан диоганал бўйича настини кўрсатади.)

– Мен у ёққа учмадим, мен пастдан, чуқур қудуқдан кўтарилаётгандим...

Тингловчига:

– Илтимос, синов дафтарчангизга кўпроқ аъло баҳо-лар олишга ҳаракат қилинг... яхшими?!

Қадрдонларим! Клиник ўлимни бошидан кечирган-лар орасида алоҳида шундай бир гуруҳ бор. Улар ҳақида қачон ўйласам, ҳар гал шундай оғриқ пайдо бўлади!

Барчамиз ҳам вақти-вақти билан қийналиб турамиз. Фикримга қўшиласизми? Бугун хурсандчилик, эртага қийинчилик, кейин яна хурсанд бўламиз. Бу – жараён. Бу ҳаётнинг ҳаракатланиши. Унутиб қўймаган бўлсак, ҳаёт оқар дарё, ҳамма нарса ўткинчи, шу сабабли бугунги бахтсизлигимиз ҳам у даражада қўрқинчли туйилмайди, у даражада ёвуз ва ҳал қилиб бўлмас бўлиб кўринмайди. Чунки эртага ҳаммаси бошқача бўлади.

Ўзининг жонига қасд қилган одам ким? Бундайлар, ўзларининг бир лаҳзалик қийинчилигини фожиа даражасига, дунё миқёсидаги ҳалокат даражасига кўтарадиган-лар. Худо кўрсатмасин, агар улар ўз ниятларини амалга оширсалар...

Инсон нима учун ўз жонига қасд қилади? Чунки у ерда менга яхши бўлади деб ўйлайди. У ҳеч қандай оғриқ бўлмаган жойга, фақат ҳузур-ҳаловатдан иборат жойга тушишни орзу қилади.

Ҳеч ҳам ундай эмас!

Биз ўз жонига қасд қилаётиб қутқариб қолишга улгурилганлар билан суҳбатлашдик. Ўз жонига қасд қилиш натижасида клиник ўлим ҳолатини бошидан кечирганлар, кейин ўлимдан, Азроилдан қўрққандек қўрқишади, чунки энди улар нариги томонда ўзларини нималар кутаётганини билишади-да.

Биласизми, нима учун? Чунки уларнинг ҳаёт пайтидаги кўрган қийинчиликлари нариги томонда бошидан ўтказганлари билан солиштирганда уммондан томчидек, холос.

Маълум бўлишича, у ерда ўз жонига қасд қилганларни жазоларнинг энг даҳшатлиси кутади: унинг азоблари чексизлик қадар кўпаяди. Ва бу чексиз азоблар, чексиз даҳшатлар ҳеч қачон тугамайди! Бу шунинг учунки, у ўзига берилган энг муқаддас нарсага – ҳаётга қасд қилди!

Ахир ҳамма диний эътиқодларда ҳам ўз жонига қасд қилиш гуноҳларнинг энг каттаси ҳисоблангани беҳуда эмас-ку.

Менинг қадрдонларим! Аллоҳ, Табиат, Олий онг – қандай хоҳласангиз шундай атанг – томонидан берилган ҳаётдан воз кечишга биз билан сизга ҳуқуқ берилмаган. Ҳаёт Яратган томонидан буюк совға сифатида, барака, мактаб сифатида тухфа этилди. Унда фақат ўқиш ҳуқуқи ва мажбурияти бор, холос. Ўзининг руҳият кучи билан бунёд этишга, ижод этишга, ўзида эзгулик ва қувончни ўстира боришга, ёвузлик ва азоблардан узоқлаша боришга ўқиш мажбурияти бор.

Мана, тасаввур қилинг: икки юз миллион одам ўлиши керак бўлган ҳолда фақат биттасига яшаш ҳуқуқи берилади! Яхшилар ичидан энг яхшиси танлаб олинishi керак. Бу барча икки юз миллион ўз ҳаётини, ўша энг яхшига, энг кучлига, энг баркамол, энг чидамлисига, ҳамманинг орзусини амалга оширадиганга совға қилади. Шунини билингки, ўша битта – сиз!

Чунки сизни пайдо қилган тухумдонни уруғловчи манийнинг битта ташланишида, айнан мана шунча уруғ ҳужайраси бўлади.

Улардан ҳар бири ўзида потенциал ҳаёт олиб боради ва ҳар бири ривожланиб одамга айланиши мумкин. Лекин бу бахт айнан сизга кулиб боқди. Сиз – танланган-сиз! Бизлардан ҳар биримиз кўплаб миллиардлар ичида яғонамиз, яшаш ҳуқуқини ҳақли равишда қозонганмиз.


Шундай экан, ҳаёт деган буюк мукофотга лойиқ бўлинглар!

Сизга қандайдир фойдам тегсин деб олдингизда маймундек сакраётганимни энди тушундингизми?

Сиз руҳиятимнинг «синов дафтарчаси»га ҳеч бўлмаганда плюс, жуда бўлмаса «қоникарли» баҳо қўйишингиз учун. У ёққа борганимда, кўрсата олишим учун: «Мана. Илтимос, мени қабул қилинг ва ўқишни давом эттиришим учун жўнатинг! Жуда илтимос қиламан! Мен жуда ҳаракат қилдим! Ҳа, илти-и-и-и-мос!»

РАҒБАТ

ёхуд
эшак
сағрисига
аталган таёқ



Модомики ўлим йўқ экан, модомики, биз ҳаммамиз ўша томонда имтиҳон комиссияси олдида учрашар эканмиз, унда...

Келинг, яхшиси ўзимизга савол берайлик. Нима учун ёвузлик мавжуд? Нима учун зулмат мавжуд? Нима учун азоб мавжуд?

Агар ёвузлик бўлмаганда, биз нима қилган бўлар эдик? Ҳаммаёқни босиб кетган яхшилик туфайли ҳеч қандай интилишсиз аллақачон барҳам топган бўлардик. Унда умуман ҳеч нарса қилишнинг кераги йўқ. Одамзотнинг Ерда ҳеч қандай қиладиган иши қолмасди.

Зулмат бўлмаганида ёруғликнинг фарқини қандай англاردик?

Фақат булутлар тумани узра учсангиз, вос-вос бошланади, мўлжални, йўналишни йўқотиб қўясиз. Қачонки ёвузлик бўлмаса, мўлжал йўқотилади. Ёвузлик ва эзгулик орасида нуқта бор, сиз ўшанда туриб, қаерга боришингизни кузатасиз.

Агар оғриқ рағбати бўлмаса, сиз қаёққа ҳам ҳаракат қилган бўлардингиз?

Ҳа, айтгандай, у билан «рағбат» нима эканини биласизми? Меним-ча, бу учли тайёқ бўлиб, қайсар эшакни жойидан жилдириш учун сағрисига тушириб турилади. Нимага шама қилаётганимни тушундингизми?

Ҳа, майли. Сиз ҳозир юракдан ишлаяпсиз, мен ҳам шунга муносиб жавоб беришим шарт. Мен сизга ўзимнинг ранж-аламларим ҳақида айтиб бераман.

Ҳарбий хизматда ўша одамлар мени қийноққа солмаганда, билмадим, ҳозир қаерда бўлардим? Қайси гуноҳим учун? Билмайман.

Фақат улар билан ичкилик ичмаганим учунми? Лекин уларни ўз ҳаётимдан олиб ташласам, бутунлай бошқа соҳа бўйича мутахассис бўлар эдим. Ҳарбий хизматгача рассомлик қилганман, деворга нақш ишлаш бўйича мутахассис эдим.

Битта ўзимга қарши тўққизта одам эди.

Ҳали ҳамон эслайман: цемент полда ётибман, кирза этиклар тўғри юзимга келиб тегяпти. Бошимнинг ҳамма ёғи оғрийди ва гангиб қолганман. Кечқурун қимирлай олмайман, танам пахтадай, ҳамма жойим зирқираб оғрийди. Кейин улар қайтиб келишди ва ҳаммаси яна бошидан бошланди.

Бу ҳол ҳар куни бир неча мартадан такрорланарди.

Ҳар гал зарбага зарба билан жавоб беришга ҳаракат қилардим, бу эса уларнинг жаҳлини чиқарар, куч устунлиги буткул улар тарафда эди.

Охири учинчи қаватдан ташлаб юборишди. Қандай қилиб улар оёғимга сим арқон боғлаб қўйишганини сезмаган эканман. Қайтадан тортиб олишганда руҳиятим синиб бўлган эди.

Кейин оёққа турғазиб қўйишди. Энг кичкинаси, шоқолдай аблаҳи, пакана жуссалиси шундай деди:

– Мен билан уриш! Бирга бир.

У мени урарди, мен бўлсам чидаб турардим. **Чунки, мен қўрқардим.**

Улар нафақат менинг буйрагимни ва бошқа ички аъзоларимни ишдан чиқаришди, балки руҳиятимни мажруҳ қилишди. Улар мени эркак сифатида оёқ ости қилишди. Мен қўрқоқ бўлиб қолган эдим. Сиз нима деб ўйлайсиз, бунақа нарсани кечириб бўладими!

Тананинг кўрган ташқи азоби ички руҳиятимнинг аҳволи билан солиштирганда шунчаки шилинган ярачалик эди.

Ўзимни ўзим оқлаш учун, қанча вақт ва қанақа меҳнат кетганини билсангиз эди!

Ҳарбий хизматдан ногирон дея бўшатишди. Уйга синдирилган, топталган ва нест-нобуд қилинган, йўқ қилинган ҳолда қайтиб келдим. Устига устак, яна бу лаънати хасталик. Охири яшашимга умид қолмаганини тушуниб етганимда, ҳеч бўлмаганда қасос олишга қарор қилдим.

Ота-онамга: «Шаҳарга кетяпман, касалхонага яқинроқ» дедим. Тўғрисини айтганда, уришишни ўрганишга кетгандим.

Шаҳарга кетдим, қирқ беш сўмга унча катта бўлмаган уйни ижарага олдим. Ҳар хил каратэ тўгарақларига ёзилдим, қўл жанги билан шуғуллана бошладим. Ўзимнинг кичкина ҳовлимни спортзалга айлантириб юбордим. Машқлар, машқлар, машқлар. Ҳар гал мана шу зайлда ўзимни қийноққа солганларимда доим кўз олдимда жаллодларимнинг башараси турарди.

Мен спортчилар қопи ва макивараларни, яъни, тўнкаларни эмас, балки хаёлан рақибларимни галма-гал дўппослар эдим. Бир ҳамлада еттита фиштни бирваракайига уриб синдирадиган бўлдим. Фиштларни эмас, ўша аблаҳларнинг суяқларини синдираар эдим гўё. Яшаш учун ишлагандан ва даволанишдан қолган ҳамма бўш вақтимни маҳоратимни оширишга сарфлардим.

Қўшни билан танишдим, у бокс бўйича спорт устаси экан. Ундан: «Мени машқ қилдиргин ва яхшилаб дўппосла», деб сўрадим. Келажакдаги зарбаларга чиниқиб олмоқчи эдим. Бир неча машғулотдан кейин қўшни деди:

– Сен ҳақиқий жиннисан! Сен ростманасига уришяпсан! Мен жиннихонадаги санитар эмасман!

Бир йилу икки ойдан кейин машғулотларни бошқа чўзиш мумкин эмаслигини тушундим. Шифокорларнинг яшашим учун берган вақтлари ўтиб кетганди, мен эса ҳали-ҳануз тирик эдим. Касаллигим ўтиб кетмади, лекин аҳволим ҳам оғирлашмаётган эди.

Бутунлай дарддан халос бўлиб кетишимга ким ва қандай ёрдам берганини, мен олдинги китобимда ёзган эдим. Яна такрорлаб ўтирмайман.

Кейин бутун собиқ Иттифоқ бўйлаб мени хўрлаганларни қидира бошладим.

Улар хизматларини тугатиб уй-уйларига тарқалиб кетишган эди.

Ҳар бирини сўроққа тутардим:

– Мени эслайсанми, мараз?

Мана энди мен сизлар нима учун мени ўлимга маҳкум қилганларингни билишни хоҳлайман. Сен – қотилсан, бунга билишинг керак!

Мана мен сенинг ҳузурингданман. Мен жон берайман. Сен менинг ҳаётимни жаҳаннамга айлантирдинг! Мен ноҳақликларингни фоизи билан қайтариб беришга келдим.

Ўшанда тўққизта эдинглар, сен довюррак эдинг, сен қаҳрамон эдинг, ётгани тепкилардинг. Ана энди сен мен билан бирга бир бўлганингда ўз қаҳрамонлигингни кўрсат! Лекин мен сени ўлдирмайман. Сен шоқол, пасткаш қотил эканлигингни, умрингнинг охиригача эслаб юришинг керак.

Бу сўзлар шунинг учун эсимдан чиқмайдики, ҳар бир машғулотда, ҳар бир зарбада уларни қоридай такрорлар эдим. Уларни, эркак қиёфасидаги чўчқаларни, галма-гал жазолар эдим.

Ортимдан изма-из милиция тушган эди. Мени қўлга тушириш учун қонуний ов бошланди. Мени овланадиган қушга айлантиришди, лекин мен йиртқич эдим. Мен

учун муҳими кейинги маразга етиб боришга улгуриш ва уни тилка-пора қилиб ташлаш эди.

Лекин ҳар гал навбатдаги жаллодни жазолагандан сўнг, менда азобланиш ҳисси пайдо бўла бошлади.

Ниманидир нотўғри қилаётган эдим. Бошқа одамларни жазолардим. Олтинчисида тушуниб етдим: булар ўша одам қиёфасини йўқотган аскар формасидаги ваҳшийлар галаси эмас эди. Олтинчиси билан ресторанга бордим. Кўнгилдан суҳбатлашдик. Суҳбатлашдик ва у мени милицияга, қоидага биноан тергов изоляторига топширди.

Энди менга ҳаммаси барибир эди! Чунки анчадан бери қон тозалашга бормагандим. Танада заҳарланиш бошланган, мен ўлаётгандим.

Касалхонада ҳушимга келдим. Маълум бўлишича, кома ҳолатига тушган эканман. Тергов кетидан тергов бошланди. Меним-ча, уларнинг қозилигисиз ҳам ўлимга маҳкум этилганимни тушуниб етишди. «Тўрт томонинг қибла» тариқасида қўйиб юборишди.

Қолган учтасига шу тариқа етиб боролмадим. Уларни кечирганимни англадим. Шуни тушундимки, қалбим бўм-бўш, менда нафрат буткул йўқолганди.

Қайтиб келдим. Одатимга кўра машғулоти давом эттирардим. Лекин энди менинг душманам – касаллик эди! Бу саҳифаларда, уларга – **дўстларимга** чин юракдан раҳмат айтиб қолмоқчиман! Уларни дўстларим деб атаганимда, буни чин дилдан самимий гапиряпман!

Уларнинг шарофати билан мен каратэ бўйича собиқ Иттифоқ чемпионатининг кумуш медали соҳиби бўлдим. Бугунги кунда учинчи дан қора белбоғ соҳибиман. Яна улар мени Сам Чон До бўйича тўққизинчи даннинг ягона соҳиби қилишди.

Айнан уларнинг шарофати билан менда маҳорат пайдо бўлди: ҳамманинг қўли ишга бормаган бир пайтда, менда жанговар руҳият уйғонади.

Дўстлар, агар бирор кун уйингиздан чиқиб, миннатдорчилик ёзуви битилган ўзингизнинг бронза бюстин-

гизни кўрсангиз, билинг – бу менинг ишим! Билинг! Сўнгги кунимгача, мардликдан берган сабоғингиз учун мен миннатдор бўлиб қоламан.

Мен рассом бўлишим мумкин эди, лекин бўлмадим. Мени ранжитганларнинг шарофати билан бугун мен шу даражага, ҳозирги даражамга етишдим ва бу менга ёқади. Ўтмишимга қайрилиб қарарканман, менинг ҳар бир кўрган ранж-аламим ўсишим учун пойдеворга ғишт бўлган экан.

Диливайроналикларимнинг сони сизникидан кам бўлмаган.

Йигирма икки йилдан сўнг ўзимнинг яна битта қўрқинчли аламим билан учрашдим ва чин кўнгилдан катта ёшли бу аёлга, қачонлардир мени хафа қилган, қачонлардир тентак бўлган бу қизчага ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

Ота-онам, «сен қачон уйланасан?» дея ўзларининг охири йўқ саволлари билан жонимга тегиб кетишганидан сўнг, ниҳоят уйланишга қарор қилдим. Ўзим учун қаллиқ қидира бошладим. Биттасини танладим. Гаплашдим. У розилик берди. Уйга келиб тантанали равишда ота-онамга эълон қилдим:

– Совчиларни жўнатинг! Уйлапаман!

Бир неча кундан кейин билсам, у шунчаки мени масхара қилган экан. Олий маълумотсиз, камбағал бўёқчига турмушга чиқмаслигини айтди.

Ўзимни ер билан яксон бўлгандек ҳис қилдим. Менда яна йиртқичлик туйғуси уйғонаётганини фаҳмлаб етдим.

Шаҳарга келиб, у таҳсил олаётган тиббиёт билим юртига бордим. Уни учратдим ва дедим:

– Биласанми, сенга раҳмат айтишга келдим. Сенга уйланишимдан олдин сени ва сенинг оилангни қанақалигини билиб олишимга ёрдам бергани учун, Аллоҳга шукр. Агар уйланганимдан кейин билсам нима бўларди?

Эсингда бўлсин: мен камбағал эмасман, менинг бойликка муҳтожлигим йўқ. Лекин энди сен кўрсатган камчиликни тузатишга қарор қилдим. Маълумотми?

Мен ўқияпман, айтишим мумкинки, анчадан бери!

Олий маълумотларингизнинг менга кераги йўқ. Лекин сизлар туфайли институтга киришга қарор қилдим. Оддий одамлар қадрлайдиган маълумот ва бойлик менда бўлади. Мен шунга қарор қилдим! Худога шукрки, сен менинг ҳаётимда бўлмайсан.

Бир ярим ойдан сўнг институтга кирдим. Тўрт йилдан сўнг эса миллионер бўлдим. Беш йилдан сўнг – мулти-миллионер. Профессор ва академикликка эса аламдан етишганим йўқ.

Йигирма икки йилдан сўнг ўша шаҳардан ўтиб кетаётгандим. Уни эслаб, уйига кирдим, зўрға танидим уни... Неча марталаб бу шаҳарни устидан ўтиб кетардим ва эсламасдим! Ўтирдик, кулишдик, ҳазиллашдик. Маълум бўлишича, у менинг ҳаётимдан хабардор экан. «Ҳамма муваффақиятларингизни илҳом париси бўлганим учун мендан қарздорсан», деди.

Бу ранж-аламни ҳаётимдан олиб ташлашни Худо сақласин!

Ҳар бир сабоқдан биз миннатдор бўлишимиз зарур. Бу одамларнинг тепкилари ҳаётда ортиқча икки-уч қаддам ташлашга мажбур қилди.

Келинг, миннатдорлик билан уларни кечирайлик!

Дарёдан

оқиб келади...

Биласизми, онкологик касалликлар нимадан келиб чиқади? Кўп йиллардан бери саратон билан оғриган касалларни кузатаман, уларнинг қалб кечинмаларини, ҳаётини, яшаш тарзини ўргандим ва бутун жавобгарликни бўйнимга олган ҳолда айтишим мумкинки, бу қўрқинчли касалликнинг илдизларидан бири – **кечирилмаган хафаликлар** ёки ўз-ўзидан хафа бўлиш, яъни айбдорлик ҳисси.

Ҳар бир одам кун мобайнида минглаб марта саратон касалига чалиниб, минглаб марта соғайишидан хабарингиз борми?

Саратон ҳужайралари, яъни нотўғрилари, айниганлари, организмимизга қарши бўлган ҳужайралар жуда кўп туғилади. Лекин организмимиз тезда уларни таниб олиб, жанговар камикадзе отрядини жўнатади, яъни бу ўзига хос ҳужайралар бўлиб, уларнинг вазифаси организмни ҳимоя қилишдан иборатдир.

Улардан бири – лейкоцитлар. Бу ҳужайралар зарур бўлган фаолиятни бажариб тоза виждон билан ҳалок бўлишади. Лекин иммунитет издан чиққан бўлса...

Ашаддий материалист сифатида, сиз ҳали ҳам хафалик билан алоқани кўрмаётган бўлсангиз керак. Тўғрими? Кўрмайсиз ҳам, агар сиз тана алоҳида, унинг пойдевори бўлган қалб алоҳида яшайди деб ўйлайдиган бўлсангиз. Сизнинг тушунмаслигингизни эътиборга олмай, улар барибир бирга яшайверишади.

Шунинг учун қалбимизда кечаётган ҳар бир ҳолатга, бизнинг физиологиямизнинг аниқ биохимик моддийлашув жараёнига мос келади. Фикрларимиз моддий! Ҳис-туйғуларимиз моддий!

Мана шунақа, хафалик, норозилик ҳолати, руҳан тушкунлик ва севмаслик ҳолатлари шунақа жараённи чақирадики, организмнинг ҳимоя функцияси – иммуитети кескин тушиб кетади. Айнан шундай пайтда тартиббузар ҳужайраларнинг назоратсиз кўпайиши бошланади.

Энди тушунарлими?

ДУШМАННИ

қандай енгиш керак? _____

Биз қандай масалага келдик? Ғалаба қилиш санъатига.

Қўл жанги машғулотларида ҳар доим шогирдларимга таъкидлашдан чарчамайман: «Шуни билингки, энг буюк ғалаба мушт ишлатмай эришилган ғалабадир».

Энг катта ғалаба душманингни ўзингга дўст қила олишингдир.

Агар у сенга мушт кўтарса ва сен уни ўзингга дўст қилолсанг, бу ҳолда унинг устидан тўлақонли ғалаба қозонган бўласан.

Яқинда биз шаҳар бўйлаб машинада кетаётган эдик, машинамизнинг стоп-сигнали ишламаётган эди. Бирдан ёнимиздан «Вольво» машинаси чиқиб, тўхташ ишорасини берди. Биз индамасдан йўлимизни давом эттирдик. У олдинга ўтиб тўхтатди. Машинадан иккита барзанги тушиб, биттаси биз томонга кела бошлади. Қарасам, муштлашув бўлиши аниқ, яна марказий шоҳкўчанинг қоқ ўртасида.

Ноилож машинадан тушдим.

Табийки, уларнинг оғзидан боли кириб, шодлиқ чиқмоқда. Хўш, мен нима қилишим керак? Айтинг-чи! Уларга қараб:

«Ўзинг шунақа! Ўзинг эшшаксан!» дейишим ке-



ракми? Ёки муштлашишим керакми? Улар менинг ўзим учун ҳам, дўстларим учун ҳам қалқон бўла олишим мумкинлигини билишмайди-ку.

Унинг аҳволини кўриб, кулгим қистайди. Лекин ҳозир жилмайиш ҳам мумкин эмас, нотўғри тушунишади. Атай жилмаймасдан турдим. Шунчаки соддагина қилиб:

– Байраминг билан табриклайман!

У сал эсанкираб қолди:

– Қанақа байрам?!

Жавоб бердим:

– Сени учратиб қолдим!

У менга ғалати қараб қолди.

Давом эттирдим:

– Оғайни, муштлашишни хоҳлайсанми, мени йўқ қилишни хоҳлаяпсанми?

– Ҳа, хоҳлаяпман!

– Мен эса хоҳламайман. Нега? Негаки, сени ҳеч қандай имкониятинг йўқ.

Чўнтагимдан ҳужжат олиб кўрсатдим. Унда менинг қора белбоғ соҳиби эканлигим ва нуфузли давлат ташкилотларида қўл жанги бўйича машғулотлар олиб боришим қайд қилинган эди. Сўнг давом этдим:

– Хўш, нима қилдик? Нима қилдик?! Сен ҳам эркак, мен ҳам эркак. Сенга энг катта нарсани таклиф қиламан – сендан кечирим сўрайман. Қисқаси, бу ишни яхшиликча ҳал қиламиз.

У жилмайди, шериги ҳам. Шу ернинг ўзида ташриф қоғозларимизни алмашдик. Икки-уч кун ичида бирон-бир ресторанда учрашишга келишдик. Учрашдик. Гаплашдик. Хуллас мана шунақа гаплар.

Шу тариқа кўчанинг қоқ ўртасида дўст ортттирдим.

У касби бўйича ҳуқуқшунос бўлиб, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди экан. Ўзининг фирмаси ҳам бор экан. Ўзаро келишиб, мен ўша пайтда ташкил қилаётган фирмамга Низом тайёрлаб берадиган бўлди. Қанча зўрламай, хизмат ҳақини олмади.

Биз иккаламиз ҳам ғолиб бўлиб чиқдик. Кўкарган кўзлар ўрнига ҳар биримиз дўст орттирдик.

Демак, ҳар қандай жойда душманни дўст қилиш мумкин. Фақат бунга яхшилаб ҳаракат қилинг, келишдикми?

Сиз ҳар бир одамдан қидиринг, албатта, ундан нимадир ва қандайдир яхши нарса топасиз. Албатта топасиз! Кейин шу яхши нарсани кўпиртиринг, кўпиртиринг, унга ёрдам беринг. Илтимос!

ГУНОҲ СИРАСИГА

кирган уч ҳақиқат _____

Менинг қадрдонларим! Ҳар бир одамни чин дилдан кечиришга ҳаракат қилинг.

Ахир ибодатхоналарда гуноҳлар кечирилишини била туриб сиз нега кечиролмайсиз? Ҳукм чиқаришга сизга ким ҳуқуқ берди? Нафрат – бу шайтоннинг иши. Кечириш – худонинг инояти.

Биз эса нима деб ўйлаймиз: «Биз кечирмаймиз ва кечиролмаймиз. Ахир биз Худо эмас-ку, кечирсак. Худойимнинг ўзи кечиримли!»

Эҳ, менинг қадрдон ажиналарим, бунга ким қарши?

Агар қаршилар бўлса, у ҳолда барибир кечиришингиз керак. Тушундингизми?

Сизни қанчалик қаттиқ хафа қилишмасин, барибир кечиримли бўлинг.

Биласизми, учта ҳақиқат гуноҳлар сирасига киради.

Биринчиси, хотиннинг ёки эрнинг ҳақиқати оилада нотинчлик олиб келса ёки унинг бузилишига сабаб бўлса. Бундай ҳақиқат фаришталар томонидан гуноҳ сифатида ёзилади.

Иккинчиси, сиз жуда ҳам сўлагингизни оқизиб, берилиб ҳикоя қилаётган ҳақиқат натижасида икки дўст ёки икки дугона ўртасида душманлик келиб чиқса, бунинг натижасида сизнинг етти йиллик тақводорлик ҳаётингиз рўйхатдан ўчирилади.

Гарчи сиз етти йил рўза тутиб келиб:

– Биласанми, Эшмат, Тошмат сени аблаҳ деди! – десангиз, тамом.

Кейин Тошматнинг олдига келиб:

– Эшмат сени аҳмоқ деди, – десангиз ҳам.

Эшмат билан Топшмат жанжаллашиб душман бўлишди ва сизнинг етти йил тутган рўзангиз ўчирилиб, етти йил гуноҳ сифатида ёзилади.

Учинчи ҳақиқат, унинг натижасида шаҳарлараро келиб чиқадиган урушлар. Худо бундайларни еттинчи авлодигача лаънатлайди!

Энди эса аслида яхшилик ҳисобланган учта ёлғон ҳақида.

Биринчи ёлғон – бу эр ёки хотиннинг ёлғони натижасида оила сақланиб қолиши ва унинг тинч-фаровонлигини таъминлаган муқаддас ёлғон.

Иккинчи ёлғон натижасида икки душман томоннинг дўстлашувидир. Бунинг натижасида қулоғингизгача ботиб турган етти йиллик гуноҳларингиз ўчирилиб, етти йиллик савоб ёзилади.

Учинчи ёлғон – шаҳарлараро урушлар тўхтаб, биродарлашиб, бир-бири билан дўст тутинишдир. Бундай ёлғон учун Худо ундай одамнинг еттинчи авлодигача бўлган гуноҳларидан ўтиб, жаннатга жўнатади.

Демак, тажовузкорлик, душманлик, хафагарчилик, безовталиқ, бадгумонликнинг бари шайтондан.

Ҳамма муқаддас битикларда ёзилишича, кечириш бу – Худонинг марҳамати.

Одамзодни Худо ўзига ўхшатиб яратган, шунинг учун қилаётган ҳар бир ишингизда Худога яқин бўлишга, унга озгина бўлса-да ўхшашга ҳаракат қилинг.

Кетдик! Нималар устида ишлаймиз? Айнан гуноҳларни кечириш устида. Авваламбор, ўз гуноҳларимизни кечириш устида.

Сизни хафа қилган, қалбингизни оғритган одамларни кечирамиз.

Гуноҳкор банда бўлган ўзимизни кечирамиз, ўзимизнинг ўтмишимизни, кимни хафа қилган бўлсак, ким бизни хафа қилган бўлса ҳаммасини кечирамиз.

РИЦАРЛАР

полки ҳақида сўз

*ёки «Қилич ва калит»
компьютер ўйини*

Сиз баъзан компьютер ўйинлари ўйнаб турасизми? «Ҳа» дейсизми? Демак, ўзингиз ҳам ўша рицарь, ўша барча билан жанг

қилиб, барчани енгадиган бош қаҳрамон ролида бўлгансиз. Ўзингиз воқеалар ривожини аниқлайсиз, қаерга бориш, нима қилиш кераклигини ҳал қиласиз.



Агар ўйнамаган бўлсангиз, лоақал бирон марта бўлса ҳам бошқалар ўйнаётганини томоша қилгандирсиз.

Тасаввур қилинг: сиз мана шундай янги ўйинни сотиб олдингиз. Дискни қўйиб, дастурни ишга тушириб юборамиз. Ўйинни бошладик!

Экранда зим-зиё ўрмон, ёввойи чапгалзор. Баҳайбат дарахтларнинг учи кўринмайди. Оёқ тагини қоп-қора пўпанаклар қоплаган. Кумуш дубулгаларини тақиб олган шавкатли Рицарь – кичкинтойги-н-а, ялтироқ чигирткага ўхшаган.

Танидингизми? Бу рицарь ким?

Албатта сен, бошқа ким ҳам бўларди?! Кечирасан-у, «сиз» дейишга ҳали бор. Эркакмисан, аёлмисан, етмиш ёшдами ёки ўн еттидами, муҳими бу эмас. Бунинг аҳамияти йўқ. Сен ҳозир Рицарсан.

Айни дамда мен шу ўйинни ўйлаб топган дастурчман. Мен сени етаклайман, йўналтираман, вазифани тушунтираман, нима қилиш кераклигини айтиб тураман. Монитор экрани – бу кўзгу, унда сен ўзингни кўрасан.

Хўш, ўйнаймизми?

Бу ўйиндаги рицарнинг вазифаси, яъни сенинг вазифанг ёруғликка чиқиш, сайёр юрган ёруғликка чиқиш. Ёруғлик бир пайдо бўлади, бирдан яна дарахтлар ортига ғойиб бўлади. Сен уни кетидан қувасан, у эса яширинади. Кейин қаердандир тасодифий шодлик, кутилмаган бахтдек пайдо бўлади. Унинг ортидан бор, яна нима ҳам қилардинг? Бу – шунақа ўйин.

Лекин олдин тиш-тирноғинггача қурулланиб ол!

Танла. Биринчи қурол – хотира, иккинчиси – хаёл, учинчиси – ҳис-туйғу. Қайси бири сенга кўпроқ тўғри келади?

Агар хотирани танласанг... Хотира – бу сенинг дастагинг. У билан қадам-бақадам йиллар қатлами бўйлаб борар экансан, кунлар, ойлар, йиллар, учрашувлар, ҳодисалар, одамларни хотирлайсан...

Агар хаёлни танласанг. Хаёл – бу камон ўқи. У қанот боғлагандек учиб, сени узоқларга олиб кетади. У билан сабабларни ва алоқаларни кўрасан.

Агар ҳис-туйғуни танласанг... У худди қиличдек, шиддат билан шовқинсиз кириб, ўз-ўзини мақсад сари йўналтириб бир зарбада қулатади.

Мана сенинг қўлингда хотира – дастак, хаёл – камон ўқи ва ҳиссиёт – қилич. Сен тайёرمىсан? У ҳолда ёруғлик излаш учун йўлга чиқавер.

Ҳаммаси худди эртақдагидек... Ҳаммаси худди ҳаётдагидек.

Аввал бошда сен йўл бўйлаб, кейин эса сезилар-сезилмас сўқмоқ бўйлаб юрасан, бора-бора бу йўл ҳам ғойиб бўлади. Сен – Рицарь, ёруғлик излаб, чангалзор оралаб кетяпсан. Қоронғулик қуюқлашяпти, гўёки дунё пайдо бўлганидан бери бу ерларга бирон марта ҳам қуёш нури тушмагандек. Қушларнинг чуғурлашлари ҳам анчадан бери эшитилмайди.

Даҳшатли тарздаги жимлик салтанатини сезяпсанми? Ҳар бир дарахт ортидан кимнингдир сояси кўрингандек бўлади. Рицарь, эҳтиёт бўл! У ерда ким бор?

Бекинишга кеч, орқага қайтиш уят. Эсингдан чиқмасин, ҳар ҳолда сен Рицарсан! Хавфдан яшириниш керак эмас, унга қарши бориш керак. Хўш, кетдикми? Кўрқма, ахир биз биргамиз!

Яхшилаб қара: олдинда, ўша баҳайбат дарахтлар ортида яширинган нима? Тасвири катталаштириб қараймиз: катта харсанглар, темир эшик, панжара. Э Худо, ахир, бу зиндон-ку! Ушбу зиндонда азобланаётганлар кимлар экан?

Панжара ортида иккита одам – эркак ва аёл. Яқинроқ борчи, балки уларга сенинг ёрдаминг керакдир? Тангрим! Бу, ахир, ўшалар-ку. Ҳа, худди ўзлари.

Ниҳоят. Ниҳоят, сен излаганларингни топдинг. Ўша сен қачонлардан бери қидираётганларинг!

Уларни назарда тутиб Тангри айтган эди: «Менинг ҳаворийларим сен учун». Уларни сени дунёга келтирувчи қилиб танлади. Тангрининг марҳамати билан улар сенга ҳаёт беришди.

Сен уларга ҳамма нарсангни беришга тайёرمىсан? Уларга хизмат қилишга тайёرمىсан? Уларга хизмат қилишинг билан фахрлана оласанми? Уларнинг озгина бўлса ҳам хурсандлигини кўриб, ўзинг минг карра кўпроқ хурсанд бўла оласанми?

Булар сенинг Онанг ва Отанг ахир!

Лекин нимага... Нима учун улар ертўлада?! Нима учун уларнинг қўллари боғланган?! Э Худо, улар жуда қариб

қолишган-ку. Уларнинг ҳаёти сенга ўтган, сен эса уларни не кўйга солдинг?!

Онанинг лаблари атрофидаги мунгли ажинларига диққат билан қара... Унинг ёшликдаги ёрқин, тўлиқ гунча лаблари сенинг лабларингга ўтган. Сен эса уларни ҳирс конига айлантириб, увол қилдинг.

Отангни нигоҳлари қанчалик нурсиз бўлиб қолганига қара! Унинг кўзларида чақнаб турган нурни ўзингга олдинг ва уларни очкўз қилиб қўйдинг.

Оқарган сочлар, ажинлар, юздаги мотамсаролик... Улар ҳеч қачон шу бугунгидек қари бўлишмаган! Ҳатто ўзинг ҳам уларни зўрға танимоқдасан. Албатта! Бу жароҳатларда сенинг кўлинг йўқ эмасми? Булар қилмишларинг меваси эмасми?

Хўш, яқинроқ борасанми ёки қўрқяпсанми? Кўрқинчли, чунки ўртангизда анча гап-сўзлар ўтган. Бир-бирингизни тушунмаслик оғриғи, тоқатсизлик, аччиқланишлар, ранж-аламлар. Жуда кўп аччиқланишлар, жуда кўп ранж-аламлар.

Ўзинг етказган ранж-аламлар, азоблар, оғриқлар тошидан баланд девор ҳосил қилдинг. Энди бу девор сизларни ажратиб турибди. Бу деворни қандай қурганинг эсингдами? Кундан-кунга, кундан-кунга, кундан-кунга, уни қуришга шошилардинг, унинг баланд бўлишини хоҳлардинг. Мана, сен ўз мақсадингга етдинг!

Ўша тошни эслайсанми? Энг катта, энг оғир, энг қўрқинчли тош, ўшанда айтган гапларинг...

Мана шу тош ўрталарингизга туриб қолиб, барча кириш ва чиқиш йўллари бекитиб ташлаган. Ўша тош билан бекилиб кетган темир эшик ортида сенинг энг азиз одамларинг бандиликда азобланишяпти. Ўша тош сенинг юрагингга қолиб кетган.

Ахир, ота-оналар фақат яхши кўришади. Уларнинг қалбида сенга нисбатан муҳаббатидан бошқа ҳеч нима йўқ. Уларнинг ҳузурига қачон борсанг ҳам, сен учун қучоғи доим очиқ.

Истасанг, бошқа бир Рицарь ҳақидаги воқеани гапириб бераман? У ҳолда ўқи.

Бир Рицарь яшаган эди. Кунлардан бир кун у севиб қолди. Севганда ҳам эс-ҳушидан айрилгудек даражада, қалбсиз, юраксиз бир гўзални севди. Рицарь бу юраксиз қўғирчоқнинг муҳаббатини қозониш орзусида куйиб, шамдек эриб борарди. У гўзалнинг юраги тош эканини билмас эди.

Кунлар, ойлар, йиллар ҳижрон азобида қийналиш билан ўтаверди.

Буларнинг бари жонига теккан гўзал девона ошиқдан қутулиш учун деди: «Менга онангнинг юрагини олиб кел, шунда мен сеники бўламан. Сени яхши кўрадиган инсоннинг юрагини олиб келганингдан кейин хотининг бўламан».

Ошиқ Рицарь ўзини йўқотган ҳолда уйига қайтди. У жуда қийналди, ўзи билан ўзи олишди, лекин ҳайвоний ҳирслар устун келди. Хонага кириб, онасини ўлдирди ва унинг юрагини суғириб олиб, қўлида ушлаганича тошюрак гўзалнинг олдида чопди.

Гўзал орзусида оёғи остига ҳам қарамай чопиб борар экан, ногоҳ йиқилди ва юрак қўлидан тушиб кетди.

Шу пайт у аллақандай овозни эшитди: «Ўғлим, ўғлим, бирор жойинг лат емадими? Ҳеч қаеринг оғримадими? Агар қўлларим бўлганда эди, сени турғазган бўлардим, уст-бошингдаги чангларни қоқиб, бағримга босган бўлардим. Тезроқ турақол, ўғлим, юрагимни севгилинга олиб бор ва у билан бахтли бўл!».

Бу гапларни онанинг юраги айтаётган эди.

Эсладингми? Бу ҳикоя бошқа Рицарь ҳақида, ким билсин, балки у сен ҳақингдadir?..

Нима учун Худо сени шу ота-онага фарзанд қилиб берди, сенга эса айнан шу Ота билан Онани раво кўрди? Нима учун эканлигини сен билмайсанми? Нимага айнан уларни? Нима учун, нима сабабдан, нега сизларни бир умр бирга қилиб қўйди?

Рицарь! Қани қиличинг? Истак-хоҳишлар қиличини ол! Биргина хоҳишингнинг ўзи етарли. Яқинроқ кел, бир зарб билан бу деворни йўқ қилиб ташла!

Уларга сўзсиз мурожаат қил. Шунчаки айтмоқчи бўлганларингни юрагинг билан гапир. Улар, албатта, сени эшитишади, улар ҳаммасини тушунишади, чунки улар сени яхши кўришади. Агар сен шуни юрагинг билан хоҳласанг, ўртадаги девор қулайди, темир эшикни тамбалаб турган тошлар юмалаб кетади.

Бу қариялардан кечирим сўра! Улар сени яхши кўришган, ҳозир ҳам яхши кўришади, бундан кейин ҳам яхши кўраверишади. Улар доим сен учун яшашган ва бундан кейин ҳам сени деб яшайдилар. Улар бахтли бўлишингни, улардан ҳам яхшироқ бўлишингни исташади. Чуқурроқ ўйлаб кўргин-а, Худонинг ҳаворийларидан ҳам устун!

Улар сенинг юрагингни зулмат қоплаган йўлакларида адашиб юрмасдан нурга қайтишингни исташади. Худди болаликдагидек! Эсингдами? Улардан кечирим сўра. Уларга етказган жабр-сигамларинг учун ўзингни ҳам кечир. Қалай, уддалай олясанми?

Қара, қарагин, эшиклар очилапти.

Қара, ўртадаги девор қумдай сочилиб кетяпти.

Рицарь, сенга офарин! Лекин ҳали кишанлар счилмаган. Сенга ҳаёт ато этганлар ҳали эркинликда эмас. Ўзинг ҳам ҳали эркин эмассан! Кишанларни ечиш учун калит керак. Қани у? Ўз юрагингга боқ ва сен уни ўша ердан топасан.

Бу ишни қилишга шунчаки бир интилиб кўр, уларга айт: «Менинг қадрдонларим, сизларнинг борлигингизга шукр, дунё тургунча туринг!»

Бу чарчаган, қариган аёлнинг ёнига бор, елкасига қўлларингни қўй. Чуқур эҳтиром билан: «Онажон!» деб айт. Мана шу қисқагина сўзга бутун меҳрингни, илиқ туйғуларингни, бутун қалбингни жойла!

Бу сўзларни айтиш қанчалар қийин, лекин бу сен қидираётган ўша калитдир? Ҳаракат қилиб кўр, бундан

ҳеч нарса йўқотмайсан! Менинг Рицарим, бу сенинг қўлингдан келади, мен сенга ишонаман!

Бу сўзларни қайта-қайта айт. Сен яна аста-секин ўзингни, тетапоя қилаётган чақалоқ пайтингдагидек ҳис қиляпсанми? Қанча замонлар олдин бўлган эди, қанчадан буён сен яна бу ғаройиб мамлакатга қайтишни орзу қилардинг!

Яна ва яна «Онажон!» деб такрорла. Озод бўлаётган юракнинг ёқимли оғриғини ҳис эт! Ҳар такрорлаганинга қалбинг нола тортиб жонланаётганини, бутун йиллар давомида юрагингни ўраб турган қалин совут парча-парча бўлиб кетаётганини ҳис этасан.

Ҳар такрорлаганинг сари ёруғроқ, ёруғроқ, ёруғроқ бўлишини кўрасан... Сен эҳтиром шабадасини ҳис этасан... Қайтиш интизорлигини ҳис қиласан... Ва юзингни муҳаббат кўзёшлари юва бошлайди...

Қариб қолган, лекин ғурурини йўқотмаган бу эркакка «Ота» деб мурожаат қил! Бу сўзни қайта-қайта айт! Шунча такрорлагинки, бундан қалбинг жўшиб куйласин акс-садо берсин!

Қара, қара, қарагин – кишанлар узилмоқда! Улар кўз олдингда ёшариб, сенга қучоқ очмоқда, сени бағрига босиб, меҳру-муҳаббатининг тафтини, қалб гўзаллигини, донишмандлигини бермоқчи!

Қарагин, улар энди жуда ҳам ёшариб кетишди! Улар хурсандликларидан ҳам кулиб, ҳам йиғлашяпти! Уларга яқинроқ бориб, қучоқлаб ол. Улар билан бирга бўл. Кўряпсанми, ўрмон энди олдингидек ваҳимали эмас...

Менинг Рицарим! Бу ўрмоннинг ҳар бир дарахтининг ортида зиндон бор. Ҳар бир зиндонда сен томондан кечирилмаган кимса ўтирибди. Улар қанча?

Камонни тортиб, пайкон йўлла! Чанг босган кунларингдан тепароққа чиқиб қара. Юқоридан туриб ўз ҳаётига боқ. Нималарни кўряпсан?

Сен ҳаёт сўқмоғи бўйлаб юрдинг, олдинга қанча

одамлар келиб кетди. Жуда кўпчилик. Уларга нима бердинг? Улардан нима олдинг? Нима қолди?

Кимдир бошқа йўлни танлади, кимдир бутунлай кетди, кимдир умрбод ёнингда қолди. Кимдир сен билан ёнма-ён келяпти, аслида, у олис-олисларда.

Ҳар бирини қидир, ҳаммасини топ.

Уларнинг олдинга келишларига тўсқинлик қилма.

Уларнинг ҳар бири ўз дилсиёҳлиги сабабини айтсин, ўзининг қалб оғриқлари ҳақида сўзлаб берсин.

Ҳар бирига бугунги кун вазиятидан келиб чиқиб қара.

Ўтмиш ҳеч қачон қайтиб келмайди. У ўз хизматини ўтаб бўлди ва кетди. Унга миннатдорчиликни билдириб, тинчгина қўйиб юбор. Чунки бу ҳаёт ўрмонида бизнинг олдимизга ҳеч ким ҳуда-беҳуда келмайди. Сенинг олдинга келган ҳар бир одам Устозинг. Ҳар бир учрашув сабоқ, шу билан бирга, туҳфадир.

Ҳаммасини галма-гал тингла, ҳар бири билан суҳбатлаш.

Сен ҳам дилингда бориши тўкиб сол ва Худонинг йўлига, муҳаббат билан озодликка қўйиб юбор.

Ҳар бирини зиндондан озод қил, менинг раҳмдил Рицарим! Ўзингни ҳам душманлик, аҳмоқона жанжаллар, аччиқ, кераксиз сўзлар, ўтмишдаги ранж-аламлар асирлигининг аччиқ қобиғидан қутқар.

Эпласанг изларини кўзларингга тўтиё айлаб тавоб эт, майин овозда муҳаббат сўзларини пичирлаб айт. Қўлингдан келса, ўпиб қўй. Мен биламан, булар сени қўлингдан келади! Бирданига эмас, лекин аста-секинлик билан қила оласан!

Сездингми, ҳар бир учрашув билан ўрмонинг ёруғроқ бўлиб бормоқда? Яхши, менинг Рицарим, сен тўғри йўлдан боряпсан!

Ўрмоннинг қоқ ўртасида қалъа бор. Унинг деворлари жуда чуқур ерга кириб кетган. Унинг деворлари жуда баланд осмонларга ўрлаб кетган. Уни айланиб ҳам, ошиб

ҳам ўтиб бўлмайди. Бу ўз қалбининг қалъаси – бу ўз юрагинг зиндони.

Неча марталаб ўз оғриқларингни, ўз қайғуларингни, яшашга ҳалақит бераётган аччиқ ўй-хаёлларингни шу ерга қамагансан? Ўзингдаги айбдорлик ҳисси билан бу деворни мустаҳкамлагансан. Энди ким бу деворни бузади?

Фақат ўзинг!

Мана баланд минорадаги соат. Бу соат йилларни кўрсатади. Соат миллари неча йил яшаган бўлсанг, шуни кўрсатади. Фақат сен уларни ортга қайтара оласан...

Хотира дастагидан фойдаланиб қадам-бақадам, йил-ма-йил ортга қайтар.

Ҳаётингни тескари йўналишда яшашга ҳаракат қилиб кўр. Бир, икки, ўн йил орқада. Нималарни кўряпсан?

Ўз мағлубиятларингни эсла. Омадсизликларингни. Ўзингга нисбатан қилган хиёнатингни эсла! Балки сен бошқаларга хиёнат қилгандирсан? Ўзингдаги оғриқли хотираларни ва жароҳатларни эсла. Галма-галдан эсла ва озодликка қўйиб юбор...

Бу жароҳатлар, хиёнатлар, мағлубиятлар – шунча йиллардан буён ўзингни қатл этиб келяпти ва булар шунчаки тошлар эмас, қалбингда ётган тошлардир. Неча йиллаб уларни кўтариб юрдинг! Буларнинг ҳар бири сен хотирлаётган воқеа ва ҳодисалар ҳисобланади.

Қурулларингни тайёрла: дастак, пайкон ва қилич. Тошларни парчалаб ташла! Улар майдаланиб, уваланиб йўқолсин. Ер қаърига, жаҳаннамга, йўқликка даф бўлсин.

Йигирма, ўттиз йил олдин улар қанча эди? Мана биринчи муҳаббатнинг бошланиши. Оҳ, жавобсиз муҳаббат қанчалар оғир? Сен «ўтиб кетди ва ҳаммаси унутилди», деб ўйлаганмидинг?

Яна орқага қараб кетамиз. Эсингдами? Мактаб даври. Қандай жароҳатлар?! Сен ўзингдан нима учун жирканар-

динг? Сен ўзингдан нима учун нафратланардинг? Ҳаммасини озодликка қўйиб юбор...

Хотирлагин ва кечириб юбор. Орқага ўгирилмасдан туриб ҳам, озодликка қўйиб юбор. Саралаб ўгирмасдан ҳам ташлаб юбор. Мана, яна бир тош тубсиз жарликка қараб учди. Энди бошқаси. Буниси ўнинчиси. Чунки сен кечиряпсан, кечиряпсан.

Қарагин! Девор сенга бўйсуняпти! Тешик катталашмоқда.

Сен энди қалъага киришинг мумкин.

Бу ер қанчалик сокин, сеҳрли... фақат сувлар жилдираб оқмоқда, оёқлар тагидаги нозик гуллар поёндози атрофга муаттар ҳид таратади.

Нафасингни ростлаб ол, менинг қўрқмас Рицарим! Ғам-ғусса ва кўргиликлардан дам ол! Яшаб ўтган йилларингдан дам ол. Оғриқ ва ғала-ғовурлардан дам ол. Ҳамма нарсани билишдан ва зерикишдан дам ол.

Бу сенмисан, менинг Рицарим? Мен сени танимаяпман. Қани сенинг қуро-яроқларинг!

Кафтингда пат.

Ўзингда қор парчаси.

Бурнинг теграсида сепкил.

Лабингда кулгу жилваси.

Сен югуряпсан ва йиқилияпсан, йиғлаяпсан ва куляпсан. Ёшинг нечада болакай? Исминг нимади сенинг?

Қувноқ майсазорда ўтириб, донишманд чигиртка билан суҳбатлаш? Нега мушук боласига ўхшаб кўзларингни қисасан? Ҳа, қуёш кўзларингни қамаштиряптими? Қара, капалакнинг қанотлари ранго-ранг бўлиб товланяпти! Ўсиб улғайганингда сенда ҳам худди шунақаси бўлади. Ҳозирча эса...

Мана, эртак ҳам тугади.

Эҳтимол, бу фақат бошланишидир?

*Сен ютдинг,
агар: кўкрак қисмингда енгиллик,
кўзларингда нам,
юзингда табассум билан ҳаммани қучоқлагинг келган,
юрагинг ёруғ нурга тўлган бўлса.*

*Сен ҳозирча мағлубсан, агар:
кўкрак қисмингда огирлик,
кўзларинг қуп-қуруқ,
лабларинг пастга осилган,
ўзингни бирор бурчакка ургинг келган,
юрагингни эса зулмат қоплаган бўлса.*

Ҳар куни уч марта оч қоринга КЕЧИРИШ

Менинг қадрдонларим! Биласизларми, биз ҳозир нима қилдик?.. Худо ҳақида минг йиллаб гапириш мумкин ёки у томонга яқинлашиш учун аниқ бир қадам қўйиш ҳам мумкин.

Агар сиз художўй бўлсангиз, ҳозир бирор дуони ўқишга уриниб кўринг. Лекин таъсирли қилиб айтганда юрак қўри, нури, майинлиги, ҳис-ҳаяжони барча-барчаси сиз учун Ҳақиқат, Эзгулик ва Муҳаббатнинг энг олий булоғидир!

Кўнгилдагидай чиқмаса, яна бошқатдан ҳаракат қилинг. Агар ҳеч нима сезмаган бўлсангиз, демак, сиз чапақай уста ясаган ўзи ўқийдиган сунъий машинасиз.

Сиз масжидга ёки ибодатхонага нима учун келасиз? Балки сизнинг бу ерга келишингиздан муддаонгиз: «Э, худо, менга икки кило колбаса бер» деган иддао учундир?

Ёки бўлмаса: «Менга уни бер, буни бер... Фақат аввал менга борлигингни исботла! Ўшанда ишонаман... қачондир ишонарман... балки.. қачондир...», - деган маънода келарсиз.

Сизларни билмадим-у, мен у ерга ўзим учун буюк таянч ҳолатини, буюк абадийликни, буюк уйғунликни, буюк покизаликни ҳис қилгани, шабаданинг сезилар-сезилмас пичирлаши – буюк ҳаётни ҳис этгани, ўзимда буюк ишқни кашф этгани ксламан. Агар хасислигим изн берса, уларни бошқалар билан баҳам кўраман.

Агар мен саждагоҳга, «барча одамлар аблаҳ» деган битикли тош кўтариб келсам-чи? Бу ерда қандай эътиқод ҳақида гап бўлиши мумкин? Агар ҳаммага нисбатан

нафратга, ёвузликка тўла бўлсангиз, одамларга ёмонлик тиласангиз, у ҳолда ўзингиз учун қандай қилиб кечирим сўрашингиз ва яхши бўлишни тилашингиз мумкин? Номутаносиблик юзага келяпти отагинам!

Ҳар қандай ибодатхонанинг асоси: черков бўладими, синагога бўладими, масжид бўладими, буддага эътиқод қилувчилар ибодатхонасими – ҳаммасининг асосида муҳаббат ётади. Сизнинг қайси динга мансублигингизнинг, қандай диний маросимлар ўтказишингизнинг менга ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Уларнинг шакли мени қизиқтирмайди.

Бошқа эътиқод эгаларига нисбатан душманлик ҳиссида бўлиб, юрагингизда муҳаббатга ёт нарса кўтариб юрган бўлсангиз, мен сизни инкор этаман.

Қайси динга эътиқод қилишингиздан қатъи назар, агар шу эътиқодингиз асосида муҳаббат бўлса, сиз уни ундириб ўстираётган бўлсангиз, таъзим қилиб, тавоб қилишга тайёрман. Ишқ барча ибодатхона ва диний қарашларни бирлаштирувчи мазмун-моҳиятдир.

Муҳими, сиз фақат Яхшилик қиласиз, Ишқни бунёд қилиб улугʻлайсиз.

Кўпинча бунга яхши биламиз, лекин кечирасиз-у, бунга ҳеч қачон амал қилмаймиз.

Энди тасаввур қилинг: ота-онангиз болани қандай пайдо қилишни билишади-ю, лекин уни амалда бажаришмаса-чи? Менинг қадрдонгинам, сиз ҳозир қаерда бўлардингиз? Ёки яна тасаввур қилинг: Худо сизларни қандай яхши кўриш кераклигини билади, лекин яхши кўрмаса-чи? У ҳолда сиз ҳозир қаерда бўлардингиз, азиз ёвузгиналарим?

Сизга эса, азизим, кечиримдан ҳуқна қилишни тавсия қиламан.

Кечирасиз нима дедингиз? Эшитмаяпман? «Мен аллақачон ҳаммани кечирганман?» Анча бўлдимиз кечирганингизга? Унда сиз нега фаришта эмассиз? Бу сизнинг вос-восларингиз.

Шундай экан, яна кечиринг ва озодликка қўйиб юборинг. Ҳар куни, агар.. Майли, ҳар куни эмас, жуда бўлмаса ҳафтасига уч марта сизни хафа қилган учта одамни кечиринг...

Жуда кўп деяпсизми?

Хўп, яхши, у ҳолда ҳаммани кечиришингиз учун сизга камида минг йил керак бўлади. Ҳозироқ китобни ёпиб қўйиб бошласангиз, минг йилдан кейин ўқиб тугатасиз.

Ҳар бирингизга тайинлайман: ҳар куни уч мартадан кечиринг. Албатта, оч қоринга.

Менинг қадрдонларим! Келинг, жараённи тезлаштирамиз. Келишдикми? Розимисиз?

Энг асосий нарсани ўтказиб юбормаслик учун, кўзларингиз олдинга қараган бўлсин.

Нимадан бошлаймиз?

САБЗИ БУЛУТИ

Оптимист ва пессимист кўзларининг ишлаш механизми нимаси билан фарқ қилади, хушчақчақ ва хўмрайганларники-чи, масалан, сизга ўхшаб? Ўзининг физиологияси жиҳатидан уларнинг кўзлари нимаси билан фарқ қилади? Ҳеч нимаси билан. Фикримга қўшиласизми?

Эркак билан аёлнинг ошқозони нимаси билан фарқ қилади? Ҳеч нимаси билан. Яхши.

Англиялик билан россияликнинг мияси нимаси билан фарқ қилади? Фарқ қилмайди. Улар қаерда бўлиши керак бўлса, ўша ерда жойлашган. Фикримга қўшиласизми?

Демак, мия ҳаммада бир тамойил асосида ишлайди. Тилнинг вазифаси – маълумотни етказиш – ҳаммада бирдай. Фикримга қўшиласизми?

У ҳолда нима учун бизнинг тилларимиз ҳар хил?!

Мен «булут» десам, булутлар ҳақида ўйлайман. Сиз ҳам «булут»ни қабул қиласиз. Лекин сизнинг булутингиз умуман бошқача! Тушуняпсизми?

Мен «сабзи» десам, сабзини тасаввур қиламан. У қанақа рангда? Қизғиш рангда! Қизил рангда!

Менда эса сариқ. Негаки мен туғилиб ўсган жойларда қизил сабзи деярли бўлмайди. Биз томонда уни ейишмайди. У чорва молларига емиш сифатида ишлатилади.

Сизнинг сабзингизнинг ҳиди ҳам бошқача, яна у конуссимон шаклда, бизда эса бодринг шаклида. Демак, мен «сабзи» деганда, ҳаммамиз сабзи ҳақида ўйладик, лекин кимдадир у қизил, кимдадир қизғиш рангда, менда эса сариқ.

Сўз орқали узатилаётган хабарнинг талқини ўзгариш хусусиятига эга. Сизнинг ва менинг миям орасида тиллар ўртасидаги фарқдан ҳосил бўлган тўсиқ мавжуд. Узати-

лаётган маълумотлар оқими сўзга айланиб қулоқ орқали, маълумотни дешифровка қилиш-очиш қисми орқали сизнинг миянгизга етиб келгунча умуман бошқача маънони англатувчи фикрга айланади. Чунки сўзлар иккинчи сигнал тизимида тегишли.

Эътибор қилинг-а, иккинчи, биринчи эмас!

Мияда товуш, таъм, ҳажм, оғирлик, ҳид, танангизни соғлом ҳарорати ҳақидаги ёзувлар мавжуд.

Сўзлар билан ифодалаб бўлмайдиган шаклда улар ўла ерда ётибди. «Соғлиқ» деган сўз ҳажмга, оғирликка, мазага, ҳидга ва бошқа хусусиятларга эгами? Йўқ, албатта! Агарда ҳажмга, оғирликка, мазага, ҳидга эга бўлган тақдирда ҳам, «соғлиқ» сўзининг ўзи, фақат ундан келиб чиқадиган маъноси эмас. Шундай экан, мия бизнинг истакларимизни, буйруғимизни сўз шаклида берганда тушунмайди.

Демак, биз озгина бўлса ҳам мияни сўзларсиз муомала тилига ўрганишимиз керак, одатда бизнинг сўзсиз истакларимизга танамиз жавоб бергандай, бошқа аъзоларимиз билан ҳам бу тилда муомала қилиб, мулоқот қилишимиз мумкин экан.

Бу қанақа тил?

Тасаввур қилинг, сиз сайр қилиб келмоқчисиз. Сиз оёқларингиз мушакларига буйруқ бермайсиз-ку: «Қани, тез қимирланглар! Ўнг, чап, ўнг, чап» деб.

Йўқ, сиз шунчаки сайлгоҳда маза қилиб айланиб, сайр қилиб юриш ҳақида ўйладингиз ва оёқлар ўз-ўзидан сизни олиб кетди: ўнг, чап, ўнг, чап.

Ёки сиз стол устида турган конфетни кўрдингиз ва қўлингиз сизнинг ҳеч қандай ёзма ёки оғзаки буйруқларингизсиз беихтиёр ўша ёққа чўзила бошлайди.

Бу ерда сизнинг хоҳишларингиз ва миянгиз ўртасидаги алоқа биринчи сигнал тизими орқали амалга оширилади.

Баъзан ибодат қилаётган одам жуда қаттиқ ҳаяжонга тушиши натижасида кафтларида, оёқларида пешанасида қонталаш шишлар юзага келишини биласизми?

Нима сабабдан бундай ҳодисалар юз беради? Қандай қилиб одамлар бундай ҳолатга тушади ва уларнинг тана-си қалб кечинмаларига ёрқин равишда жавоб бера бошлайди?

Бу механизм кучли муҳаббат туйғуси ва буюк илҳом, қалб туғёнларининг тўлқинлари олдинга отилиб чиққанида ишга тушиб кетади. Кўпинча бундай ҳодисалар инстинктив равишда, жуда хавфли вазиятлар юзага келганда, болаларни фалокатдан қутқариб олаётганда, ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётганда рўй беради.

Сиз буни тасодиф дерсиз. Бу – деярли ғайритабиий! Фикримга қўшиласизми?

Сизлар ҳам мана шундай куч манбаларига йўл топиб, уларни қандай қилиб сафарбар қилиш йўлларини ўрганишингизга тўғри келади.

Эътибор қилинг! Ўз манбаингиздан куч олар экансиз, бунинг учун қонталаш даражасигача олиб бориш шарт эмас. Ўзгаларнинг фикрини «ўқиш», бошқаларни ҳис қила олиш мумкин, келажакни кўриб «ўқиш», саволларга жавоб бериш ва уларнинг ечимини топиш мумкин.

Шифокор ўзида бу қобилиятни ривожлантириб, ўз беморининг вужудини ҳис қилиши мумкин, яъни бемордан уни безовта қилаётган касаллик ҳақида сўраб ўтирмасдан, масофада туриб ташхис қўйиб уни даволаши мумкин.

Тушуняпсизми?

РУҲШУНОСЛАРНИНГ МИЯСИ

нега ўз жойидан «силжийди»?

Қандай воқеа-ҳодисаларда биз табиат томонидан одамзодга инъом этилган яширин имкониятларни кўришимиз мумкин? Масалан, руҳий касаллар шифохонасида.

Сизга бирон марта бўлса-да, қартайган кампирнинг касали хуруж қилганда барзанги санитарларни у нима қилиб ташлаганини кўришга тўғри келганми? У барзангиларни кучук боласидек у ёқ-бу ёққа улоқтириб юборади. Қандай қилиб? Чунки у бу ҳолатда ўз имкониятларини юз фоиз тўлиқ ишга солади.

Руҳшунослардан танишларингиз борми? Хўш, уларнинг мияси жойидами? Томи кетмаганми? Ўз беморлари билан ораларидаги фарқ каттами? Унчалик эмас? Фикримга қўшиласизми? Нима учун шундай?

Негаки, «қозонга яқин юрсанг...»

Эътибор қиялсизми, мен баъзида ғалати гапларни гапираман? Чунки мен сизлар билан анчадан бери мулоқотда бўляпман.

Нима сабабдан руҳшуносларнинг «томи» кетиб қолади? Гап шундаки, руҳий касаллар шифохонасида тартибсиз равишда ҳар ёққа ташланган кучлар йиғиндисини кўрамиз. Руҳий касал бўлган беморлар бетартиб равишда энергетик кучларини ҳар ёққа ташлашади ва улар тўппа-тўғри шифокорнинг бошига бориб тушади.

Тасаввур қилинг, руҳшунос доим ахлатхонада ўтиради. Ёки қишда машиналар муз йўлларга ҳар томонга қараб туз сочадиган жойда. Ҳар бир руҳий бемор ҳам худди шундай центрифугага ўхшаб ўз ўй-хаёлларини бетартиб равишда ҳар томонга сочиб ташлайди.

Шунинг учун ўз мутахассислиги бўйича узоқ муддат ишлаган руҳшунос руҳий жиҳатдан соғлом бўлиб қололмайди. Психоекологик жиҳатдан бу энг хавфли иш жойидир.

Чуқур уйқудаги сочилдизлари

Энди мен яна бир бора «Тентакнинг тажрибаси...» китобида ёзганларимни такрорлашимга тўғри келади. Такрорлаш ўрганишнинг онасидир. Лекин баъзан ҳадеб такрорланаверса, «такрорлашнинг онаси...» дегинг ҳам келади.

Ҳар доимгидек сиз билан ўтмишга қайтиб сайр қиламиз, у ерда сизнинг камина гипноз техникаси ва унинг имкониятларини ўрганган. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, бу соҳада ҳам анча натижаларга эриша олганман. Ҳар ҳолда бу мавзуда мўъжазроқ рисолаям ёздим.

Лекин охир-оқибат тушундимки, бу менга тўғри келмас экан. Беморнинг ўзи ҳаракатсиз тарзда, «қачон биров четдан келиб мени даволар экан?!» деб бармоғини сўриб ўтираверса, бу менинг ақидаларимга мос келмайди. Шу сабабли ўзимнинг тиббий амалиётимда гипнозни қўллашдан воз кечишимга тўғри келди!

Шуни айтиш жоизки, баъзи бир касалликларни даволашда гипноз мўъжизали таъқчадек муҳим! Ушбу саҳифада буни намоёиш этиш учун амалиётимда бўлиб ўтган воқеалардан бирини эслатиб ўтаман.

Гипноз ҳолатидаги одам нималарга қодир?

Гипноз пайтида одамга чўғдек металлни кўрсатиб, «шуни ҳозир орқа елкангизга босамиз», деймиз. Орқасига эса бармоғимизни ёки бирор қоғозни қўямиз, бунинг аҳамияти йўқ. Ўша жойда пуфакчалар, яъни худди куйгандек чандиқ пайдо бўлиб, у бутун умрга қолади.

Бу шундан далолат берадики, онгимиз куйиш оқибати

келтириб чиқарадиган жараённи эслаб, ушбу жойга ана шундай жавоб йўллайди, натижада ҳақиқий куйишнинг натижаси сифатида чандиқ қолади.

Орадан икки, уч ой, балки бир йил муддат ўтгач, худди шу одамни яна таклиф қилиб, гипноз ҳолига тушириб, бундай деймиз: «Олдинги сафар елкангга қоғоз қўйган эдик, бу куйдириши мумкин эмас». Шундан кейин ҳосил бўлган чандиқ бир неча ҳафта ичида ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Бир пайтлар биз куйиб қолганларни даволаш марказида иш олиб борган эдик. Тажриба ўтказиш учун асосан аёлларни таклиф қилдик. Нега?

Негаки, гап гўзаллик ҳақида борар экан, аёлларнинг ҳаммаси бу борада ғалати тарзда восвос бўлишади. Эркаклар бўлса ўз чандиқларига нисбатан бошқачароқ ёндашадилар, яъни: «Чандиқ эркак кишини безайди», деб ҳисоблаб, унга ўзларининг эркаклик ғурури сифатида ёки фазилати, ғурури сифатида қарашади.

Биз йигирматача одамдан иборат гуруҳ туздик. Ўн, йигирма, йигирма беш йиллаб бу беморлар чандиқ билан юришган. Улардан, асосан териси 30–40 % куйган одамларни танладик.

Бир рекордчимизнинг эса 75 % териси куйган эди. Шифокорлар бундай куйиш оқибатида одамнинг тирик қолиши мумкин эмаслигини яхши билишади. Унинг тирик қолганининг ўзи ноёб ҳодиса эди. Демак, унинг феъл-атвори ва бошида ҳам нимадир борки, шу аҳволда ҳам тирик қолган!

Кўнгиллилар гуруҳини транс ҳолатига туширдик. Уларнинг хотирасидаги вақт оралиғи орқали куйган вақтга қайтдик. Куйиш воқеасини туш билан алмаштирдик, худди бу воқеанинг ҳаммаси тушда бўлгандек. Биз шундай қилдикки, онгимиз ҳақиқий куйишни тушида кўргандек қабул қилиб олди.

Сиз натижаси қандай бўлди, деб ўйлайсиз? Гуруҳдагиларнинг деярли ҳаммасининг куйиш асоратлари йўқол-

ди. Чандиқлар, излар, қўрқинчли қизил тугунлар йўқ бўлиб кетди, лекин бу жойларда тери мўйлари қайта ўсмаган эди.

Орадан бироз вақт ўтиб, терининг майинлик, тукдорлик хусусияти тикланиб, сочларнинг илдизи тирилди. Буни қандай тушунмоқ керак?

Танамизнинг қаерида нима бўлиши, нима, қандай ва қайси қисмда жойлашиши генетик даражада ёзилган бўлади. Демак, одам ўзининг генетик хотирасига, онг остининг туб-тубларигача йўл топа олиши мумкин экан. Тушунарлими?

Маълум бўлишича, одам онгли равишда англаб бўлмас жараёнларни бошқариши мумкин экан! Бунинг учун гипноз қўллаш шарт эмас! Гипноз жараёнида сиз фаолиятсиз, гипноз қилувчи эса фаол бўлади.



Сиз ўз қўлларингиз билан онг остига ўзингизга керакли маълумотларни жойлаштиришингиз мумкин. Бу ишни бажариш жараёнида сиз фаолсиз. Ўзингиз ишлайсиз, ўз ҳаётингиз оркестрини ўзингиз бошқарасиз.

Энди бор-йўғи буни қандай амалга ошириш ҳамда бажаришни ўйлаб топиб, ҳис этиш қолди холос!

Ҳаракат қилиб кўрамизми?

МЕН ҚИРОЛМАН!


**Ўрнингиздан туриб барчангиз
таъзим баъжо айланг**

Хонимларга савол: Сиз ўзингизни аёллигингизга ишонасизми ёки ишонмайсизми? Ёки бунга шубҳа қиласизми, ёки умид қиласизми, ёки биласизми, ёки... Агар сиз мағрур ҳолда: «Мен аёл эканлигимни биламан», дея эълон қилсангиз, мен сизни «аҳмоқ экан», дейман. Чунки сиз ақллироқ бўлганингиз-да: «Аҳмоқона саволларни берма!» деган бўлардингиз.

Савол аввал бошиданоқ аҳмоқона эди, негаки бу ерда саволнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Ўзининг аёл ёки эркак эканлигини ҳис қилиш табиий равишда ҳар бир одамнинг қалбида жойланган, маълум бир тоифага мансублик муҳокама қилинмайди.

Мана сизга бир мисол. Бир ташкилотда ўттизта одам ишлайди. Ҳаммаси — бир жамоа. Лекин улардан бири директор, қолганлари унинг қўл остида ишлайдиганлар. Савол: Сиз бу директорни кўнчилиكنинг орасидан таниб, ажрата olasизми? Бир лаҳзада! Албатта, у олдинги раҳбарнинг бошига етиб, ўрнига ўтирган янги директор бўлмаса.

Бу одамларнинг қай бири раҳбар, қай бири ходим?



Агар у ҳақиқий раҳбар, ҳа, ҳа, ҳақиқий маънодаги раҳбар бўлса, руҳиятининг кучи жиҳатидан унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, кийинишида, ўзини тутиши ва овозида раҳбарлигининг шабадаси эсиб туради. Негаки, у етакчи. Фикримга қўшиласизми?

Айтайлик мен ҳозир: «Салом, мен фалон давлатнинг қиролиман», дея даъво қилсам.

Эсингиздами, мен бу мавзуга қайтишга ваъда берган эдим?

«Борақол, – дейсиз сиз ҳурмат билан, – қулоғимиз орасидаги бавосилимизни даволашга халақит берма».

Фикримга қўшиласизми?

Лекин бу гапни фақат аслида йўқ нарсани тикиштирмақчи бўлганимда, қалбимдаги йўқ нарсани ўзимники қилиб кўрсатиб гапирмақчи бўлганимдагина айта оласиз.


Агар менинг қаршимда беш километрга чўзилган поёндоз тўшалган бўлиб, жарчилар ҳамма ёққа: «Ҳазрати Олийлари, фалон давлатнинг Қироли», дея жар солишса, орқада эса аъёнларим, тепада бир тўда вертолётлар, автомобиллар кортежи кузатиб боришаётганини кўргач, ўрнингиздан туриб таъзим бажо келтиришдан бошқа иложингиз қолмайди.

Югуриб жар солаётган жарчи каби, сиздан олдин доим сизнинг ўзингизга нисбатан бўлган муносабатингиз, ўзингизга бўлган ҳурматингиз, ўзингизга бўлган ифтихорингиз жарчилик қилиб боради.

Ташқи кўринишингиз, юз ифодангиз, ростланган қоматингиз, ҳис-туйғуларингиз, фикр-ўйларингиз, қалб кечинмаларингиз сиздан олдинда қадам ташлаб боради. Улар овози бориша: «Жаноби олийлари 6-сонли ЖЭКнинг ишчиси келяптилар», деб бақариб боради.

Кунлардан бир кун ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, сиз ўзингизни шахс деб тан олсангиз, нима содир бўлади?

Ҳозирнинг ўзида ушбу қатордаги ўз ўрингизни белгиланг.



Агар ўзингизни етакчи сифатида тута бошласангиз нима содир бўлади? Ўзингизни қироллардек ҳис қилсангиз, нима рўй бериши мумкин?

Эшитмаяпман. Бу жуда аҳмоқона гап дейсизми?

Қадрдоним! Ҳозирги аҳволингиздан-да аҳмоқона бўлиши мумкинми? Энг аҳмоқона нарсa сиз билан рўй бериб бўлди.

Мана бунақасини кўрганмисиз? Аёл, аниқроқ айтдиган бўлсак, юзини сепкил босган юмалоқ копток, лекин ҳамма эркаклар негадир унинг ортидан югургани югурган. Шунақасини учратганмисиз? Нима учун шундай бўлади? Шунинг учунки, кимдир қачонлардир унинг қулоғига лағмон осиб, «сен жудаям гўзалсан», деган. У аҳмоқ эса бунга ишонган.

Энди эса ҳамма шу нарсани ҳис қиляпти!

Тасаввур қилинг, эрталаб турдингиз ва ўзингизга қараб: мен лобарман, зўрман, мен жуда зўрман», дейсиз (керагининг тагига чизиб қўйинг).

Ойнага қараб, табассум қилинг, қироличалар табассуми ила жилмайиб, ўзингизни ирода кучингиз ёрдамида мутлоқо ишонч билан сиз энг зўр, энг кетворган, гап бўлиши мумкин эмас, хуллас, энг, энг, энг... бўлган ҳолатга ўзингизни киритасиз.

Савол: сиз энди ҳам эгингизга дуч келган нарсани кийиб кетаверасизми? Йўқ!

Сиз ҳатто охирги марга бундан эллик йил олдин соч тарай туриб йўқотган тароғингизни ҳам эслаб қоласиз.



Сизнинг қоматингиз ва юзифодангиз ўзгара бошлайди, ташқи кўринишингиз, ўзингизни тутишингиз, сўзларингиз ўзгаради. Янги ҳолатингизга мослаша бошлаган ҳолда оғзингиздан ҳам ғалати, ўзингиз ҳам кўникамаган сўзлар чиқиб кета бошлайди.

Ана энди, агар Ҳазрати олийлари, мобода сизнинг оёқларингиз қийшиқ бўлса, буни ҳеч ким сезмайди.

Сезган тақдирда ҳам, мазах қилишга ҳадлари сиғмайди. Агар аҳмоқ бўлмаса, яна шу нарсага эътибор қаратадики, одамнинг ички кўркемлиги ташқи камчилигидан, жисмоний камчилигидан устун туради. Негаки сиз қийшиқ оёқларингизда ҳам, «Мен Қиролман», деб мағрур ва тик турасиз.

Хўш, кимдан ўрнак олиш керак? Ўзингиздан. Орзулар даражасида энг чуқур-чуқур жойларга кўмиб ташлаган ўзингизнинг энг яхши қисмингиздан. Мана шулар устида иш олиб борамиз.

Келишдикми?

Ниманинг устида ишласангиз, шу нарса катталашиб ривожланади.

Менимча, эркаклар буни бошқача тушунишди, узр....

ОКТАВА

бодибилдинг бўйича чемпионга қарши

Сиз ҳамма биладиганларингизни биласиз. Ҳамма қила оладиган ишингизни қиласиз. Бутун ҳаётий тажрибангиз ўзингиз билан. Юксак эътиқодингиз, муҳаббатингиз, қалбингизни бутун бойлиги ўзингиз билан.

Лекин тасаввур қилинг! Кўчада лаънати ёмғир томчилаяпти. Кимдир, жуда яқинларингиздан, яхши кўрганларингиздан биттаси ёмон гап гапириб, сизни хафа қилди. Яна икки-уч бўлмағур тасодифлар, бемаъни тасодифларнинг бир-бирига тўғри келиб қолиши, бемаъни ранжишлар... Ва шу билан ҳаммаси тамом!

Асаббузарлик, кайфият дарров тушиб, депрессия пайдо бўлади. Кучингиз заифлаша бошлайди. Бутун тажрибангиз, билимингиз, эътиқод, муҳаббат, олижаноблигингиз тупроқдек сочилиб, кераксиз ҳолда қалбингизнинг ҳар бурчагига қараб учиб кетади. Айтайлик, уйингизни энг зўр техника билан жиҳозладингиз, лекин электр токи бўлмаса, улар бари-бир ишламайди.

Фикримга қўшиласизми?

Савол.

Ирода кучингиз ёрдамида ўзингизни депрессия ҳолатидан чиқара оласизми?

Ирода кучи ёрдамида ўзингизни бахтли қила оласизми?

Ҳа, қила оласиз!

Энди энг асосий савол. Қандай қилиб?

ОКТАВА!

Бизда уни шундай аташади. Бу нима ўзи?

Октава – қудратли даражадаги ички кучни ишга солиш ҳолатини машқ қилдириш.

Жисмоний машқлар пайтида мушаклар ривожлангандай, Октава ҳам руҳиятингизни худди шундай чиниқтиradi.

Октава – ўзингизнинг Шахс эканингизни тан олиш машқи.

Октава – ўзингизни янгидан баҳолаш, хатти-ҳаракатларингизни янгидан бошлаш нуқтаси.

Октава – ўзингизни ким деб ҳисобласангиз бошқаларни ҳам шундай деб тан олишга мажбур қиладиган, сиздан олдинда кетаётган ички ҳис-туйғуларингиз.

Октава – меъёрдаги психикали, меъёрдаги маълумотли, меъёрдаги одам жойлашган, қисқача айтганда, ногиронлар жамиятининг меъёрдаги аъзоси темир бетондай тухум пўсглоғини ёриб чиқиши. Ёки сиз тухумни ёриб чиқасиз, қанотларингизни қоқиб, улар қуриб, патлар билан қоплансин деб силкитасиз, ёки қанақа сасиган тухум бўлсангиз шундайлигингизча қоласиз.

Октава – ҳаётингиздаги фойдали ҳаракатларнинг янги коэффициенти.

Октава – такаббурликни машқ қилдириш эмас, ўзингиздаги керакли сифатларни ривожлантириш.

Октава -- дунёни англаш, уни қабул қилишнинг ўзга маконига чиқиш.

Қадрдонларим, тушунсангиз-чи, дунё фақат сизга ўхшаганлардан иборат эмас. Умуман олганда, сиз ҳам ўзингиз ўйлагандек эмассиз. Сизда дунёни англаш нотўғри шаклланган, холос.

Сизда беш яшарлик пайтингиздаги дунёни англашингиз бошқача эди, йиллар ўтиши, вақт ўтиши билан яна ўзгарди. Фикримга қўшиласизми ёки йўқми? Модомики, шундай экан нима учун у яна ўзгариши мумкин эмас?

Дунёни бутунлай бошқача қабул қилувчи инсонлар бор. Бутунлай бошқача имкониятларга эга бўлган инсонлар бор. Сиз ҳам ўзингиздаги яхшироқ ва янада яхшироқ сифатларингизни очиб боришингиз мумкин!

Октаванинг асосий ҳаракат механизми – тасаввур.

Лекин бу шунчаки оддий тасаввур қилиш эмас. Сизда, ҳурматли хонимлар, шундоқ ҳам тасаввурдан бошқа ҳеч нима йўқ. Нимага китобга тикилиб қолдингиз? Ниҳоят, менинг ақлли гаплар айтишимни кутяпсизми?

ОКТАВА – ирода ёрдамида тасаввур кучини машқ қилдириш. Бу истакнинг кучидан ҳар бир тукингиз, тананинг ҳар бир ҳужайраси тебранади ва сизни барча фикрлаш жараёнингиз бу хоҳиш изидан, ички бунёдкорлик кучи орқасидан интилади.

Рухсат берсангиз, мисол келтираман.

Р.С. Ҳурматли ўқувчилар! Кечирасизлар, шу ерда биз яна аралашшига мажбурмиз. М.Норбековнинг камтарин мисоли ўрнига, унинг шогирди ва ассистентларидан бири айтиб берган ибратли воқеани киритишни лозим топдик.

«Бир куни Мирзакарим Санақулович Октавани тушунтираётиб, руҳият кучи қаандай ҳаракат қилишини кўрсатди. Одатда у саҳнага иккита бақувват эркак чиқишини илтимос қилади ва уларга ўзининг қўлини шундай ушлашни таклиф қиладики, унинг қўлларини ажратиб бўлмасин. Бу сафар ҳам унга қарши икки киши чиқди.

Биттасининг вазни 104 кг, иккинчисиники – 112 кг. Иккаласи ҳам бодибилдинг бўйича республика чемпионлари экан. Иккита тоғдек асл мушакдан бошқа заррача ёғ йўқ. Икки дақиқадан сўнг иккаласи ҳам полда қулаб ётишарди. Ҳатто биттаси саҳнадан пастга тушиб кетиб, ўша ерда ётарди, менимча, нимагадир боши билан урилган бўлса керак.

Мен ундан нима учун уларни отиб юборганини сўрадим, ахир бундай йигитлар учун бу шармандалик-ку.

У деди:

– Мен шунчалик қўрқиб кетдимки, ички кучимнинг барини сарфлаб юбордим. Уларни кўрганимда, қўрққанымдан иштонимни ҳўллаб қўйишимга оз қолди, чунки залда шундай паҳлавонлар ўтирганини ўйламаган эдим.

Улар ўзларининг залвордек бақувват қўллари билан қўлларимдан ушлаб туришибди. Ҳамма нарсани унутган

ҳолатга кирдим ва қўлларимни бирданига икки томонга ажратдим. Одатда буни аста-секинлик билан қилардим. Қўлларимни ёйганимдан сўнг Октава ҳолатидан чиқдим. Қарасам, улар йўқ».

Қадрдонларим тушунинг, бундай куч сизда ҳам бор. Октава буюк кучингиз манбаларига йўл очади, фақат уни олдин уйғотиш ва жиловлаш керак. Кейин сиз фармон берасиз ва шунчаки хотиржамлик билан бу кучларнинг ҳаракатини кузатасиз. Мана, масалан, касалликнинг қандай аришини кузатасиз.

Ёки қачонлардир хорижга кетиб қолган кўкракларингиз, ниҳоят тизза чаноғидан ўзининг тарихий ватанига қайтиб келишини кузатасиз.

Демак, биз сиз билан Октава ёрдамида машқ қилганимизда, қаерга йўл очилган бўлади? Айнан талаб эҳтиёжсиз қолиб кетган кучга, **сизнинг Буюк Кучингизга!**

ҚАНОАТНИ

қайдан топиш мумкин?

Бир султоннинг виждонлилиги билан ном қозонган вазири бўлиб, унинг лабидан табассум аримас, ҳар доим кайфияти яхши бўлиб, ҳаётдан мамнун экан. Унинг бу ҳолати одамларда ҳасад уйғотар экан.

Бу нарса уларга шубҳали туйилиб, саройда миш-миш тарқала бошлабди. Вазирни бошқа бир давлат фойдасига айғоқчиликда айблаб, султонга чақишибди.

Ҳар куни кечқурун у бир четдаги хонага кириб устидан эшикни қулфлаб олар, хилватда ўтирганча, нима билан шуғулланиши номаълум экан. Кўринишидан, бу ерда бир гап бор, буларнинг ҳаммаси беҳуда эмас. Бир гал Султон ўзининг аъёнлари билан вазирнинг хонасига бостириб кириб келибди.

Эшикни очиб қарашса, хона бўм-бўш, фақат деворда тўзиган эски, ямоқли тўн осилиб турар, пастда эса кийилавериб қийшайиб кетган этик турганмиш.

Султон ҳайрон бўлиб, вазирдан сўрабди:

– Сен бу ерда нима қиляпсан? Мана бу эски-тускиларни нима қиласан?

Вазир жавоб берди:

– Мен бу ерга шу тўнимни ва этигимни кўришга келаман. Эй, буюк Султон, қачонлардир мен мана шу кийимларда сизнинг олдингизга келган эдим ва сиз мени вазир қилдингиз. Мен ўзимни қаердан чиққанимни эслашга келаман, ҳозир қандай аҳволда эканлигим билан солиштираман. Куламан, хурсанд бўламан ва ҳаёт менга жуда ажойиб туйилади. Менинг барча муаммоларим ечимининг асоси – мана шу.

Бу ривоят нима ҳақда? Ҳамма нарсани таққослаганда-

гина англаб етиш мумкин. Агар ҳозир аҳволингиз ёмон бўлса, қачонлардир ундан ҳам ёмонроқ бўлган-ку, ахир. Кимдир эса ҳозир, айна дамда сиздан ҳам ёмон аҳволда.

Бизга доим озгина нимадир етишмайди. Лекин шу озгина топилганида ҳам, биз барибир яна бахтсизмиз, тўла-тўқис бахтли бўлишимизга яна бошқа нарсадан озгина етишмайди.

Ҳозир нафас олиб, нафасни чиқаринг. Ана энди ўша олган нафасингизни орқага қайтаришга уриниб кўринг. Айна шу лаҳзада ҳис этганингизни қайтара олмайсиз. Яна бир марта нафас олиб, нафас чиқаринг.

Тасаввур қилинг, балки кейингиси умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳаёт тугаётган пайтда ҳар бир сония қадрли. Ҳар бир олинган нафас – бутун бир ҳаёт. Ҳар бир нафас чиқариш – абадият. Келинг, шу ерда ва ҳозирнинг ўзида яшашга ҳаракат қилинг. Ўзингизга бахтли бўлиш учун рухсат беринг!

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ?

Ҳирсий лаззат йўли билан

Интуицияни фаоллаштиришнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Масалан, даҳшатга тушганда, стресс пайтида, хавф-хатар бўлганда ҳам интуиция кучайиб кетади. Лекин мен сизни ҳозир қўрқитсам, сиз эса ҳозирнинг ўзида шу ерни ҳўллаб қўйсангиз... Устига-устак шунча даҳшатни топиш ҳам мен учун қийинроқ. Бу йўл бизга тўғри келмайди.

Биз ўзимиз учун анча ёқимли экстаз йўлини, лаззатланиш завқланиш йўлини танлаймиз. Шу йўл бизга тўғри келади ҳамда ёқади. Фикримга қўшиласизми!

Сиз бирон марта бўлса-да, оргазм – ҳирсий лаззат ҳолатини ҳис қилганмисиз? Ҳис қилганмисиз? Демак, бундай, жисмоний танангиз ҳис қилган оргазм, биз ҳосил қилишимиз керак бўлган лаззатланишнинг кичкинагина бир бўлаги, холос. Оргазм қаерда ҳосил бўлади, эркаклар? Каллада? Ҳа, каллада!

Демак, оргазмдан ташқари, бу ҳаётда яна кўплаб лаззатланишлар бор экан. Биз уларни йиғиб, лаззатланишнинг энг юқори ҳолатига етиб, миянинг лаззатланиш марказини фаоллаштиришимиз керак.

Биз лаззатланишнинг юқори ҳолатига етишишимиз керак. Бу – вазифа.

– Бу қанақаси? Қандай қилиб ахир?

Яхши. Бошидан бошлаймиз.

Қоматимизни ростлаймиз, елкамиздан яшаб ўтган йилларимиз юкини олиб ташлаймиз. Ўз муаммоларимизни, қаердан келган бўлса, ўша ерга жўнатамиз, яъни шайтонни думининг тагига. Юзимизга аҳмоқона, қалбаки табассумни тақамиз. Ҳа-ҳа, ҳозир. Кейинроқ эмас, ҳозирнинг ўзида.

Ҳаттоки сиз бу асарни унитарда ўтириб ўқиётган бўлсангиз ҳам. Ҳали бу ҳолва! Ҳозир энг қўрқинчлисини айтаман: ҳатто сиз бу китобни метрода ўқиб ўтирган бўлсангиз ҳам. Ҳамма сизга қараётган бўлса ҳам.

Бир мартагина бўлса ҳам, бу бадқовоқ одамларга кўрсатиб қўйинг, уларга ўхшамаслигингизни, улардан қўрқмаслигингизни, уларнинг фикрларига тупуриб қўйганингизни!

Мағрур елкаларимизни ростлаймиз! Дадиллик билан қатъий ҳолда, ҳаммага қасддан, чўнтагингиздан табасумни чиқариб: «Мана буни кўрдингларми? Кўрдингларми? Ҳеч кимда йўқ, менда эса бор!» – денг.



ЧИҚКАТ

Ана энди машқ. Кайфиятимизни кўтарамиз! Ўзимизнинг ирода кучимиз билан кўтарамиз! Ҳеч нарсага қарамасдан кўтараварамиз! Кайфиятимизни шундай кўтарамизки, бутун баданимиз жимирлаб кетсин! Хаёлан хурсанд бўлишимиз учун халақит бераётган ҳамма нарсани – ўтмишдаги ҳамма кўнгилсиз, аҳмоқона воқеаларни, ҳамма бахтсизлик ва ранж-аламларни бир муштга йиғамиз. Ва жуда қўрқинчли тезлик билан Жасорат Муштини Офатлар Столига туширамиз (одатдаги тушлик столимиз билан адаштириб юборманг). Тарақлаши бутун қишлоққа акс-садо берсин. Чуқур нафас олиб: «Ҳа, садқан сар!!!» деб нафасимизни охиригача чиқариб ташлаймиз.

Агар сиз машқни тўғри бажарган бўлсангиз, у ҳолда албатта ҳозирнинг ўзида ўзингизни енгил ҳис қиласиз, тетиклашасиз ва кўриш қобилиятингиз ташқи томондан ҳам, ички томондан ҳам тиниқлашади.

Бу – бизга керак бўлган, қисқа муддатли ярқ этган ҳолат. Бу енгиллик ҳисси доимий бўлиб қолиши мумкин, агар қуйида келтирилган кўрсатмага амал қилсангиз.

Қуйидаги машқни мунтазам равишда бажаринг, кунига камида уч марта, ҳаётингиздан нолишни бошлашдан беш дақиқа олдин. Кўрқманг! Ҳазиллашдим. Албатта, кунига уч мартадан эмас. Ҳеч бўлмаганда, ҳафтасига.

Шаҳзода иштонидаги АРИЛАР хусусида айрим мулоҳазалар

Қандай пайтда биз Октава ҳолатида бўламиз?

Масалан, жуда ҳам яхши нарсаларни эслаганимизда, бахтиёр, муваффақиятга, ғалабага эришган лаҳзаларимизни эслаганимизда шундай ҳолатда бўламиз. Бу шундай лаҳзаларки, улар эсимизга тушган заҳоти завқ-шавққа, ажойиб ҳислар бўронига, шодликка, балким кўз ёшларга, хурсандчилик кўз ёшларига чақиради!

Бизнинг машғулотларимиздаги битта тингловчимиз – ёши анча улуг одам – анча вақтгача ўз ҳаётидан шундай лаҳзаларни эслай олмади. Қийинчиликда ўтган ёшлик пайтлари, уруш, етишмовчилик... Лекин у барибир элади. Элади, бир куни, 1945 йил май ойида, хандақлар орасида эмаклаб келаётганда, унга қараб бошқа томондан командири эмаклаб келарди, кўзида шашқатор ёш.

Ниҳоят, улар яқинлашганда командирнинг айта олган сўзи шу бўлди:

– Уруш тугади!

Йиғи ташқарига ҳўнграш бўлиб чиқди. Иккита кап-катта эркак, жангчи қаҳрамонлар худди ёш боладек йиғлашарди, лекин бахтиёрликдан йиғлашардик! Мана шу лаҳза унинг Октаваси бўлди.

Лекин сизга ўз ҳаётингиздаги энг ёрқин кечинмани эслаш зарур бўлади. Бу лаҳзалар хотирасидан бутун танангиз бўйлаб ёқимли титроқ туриши керак.

Танангизда жисмоний ҳис қилиш мумкин бўлган жавоб белгиси сезилиши керак, бу жуда муҳим.



Хотирлаганингизда бу ҳис-туйғуларни майда-чуйда тафсилотларигача эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Хотирлаш жараёнида, танангизнинг қаерида ва қандай жавоб қабул қилиб олишингизни, қалбингизда қандай кечинмалар бўлаётганини кузатиб, эслаб қолинг. Танангизда акс этган мана шу ҳолатни, унинг таъсир изини, албатта, эслаб қолинг.

Хотирлаш – Октаванинг бир варианты.

Бошқаси – тасаввурингиз.

Ҳа, ўша хаёл, худди ўша – «ўнгингиздаги тушлар», ҳақиқатга тўғри келмаганлиги учун сиз баъзида лаънатлайдиган худди ўша хаёллар. Сизнинг фантазияларингиз ҳақиқатга тўғри келмаётгани учун реалликни лаънатлайсизми?

Демак, гап бундай, мана шу тасаввурни, сизни уйғувчи двигателга, асбобга ва қудратли қуролга – орзуларингизни амалга оширадиган қуролга айлантиришимиз керак бўлади. Сизни буткул яхши томонга ўзгартирадиган қуролга.

Тасаввур қилинг! Албатта, бу нарса сиз билан ҳеч қачон бўлмаган, лекин, келинг, ҳозир ролга кириб шунақа сахна кўринишини ўйнашга ҳаракат қиламиз.

Одатдаги кунингиз бошланди. Ҳар доимгидек ишхонангиз томон судралиб кетяпсиз. Мияда эса турли-туман моғор босган ғашликлар, бемаъни сафсаталар, рутубатли ўйлар. Кайфият ҳам, доимгидек, расво.

Нимасига ҳам хурсанд бўлиш керак? Пул йўқ. Оилада ҳар куни гиди-биди, жанжал. Ишхонада эса ундан ҳам баттар. Умуман, ҳаёт кўнгилдагидай эмас. Ёшингиз ҳам аллақачон... Умуман олганда, етарли. Келажакда шодлантирадиган нарсанинг ўзи йўқ. Дунёни айланишни, уни кўришни хоҳлагандик. Ҳеч бўлмаса, дала ҳовлига бориш... Лекин ҳозир мавсум эмас. Яна у-бу нарсаларни харид қилиш керак. Пул эса йўқ. Оила ҳам, иш ҳам, такрорлайман, пул ҳам йўқ, оила ҳам...

Сиз гўё қаерларгадир кетаётгандайсиз, хаёлларингиз эса ўша ёқимсиз туйғулар билан банд.

Бирдан!

Бурунда қандайдир ғалати қитиқни сезасиз. Бу нима гап? Қандайдир тоза ҳаво, салқинлик. Одатдан ташқари, анчадан бери эсдан чиқиб кетган ифор бошни айлантиради, қон кўпириб, ҳаяжонга солади. Қандайдир илиқлик, мулойимлик чаккангизга тегиб, худди силаб-сийпалагандай туйилади. Нима бу?

Бу, ахир, қуёш нури-ку, ариқлар-ку ва ўтган йилги уйқусираган ари ҳам инидан эмаклаб чиқиб учиб кетишга ҳаракат қиляпти. Қушлар қуриган шохларда ишчанлик билан ғимирлашар, чуғурлашиб, нималарнидир излашади. Қуёш нурида тобланган ер ҳам қизишиб, бағрини табиатга очганча ҳидини таратмоқда...

Э-ҳе, бу ахир Баҳор-ку! Ақлдан оздирадиган, таърифлаб бўлмайдиган, ёқимли оғриқ азобини эслатувчи, баҳор-ку!

Бу сиздан сўраб ҳам ўтирмай, азобларингизга ҳамдардлик билдирмай, ўзини бўлишига, давом этишига, янгиланишига рухсат этган ҳаёт-ку. Ҳар доим бўлганидек, асрдан асрга ўтиб келаётгандек.

Сиз эса беҳабар қолдингиз! Ўзингизнинг майда муамоларингизга кўмилиб, аҳмоқона бахтсизликларингизинига тиқилиб, у ҳақда бутунлай унутиб қўйдингиз.

Чуқурроқ нафас олинг.

Яна нафас олинг.

Ҳаёт ҳаяжони, баҳорнинг тонги титроғи ичингизга киришига ва сизнинг мудраётган юрагингизни уйғотишига рухсат беринг.

Яна нафас олинг... Яна... Яна... Яна... Нафас чиқарамиз... Қуёш нури, бошни айлантирадиган муаттар ҳид, такрорланмас ҳис-туйғулар.

Нимага ёноқларингиз ҳўл бўлиб қолди? Ёмғир йўқ, шекилли.

Йиғининг нима кераги бор?

Болаликдаги зўр қувончни эсланг. Ҳансираганча, кўлмаклардан, шовқинли оқимлардан қандай қилиб югур-

ганларингизни эсланг. Томчиларнинг сочилган фаввораси, оёқлар ҳўл, нафақат оёқлар.

Чўнтаклар тошга тўла – ариқларнинг энг чуқур жойидан топиб олинган қимматбаҳо топилмаларингиз. Албатта, онангиздан эшитадиганингизни эшитасиз, лекин бу кейин. Ҳозирча эса...

Бутун танангизда, ажойиб, мафтункор, сеҳрли баҳор.

Яна нафас олинг, яна, яна... нафас чиқаринг... Бошқа ҳеч нарса керак эмас...

ОКТАВА билан табриклайман сизни, қадрдонларим!

Ҳаётимизда ўз-ўзидан ОКТАВАнинг қандай рўй беришини, сизга шунчаки кўрсатиб ўтдим. Лекин озгина меҳнат қилиб, ўзингизни ишлашга мажбур қилиб, туйғуларни **сунъий тарзда** ҳосил қилиш мумкин-ку.

Ўзингизни шахс эканлигингиз, баркамол инсон эканлигингиз ҳақидаги туйғуларни ўзингизда сунъий равишда ҳосил қилишга уриниб кўринг. Ҳа тушунаман, бу сизга қийин. Ҳа, тушунаман, бу сизга адабсизлик бўлиб туюлиши мумкин. Бунда қандайдир англашилмовчилик, қандайдир ноқулайлик... Фикримга қўшиласизми?

– Ҳа, албат-т-а, лекин буларнинг ҳаммаси сунъий, ҳақиқий эмас, ёлғон, – буни сизлар айтяпсизлар – ҳамма замонлар ва барча халқларнинг буюк мижғовлари!

Лекин барибир синаб кўринг!

Агар сизнинг ҳақиқатингиз ҳеч қандай натижа бермаётган бўлса, бу ёлғон, ўйлаб топилган уйдирма – натижа беради!

Эришган ғалабангиз, қўлга киритган охирги натижангиз бизга ҳакамлик қилади.

Биласизми, шаҳзода Гамлет, онаси виждон азобида ўзини ўзи қийноққа солаётганда нима деганини? У онасига бундай деган:

– Эзгулик ниқобини тақиб олинг, у юзингизга юқиб, сингиб иддиз отиб кетади.

Мана у нима деган эди. Ниқобини! Тушуняпсизми? Яъни мичуринчасига сунъий равишда яхши хислатлар-

ни, ёмон феъл-атворга пайвандлаш усуллари, айниқса, аёлларда, Шекспир даврида ҳам аллақачон маълум бўлган экан. Умуман олганда, ундан ҳам анча, анча олдин.

Демак, болалик даврига шўнғиймиз. Ҳатто ёшликка эмас, айнан болаликка. Болаларни қандай иш тутишини эсланг!

Сиз унга машина ёки қўғирчоқ совға қилдингиз. У соатлаб ўтириши, ўйнаши, қўшиқ айтиши, ўзига ўзи нималарнидир гапириб бериши мумкин. Ҳаттоки қўғирчоқсиз ва машиналарсиз ҳам. Атрофида қопқоқ, тугма, конфетлар қоғози каби қандайдир эски-тускилар уюлиб ётибди.

Четдан қарасангиз: ўтирибди, тушуниб бўлмайдди, нималар биландир шуғулланыпти. Бу пайтда эса сизнинг болангиз, дунёларнинг энг буюғи бўлган ўз оламида, яхшилик ҳукмронлик қиладиган, яхшилик доим ёмонлик устидан зафар қозонган ўз дунёсида ўтирибди. Мана шу дунёда у ўрганиб, машқ қилади. Биз эса ҳозир нима билан шуғулланыпмиз?

Демак, биз бува ва буви эканимизни унутамиз, биз ота-она эканимизни унутамиз. Ўзимизнинг маълумоти-мизни, мансабимизни унутамиз. Қачонлардир ўзимиз ҳам сезмасдан кетиб қолган болалик дунёмизга аста-секин қайтамиз. Ёки бизни у ердан ҳайдаб чиқаришганми? Қаерга? Ўша зерикарли кундалик ташвишларга тўла «катталар» дунёсига ҳайдашган.

Буларни унутиб, ўз ҳаётимизнинг янги ҳолатига кирамиз.

Сиз ҳаётингиз, ўй-фикрларингиз, ҳаётни реал ҳис қилиш ҳолатингиз қандай ўзгарганини кўрасиз. Ана ўшанда сиз ўзингизни бу янги ҳолатингизга, сизни ўраб турган ҳамма нарса қандай қилиб акс-садо бериб жавоб қайтаришини кўрасиз! Ҳа, айнан шундай. Огоҳлантираман: бу худди шундай бўлади.

Ва бу ерда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ.

Мирзакаримнинг Октаваси _____

Р.С. Бир куни машгулот пайтида Мирзакарим Санақулович ўзининг Октаваси ҳақида гапириб берди. Биз ёзиб олдик ва ушбу стенограммани нашр қилиш керак деб ҳисоблаймиз.

Октава нима эканини, мен ўзимда биринчи бор қачон ҳис қилганимни биласизми?..

Менимча, ўша лаҳзада мен ҳозир ким бўлсам, ўша одамга айланган бўлсам керак.

Отам билан акам мени ҳарбий хизматдан олиб кетиш учун келишди. Бу вақтга келиб мен ярим йилдан буён госпиталда даволанаётган эдим. Бир сўз билан айтганда, соғлиғим юзасидан вақтидан олдин ҳарбийдан чиқитга чиқаришди.

Шифокор отамга касалим ташхиси ва касаллигим тарихидан кўчирма солинган хатжилдни узатди.

Шифокор менга: «Бор, йўлакда кутиб тур», деди, сўнгра отам билан акамни ўз хонасига олиб кирди. Менда эса касалим нималигини билишга қизиқиш устун эди. Тушуняспизми? Улар нима ҳақда гаплашишларини эшитиш учун ординаторлар хонасига кирдим.

Бирдан шифокорнинг гапларини эшитиб қолдим: «Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик, лекин унинг кўпи билан бир неча ойгина умри қолди».

Ўшанда менинг қай аҳволга тушганимни тасаввур қиласизми? Ўзимни бирдан қандайдир оқ, рангсиз идиш ичида қолгандай ҳис қилдим. У ерда мутлақ сукунат ва даҳшатли ёлғизлик турар эди.

Томдалигимда ўзимга келдим. Маълум бўлишича, даволаниш биносидаги бешинчи қаватга кўтарилиб, тўсиқ-

дан ошиб, томга чиқиб олибман. Ўзимни томдан ташламоқчи бўлган эдим. Менга уч ойнинг нима кераги бор? Ва бирдан эсимга тушди.

Отам – бронхиал астма. Учтаси кетди, биттаси қайтиб келди, у билан иккита тобут – онам кўтара олмайди. Ўзимча ўйладим: кетаман. Уйга кетаман ва ўша ерда буни амалга ошираман. Нима фарқи бор? Бир кун олдин нима-ю, бир кун кейин...

Уч ярим сутка поездда йўл юрдик.

Одамларга қараб ётардим...

Қадрдонларим!

Биз, «ҳамма ҳам, албатта ўлади, лекин мен эмас», деб ўйлаймиз. Ҳаммамиз ҳам шундай ўйлаймиз! Кимдир жиддий касал бўлиши мумкин, фақат мен эмас!

Мен эса яна юз йил яшайман, атроф-муҳитни саситиб, заҳарлаб... Ўй-хаёлларим билан. Сиз нима билан деб ўйловдингиз? Ҳаммангиз ҳам шундай ўйлайсиз, азизларим.

Ҳаммангиз, кўпчилигингиз телба-тескариликлар билан оворасиз. Лекин яшаш учун бир ойгина вақтингиз қолганда, ҳаётдаги қадриятлар ўзгаради. Ана ўшанда атрофдаги одамларнинг сиз ҳақингизда нима деб ўйлашларининг умуман аҳамиятсизлигини, энг яқин дўстингиз ким бўлиб ишлашининг сиз учун фарқи йўқлигини, одамлар жонини беришга тайёр турган моддий қадриятлар сизга мутлақо кераксизлигини англаб, барчасига тупуриб қўясиз. Мен буни бошимдан ўтказганман.

Уйга келдим. Аҳволим кундан-кунга оғирлашгандан-оғирлашиб борарди.

Уйимиздан тахминан ўн икки километрлар чамаси масофада Помир тоғлари бошланади. У ерда баланд учта қоя бўлиб, баландлиги тахминан уч километрча келади. фақат қиялиги тескари томонга қараган. «Уч қиз» деб номланади.

Мудҳиш ниятимни амалга оширишга қарор қилиб, айнан ўша қоядан ўзимни ташлашни мўлжалладим. Тоққа кетдим, тахминан кечқурун соат тўртларда етиб бордим.

Лекин хоҳиш ва амалга ошириш – бу бошқа-бошқа нарсалар. Фикримга қўшиласизми?

Мен шунчаки чўққининг четида ўтирардим. Бу жойдан биз қачонлардир делтапланда учардик. Бу Останкино минорасидан ҳам баланд.

Қояларга қараб ўтирард-и-м... Бирданига бу тепаликдан одамларнинг ҳаёти шунақа ҳам майда, арзимас бир қум заррасидай кўринди! Иззат-нафсимиз эса тоғлардан ҳам баланд!

Ўтириб ўзимча ўй сувардим: «Мен бор-йўғи 19 ёшдаман! Нима учун ўляпман? Нима учун? Қандай қилиб бу даражага етдим?»

Мактаб пайтларимни эсладим. Ҳамма муаллимларимни эсладим, улар: бу – оқ, бу – қора, деб ақл-фаросатга ўргатишарди, билимларни тикиштиришарди...

Мен хотираларга шунчалик берилиб кетибманки, ҳатто ой қандай чиққанини ҳам сезмай қолибман. Менимча ярим кечаси бўлиб қолган эди. Энди бунинг нима фарқи ҳам бор эди.

Бу вақт оралиғида қор ёға бошлади. Пастда шунақанги енгил баҳор ҳавоси, бу ерда қор. Оёғимда ёзги шиппак.

Бирданига қандайдир фикр ёриб киргандай бўлиб, бутун танам бўйлаб кучли тўлқин ҳосил қилган идрок ҳолати юз берди!

Ўша шифокор, менга «бор-йўғи арзимаган умринг қолди», деган шифокор ким ўзи – Худоми? У ким ўзи, Аллоҳ Таоломи?!!

Ўшандан бери шу мазмундаги:

– Менга шифокор айтдики, буни даволаб бўлмас экан, – деган гапни эшитсам, бир хил жавоб қайтараман.

– Мен тупурдим ўша шифокорингга! Унинг фикрларига ҳам тупурдим!

– Аслида ҳақиқий шифокор фақат шундай дейиши мумкин:

– Мен буни қандай даволашни билмайман, лекин қидиринг ва сиз, албатта, бунинг давосини топасиз.

Бу – камдан-кам бўладиган ҳодиса. Лекин оқ халатдаги ҳақиқий аблаҳни дарров гап-сўзидан таниб олса бўлади: «Бу-у – бедаво касал!» – дейди у.

Шунақаларга айтгинг келади:

– Сен нима учун, қандай даволашни билмаслигингни айтмайсан?! Нима сен, Худомисан? Қани бошинг узра нур сочиб турган гулчамбаринг? Гулчамбар йўқ, лекин думингни мен кўряпман!

Менимча, айнан ўша жойда, тоғ чўққисида, мендаги ҳамма қатори тушунчалар ва қадриятлар билан яшайдиган одам ўлди.

Юлдузларга қараб туриб бирдан тушундим, мен яшайман! Ҳа буларнинг барига қарамасдан мен барибир яшайман! Ҳеч нарсага қарамай, барибир ғалаба қиламан! Биласизми, мен у ерда нима қилдим?

У тоғларда акс-садо жуда кучли. Мени қўғирчоққа айлантирган ҳамма муаллимларимни эсладим. Ўзларига ўхшамаганлигим учун мени койиган ҳамма одамларни эсладим. Мен бақирганча уларнинг исмларини айтиб сўкинардим, тоғлар ҳам мен билан бирга қўшилишиб сўкинишар эди.

Кейин орқага қайтдим, яланг оёқ деса ҳам бўлади, чунки қор тўпигимга келарди. Кийимларим ҳўл, лекин менга мутлоқо фарқи йўқ эди! Агар ўшанда, йўлда келатиб, қандайдир дарага учиб тушиб кетганимда, мен бахтиёр ҳолда ўлган бўлар эдим.

Менинг қадрдонларим, соғломлаштириш дарсларини ўтказа бошлаганимда, даволаб бўлмайди деб ҳисобланган касалликларга эътиборимни қарата бошладим. У ерда лейкоз ҳам бор, у ерда Онкологик касалликнинг тўртинчи даражаси ҳам бор, у ерда паркинсон касаллиги ҳам бор, у ерда ҲАММАСИ бор! Хаттоки тропик безгак ҳам бор. Булардан кимдир албатта даво топиб

тузалган! Мўъжиза ёрдамидами? Йўқ! Руҳиятининг кучи билан!

Бу рўйхат менда 1985 йил бошида битта ҳодиса бўйича тартиб берилди. Бугунги кунга келиб бедаво ҳисобланган касалликдан шифо топганлар рўйхатидаги тингловчиларнинг сони юзлаб ва минглаб. Тушуняпсизми? Юзлаб ва минглаб беморлар бедаво касалликдан ўзларини даволадилар!

Мана шу лаҳзадан бошлаб, азизларим, мен ҳамма тан берган ҳақиқатга тупурганман.

Бугун сиз шахс бўлиш йўлини бошлайсиз! Бугун сиз катта ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОНнинг биринчи қадамларини ташлайсиз! Сеҳргарлар дунёсига саёҳат бошлайсиз, энг асосий сеҳргар бу ерда – сизнинг ўзингиз, сиз ўз кучингизнинг нечоғли буюк эканлигини кўрасиз!

СИЗНИНГ Октавангиз

Менинг қадрдонларим! Ҳозир биз ўз тимсолимизни – қудратли инсон тимсолини яратиш устида ишлашимиз керак. Ғалабага эришадиган иродали, ёрқин ўй-фикрли, ёрқин ҳис-туйғули инсон тимсолини яратишимиз керак. Ўзимизнинг ЕТАКЧИ тимсолимизни, ўзимизнинг МУ-ЗАФФАР тимсолимизни, ўзимизнинг Ўша, ким бўлишни хоҳлаган бўлсак, орзудаги тимсолимизда ўзимизни ким деб кўрган бўлсак, бир умр ким бўлишни кейинга сурган бўлсак, уҳ тортиб: «Эҳ аттанг... майли бу ҳаётда эмас!»— дея қўл силтаган тимсолимизни яратишимиз керак.

Худди ўшани бунёд этамиз, яратамиз. Бу сизнинг кўплаб тайёргарликларингиздан бири бўлади.

Агар сиз аёл бўлсангиз, бу ишда ўзингизнинг таъсирчанлигингизни ишга солинг. Агар эркак бўлсангиз, қатъийлигингизга зўр беринг.

Ўзингизнинг қандай бўлишингизни хоҳласангиз, шундай бўлишга, ички амру-фармон беринг. Ҳозирнинг ўзида, шу сонияда. Бу хоҳишдан баданимиз роҳатланиб қувончдан жимирлаб кетсин.

Кучайтирамиз! Яна, Яна оширамиз. Ҳаммаси буткул ичимизда.

Ўз ичимизда кон очамиз – шоду-хуррамлик кони, бахт кони, ички интилиш кони.

Саломатликка интилиш.

Гўзалликка интилиш.

Ёшликка интилиш.

Кучга интилиш.

Тетикликка, бардамликка интилиш.

Эгилувчанликка интилиш.

Эзгуликка интилиш.

Ўзининг идеалига интилиш, интилиш, интилиш!

Ва бутун танамиз бўйлаб унинг тўлқинини ўтказамиз. Бунёдкорлик лаззатини, қувонч, таъкидлаш лаззатини, тўлқин изидан тўлқин шаклида бутун танамиз бўйлаб юргизамиз. Ички қудрат лаззати.

Ўз руҳиятингизнинг кучини оҳанрабо кўринишида ҳар бир ҳужайрага жўнатиш. Қалбингиз ҳарорати ва нурини ёрдамчи сифатида, худди баҳор қуёши сингари ҳар бир ҳужайрага жўнатиш.

Қалбингиз тафтида ҳар бир ҳужайра худди баҳор ғунчасига ўхшаб, қаддини ростлаб, ўзининг ялтироқ қанотларини ёйсин. Мана шу амру фармонни жўнатиш.

Фармон изидан фармон. Буйруқ изидан буйруқ. Севган ва севилган инсоннинг буйруғи.

Яна! Тўлқин! Кучайиш. Кўпайиб боради. Ўсиб боради.

Бошимиз равшан, ўзимизни тўлиқ назорат қиламиз. Хатти-ҳаракатларимизни ҳам тўлиқ англаб етамиз. Руҳияти кучли инсон фармони.

Ўз идеалимизни танлаб олиб, меҳрибон, тоза, аниқ, қатъий таъкид кўринишида ҳар бир ҳужайрага жўнатамиз.

Ҳар бир тукимизга жўнатамиз.

Ҳар бир мушакларимизга жўнатамиз.

Ҳар бир томиримизга жўнатамиз.

Танамизнинг ҳамма қисмига жўнатамиз.

У ерда оҳанрабо тўлқини, эврилиш тўлқини, қайта туғилиш тўлқини пайдо бўлсин.

Кучайтирамиз. Кўпайтирамиз. Янада оширамыз.

Яна. Яна. Яна.

Энди эса ўз таъсиримизни кучайтириб, кучайтириб борамиз. Ўз таъсиримизни кўпайтириб борамиз.

Ўз таъсиримизни оширамиз.

Сиз КУЧ эканлигингиз таъкидини оширамиз.

Сиз Қудратлисиз!

Сиз ГЎЗАЛСИЗ!

Сиз МУҲАББАТСИЗ!

Сиз БАРКАМОЛЛИКСИЗ!

Нима хоҳласангиз, ҲАММАСИ ўзингиз!

Кучайтирамиз. Оширамиз. Оширамиз.

Ва ўзимиздаги КУЧни тан оламиз.

Ўзимиздаги барча МЎЪЖИЗАКОРЛИКНИ тан оламиз.

Тан оламиз!

Энди эса анча кучли вариантни синаб кўрамиз.

Юксалиб бориш бўйича!

Қандай бўлишни хоҳласангиз, шундай бўлиш истагини беринг.

Қандай бўлишни ният қилган бўлсангиз, шундай бўлишга фармон беринг.

Сиз ўша эканлигингизнинг тасдиғини беринг!

Ички нигоҳ билан бутун танамиз бўйлаб ўтамиз. Ўз қалбимизда олиб юрган ўша мақсадни, ўша бунёдкорлик кучини, бунёдкорлик интилишини, истагини, фармони, буйруғини кетма-кет қабул қилдириб борамиз.

Доим юксалтириб бориш бўйича.

Энди ўзимизнинг ўша баркамоллик Тимсолимизни эслаймиз. Сиз уйғунликнинг ўзи, гўзалликнинг ўзи бўлган ўша ажойиб, ёшлик дамларини эслаймиз. Мана шуни ҳозир ФАРМОН кўринишида бутун танангиз бўйлаб жўнатасиз.

Энди эса яна хотиржам ва қатъийлик билан ўз идеалимизга қараб, ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ кўрамиз ва бу идеал тимсолни мажбуран танамизга ҚАБУЛ КИЛДИРАМИЗ!!!

Ўз қадримизни билган ҳолда ҚАБУЛ ҚИЛДИРАМИЗ.

Ўз кучимизни билган ҳолда ҚАБУЛ ҚИЛДИРАМИЗ.
Бунинг уддасидан чиқишингизни билган ҳолда ҚА-
БУЛ ҚИЛДИРАМИЗ!

Сиз катта ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОНСИЗ.

Сиз ШАХССИЗ!

ШУНДАЙ ФАРМОН беринг!!!

Сиз САЛОМАТЛИКнинг – фармони.

Сиз ҚУВНОҚЛИКнинг – фармони.

Сиз МУҲАББАТнинг – фармони.

Сиз БАХТИЁРЛИКнинг – фармони.

Сиз ўз оилангиз ТАЯНЧИСИЗ.

Фармон!

Шунчаки, ҳозир сиз ўзингизга эртанги кунингизни бе-
ринг!

Буни муҳаббат, қувонч билан қабул қилдирамиз.

Сиз ҳар бир ҳужайрангизда яратадиган бахтиёрлик
ҳолати.

Ўзимизда Яратганнинг буюк қудратини ҳис қиламиз.
Ўзимизни англаб, ўзимизни кашф қилиб, ўзимизни та-
ниб, ўз Эгамизни таниб борамиз.

Ўзингиздаги БАХТНИ англанг!

Ўзингиздаги КУЧНИ англанг.

Ўзингиздаги БУЮК БУНЁДКОРНИ ва БУЮК БУН-
ЁДКОРЛИКНИ англанг! ҚУДРАТЛИЛИКНИ унга тенг-
лаштиринг!

Бу кучни бутун тана бўйлаб ўтказинг,

тўлқинини, БАҲОРИЙЛИК тўлқинини йўналтиринг,

ЭВРИЛИШ тўлқинини,

ЁШЛИК деб аталган,

СОҒЛИК деб аталган,

КУЧ деб аталган тўлқинни йўналтиринг.

Танангизнинг ҳар бир қисмига ўз муҳаббатингизни
жўнатинг. Ҳар бир ҳужайрасига ўз қувончингизни жўна-
тинг. Ҳар бир ҳужайрангизга келажагингизни жўнатинг.

Ўзингизнинг буюк ички ОЗОДЛИГИНГИЗНИ жўна-
тинг!!!

БИР ПУДЛИ ТОШ ҳамда бўшаган атир идиши

Сиз ОКТАВА ҳолатини ҳосил қилдингиз.

Ҳаёт кучи, жонли қувноқлик бутун тана бўйлаб ёйилиб қонни кўпиртиради, бутун борлигингизга ҳузур бағишлайди.

Сиз буни қила олдингиз!

Эпладингиз, уддаладингиз!

Қойил!

Лекин бу улкан интилишнинг кўтарилиш жараёни мадорингизни қуритди, шундайми? Сизга шундай туюлма-яптими? Биринчи муваффақият натижаси сифатида пайдо бўлиши мумкин бўлган шубҳалар, ишончсизликлар ҳақида, бу ҳолатни йўқотиб қўйишдаги қўрқувингиз ҳақида айтгепман.

Бу ҳолатда нима қилиш керак? Қандай муносабат билдириш керак?

Тасаввур қилинг: кунлардан бир кун танангизнинг тухумсимон қисмига спорт билан шуғулланишдай ёрқин фикр келди.

Одамнинг умуман ишонгиси келмайдиган нарсани тасаввур қилиб кўринг: сиз буни қилдингиз. Эртаси куни мушакларингизда нима юз беради? Вой-бў, ҳаммаёғингиз зирқираб оғрияпти!

Ва сиз анча-мунча фаросатингизни ишга солиб, кейинги уринишлардан бутунлай воз кечишга қарор қиласиз. Айнан ҳаракатни давом эттириш сизни оғриқлардан халос этишини жуда яхши билсангиз ҳам.

Октава билан ҳам худди шундай.

Такрор, такрор, такрор, такрор!

Руҳиятингиз мушакларини чиниқтириш!

Бора-бора қалбингизнинг танаси кучга тўлиб, таранглашиб, эгилувчанлик, эркин ҳаракатланиш маҳоратини эгаллайди.

Албатта кузатинг, руҳий ҳолатингиз доим кўтарилиб борсин. Агар кеча хурсандчилик чўққисига ўн дақиқада кўтарилган бўлсангиз, бугун ўша чўққига беш дақиқада етасиз. Кейин яна ва яна юқорига интилишда давом этинг.



Гўзал мусиқа, таъсирли ашула, сеҳрли рақс, кўтаринки шеърлар, илиқ хотиралар, юракка яқин расм, бахтли кунлар ўтган жойларда сайр... Балки муқаддас китобларни ўқиш.

Бор тасаввурингизни ишга солинг.

Яна ҳаётингиз уюмини титкилаб, бир қанча фойдали нарсаларга дуч келишингиз мумкин.

Хотираларга тўла, сезилар-сезилмас ҳиди қолган атирнинг бўшаган идиши ёки болакайнинг қўли билан қинғир-қийшиқ қилиб чизилган бир парча нур таратиб турган қоғоз, ёки лабларингиз хотирасида қолган мулоим ва тоза биринчи муҳаббат. У ёғига ўзингиз қўшинг.

Буларнинг ҳаммаси сизнинг ҳақиқатларингиз ва ёрдамчиларингиз, Октава дунёсига йўл бошловчиларингиздир.

Р.С. Машгулотларда сира ҳам хурсандлик ҳосил қила олмаётганлигидан норози бўлувчи ўта истеъдодли қайсар тингловчи аёлларга, Мирзакарим Санақулович ўзига хос усул билан ёрдам беради.

У шунақа тингловчини саҳнага таклиф қилади, кейин бир неча марта елкасига қаттиқ уриб қўяди. Бу «жазанинг» қачон тугашини, табиийки, тингловчи билмайди ва ҳар гал кейинги зарбани кутади. Лекин, ҳаммаси тугагандан кейин эса, унда шунақанги хурсандчилик пайдо бўладики!..

Эркак тингловчилар учун – бошқа усул бор!

«Керак, албатта КЕРАК!»

Ўзингизни мажбур қила олиш санъати, ўзингизга фармон бера олиш санъати, мана, биз нимага етиб келдик.

Нимага фармон бериш? Истагимизни амалга ошириш учун, мақсадимизга етишиш учун. Айнан шуларга Октава ёрдамида эришилади.

Энди энг асосийси – сизнинг мақсадингиз. Сиз нима учун машқ қиляпсиз? Нима учун зўр бериб ҳаракат қиляпсиз?

Мақсад қўйинг!

Лекин бугунги ўз олдингизга қўйган мақсадингиз, қандай мақсад қўйган бўлманг, ким томонидан қўйилган? Ўртача статистик мажруҳ шахс томонидан. Фикримга қўшиласизми ёки йўқми?

Демак, бу мақсад жуда хом бўлиши мумкин, худди кичкина боланинг истагидай: «Катта бўлсам, космонавт бўламан. Космонавт – бу шунақа одамки, ҳамма унга совға беради. Конфетлар беришади, қўғирчоқлар беришади, машиналар беришади».

Сизнинг мақсадингиз ҳозир худди шундай кулгили бўлади.

Демак, агар сиз ҳеч қачон мусиқа билан шуғулланмаган бўлсангиз, ёшингиз ҳам етмишларга бориб қолган бўлса, ўз олдингизга рок-юлдузи бўлишни мақсад қилиб қўйманг. Агар сиз ўзингизнинг етмиш ёшингизда яна яслига боришни хоҳласангиз... бу энди... Амалга ошиши мумкин, фақат кутишга тўғри келади.

Амалга ошадиган мақсадларни қидиринг, ҳақиқатан,

айнан сиз учун зарур ва муҳим бўлган, амалга ошиши сизга азалдан жойланган бўлсин. Тушуняпсизми?

Ҳақиқий мақсадни қандай қилиб топиш мумкин? Қандай қилиб уни аниқлаш мумкин? Ахир улар жуда кўп бўлиши мумкин. Улардан қайси бири ҳақиқий?

Яхши. Жавоб бераман.

Айни шу дамда сизга ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ нима етишмаяпти? Сизга, айнан сизга! Мен, масалан, ҳозир сиз билан мен учун асосий бўлган мақсад ҳақида гаплаша олмайман. Менинг мақсадим сизга тўғри келмайди. Сиз шахсан ўзингизникини топишингиз керак.

Мана, тасаввур қилинг, ҳаёт – бу йўл. Қорли текисликдан кетаётганингизда, сизнинг мақсадингиз қандай? Иссиқ жой топиш, фикримга қўшиласизми? Ёки, айтайлик, сиз чуқур ўрада ўтирибсиз, мақсадингиз – ундан бир амаллаб чиқиб олиш.

Мен эса саҳрода кетяпман. Ҳозир ягона мақсадим, айни дамда бир қултум сув.

Агар мен саҳрода бўлсам ва менинг миямда ягона мақсад бир қултум сув бўлса, сиз эса менга иссиқ ҳақида гапира бошласангиз, биз бир-биримизни тушунмаймиз.

Мана, мен булоққача етиб келдим, сувни топдим, ташналигимни қондирдим. Энди нима? Ҳаётимдаги ягона мақсадимга етишдим?! Энди эса ўйлашни бошлайман: «Тамадди қилиб олсам эди» – бу кейинги мақсад. Тамадди қилиб олдим. Энди эса яна ўйлашни бошлайман: «Мизғиб олсам». Мизғиб олдим. Кейинги мақсад...

Демак, ҳозир, айни дамда, сизнинг асосий мақсадингиз қандай? Ана ўшани қўйинг. Сувни ичиш жараёнида, сиз ҳис қиласиз: нимагадир бу сув қоринни жуда ҳам беҳузур қиляпти, чунки қорин бўм-бўш.

Лекин барибир босқичма-босқич ҳаракат қилиш зарур.

Шунга ҳам тайёр бўлингки, мақсад сари қўйилган ҳар бир қадам нафақат сизнинг имкониятларингизни, бал-

ки хоҳишингизни ҳам ўзгартиради, фақат муваффақият эмас, балки мақсадингизни ҳам ўзгартириб боради. Шунини ҳам назарда тутингки, мақсадга томон ҳаракатланиш борасида, мақсадингизнинг ўзи ҳам ўзгариб боради.

Энг муҳими, қандай ҳаракат қилишни, қандай излашни, ўша булоқни қандай ҳис қилишни ўрганиш. Сув ичиб, нон еб, қорнингизни тўйдириб, ташналигингизни қондиргандан кейин сизда бошқа мақсадлар пайдо бўлади.

Қорни оч қорни тўқни тушунмайди, фикримга қўшиласизми?

Сув излаб кетар эканман, ўзимга айтаман: сувни топишим билан ташналигимни қондираман, кейин бутун қитъа бўйлаб болаларимни қидира бошлайман, севгимни излайман. Энг сўнгги мақсад – ўз муҳаббатимнинг булоғини топиш.

Агар мен сувни тополмасам, булоқларни ҳис қилишни ўрганолмасам, ҳамма режаларим чиппакка чиқиши мумкин.

Яна иззатталабликни ҳосил қилиш муҳим. Қадрдонларим! Озгина иззатталаб бўлинг. Бошқа одамларга нисбатан иззатталаб эмас, ўз ҳаётингизга нисбатан. Шундай баландликдаги меъёрни олингки, у ўзингизнинг кўзингиз етганидан ҳам озгина баланд бўлсин. Агар сиз ўз олдингизга миллиардер бўлишни мақсад қилиб қўйган бўлсангиз, бу сиз учун реал амалга ошиши мумкин бўлган мақсад.

Сизнинг бугунги мақсадингиз? Сиз яхшироқ бўлишини хоҳлайсизми? Чунки ўзингизнинг бугунги шароитингиз ўзингизни қониқтирмаяпти? Фикримга қўшиласизми ёки йўқми? У ҳолда энг оддийсидан бошлаймиз, майлими?

Сиз шундай режа тузингки, бу режангиздан онгингиз ҳам, ўй-хаёлларингиз ҳам рақсга туша бошласин. Мана шу режани аста-секин онг остига, ичкариларига йўналтирамиз. У ерда нима жойлашган? Метр ва килограммнинг

эталони қайси шаҳарларда жойлашган? Париждами ёки Лондондами? Демак, бизнинг бошимизда ҳам шундай қисмлар борки, у ерда хатти-ҳаракатларимиз эталони жойлашган.

Ўша қисмларга Октава йўли билан ўз режамизни киритамиз. Октава йўли билан ухлаётган, эҳтиёжсиз миянинг баъзи бир қисмларини ишга туширамыз.

МАРВАРИД қонуни

Яхши, Сиз ўз олдингизга мақсад қўйдингиз, айтайлик, бир йилга, беш ёки ўн йилга. Шундай мақсадингиз борлигини тусмол қиламиз, гўё сиз Багама оролларида ўз қасрингизни қурмоқчисиз, лекин ҳозирча чўнтагингиз тешигидан шамол уриб турибди.

Энди Сизга истаган нарсангизни қуриш учун нима зарур? Пул зарур деб ўйлаяпсизми?

Йў-ўқ.

Феъл-атворингизнинг қанчалар битлаганини текшириш учун таҳлил топшириш керак. «Битлиқилик» нималигини биласизми? Билмайсизми? Луғатга қаранг?

Нима учун сизнинг аввалги орзуларингиз амалга ошмади? Нима учун уларни амалга оширишга кириша олмадингиз? Феъл-атворингизнинг қайси жиҳатлари бунга тўсқинлик қилди? Халақит берган феъл-атворингизнинг ҳамма жиҳатларини санаб ўтинг. Ҳаммасини. Нима учун «яхши бўлишини хоҳлаган эдингиз-у, лекин ҳар доимгидек бўлиб чиқди!»

Ҳаммаси ўз ичингизда.

Феъл-атворингиздаги мана шу салбий хусусиятлар ҳисобнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Улар ўз устингизда иш бошлашнинг саноқ боши бўлади.


Уларни нима қилиш керак?

Ўйлаб кўринг, мақсадингизга етишда, ҳозир феъл-ингизни айнан қайси жиҳати тўсқинлик қилиши мумкин? Амалга ошишига йўл қўймайди. Тўғрими?

Энди эса унга қарама-қарши бўлган сифатни топинг. Топдингизми?

Биласизми, марварид қандай пайдо бўлади?

Моллюсканинг майин танасига дағал қумчалар тушганида, у ўзини ҳимоя қилиб, бу бегона нарсани садаф қатламлари билан ўрайди. Сизнинг феълингиздаги салбий жиҳатлар гашингизга тегаётган дағал қумчалар ўша сиз қимматбаҳо дурга айлантиришингиз мумкин бўлган сифатлар.



Иккинчи тайёргарлигингиз – мақсадингизга стиш учун зарур бўлган ижобий жиҳатли томоннинг психофизик нусхасини олиш.

Бунга қандай эришиш мумкин? Ниагара шаршарасига бориб келиш керак, парашютдан сакраш ёки кўчалардан шунақа зўр кийиниб ўтиш керакки, бу тушингизга ҳам кирмаган бўлсин ёки онадан қандай туғилган бўлсангиз, ана шундай кўринишда. Фақат тўғри маънода бажарманг, илтимос, бўлмаса... Тушунасизми?

Шундай **ҳаракатни** амалга ошириш керакки, олдин бу ишга ҳеч ҳам журъат қилмаган бўлишингиз керак.

Буни ростманасига яшаб ўтиб, ўзингизда ҳис этишингиз, ҳаяжонланишингиз, кўрқинишнингиз, ўзингизга қойил қолишингиз, ўзингиздан қувонишингиз керак. Сиз буни қила олишингизни ўзингизда синаб, ишонч ҳосил қилишингиз лозим. Қандайдир ҳаракатни амалга ошириш – муҳим нарса. Мана шу янги туйғулардан, янги ишончдан нусха олиш ва бу ҳолатни, бу ҳиссиётни эслаб қолиш керак.

Ниагара шаршарасига нима учун борасиз? Кўриш учунми? Балки ёзилиш учун ёки овқатланиш учун борарсиз? Йў-ўқ!

Янги истаклар учун! Ўз-ўзингизга бўлган ҳурмат учун! Сизнинг ташқи меҳру муҳаббатингиз, ўз кучингизга нисбатан бўлган ҳурмат ҳақиқийга айланиши учун.

Агар нусхаларни, тайёргарликларни фақат ўзингизнинг онгингиздан олсангиз, у ҳолда ўзингиз тарк этишни хоҳлаган бошланғич нуқтага яна қайтиб келасиз.

Тушуняпсизми?

Кичкина истакни амалга ошира туриб, сиз асосий мақсадингизни амалга оширишга замин тайёрлайсиз, янги шаклга эврила бошлайсиз!

Ва ўзингизни ирода кучингиз билан мажбурлашингиз керак. Сизни орзуларингизни, мақсадларингизни амалга ошира олиши мумкин бўлган инсон айнан сиз эканлигингизни ўзингизни қайта, қайта, қайта сингдиришингиз керак. Янги шаклга эврилишимиз зарур.

Демак, марварид қонуни. Олдингизда қаторма-қатор янги қомусингизни яратиш вазифаси турибди. Хатти-ҳаракатларингиз қомусини, шахсий хулқ-атворингиз қомусини яратиш. Муваффақиятларингизни таъминлайдиган қомус. Ҳаётингизнинг асосий муваффақиятини!

Биз сиз билан ҳозир айнан шундай маррага етиб келдикки, у ёғига ўзингизнинг мустақил йўлингиз бошланади. Бу йўлдан қандай кетасиз – фақат ўзингизга боғлиқ. Бу йўл фақат сизники, шахсан сизники ва бошқа ҳеч кимники эмас.

Ёшликнинг УЧИНЧИ айёмидаги

Хоним тўзиган пойабзалда _____

Дарвоқе, менинг айрим шахсий рекордларим ҳам бор. Баъзилари ҳақида гапириб бераман.

Бир куни соғломлаштириш курсига битта хоним келди. У шунақаям эзилган ҳолатда турардики... Саранжомгина, озодагина, тозагина, лекин... Лекин шунақа кампирлар бўладики, улар жуда... ширин. Тўзиган нарса кийган бўлиши мумкин, лекин сариштагина, озода, дазмолланган. Тушунялсизми? Бурни қариликдан шокила тортиб кетган.

Оёқларида бўлса ўтган аср бошида совға қилинган оқ туфли ва ҳар бир ўтган саркотиб ва президентлар томонидан қўшиб берилган биттадан ямоқ.

У келиб жуда маданиятли тарзда деди:

– Балким, бу машғулотларга қатнаша олишим учун менга қанақадир юмуш берарсиз?

Бу кутилмаган илтимосдан бироз гангиб дедим:

– Албатта. Мана сизга кириш чиптаси. Ҳар доим мумкин...

У соғломлаштириш машғулотларини жуда яхши тутатди. Кейин яна келиб деди:

– Биз сиз билан яқин бўлиб қолдик, сиз одамнинг ташқи кўринишига қараб баҳоламаслигингизни мен англадим. Менда пул йўқ, лекин Асосий курсга қатнашишни хоҳлайман.

Бу илтимос мени хижолатга қўйди. Асосий курс, асосан, ёшларга, фаол ёшдаги одамларга, жуда бўлмаганда, каттароқ ёшдаги одам-у, лекин унинг қўйган мақсади олдида султонлар ҳам йўл бўшатиб берадиган одамлар учун мўлжалланганди. Ўша, иқтисодий қарамлик қо-

ниқтирмайдиганларга, бу заминда ўз изини қолдиришни хоҳлаганларга мўлжалланганди.

Мен унга дедим:

– Азизам, сиз қайси мақсадлар устида ишламоқчисиз? Сиз ҳозир олтмиш тўртдасиз. Олтмиш тўрт йил сиз «кўр» бўлгансиз.

Майли, кўзингизни очамиз, гуддасимон безни ҳам тиклаймиз. Ундан қанақа мақсад учун фойдаланасиз? Болалар улғайган, эрингизни муддатсиз сафарга жўнатгансиз...

– Менинг, – деди у, – ягона орзуим, ўз уйимда ўлиш. Қирқ йилдан бери шу лаънати «коммуналка»да яшайман, ўзининг шахсий уйида яшаш нима эканлигини билмайман. Менинг бирдан-бир орзуим шу.

– Майли, – дедим.

Унга шуғулланишга рухсат бердим-у, ўзимча ўйладим: «Майли, ўтирса ўтираверсин. Битта одам кўп, битта одам кам – нима фарқи бор».

Эътибор беринг!

Мантиқ ҳар доимгидек, олдинга чиқиб вайсаяпти: «Ундан нима ҳам чиқарди?»... Лекин кўнглимнинг туб-тубидан интуиция айтиб турарди: «Бу одамдан нимадир чиқади».

У асосий курсни ўтади, биз шуғулландик. Бир амаллаб, кам деганда, ғам билан бошлади. Ниманидир бошлади-да.

Олти ойдан сўнг иккинчи марта Асосий курсни ўтказиш учун Санкт-Петербургга келдим. У олдимизга келаяпти.

– Мен, – дейди у, – ҳаммангизни бугун чой ичишга ўз уйимга таклиф қилмоқчиман. Лекин ҳаммангиз у ерга сиғмайсиз, чунки уй кичкина. Мен, бу уйни **сотиб олдим**.

У яна деди:

– Мен, бу ерга келганимда, пулим йўқ эди. Бугун эса мен ўз уйимда яшаяпман. Бир хоналик, кичкина бўлса ҳам, ўзимники.

У ўз бошидан кечирганларини гапириб берди. Залдагиларнинг деярли ҳаммаси йиғлади.

Мен тушунаман, кўпчилигингиз учун бу жуда ҳам кичик муваффақият бўлиб кўриниши мумкин. Қанақадир майда-чуйда. Лекин ёшни ҳисобга олинг. Унинг бир тийин ҳам ортиқча пули бўлмаганлигини ҳисобга олинг. Унинг шаклланган ҳаёти, шаклланган феъл-атворини ҳисобга олинг. Ва у мақсадини амалга ошира олди!

Мен учун, масалан, баъзи бир шогирдларимнинг юз миллионлаб долларлари унинг бир хонали уйи олдида бир чақага ҳам арзимайди. Нима учун мен шунақа фахрланиб гапиряман? Мен, педагог сифатида, шунақа би-тирувчиларим билан фахрланаман. Тушуняпсизми?

Фаҳм-фаросатли УЛФАТ

Бир неча йил аввал машғулотлар ўтказиш учун бошқа шаҳарларга тез-тез бориб турардим. Навбатдаги сафаримда мени трап олдида машиналар кортежида кутиб олишди.

Башанг кийинган эркак олдимга келиб, саломлашди ва бир соатлик қисқа экскурсия учун рухсат сўради. Ўзимча ўйладим: «Ким булар? Нима учун менга илтифот кўрсатишяпти? Яна аллақандай экскурсиялар?»

Кейин қарор қилдим: «Меҳмонхонада эртанги гуруҳ билан учрашувни кутиб ўтиргунча, фурсат борлигида сайр қилсам қилибман-да». «Майли, кетдик!», дедим.

Биз супермаркетга келдик. Айтмоқчиманки, дўкон ёмон эмас, бадавлат харидорларга мўлжалланган.

Дўкон бўйлаб борялмиз. Ҳамроҳим ҳамма нарсани кўзи билан кўрсатиб, сирли равишда ишора беради: «Бу дўкон – меники».

Кўчага чиқамиз, йўлнинг нариги бетига ўтиб, бошқа дўконга кирамиз. У ерда яна: «Бу – менинг дўконим», дейди. Учинчи дўконда энг қиммат спиртли ичимликлар, қаҳва, тамаки ва бошқа нарсалар бор бўлиб, у яна: «Бу – менинг дўконим», дейди.

Шу ерда мен қаршимда бирдан бойиб кетиб, ақлдан озган «янги рус» турганига амин бўлдим.

«Мана, бош оғриғи, – ўйладим ўзимча, – қўлга тушдим! Сен нимага ўз бойлигинг билан мақтанаяпсан?! Жуда жўн бўлганидан, мен улар билан ҳатто битта дастурхон атрофига ўтиришни хоҳламаган бойваччалар ёнида сен уларнинг тирноғига ҳам арзимайсан!».

Мен учун бойликнинг аҳамияти йўқ, чунки бундан ўтганман. Асосийси, одамнинг қанақалиги.

Ресторанда эса у бутунлай ғазабимни қўзгатди. Худди тўтиқушдек: «бу – меники», «бу – меники», «бу – меники...» – деяверди.

«Мана, – ўйлайман, – падарингга... Балким, менинг муштим ҳам сенинг башарангга тегишлидир?!»

Унинг охирги қилиғи мени бутунлай адои-тамом қилди.

Катта залга кирдик. Ўртадаги катта столда нималар йўқ дейсиз! Одамлар кимнидир кутиб ўтиришибди. Маълум бўлишича, бизни кутишаётган экан.

Бу тўтиқуш мени битта хоним ёнига бошлаб келиб: «Бу менинг шахсий хотиним, мен унга бошқатдан уйланганман», – дейди.

Худди хотин жамоатники бўлиши мумкиндай! Яна ким билади... Кейин иккита болани кўрсатиб: «Булар – шахсий болаларим, улар учун бошқатдан туғилганман» ва ҳаммаси «меники, меники, меники!» деди.

Албатта сеники-да, меники эмас-ку, ё тавба!

Тагин ким билади...

Унда яна манманлик васвасаси ҳам бор экан. Сўз олиб, менинг шарафимга қадаҳ сўзи бошлади: «Сизни шарофатингиз билан...». Мана шу ерда менда тушунмовчилик пайдо бўлди, кейин қизиқиш, сўнгра ўзимнинг ўй-хаёлларимдан қаттиқ уялиш ҳисси пайдо бўлди. Э, Худо! Бу одам феномен ахир, худди қақнус қушга ўхшаб рекорд муддат ичида ўзини қайтадан тиклаган!

Маълум бўлишича, бу одам етти йил аввал операторлар хонасида, ўша пайтда бизда динамика ва микрофонларга мудирлик қилган дўст-улфати билан яшаган экан.

Ҳар доим ўша ерда жамоа йиғилиб, ўзларига, одоб билан айтганда, байрам ташкил қилинар экан. Бу ювинди хонага киришнинг иложи йўқ эди: сассиқ ҳид, сигарета қолдиқларига тўла консерва қутилари, яғири чиққан кийимлар, овқат қолдиқлари, ювилмаган идишлар.

Биз маъмуриятдан у ерни тартибга келтиришни сўраган эдик, ҳеч қандай натижа бўлмади.

Менинг қаҳрамонимни ўша пайтда умуман яшайдиган жойи бўлмаган. Маълум бўлишича, у ҳамма нарсани сотиб ичган, содда қилиб айтганда, дайди бўлган. Ўзининг пиёниста дўстини топиб, мана шу тор хонада жойлашган. Вақтини у бош оғриғидан бу бош оғриғигача ҳамфикрлари орасида ўтказар экан, хира тортган кўзларини фақат шиша билан стаканни топиш учун очаркан.

Бир куни дўсти шунчалик кўп отиб юборганки, бизнинг қаҳрамонимиз унинг ўрнига ишлагига тўғри келган. Кейин эса бу ҳолат тез-тез такрорланиб турган.

Хоҳлаб-хоҳламай у қулоқ тута бошлаган, машғулотларни кузата бошлаган. Аста-секин қизиқиш ҳам пайдо бўлган. Баъзи машқларни ўзида синаб кўрган. Унинг сўзига қараганда, шунчалик берилиб кетганки, менинг ҳар бир келишимни кута бошлаган.

Тахминан бу ҳолат бир йилча шу тарзда давом этган. Бу вақт ичида ароққа қизиқиши бутунлай сўнгган. Энди у ҳаммадан яширинча лекин **онгли** равишда шуғуллана бошлаган.

Бунинг оқибатида у нималарга эришганини сиз фаҳмлаб етдингиз.

АЁЛ нималар ҳақида ўйлайди? _____

***«сийсий машгулот»
пайтида шифтга боққанча***

Бу ерда интуициянинг нима алоқаси бор? Сизга биз бошқа томонларга кетиб қолгандек туйилмаяптими?

Йўқ, биз ҳеч қаяққа кетмадик. Мен сизга интуицияга борадиган йўлни кўрсатдим. Йўлнинг бошланишини. Қандай қилиб гуддасимон безни фаоллаштиришни кўрсатдим. Англаш орқали фикрлаш қобилиятингизни қандай ўйғотишни кўрсатдим.

Бу фаоллаштириш нима учун керак?

Сиз печкани нима учун ёқасиз? Уйни иситиш ёки нимадир пишириб тайёрлаш учун... Гарчи кўпчиликда печка, албатта, энди йўқ. Ҳеч бўлмаганда, кинода кўришган? Ҳа, майли! Сиз газ плитасини ёқасизми? У ҳам йўқ?

Ҳа, менинг эсимдан чиқибди, ахир сиз ишчи отларсиз. Отлар эса таом тайёрлашни билишармиди? Ё шунақа эмасми? Қаерда кўргансиз, отлар ўзини пичанзорида нимадир тайёрлашганини? У ерда овқат қилай десангиз ҳамма нарса ёниб кетади.

Давом эттирамиз. Мен нима ҳақда гапираётгандим? Хотирани яхшилаш тўғрисида. Ёки сизнинг миянгиздаги оргазм ҳақидами? О, буниси хотирангизда экан!

Мана шу экстаз сиз яратишингиз керак бўлган роҳатланишнинг юқори ҳолати ва фонидир. Фақат фон! Бу – столдаги тоза дастурхон дегани.

Айнан мана шу ҳолатда сиз ўзингизга керак бўлган дастурни берасиз, дастурни ўзингизга мажбуран қабул қилдирасиз. Айнан қабул қилдирасиз!

Бу нима учун керак?

Диққат! Англаб етилмайдиган жараёни онгли равишда бошқариш учун. Онгли равишда ўзингизга керакли феъл-атворнинг сифатларини, ўзингизга керакли қобилиятларни мажбуран қабул қилдириш учун.

Бу машқни бажариш вақтида биз ўзимизда керакли сифатларни ва қобилиятларни машқ қилдирамиз, уларни қабул қилдириб, силлиқлаб ишлов берамиз.

Бўлди-и-и!!!

Агар биз бу экстаз ҳолатини олиб ташласак, нима бўлади? Сиз ўйлайсиз: «Секинроқ кетади?» Йў-ўқ. Умуман ҳеч нарса кетмайди.

Нима учун «ҳеч нарса»? Чунки Октава вақтида ишқилиб картошка куйиб кетмаслигини ёки эртага ҳисобот балансини топшириш кераклигини ўйлай бошласангиз, у ҳолда бу ҳамма билган ўша латифага ўхшаш бўлиб қолади.

– Шифтга тикилганча жимо билан машғул бўлган аёл нима ҳақда ўйлайди?

– Шифтни таъмирлаш ҳақида.

Сиз эса мендан қандайдир ақлли гап эшитишни хоҳлаганмидингиз? Адашдингиз!

Экстаз – ҳеч қандай фикрнинг бўлмаслиги, бунда фақат туйғу ва интилиш бор. Юксак ҳиссиёт! Шунчалик юксакки, бу ҳолатда вақт ҳам тўхтаб қолади. Айнан мана шу ҳолатда асосларнинг асоси қўйилади – сизга ғалаба қозониш учун керак бўладиган феъл-атворингизнинг жиҳатлари, сифатлари қўйилади.

Ҳа, парадокс: тўлиқ фикрлаш функциясини тиклаш учун фикрлаш жараёнини ўчириб қўйишни ўрганиш керак. Айнан экстаз ҳолатида у ўчиб қолади.

Сиз оргазм вақтида нима ҳақда ўйлайсиз? Умуман нима ҳақда бўлса ҳам ўйлайсизми? Ҳеч нарса ҳақида ўйламайсиз, фикримга қўшиласизми? Чунки сиз ҳис қиласиз! Фикрлар эса йўқ. Бўшлиқ.

Мана шу бўшлиққа пойдевор бўлиб сизнинг мақсадингиз, «худди шундай бўлади» кўринишидаги билимла-

рингиз жойланади. Мана шунинг ўзи «қайта дастурлаш» деб номланади.

Бу нима беради?

Диққат қилинг, қандай ажойиб, оғриққача зирқиратадиган сўзлар: «Нима беради?». Кўзимни очган ўз меҳнатим учун нима оламан?

«Нима беради?» деган саволга «ҳамма саволнинг ечимини» десам, бу бўрттириш бўлади. Жуда катта бўрттириш.

Лекин «ҳамма саволнинг ечимини ҳам беравермайди» десам, бу камайтириш бўлади. Тушуняпсизми?

Бу – ўзига хос тайёргарлик, ўз ичингиздаги ҳақиқатга олиб борадиган сўқмоқ йўл.

Бу қонимизда бор _____

**Мен «вов» дейишни
уддалайман. Сиз-чи?**

Биз сиз билан нима учун ўз устимизда ишляпмиз? Нима учун ҳозир машқ қияпмиз? Нима учун кечириш йўли билан ўзимизни тозалаяпмиз?

Оғир думбага ўхшаб осилиб қолган бошимиздаги бир жуфт ярим шарларимизни енгиллатиш учун. Фикримга қўшиласизми?

Ҳа, албатта, биз ўзимизнинг эзгу ният, ёрқин истак ва интилишларимизни амалга оширишни хоҳлаймиз-ку. Бунинг учун ўзимизнинг жуда келишган қуймичларимизни оромкурсидан кўтаришга тўғри келади.

Агар миямизнинг ҳар бир ярим шари тахминан футбол майдонидай келадиган ўлчамдаги чеклашлар билан тўлган бўлса-чи? Керакли йўналиш бўйича ҳаракатланиш имкони борми? Сизнинг фикрингиз? Камроқ?

Биз ўзимиздаги яширин қудратли кучга етиб боришимиз керак, бунинг учун эса фақат интуицияни фаоллаштириш билан чекланилмайди. Ўзимизни янада кенг-роқ доирада англаб олишимиз керак.

Мана, кўпчилик икки оёқлиларни бескорчиликда ўйлантирадиган қизиқ савол!

Нима деб ўйлайсиз, сиз левитация қила оласизми? Эй, менимча, жуда ақлли қилиб сўрадим. Қисқача айтганда, учишни биласизми?

Мана бошингиз, аниқ билади. Сиз товонингизга таянганда – бошингиз, бошингизга таянганингизда – товонингиз парвоз қилади. Демак, бизнинг доим нимамиздир парвоз қилади.

Хулоса: агар нимагадир бутун танамиз, қалбимиз, руҳиятимиз, ақлимиз билан таянсак ва бошқаларга номаълум аллақандай ҳаракатларни бажарсак, сиз бургадай учишингиз мумкин.

Одам уча олиши мумкин деган ҳар қандай маълумот сафсата! Шунчаки сафсата! Бори шу. Фикримга қўшила-сизми?

Мен ҳам худди айни дамда сизга ўхшаб, бу мумкин деган ҳар қандай одамга, бу одамнинг соғлиғи жойида эмас, деб қараганман. Токи ҳаётимда бир ҳодисага дуч келмагунча.

Биласизми, мен нима учун уча олмайман? Шунинг учунки, менда ақл бор, унда эса бугунги кун физика қонуни бўйича «бу бўлиши мумкин эмас», деган билим бор, чунки бу қонун ўз вақтида одамнинг коинотга учишини ҳам сафсата эканлигини жуда аниқ билган.

Бир гал шундай иши билан мени жуда қийин аҳволга солиб қўйган ўша кампир эса, шубҳасиз, бу қонунларни билмаган. Физикадан ҳам унинг баҳолари нуқул «икки» бўлган бўлса керак. Ҳа, бўлади-ку шунақалар – меъёрдан ташқарилар.

Агар ҳозир бизлардан кимдир ирода кучи ёрдамида ердан кўтарилса, бу нимани англатади? Демак, бу қобилият ҳам бизга азалдан берилган. Ҳар биримизга! Демак, бу қобилият сизда ҳам бор, ҳурматли ўқувчи!

Мана, масалан, мен «вов» дейишни уддалайман, сиз эса буни такрорлай оласиз. Демак, бу қобилият ҳар биримизда бор. Агар сиз бу «вов»ни ҳеч қачон эшитмаган бўлсангиз-чи? Демак, «бўлиши мумкин эмас»ми?..

Бу – оддий одамлар принципи – меники, сизники. У биз ўзимизни билмайдиган доираларда ишлайди. Инкор этиш – энг самарали вариант. Инкор этдик... Футбол майдонидай келадиган бизнинг миямиз оромкурсида ялпайганча дам олди.

Мана битта ҳодисани гапириб бераман.

Анча йиллар муқаддам бепоён давлатимизнинг кўплаб пойтахтларидан бирида соғломлаштириш машқини ўтказаётган эдик.

Тасаввур қилинг, тўққиз юз ўринга мўлжалланган аудитория лик тўлган. Машғулотимизнинг бешинчи ёки олтинчи куни эди.

Машғулотларнинг фантазияни ривожлантириш элементларидан бири – «хаёлан учиш» машқи бўлиб, бу машқда тингловчилар кўзларини юмиб, учиш мавзусида хаёлпарастлик қилишади. Учишни кўпчилик истамайди, лекин бу машқ пайтида шунга мажбур.

Мана, кўзларимни юмиб, ўзим ҳам хаёлан учаяпман, маза қилиб, ўзимнинг хаёлимдаги нарсаларни сўзларга ўтказиб, микрофонга гапиряпман. Залда ўтирганлар ҳам хаёлан учишяпти, уларнинг ҳам кўзлари юмилган. Бир сўз билан айтганда, жамоа билан учиш ёки парвоздаги жамоа.

Бирдан, кимдир мени елкамни силкитяпти. Чўчиб тушиб, жаҳл билан ўгирилдим: бу қанақаси, айтиб ўтиб юрганда, яъни иш пайти... чалғитишади.

Менинг ёрдамчим юзлари докадай оқариб турибди, бир қўли билан елкамни силкитяпти, кўзини нимадандир узмасдан бошқа қўли билан зални кўрсатяпти. Кўзлари яна шунақаки... Наҳотки, кимдир ўлган бўлса? Кўрқиб, ўша томонга қарайман. Э, Худо!!! Наҳотки?

Микрофонда тинмай гапиришда давом этаман, ўзим ҳам нималигини билмайман, менимча, учиш мавзусида нималардир гапирган бўлсам керак.

Маълум бўлишича, ўша томонда қўлларини тирсак қўйгичга қўйганча етмиш ёшлардаги кампир, креслода бўшашиб ўтирганди... Фақат кресло уч метр пастроқда, ўзи эса ҳавода осилиб турибди.

Олдин кўрқиб кетганимдан машғулотни тўхтатмоқчи бўлдим, ахир у уч метр тепаликдан одамларнинг бошига қуласа-чи?! Йиқилиб тушса-чи?!

Суяклар бу ёшда мўрт бўлади!

Бу вақт ичида у ўзининг қонуний аэродроми, яъни креслосидан яна озгина четроққа учишга улгурган эди.

Минғирлашда давом этаман: «Майсазорлар устидан учамиз, булутлар орасида ва бошқа, ва бошқа...», ўзим эса саросимага тушиб ўйлайман, «қандай қилиб уни қўниш йўлагига қайтариб, қандай қилиб унинг қўнишини ташкил қилиш керак?»

Микрофонни қўлларим билан ёпиб, ёрдамчиларимга шивирладим:

– Ўша ёққа югуринглар! Қандай қилиб, нима қилиб бўлса ҳам бирор нима қилинглар, фақат уйғониб кетмасин! Бир амаллаб тортинглар уни... Сизлар ухлаб қолдингларми? Уйғонсанглар-чи! Тезроқ! Нимага менга тикиляпсан? Бу туш эмас! Миянгни ишлат! Тез! Чоп!

Кампирнинг ёнига келиб, унинг тагида туришганини тушунишди, лекин унга етиб бўлмас экан.

Ёрдамчиларим дарров кўрсатиш таёғига алюмин симдан илгак илиб, кампирни қўниш жойига тортишга ҳаракат қила бошлашди. Мен эса тўхтамасдан микрофонга жаврашда давом этипман.

Бу машғулотларим ичидаги энг узоқ давом этган парвоз бўлди. Йигирма дақиқа ўрнига деярли бир соат учишди. Залдагиларнинг ҳаммаси кўзларини юмиб ўтирарди. Агар кўзларини очишса, ярим зал, тўғри маънода айтганда, ақлдан озиши тайин эди. Тасаввур қилияпсизми, қанақа шок?!

Илгакни ясагунча, залдаги елвизак бу кампирни яна ҳам узоқроққа олиб кетди. У худди ўргимчакдек бутун зал бўйлаб саёҳат қиларди. Охири уни пошнасидан ушладик.

Эҳтиёткорлик билан, аста-секин, ёрдамчиларим уни кресло томон торта бошлашди. Жамоани учинчи марта шаршарада чўмилтириб, майсазорда югуртираётганимни пайқадим. Одамларда аллақачон тумов бошланди, биз эса ҳалиям учяпмиз, момақалдироққа қараб учяпмиз...

Худди шарни ипидан тортгандай, бу кампиршони жойига олиб келишди, илгак билан унинг қўйлагининг

чеккасидан тортиб, астагина креслога тортишди. Ниҳоят, бир амаллаб ўтқазилди!

Шу билан машғулот тугади, чунки уни давом эттириш учун ҳеч ким ишлай олмас эди. Кейин эрталабгача ўтириб, муҳокама қилдик.

Агар бирор илмий, ақлли кимса: «одам ирода кучи ёрдамида ердан кўтарила олмайди» деса, у қандай илмий унвонлар эгаси бўлмасин, дарров ташхис қўяман: қарилликнинг охириги босқичидаги ҳўтик.

Менинг қадрдонларим! Бу – реал ҳодиса! Гарчи мен минг марталаб бунақа машғулотларни ўтказган бўлсам-да, ҳеч ким учмаган эди, у эса учди.

Кейин биз бу кампир билан гаплашдик. Мен унга, учгани ҳақида гапирганимда, у ишонмади! Ўша маҳал унинг ўзи ҳеч қандай ўзгаришни ҳис этмаган. Биз яна учини такрорлаб кўрмоқчи бўлганимизда, ҳеч қандай натижа чиқмади.

Чамаси, унинг шу биринчи шижоати, биринчи беғубор хоҳиши шунақа натижа берган. Қизиғи, бу ҳодисадан кейин у ҳамма касалликларидан бутунлай соғайиб кетди, яна ҳам қизиғи, унда ёшариш мўъжизаси юз берди.

Буларнинг ҳаммасидан кейин ўзимизнинг имкониятларимиз ҳақида қандай фикрлар бўлиши мумкин?

Демак, бу ҳар биримизга бахш этилган!!!

Энди сиз учун кичкинагина ишора. Сиз ўз-ўзингизга «мураббий» ясаб олишингиз мумкин, сизни парвоз қилишга ўргатадиган: қандай ўрганиш, нимани кучайтириш, нимани улаш, қандай ҳолатга киришни ўргатадиган. Бу мураббий – тарози.

Ўзингизга тарози ясанг, граммларгача кўрсатадиган бўлсин... Йўқ, килограмм эмас, тонналар эмас, граммларни кўрсатсин. Унда ётиш имкони бўлиб, кўз олдингизда кўрсаткич кўриниб турсин.

Аста-секин бу тарозида ётиб, ўзингизда учининг турли истакларини саралай бошлайсиз. Қандайдир бир

ички ҳолатни қидиринг, шу пайтда сизнинг вазнингиз бирдан камая бошлайди.

Шунчаки ўйин тариқасида, бир неча ой мобайнида, кунига ярим соатдан шуғулланиб, бизнинг ҳар биримиз ўн-ўн беш килограммгача ўз вазнимизни камайтиришга ўрганиб олишимиз мумкин. Бу тарози – мураббий, индикатор вазифасини ўтайди. Парвоз қилишни ўрганиш учун ўзингизни қандай тайёрлаш кераклигини ўргатади. Истагингизга фармон берасиз ва қарайсиз: агар ҳамма нарсани тўғри қилаётган бўлсангиз, кўрсаткич нолга туша бошлайди. Мана шундай.

Демак, биринчи уй вазифаси. Агар ўзингиздаги қудратни билиб олмоқчи бўлсангиз, устозликка тарозини олинг.

Ўз уйингизни техник жиҳатдан жиҳозлаб бўлганингиздан сўнг, машқларни бажаришга тушинг. Ҳафтасига камида уч марта, ўн беш дақиқадан.

Биламан, ҳурматли ўқувчилар, сиз ҳозирнинг ўзида машқларни бажариш истаги билан ёнаяпсиз. Лекин шуни ҳам биламан, сиз ҳеч қачон бу билан шуғулланмайсиз. Ахир, тарози топиш керак, кейин ҳар куни машқ қилиш, яна ўзингизда тушуниб бўлмайдиган нималарнидир қидириш керак. Бунинг ҳаммасини сиз, ҳеч қачон етиб келмайдиган кейинга қолдирасиз.

КУЧ МАНЗИЛЛАРИ

Энди сизга юқори даражадаги Усталар нима қила олиши ҳақида гапириб бераман.

Ҳар жума куни улар ўзларига маълум, муайян бир жойда беш дақиқалик йиғилишга тўпланишлари керак, худди шифокорларда одат бўлгандай.

Қандай қилиб, ер шарининг турли жойларида бўла туриб, маълум бир кунлари тажриба алмашиш манзилларида йиғилишади? Сиз нима деб ўйлайсиз.

Қайси маҳоратлари эвазига улар **бир вақтнинг ўзида** икки-уч жойда бўлишни уддалашади?

Нима учун эртага нима содир бўлишини билиш – улар учун оддий нарса?

Оддий одамларнинг имкониятларидан бир неча марта ортиқ бўлган **куч ва имкониятларни** қаердан олишади?

Баъзи ерларда, «куч манзиллари» деб аталган шунақа жойлар мавжуд. Устозлар минг йиллардан буён бундай жойлардан фойдаланишади. Ернинг табиий ва тоза қуввати тўпланган жойлар, воҳаларни интуитив тарзда излаб топиб, улардан фойдаланиб келишади.

Бу кучларни ишлатиб Усталар миянинг ухлаётган қисмларини фаоллаштиришади.

Бу қанақа куч?

Атроф оламдаги, макондаги, ҳаводаги ва ер тагида сочилган куч зарраларини йиғадиган, тўплайдиган табиий булоқлар бўлади. Хитойликларда у «ци» деб номланади. Сўфийларда эса бу «барака», «фаровонлик» деб аталади. Кўп ҳолларда бундай жойларнинг суви шифобахш бўлган булоқлар билан боғлиқ.

Бошқа манбалар жуда шиддатли кучга эга бўлганлари тоғ чўққиларида учрайди, бироқ ҳаммасида ҳам эмас.

Тоғли жойларнинг камдан-кам учрайдиган ўзига хос геометрик ва геологик уйғунлиги, қувватнинг вертикал ҳолатда отилиб чиқишига олиб келади. Тоғ бу ҳодисада фокусловчи линза ролини ўйнаб, кучни бир нуқтага йўналтиради. Бундай кучлар вулқони фақат узоқ турган кенг тоғли жойларда ҳосил бўлади.

Ҳаракатдаги вулқонлар билан адаштирманг?! У ерда жуда хавфли, вайроналик келтирувчи, бошқариб бўлмайдиган кучлар ҳосил бўлади. Усталар уларни ҳам қўллашади, лекин камдан-кам ҳолларда ва хоҳишларига қарши.

Бу ифлос, заҳарли манбалардан яқин-атрофда бошқа нарса йўқлиги натижасида, охириги зарурат сифатида фойдаланилади. Улардан хавф-хатарнинг қай даражадалигини ҳис қилган ҳолда ҳаёт ва ўлим масалаларини счишда фойдаланишади. Бунақа таваккалчиликка фақат энг олий тоифадаги Усталар бора олишади.

Кейинги куч манбаи – энг исталган, энг нозик табиатли, энг баракали фаровон жойлар, бу жой энг софдилларни ўзига тортиш билан бирга, нияти тоза бўлмаганларни ҳам ўзига жалб қилади. Бундай жойларни сўзлар билан аниқ таърифлашнинг иложи йўқ...

Истасангиз, бунини «бошқа ўлчам дунёсининг дарвоза»-си деб аташимиз мумкин. Истасангиз, «дунёлар оралиғидаги йўлак» ёки «транспортёр», «кўтаргич» деб аташ мумкин, қандай хоҳласангиз шундай атайверинг.

Айтгандай, «Оловуддиннинг чироғи» деган ном ҳам тўғри келади. Фақат яхши жиннинг ролини ўйнаш сизга берилган.

Ҳаммасидан ҳам кўпроқ бу жойларга, менинг назаримда, «Тангри Девони қошидаги Академияга йўл» деган ном тўғри келади. Узр, ҳазил ўрнига тушмади!

Бизнинг ҳозирги машғулотларимиз куч манзилларидан анча узоқда ўтгяпти.

Бу ҳақда анча батафсил тарзда, ишчи номи «Бобоси-ю момосининг сирлари ёки сирли илмлар алифбоси» деб номланган китобимда гапириб бераман.

Шу билан куч манзилларига блиц-экскурсия тугади, деб ўйлайман.

Давом этамиз.

P.S. Ҳм, йўқ! Ҳурматли ўқувчилар, сизга кичкина дам олишни таклиф қиламиз. Бизнинг яширган маълумотларимиз орасида куч манзиллари ва у ерда қандай имкониятлар намоён бўлиши ҳақида баъзи бир қизиқарли маълумотлар бор.

Мирзакарим Санақуловичнинг шогирдлари бир гал Ўзбекистонга бориб келишгандан сўнг, мана, нималарни гапириб беришди.

Ўша жойга машаққатли узоқ йўл босиб етиб бордик. Москвадан Тошкентгача тўрт соат учдик, кейин беш соат машинада йўл юрдик, яна уч соат чегарада турдик.

Биз ўнта одам ўтирган фургонли машинани, тоғдан эсаётган жуда қаттиқ кучли шамол бўш елим идиш мисоли у томондан-бу томонга чайқарди. Оёқда туриб бўлмас, кучли шамол шовқин солиб, йиқитар эди.

Манзилга етиб келганимизда, қоронғи тушиб қолганди. Биз дарров уйга кирдик.

Куч манзилларига келаётганда йўлда Мирзакарим деди:

– Йигитлар, мана биз сиз билан анча шуғулландик, машқ қилдик. Энди сизларда ўз кучингизни синаб кўриш, ўзингизнинг янги салоҳиятларингизни аниқ билиш имконияти мавжуд.

Бундай жойдан ташқарида чилангардан фарқи бўлмаган оддий одамман. Лекин ўша ерда мен ўз имкониятларимнинг энг юқори чўққисига чиқа оламан. Келажакда сизларни ҳам бу нарсга кутмоқда. Тўғри келса, сизга ўзингизнинг келажакдаги имкониятларингизни кўрсатишга ҳаракат қиламан.

У жойда бўлган ҳар бир одамнинг баъзи бир қобилиятлари фаоллаша бошлайди, худди мияга яна икки қўл ва оёқ, қўшимчасига кондаги рудаларни ташийдиган улкан юк машинаси қўшиб бергандай!

Хушёр бўлинг! Хавф бор, чунки бу ерда сизнинг ҳар қандай фикр ва истакларингиз моддийлаша бошлайди.

Бўронли шамол бизни ҳамма ниятларимизни пучга чиқариб, келишимиз маъноси йўққа чиқаётган эди. Ахир, бу кучни ҳис қилиб кўриш учун биз аллақанча вақтни кўчада ўтказишимиз, бошқача қилиб айтганда, оддий бостирма тагида қўпол тахта супада тунашимиз керак бўларди. Куч фаввораси ер юзига чиқиб, ўзига хос энергетик «вулқон» ҳосил қиладиган айнан ўша жойда.

Мирзакарим Санақулович ўша жойнинг қўриқчиси бўлмиш қарияга мурожаат қилди:

– Одамлар неча кун деганда етиб келишди. Атайлаб ташқарида тунаш учун бу ерга келишди, лекин шамолни нима қиламиз?

Қария жавоб берди.

– Бизда табиат ишларига аралашиш маъқулланмайдди. Атроф-оламни ўз истакларига қараб мослаштириш бу тарки дунё қилганларнинг вазифаси эмас.

Шарқда ота – энг обрўли, энг ҳурматли зот. Отани Шарқда жуда улуғлашади, эъзозлашади! Лекин шу билан бирга, бизда мақол ҳам бор: «Меҳмон атойти худо».

Ҳайдовчи уларнинг гапларидан баъзиларини бизга таржима қилар эди. Маълум бўлишича бизнинг Устозимиз ўзининг Устозидан шамолни тўхтатишни сўраётган эди. Қария эса унга жавоб берар эди:

– Албатта, эшак ёнингда бўлганда яёв юришнинг нима кераги бор? Сенга керакми, ўзинг тўхтатавер!

Биз уйда дастурхон атрофида ўтирибмиз, ҳали иси-нишга ҳам улгурмадик.

Мирзакарим чиқиб кетди ва тезда қайтиб келди. Ўтираркан, унинг юзидаги табассумдан нимадандир мамнун бўлганини уқиш мумкин эди. Шу пайт биз нимадир ўзгарганини пайқадик. Бизни уч, тўрт соатдан бери таъқиб қилаётган шамол гувиллаши тинди. Бизни тенги йўқ, роҳатижон сокинлик чулғади. Об-ҳаво буткул тинчиди.

Тахминан бир ярим дақиқалар вақт ўтди.

Уста Мирзакаримга деди:

– Нега бунақа қўполлик билан ишлайсан?! Яна икки-уч шунақа аҳмоқ–чаласавод келса бўлди, менинг боғим тамом бўлади! Мен ҳосилсиз қоламан!

Ҳақиқатан ҳам, шамолнинг бирдан тўхташи натижа-сида боғдаги дарахтларнинг қарсиллаши эшитилди.

У ўзини оқлай бошлади:

– Сизга айтишга осон, Сиз бу ерда бу оқимдан ҳар куни фойдаланасиз, мен эса анчадан буён рулга ўтирмаганман. Ҳа, бироз ҳисобдан адашдим ва газни кучлироқ босдим, чунки бўғилиб қолдим.

Дилинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин

Битта мақсадга етишнинг минглаб, юз минглаб, миллионлаб йўллари бор. Кўплаб тариқатларнинг ўз махфий мактаблари мавжуд: иудаизмда, христианликда, буддизмда, исломда ва яна бошқа кўп-кўп мактаблар. Улардан ҳар бири ўзича ажойиб, ҳар бири ўзида ҳақиқатни сақлаб келади.

Бу тариқатлардаги барча Усталарга чуқур таъзим, юксак ҳурмат билан қарайман. Мен ҳам ўзим учун ўз йўлимни танлаганман. Ҳатто бу йўналишнинг ҳам ўзига хос турлари, ўз йўналишлари, ўз мактаблари бор.

Улардан бири – Нақшбандия тариқати. Унинг асл моҳияти асосий тамойилида акс этади: «Дилинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин».

Бунинг маъноси, юқори мақсадларга интилиш йўлида, инсон бу дунёда ҳар кунги табиий ҳаёти билан яшаши керак. Буюк Нақшбандия йўли одамларни махсус кийимлар кийиб, диний маросимларга риоя қилишга мажбурламайди. Асосийси ташқи кўриниш эмас, ташқи шакл эмас, асосийси – асл моҳият.

Аллоҳ бизга еб-ичиш эҳтиёжини берди. Ҳамма истаклар Аллоҳ томонидан бизга берилган, айнан У берган! Вазифа нафсига қул бўлмай, ҳар доим ички эркинлик, озодликни сақлаб қолишни ўрганишдан иборат.

Иккита дарвиш учрашиб қолиб, ўзларига замон ва маконда ҳаракатланишни ўргата оладиган, учишни ўргата оладиган, бошланғич олам нуридан материя яратишни ўргатадиган Устозни қидириб топишга қарор қилишди. Улар битта кўйлақда яёв йўлга тушиб, тарки дунё қилган Устозни излаб кетишди.

Йиллаб йўл юришди. Буюк Уста яшайдиган битта шаҳарга етиб келишди. Улар Устознинг маҳобатли қасрда яшашини ва минг-минглаб хизматкорлар унинг хизматида юрганини кўрганда, дарвишлардан бири деди:

– Бу йўлдан бориш учун мен тахтдан кечдим. Бу Уста эса қандай қилиб, шундай шоҳона шароитда яшаб туриб, қудрати ва дил ҳолати билан Аллоҳ Таолога яқин бўлиши мумкин?! Мен бу одамни Уста сифатида тан ола олмайман, чунки унинг қасри меникидан ҳашаматлироқ.

Энди улар бошқа шаҳарга, машҳурликда илгаригисидан кам бўлмаган бошқа Устанинг олдига кетишди.

Қирқ кеча-кундуз юришди. Ниҳоят деворлари қийшайган кулбага етиб келишди. Тақиллатишганда, эшикни оппоқ соқолли чол очди. У келганларни кўзларида ёш билан кутиб олди:

– Эҳ сизлар, эҳ сизлар! Мана шу қирқ кун, менинг олдимга келаётганларингдан бери, мен кўз ёши тўкиб, ғамда ўтирибман. Сизлар Устозимни рад қилиб, энди менинг олдимга келдинглар.

– Қанақасига! Устоз – бу Сиз! Сиз тарки дунё қилгансиз! Сизни бутун дунё билади! Биз Сизнинг уйингизни кўрганда, буни тушундик, Сиз – ҳақиқий тарки дунё қилган одамлигингизни мана лойхумча, ғарибона жиҳозлар кўрсатиб турибди.

– Сизларни ўтқозишга ҳам жойим йўқ. Лекин...

У қўлини бир силкитган эди, ноз-неъматларга тўла хонтахта пайдо бўлди. Иккинчи марта силкитганда, қаср пайдо бўлди.

– Ўтиринглар. Агар мен ҳар куни шундай ҳашамат орасида яшасам, у ҳолда таркидунёчилик ҳолатимни сақлаб қола олмайман. Менинг Устозим эса шундай ҳашаматлар орасида ҳам, бойликлар ичида ўтириб ҳам Аллоҳ билан қола оляпти. Унга бу таъсир ўтказмайди, менга эса таъсир ўтказди. Шундай экан, орқага қайтинглар.

Таркидунёчилик нима экани тушунарлими?

Усталар худди сизларга ўхшаб жисмоний эҳтиёжларга боғланиб қолишган эмас, менинг қадрдон ошқозон ичак-чавоқларим, шу билан бирга, узлатга ҳам чекинишмаган.

Улар Ҳукмронлик, Билим, Қудрат, Муҳаббат, Бойлик эгаларидир, шу билан бирга ҳаётнинг оддий томонини ҳам унутишмаган. Уларга ким бўлиб ишлашлари фарқсиз, чунки уларнинг ҳаммаси таркидунёчиликка эришиб бўлишган! Уларнинг орасида шифокорни ҳам, савдогарни ҳам, вазирни ҳам ёки чиқинди ташувчиларни ҳам учратиш мумкин.

Мана, масалан, яқингинада Европа давлатларидаги сўфийлардан бўлган афсонавий шайх билан танишдим. У одатий кўринишдаги, камтарин кийинган, оддий олим.

Унга «мерос» тариқасида бутун Европа қолган. У – Уста, Устозлари унга Европа давлатларидаги ҳамма аҳоли, ҳамма ташкилотлар, ҳукуматлар, халқлар фаровонлигини кузатишни топширишган.

Мажозий қилиб айтганда, уни Ер шарининг бу қисмини қўриқчи фариштаси қилиб тайинлашган. Истасангиз ишонинг, истасангиз, ишонманг, бу билан асл моҳият ўзгармайди.

Биринчи синфга илк қадам

Усталар маҳоратни ошириш машқлари орқали нима-ларга эриша олишлари сизга қизиқми?

У ҳолда сизга мактабимиз ҳақида гапириб бераман.

У ерга биринчи марта келганимда, мени кичкина бир хонага олиб киришди ва:

– Ҳозир машғулот кетяпти. Ўтириб тур, кузат, чунки сен ҳам буларни ўрганиб боришинг керак, – дейишди.

Ташқаридан мактаб биноси жуда кўримсиз эди. У атропофобиянинг диққат-этиборини тортмаслик учун атайлаб шунақа қурилган. Лекин машқ қилиш заллари қоянинг ич-ичига кириб кетган. Бу заллар неча асрлардан бери мавжуд.

Кирдим. Шуғулланаётганлар – йигирматача одам. Ўргатувчидан ташқари, ҳаммасининг кўзи ёпиқ ва ҳаммаси қанақадир синхрон ҳолда ҳаракатлар қилишяпти: қўлларини кў-та-ра-ди, қўлларини ту-ши-ра-ди ва оёқлари билан ҳар хил ҳаракатлар қилишяпти.

Вақтни беҳуда кетгазмаслик учун мен эслаб қола бошладим: ўнг қўлни кўтара-а-ми-из, чап қўлни кўтара-а-ми-из, энди у ёққа, бу ёққа, бу ёққа...

Икки дақиқадан сўнг шубҳаланишга тушдим, ўн беш дақиқадан сўнг мен тушундим: буларнинг ҳаммасини эслаб қолиш учун ярим йил вақт керак бўлади.

Яна бирозгина машғулотни кузата туриб, сўнгги хулосамни чиқардим: мен буларни ҳеч қачон эслаб қололмайман!

Бир соатдан сўнг чуқур депрессия, умидсизлик ҳолатига тушдим, чунки у ерда минг хил кўринишдаги ҳара-

катлар узлуксиз равишда бажариляпти ва деярли такрорланмаяпти. Уларнинг кетма-кетлигини эслаб қолиш учун даҳолар хотирасига эга бўлиш керак! Бу даҳшат эди!

Кей-и-и-н билдим!

Маълум бўлишича, у ердагиларнинг ҳаммаси бу ҳаракатларни умрида биринчи марта бажаришаётган экан! Бу ўзгалар танасини ҳис қилиш қобиляятининг энг содда, энг оддий машқларидан бири экан. Бу машқлар ўзгалар танасини ҳис қилиш қобиляятини тиклаш машқи бўлиб, кейинчалик улар бу машқ ёрдамида бошқа одамнинг ҳис-туйғуларига мослашишни ўрганиб, маълумотлар билан ҳам алмаша олишаркан.

Устозим деди:

– Менга ишон. Олдин ўз танангга ишонишни ўрган. Икки қўлингни ихтиёримга ишониб топшир. Қўлларингни ихтиёримга берасанми?

Ҳеч нарса тушунмасдан:

– Бераман, – дедим.

– У ҳолда ўтир, – мураббий вазифа берди, – шунчаки қўлларингни кузат.

Ва бирдан қўлларим беихтиёр кўтарила бошлади!

Дилимда эса шундай тўлақонлик, шундай роҳатланиш ҳислари пайдо бўлдики, буни таърифлашга ҳеч қандай сўз топилмайди!

Бизнинг онгимизнинг шундай бир қисми борки, хурсандчиликда ҳам, ғам-ташвишда ҳам, қўрқувда ҳам барқарор, таъсирсиз, бефарқ, хотиржам қолади. Сиз у ерда доим ёлғизсиз. Буни таърифлаш қийин, уни фақат ҳис қилиш мумкин.

Тасаввур қилинг, ўша дамда мен бирдан ҳис қилдим, ўша жойда, ичкаридан-ичкарида, девор гичирлаб икки томонга ажралгандай бўлиб, доимо қалбимнинг зиндо-нида бўлган ўша қисми бирдан латифликка, муҳаббатга, ҳимояланганлик туйғуларига, чексиз бахтиёрлик ҳисларига тўлиб тошди.

Бу худди сиз зиндонбанд қилинган жойдан ёруғликка

чиқиб, баланд тепаликда бўлиб қолганга ўхшайди. Сизнинг олдингизда чексиз осмон, ўрмонлар, тоғлар, денгиз, ям-яшил далалар очилади, буларни зиндондалигимда ҳеч қачон кўрмаганман. Тушуняписизми? Булар ҳеч нима билан солиштириб бўлмайдиган эркинлик, уйғунлик, баркомоллик туйғуси эди!

Машғулотдан сўнг кўчага чиқсам, у ерда тоғлар, салқин шабадани сезяпман, негадир совуқ. Қарасам, футболкам, ҳатто жинси шимим ҳам ҳўл. Маълум бўлишича, мен бу ҳолатда бахтиёрлигимдан йиғлаган эканман!

Кўп йиллик саёқ юришлардан сўнг уйга қайтиш нима эканини тасаввур қилинг, қалбингизнинг ҳар бир бурчагидан фалакнинг завқли чақириқлари эшитилади:

– Уй-даман! Ниҳоят, У-Й-Д-А!!!

Демак, аста-секин машқ қилиш орқали ҳис-туйғуларимизни, сезгимизни бошқа одамга узатишни ўрганиш мумкин, худди қўлнинг ҳамма ҳаракатлари қўлқонга ўтгандай. Лекин энг муҳими, нима мақсад йўлида ишлатиш учун бу қобилиятни ривожлантирмоқчисиз!

Бизнинг мактабда ўқитиш шу тариқа қурилганки, сиз зарур маҳоратларни фақат муҳаббат, яхшилик, ёруғлик йўлида ишлатиш учун эгаллашингиз мумкин, шунинг учун сизни фақат Эзгулик Йўлига йўналтиришим мумкин!

ЯХШИ ОДАМЛАР ҲАММА ЖОЙДА БОР

Жиноят қидирувида ҳам!

Ўз вақтида, каратэ бўйича мураббий бўлиб ишлашимга тўғри келганда, бир қизиқ одам билан танишиб қолдим. Ва аста-секинлик билан бизнинг машқларимиз сезилмасдан бошқа босқичга ўтди.

Вақт-соати билан уни жиноят қидирув бўлимида катта терговчи бўлиб ишлашини билдим. Ҳаммадан ҳам мени кўпроқ ҳайратга солгани: юқори савияли, ўқимишли одам ва ҳеч кутилмаганда, у полициячи!

У сабаб менинг милиция ходимлари ҳақидаги салбий фикрим шунчалик ўзгардики, ўзим ҳам сал бўлмаса унинг ҳамкасбига айланишимга оз қолди.

Маслаҳат бериш ва унинг сезгирлигини текшириб кўриш учун унинг илтимосига кўра, бир неча марта ишхонасига бордим.

У бўлимдагилар орасида инсонни тушунишга, ҳис қилишга ҳаракат қиладиган ягона одам эди. Ҳар бир жиноятчида у, энг аввало, ўзини англашда, чигал ҳаётини ойдинлаштиришда ёрдам бериш керак бўлган шахсни кўраб эди.

Бутун бўлимдан, айнан унинг битта ўзини Афғонистонга – урушга жўнатишганда, мен ларзага келдим! Ҳамманинг орасидан битта уни ва... У ҳалок бўлди! Ҳолбуки у ота-онасининг ёлғиз фарзанди, оиланинг ягона боқувчиси эди! Нима учун ҳаётда бунақа бўлади?! Бу мен учун ҳалигача сир бўлиб қолмоқда!

Унинг кетишидан олдин биз узоқ вақт баҳслашдик, жанжаллашдик, муштлашиб кетишимизга ҳам оз қолди. Ҳалок бўлишини ўзи ҳам сезса-да, барибир кетди.

Мен бироз чалғиб кетдим, ахир мен Устозим ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Шундай экан...

Ўшанда эндигина танишганимда, унинг ёши катта бўлишига қарамасдан, ҳали ҳам капитан эди.

Биз гаплашиб қолганимизда, у менинг кимлигимга, қаерда туғилганимга, Устозим кимлигига қизиқа бошлади. Жавобни эшитиб, ҳатто сакраб тушди.

– Сенинг Устозинг туфайли мен ҳали ҳам капитан бўлиб юрибман! У туфайли бутун ҳаётимни расво қилдим. Мендан узоқроқ юр, менга тега кўрма! Ҳатто менга яқин келишни ҳам ўйлама!

Ҳайрон қолдим. Нима юз берганига янада қизиқа бошладим.

Маълум бўлишича, у олдин хавфсизлик хизматида ишлаган экан. Ўша ҳодиса туфайли уни ва яна бир неча ҳамкасбларини ишдан четлатишган. Шундан кейин у милицияга келган.

Менинг Устозим, келиб чиқиши ўзбеклардан, инглиз дипломати, суякларим аجدодларим хоки пойида бўлсин деб, тўқсон беш ёшларида ватанига қайтишга қарор қилган.

Зериккан пайтларида қўни-қўшни болаларни йиғиб, уларга араб тилидан сабоқ бера бошлаган. Қандайдир «сахий» одамлардан бири бу ҳақда тегишли жойга хат ёзиб, унинг динни тарғиб қилаётганини айтган. Улар келиб чолни олиб кетишган.

Бу милиция капитани эса ўша пайтлари хавфсизлик хизматида ёш мутахассислардан бўлган.

Маълум бўлишича, уларга: «Олиб келинглар, бироз қўрқитинглар, бир сутка ушлаб сўнг қўйиб юборинглар, қария-ку ахир!» деб буйруқ берилган экан. Шу тариқа олиб келишибди.

– Мен, – дейди у, – ўша пайтда навбатчи эдим.

Қария билан суҳбатлашдик ва уни камерага қамаб қўйдик.

– Мен учун бу нарса уят ҳисобланса-да, буйруқ барибир буйруқ-да.

– Қарияга бир пиёла чой олиб бориб бер, ўлиб қолмасин тагин, – деди бошлиғимиз.

Мен чой қайнатдим, уни олиб бордим, қарасам... Ё тавба! Камерада нафақат ҳеч ким йўқ, балки орқа девор қулаб ётибди! Бундан ҳам ёмони, қулаган девор орқасида минг одамлик тўй бўлаётганди. Республиканинг энг машҳур қўшиқчилари куйлаяпти, чол эса уларнинг орасида ўтирибди. Мен нима қилишни билмай қолдим. Ёнига борай десам, у ерда ҳамма машҳурлар...

Югуриб орқага қайтдим ва ўринбосарга «Ўртоқ бошлиқ! У ерда девор қулаган, маҳбус эса фалончи-фалончи артистлар орасида ўтирибди», дедим.

Артистларнинг фамилиясини эшитиб, бошлиқ ҳам шошиб қолди. Ҳамма тўда бўлиб камера эшигидан, қулаган девор устидан ўша ёққа чиқишди.

У ерда эса урф-одатга кўра тўй эгаси:

– Келинлар, келинлар! – дейди.

Бизни дастурхонга таклиф қилишди. Шарқ одатларига кўра рад қилиш мумкин эмас. Қарасак, чол ўша ерда супада меҳмонлар орасида ўтирибди. Биз унга орқага қайт деб имо-ишоралар қиляпмиз... У бўлса худди бизни кўрмаётгандай.

Шунда бошлиқ буйруқ берди.

– Вилоят бошқармасига хабар жўнат!

Кейин уни уйига олиб бориб қўйишга топшириқ берди. Биз унга яқинлашиб, дедик:

– Отахон, биз сизни уйингизга олиб бориб қўямиз.

– Ҳа, йўқ, ўғлим, артистлар мени олиб бормоқчи бўлишяпти, – деди у.

– Эй, йўқ, ўзимиз сизни олиб бориб қўямиз.

Хуллас, уйига олиб бориб қўйдик. Қайтдик.

Бошлиқ:

– Тез... агар тўй тугаган бўлса, деворни кўтаринглар. Эрталабгача жойида бўлсин!

– Мен, – дейди капитан, – қўшни ҳушёрхонадан бир нечта пиёнисталарни олиб келдим. Камерани очиб, уларга: «Мана ҳозир тезлик билан ўша ердаги уюмни йиғиштирасизлар!...» – деб айтдим.

Улар билан бирга кириб, қарасам – девор турибди!!! Ҳамма ери жойида турибди! Яна бошлиқнинг ёнига қараб кетдим:

– Бошлиқ! Девор жойида турибди!

Ҳамма яна югуриб келди. Девор қалинлиги бир метр келади, уни қулатиш мумкин эмас.

– Келинглار, – деди бошлиқ, – орқа томонидан қараймиз. Тўй ҳам балки тугагандир.

Орқа томонига ўтдик. У ерда ҳеч қандай тўй йўқ... У ерда гараж турибди, автопаркнинг катта гаражи!!! Ҳеч қандай тўйдан ном-нишон йўқ ва бу ерда тўй бўлиши ҳам мумкин эмас!

Мана сизга!

Шу воқеа сабаб гуруҳнинг ҳаммасини, ўша бошлиқ билан бирга ишдан бўшатиб юборишган.

Сиз ниманидир тушундингизми? Демак, қанақа машқни бажариш керак? Агар тушунган бўлсангиз, бошланг! Жуда диққат билан! Олти-етти дақиқа, ҳар доимгидек, ҳафтада уч марта.

Қанақа машқни дейсизми? Айтмайман!!!

ДИҚҚАТ!

ТАРТИБСИЗЛИК ЧЕГАРАСИ!

Тайёрланмаган, ҳис қилиши чекланган,
махсус жиҳозлар билан таъминланмаган
ўқувчиларнинг у ёққа ўтиши хавфли!

Чегарадан ўтгач, фикрларингиз ва хулосаларингиз учун
ўзингиз жавоб берасиз!



Қандай қилиб тошни

ҚУМГА айлантириш мумкин? _____

Мактабимиз синфларидан бири тоғда жойлашган. Мана, ўттиз йилдан буён ўз сезгиларимни янгилаб туриш учун вақти-вақти билан шу ерга келиб тураман.

Бу нима учун керак? У ерда, тоғларда, умуман бошқа олам!

Мен узоқ вақт «ухлаётган»лар орасида юриб, ўзимни бир вақтнинг ўзида иккита қайиқда тургандай ҳис қиламан. «Икки қайиқнинг бошини тутган фарқ бўлади», деган мақол бор-ку. Мана шунақа, вақти-вақти билан менда ана шундай ҳолат юз беради.

Ўша жойларда Усталар йиғилиб махсус машғулотларни ўтказишади, ўзларидаги моддий оламни ўзгартириш қобилиятларини чиниқтиришади.

Бу нима дегани?

Ҳар сафар у ерда йигирма уч Уста ва битта Устоз йиғилишади. Ўн икки нафардан икки гуруҳга бўлинишади.

Атрофдаги ўн-ўн икки километр радиус узоқликда, сиз биронта ҳам каттароқ тош ёки муштан кичкина, тухумдан каттароқ тошни учратмайсиз. Нимага? Чунки ҳар бир Уста машғулот учун ўзи билан бирга биттадан тош олиб келади.

Ўша ерда улкан ғор бор. Ва пастга терс қиялик бўйлаб юз метр пастга кетган қоя мавжуд. Ўшанинг тагида шишасимон тоғ жинсидан бўлган машқ майдони жойлашган, шунақа ҳам текиски, шишадай силлиқ. Унинг устида эса диаметри тахминан ўн беш метр бўлган, баландлиги

уч метрча келадиган циркул билан қилингандай текис қум уюми мавжуд.

У ер жуда қуруқ. Сўнгги юз минг йил ичида бу ерга бир томчи сув тушмагандай, шу сабабли қум дастлабки ҳолатини сақлаб қолгандай таассурот уйғотади.

Мен бу манзарани кўрганимда: «Қандай қилиб бу ерга шунча қумни олиб келишган экан?» деб ўйланиб қолгандим. Бу ерда машиналар йўли, умуман, ўн километрлик радиусда ҳеч қандай йўл йўқ. Фақат тоғ оралаб сўқмоқ бор, у ерга фақат эшак ёки отда бориш мумкин.

Лекин менга Усталар нимага қодир эканлигини кўрсатишганида, ўшанда...

Мени ўриндиқ шаклидаги гранит плита устига ўтқазиб қўйиб, кузатиб туришим кераклигини, маълум вақтга етганда эса уларга машғулоти тўхтатишга буйруқ беришимни айтишди.

Биласизми, худди академик эшкак эшиш бўйича шуғулланувчиларникига ўхшаб, қайиқ бошида ўтирган битта бола: «Би-ир, ик-ки» деб санайди. Эслайсизми?

Менинг вазифам мана шу эди.

Улар айлана бўлиб туришди, ўртага ҳар бири ўзи билан олиб келган тошни қўйиб, менга айтишди: «Тошлар парчалана бошлаганда тўхтатасан». Мен буни ҳазил деб ўйладим, шунинг учун тошларга қарамадим ҳам.

Мана, улар оҳиста ҳаракатлана бошлашди. Ён томонга, олдинга, орқага қадам ташлашди. Ён томонга, олдинга, орқага... Шунчаки қараб ўтирд-и-м, худди Африка ёки Австралия аборигенларининг рақсини кўргандай.

Ярим соатдан сўнг тошда ўтиравериб, орқам музлаб кетди. Шамол тургани учун ўраниб олмоқчи бўлдим. Ўзимча ўйладим: «Қанча кутиш мумкин?!» Шамол кучайганда, кўзимни очдим. Маълум бўлишича, зерикканимдан ухлаб қолибман. Фақат бирозгина мизғиб қолибман.

Қаердан шамол ураётганини қидирдим. Осмон мусаффо, қуёш чарақлаб турибди, шамол қаршимдан келяпти.

У томондан шамол урмаслиги керак, чунки тўсин турибди! Бирдан қарасам, тошлар йўқ. Шамол марказдан ҳамма томонга уряпти, тепадан ҳам ҳаво келяпти. Лекин мени ҳайратга солгани, гуруҳ ғойиб бўлиб қолган! Қидиришни бошладим.

Нимани кўрдим? Гуруҳ кўзлари юмуқ ҳолда уч-тўрт метр баландликда, ҳавода оҳиста айланияпти! Бутун гуруҳ! Деярли бир хил баландликда – биттаси озгина тепароқда, биттаси озгина пастроқда, лекин қатъий равишда айлана бўйлаб...

Менинг эса жағим осилиб қолди, тушуняпсизми?

Уларнинг ҳаммаси бир хил ҳолатга кирганда, ораларида қандайдир ички боғланиш юзага келади. Улар фикрни жамлашнинг маълум бир ҳолатига етишиш учун машқ қилишади, ички кучни уйғотиб, уни тўғри ўша тошларга йўналтиришади, тошлар эса парчаланиб қумга айланади.

Токи охирги тош қумга айланиб кетмагунча, машгулот давом этаверади. Мана, қаердан пайдо бўлган экан бу қум уюмлари! Бу уларнинг шунчаки чигалёзди машқлари экан. Бу машқлари тугагандан сўнг, ички машқларга ўтишади, бу машқлар жараёнида жуда кучли равишда ўзларининг ички қобилиятларини очишларига тўғри келади.

Ана ўшанда кўрлар жамияти, моддийликка сиғинувчилар жамияти томонидан тиқиштирилган дунёқарашларим худди ўша тошлардай парчаланиб, тўзонга айланиб йўқ бўлди, тушуняпсизми?

Кейин анчагача ўзимга келолмай юрдим. Мен учун ўшанда бутун дунё яна бир марта ағдар-тўнтар бўлди!

Айтмоқчи эмасман, бутунлай бошқа одам бўлиб қолдим деб, йўқ! Ким бўлсам ўшалигимча қолдим, лекин шу билан бирга ўзимга нимадир янги нарсаси олдим, ҳаётга янгича, реалликка бошқача қарай бошладим.

Ҳамма одамларда бўлгани каби сиздаги инсоний

ожизликлар: менда, балким, сизникидан-да кўпроқдир! Лекин мен ўзим учун бутунлай бошқа реалликни очдим! Тушунапсизми?!

Бизни мактабга қабул қилишганда, Устозларимиз бойликка, мансабга интилмаслик, сиёсатга аралашмаслик, урушларда иштирок этмаслик ҳақида ваъдамизни олишган.

Бошқача айтганда, мансаб, бойлик ва бошқалар ҳаётий мақсадга айланиб қолмаслиги, тирик жонни ўлдирмаслик, муқаддас ҳаёт ҳаққи ички боғланиб қолишлардан, ожизликлардан, нафс қуллигидан воз кеча билиш керак. Фақат шундан кейингина озод бўлиб, ўзингиздаги ҳақиқий ҳукмронликни англайсиз. Мана шу таркидунёчилик ва қудратлилик ҳолатидир.

Бу дунёда ҳаётдан ҳам юқори турадиган ҳеч нарса йўқ. Ўзингиздаги мавжуд бўлган барча азалий имкониятларингиз билан фақат яхшилик, эзгулик йўлида хизмат қилиб, яхшилик йўлида яшаш керак, фақат яхшилик қилиш керак! Муҳаббат учун яшаш керак. Ўзингиздаги илоҳий кучга етишишнинг асосий шартларидан бири мана шу.

Икки челакли

«тентак»

Энди Устозимизнинг бир шогирди ҳақида.

Самарқандда бўлганмисиз?

Агар, қачондир у томошларга йўлингиз тушгудай бўлса, сўраб кўринг, ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида Самарқандда икки челакли авлиё ўтганми? У Устозимизнинг катта шогирдларидан бўлиб... Бу ҳақда кейинроқ.

Устозимиз мунтазам равишда мени Самарқандга, ўша авлиёни топиш учун жўнатаркан, иложини қилиб уни ҳаммомга олиб бориб ювинтириш, кийинтириш, овқатлантириш кераклигини уқдирар эди, айниқса қиш пайтлари.

Уни қидириб топиш осон! Худди нинани пичан ғарида қидиргандай гап! Лекин бироз вақтдан кейин, уни қаерда ва қандай излаш борасида менда Шерлок Холмсинг маҳорати пайдо бўлди.

У доим ичига тошлар солинган иккита сирланган челақ билан шовқин кўтарганча, қишин-ёзин оёқ яланг, ранги билинмай кетган чит иштонда, соч-соқоли ўсиб кетган аҳволда юрар эди. Биринчи марта уни эски шаҳарда, бозорда тутиб олдим... Ёшим ўшанда бор-йўғи ўн олтида эди.

Уни тутиб олиш ҳар доим бутун бошли дostonга айлана-рар эди. Яхшиси, қисқа қилиб гапириб бераман.

Унинг изидан тушиб келаверасан, келаверасан ва унга ўн қадамча қолганда, у қайрилишда бирдан ғойиб бўлади. У ҳаммомни ёмон кўрар эди.

Лекин баъзида уни тутиб олишни эшлардик, ана ўшанда Устозимизнинг баъзи илтимосларини бажаришга кўн-

дира олардим. Бундай пайтда уни тўйдириб, ўз навбатида Устозимизнинг муридларидан, яъни шогирдларидан бўлган ҳаммомчининг қўлига топширардим.

Вақти-вақти билан унда ғалати иштиёқмандлик, машиналар билан тезликда баҳслашиш истаги пайдо бўлиб қоларди.

Тасаввур қилинг, жазирама иссиқ, асфальтдан ҳарорат кўтариляпти, кўча тўла машиналар.

У автовокзалдаги ҳайдовчиларга хиралик қилади: «Кел, ким ўзарга ўйнаймиз?! Кел!».

Одатда, унга ёқиш учун ҳайдовчилар рози бўлишади.

Чолни кўпдан бери биладиган ҳайдовчилар, уни кўришлари билан ҳаяжонга тушишар ва ҳар бири ундан ўзига ва яқинларига дуо олиш учун, чолнинг кўнглини топишга ҳаракат қилишарди.

Мана, таксичи ҳам йўлга тушди. У олдин машина билан ёнма-ён югуради, югуради, югуради, икки қўлида тошчаларга тўла сирланган иккита челак тарақ-туруғи бутун кўчани босиб кетади. Машина олдинга ўтиб кетади, у ҳам машинанинг орқасидан югуриб бо-раверади.

Шаҳарга етиб борган ҳайдовчи, бошқа ҳамкасби суҳбатидан шуни биладики, қария аллақачондан бери вокзал ёнидаги чойхонада, бурчакдаги тўшакда чой ичиб ўтирибди ва бир бурчакка тикилганча, кўринмайдиган суҳбатдоши билан суҳбатлашмоқда.

Одамлар ҳурматини қилиб, унинг ёнига келишар, ишларим юришиб кетсин деб, дастурхон тагига пул тиқиб кетишга ҳаракат қилишарди. У бўлса, кетаётиб пулни олиш у ёқда турсин, ҳатто дастурхон тагига қарамасди ҳам.

Чойхоначи доимо: «бу пулларни нима қилиш керак? Улар халтачада ётибди», дерди. Ҳар гал авлиё чойхонада пайдо бўлганда, чойхоначи ўша халтачани унинг қўлига тутқазарди. Ўз навбатида, у ўзига ким ёқса, халтачани

ўшанга бериб юборар ва ҳатто орқасига қайрилиб ҳам қарамасди. Бу ҳол ҳамиша такрорланарди.

Унинг яна битта «кўнгилхушлиги» ҳақида.

У бозорга кираркан, бирорта ёши каттанинг олдига бориб: «Сенга нима совға қилай, девона?», – деб сўрарди.

Ўзингиз тасаввур қилинг, қиш, совуқ, ҳаммаёқ қор ва муз. Сизнинг олдингизга оёқ яланг, оёқлари яра бўлиб кетган, соч-соқоли ўсган, кир-чир одам келиб: «Сенга нима совға қилай, девона?» деб сўраса, сиз нима деб жавоб берасиз?

Албатта, «Бор, йўқол!», дейсиз. Фикримга қўшиласизми? Уни танимаганлар, билмаганлар унга худди шу гапни айтишар эди. Лекин уни билганлар эса...

Хотирамда бир умрга ўчмас из қолдирган ҳодисалардан фақат биттасини гапириб бераман.

У бозорга картошка келтириб туширган деҳқонга ёпишиб олди:

– Сенга нима совға қилай?

Деҳқон унинг қўлини маҳкам сиқиб, очкўзларча хурсандчилик билан бидирлай кетди:

– Гилам!!! Қизимнинг сепига қўшмоқчиман.

Сизга тушунарли бўлиши учун айтмоқчиман, ўша вақтда собиқ Иттифоқда ҳамма матоҳ танқис эди.

Мен ҳаммомга олиб бормоқчи бўлган «қочоқ» битта челадаги тошларни бошқасига ағдарди, бўш челаки ерга қўйиб, сўнг қўлини бошидан сал тепароққа, шундоқ ҳавога тикди.

Қўл кўриняпти, лекин сал хирароқ, худди снгил тумандагидай. Кейин у ҳаводан картошка турган пештахтага уч-уч ярим метрлик ўрамдаги гиламни ташлади.

Картошка ҳар томонга учиб кетди.

Ҳозиргача мени ҳайрон қолдирган нарса шуки одамлар бундай ҳодисаларни гўё худди шундай бўлиши керакдек жуда хотиржамлик билан қабул қилишгани ва қилишаётганидир. Ўзларининг сабзи, карамларини ковлашда

давом этишар экан, нималарнидир танлашар, нималарнидир сотиб олишар, лекин қўл етгудек ерда осмондан гилам тушганига мутлақо эътибор беришмасди!

Шундан сўнг у челагини олиб, яна тошларни қайта сола бошлади. У ҳар доим шунақа қилар ва доим битта гапни қайтарарди: «Ма, ол! Жиғилдонингга тиқилиб қолсин!».

Шундан сўнг ҳар доим йиғлаганча кетиб қоларди. Йиғлаганда ҳам аччиқ-аччиқ ҳўнграб йиғларди!

Агар у мendan: «Сен нима хоҳлайсан?» деб сўраганда, айтардим, лекин бирон марта ҳам сўрамади!

Биламан, бугун мен хоҳлаган нарсадан ҳам у яна йиғлаган бўлар эди. Ҳозирнинг ўзида нима хоҳлашимни қизиқиб сўраса, аниқ биламан, ҳозир ва йигирма йилдан кейин ҳам у яна йиғлаган бўлар эди.

У менинг бугунги хоҳишларимдан, албатта, йиғлаган бўлар эди! Нима учун? Чунки унинг ўша пайтда нега йиғлаганини йилдан-йилга оз-оздан тушуниб боряпман. Бу, ҳақиқатан ҳам, азоб!

Агар бугунгача англаб етган озгина билимимни унинг ўша пайтдаёқ англаб етганлари билан солиштирилса, бу ҳолда унинг қандай қилиб тирик қолганлиги мен учун ҳозиргача жумбоқ бўлиб келяпти.

У оламни бутунлигича кўрган, бунга эса у тайёр бўлмаган. Мана шундан у ақлдан озган, кўтара олмаган. У бунга тайёр бўлмаган. Одам ҳаёт ҳақиқати, унинг асл моҳияти билан учрашишга аста-секин, аста-секин, шошилмасдан тайёрланиб бориши керак.

Ва мана шу ерда, Устозим айтгандай, одамни буюк бахт ва буюк ғам кутяпти. Агар шогирд қалб кўзининг очилишига тайёр бўлмаса, шиддат билан келган уммондек билим ва ҳиссиётларни кўтара олмаслиги мумкин.

Устозим нима ҳақда гапирганини тушунишингиз осон бўлиши учун минг, минг, миллион марта соддалаштираман.

Ўзингиз тасаввур қилинг, сиз умр бўйи бир хонали уйда яшагансиз. Сиз учун асос – бу пол, юқори эса шифт билан чегараланади, уфқ девор билан бошланади ва тугайди.

Девор ортида ҳам нимадир борлигини кўрмагансиз ва эшитмагансиз. Лекин қаңдайдир лаҳзада тушуна бошлайсиз, ҳақиқий ҳаёт фақат сизнинг хонангиз дунёси билан чегараланиб қолган эмас, энди бу ер сизга торлик қила бошлайди, энди озодликка чиқиш ниятида онгли ва онгсиз равишда деворга урила бошлайсиз!

Бирдан деворлардан бири қулайди ва сиз умрингизда биринчи марта атрофингиздаги Фалакни, ўзингизга қабул қилишингиз керак бўлган унинг бутун қудратини, ҳамма билимларни, ҳақиқатларни, яхшилиқни, муҳаббатни, гўзалликни, уйғунликни, бутун Коинот ёрқинлигини ўзингизга сингдиришингиз керак бўлади.

Янада соддалаштираман.

Сиз қаерлардадир пигмейлар қабиласи яшашини биласиз. Ҳозир мен ўша халқлар орасида бироз муддат яшаган журналистнинг ҳикоясини эсладим. Бир куни у ўрмон ортидаги жойларни ҳам кўриш учун қабиладагиларни кўндирган.

Саваннага етиб келишганда, пигмейлар икки юз-уч юз метр нарироқда юрган жирафаларни кўрсатиб, сўрашган:

Бу қанақа ҳашаротлар?

Уларнинг онги ёввойи чакалакзорлар билан чегараланган, улар қабул қилишга ўрганган энг катта масофа эса бир дарахтдан кейинги дарахтгача бўлган.

Айнан мана шунинг учун уларга одат бўлмаган узоқликдаги фил ва жирафалар ҳашаротдай туйилган. Улар нарсанинг масофада катта-кичиклигини ҳис қила олишмаган, буни ҳисоблай олишмаган.

Қалб кўзи очилиш арафасида, дунёни яхлитлигича кўра бошлаган пайтда, ҳатто тайёрланган шогирдларда ҳам вақтинчалик баландликдан, кенгликдан, чексизликдан кўрқув пайдо бўлади.

Устозимнинг ўша шогирди ҳам айнан мана шу ҳолатга тушган. Тўғриси айтадиган бўлсам, у машғулотларга тайёр бўлгану, лекин у ёққа катталарнинг назоратисиз ва рухсатисиз кетган.

Бошқача сўзлар билан айтганда, шок ҳолатида унинг ёнида бу ҳашарот эмас, узоқдаги нарса ёки бу махлуқ эмас, шунчаки бурнингга қўниб олган папша, деб тушунтириб бериб тинчлантирадиган Устоз бўлмаган.

Ўзининг буюклигидаги ҳамма эзгуликни, чексизликни ҳамда ёвузликдаги ўзининг энг пасткашлигини кўриб, уни қабул қилиб олишга одамзотнинг онги тайёр эмас, тушунапсизми? Устозлар нима учун мавжуд? Оғир дамларда ёнига югуриб бориб, оёқларидан қучоқлаганча: «Каравот тагида нимадир бор!», дейиш учун.

У эса ўзининг қадоқ қўллари билан бошингизни силаб, тинчлантиради: «Кичкинто-йим менинг! У ерда бор-йўғи соя бор. Сени қўрқитган нарса – лампочка атрофида айланаётган капалакнинг сояси. «Мана шунинг учун!..»

Ўшанда у ҳар гал одамларнинг ночор истаклари билан дуч келганидан йиғлар ва яна бадтарроқ ақлдан озарди.

Бир куни, навбатдаги «ҳаммом куни» яқинлашганда, шаҳарга чиқишим учун баҳона топилганидан хурсанд бўлиб, тайёрлана бошлаган эдим, Устозим деди:

– Сенинг сафаринг бекор қилинади, чунки у ўзга оламларга саёҳатга кетган! Мен уни тирик ҳолда, айниқса ўлган ҳолда бизнинг дунёда ҳис қилмаяпман. Биз ундан «эшик»ни қанча яширмайлик, шумтака барибир уни топибди.

Бу ерда айтган нарсаларимнинг ҳаммаси оддий олимлар учун бўлмағур гап бўлиб кўриниши мумкин. Мен бу олимларнинг фикрларига қўшиламан ва олдиндан шу саҳифаларда айтиб қўймоқчиман, улар ҳақдирлар!

Биз ҳам ҳақмиз! Икки томон ҳам мутлақо ҳақ! Уларнинг йўлига ҳам, бизнинг йўлимизга ҳам руҳий касалхона кўзи тўрт бўлиб турибди!

Хўш, сизга нима совға қилай, девона?!

Ҳаммага ШУНДАЙ **ўлим тилайман!**

Биз кўпинча бу «бўлган эди», «бўлади», деб гапирамиз. Усталар нутқида эса «бўлган» ва «бўлади» деярли учрамайди. Улар вақт ҳақида худди чексизликдай гаплашишади. Уларнинг лаҳжаларида «одам ўлибди», умуман «ўлим» деган тушунча йўқ. «Одам туғилди» деган тушунча ҳам йўқ. У шунчаки «бор».

Улар ўзаро бундай суҳбатлашишади:

– Ў, ану кетган Аҳмадни эслайсанми? У менга бугун бундай деди...

Аҳмад дегани эса эллик йил олдин ўлган. Ёки:

– Анави, ҳалиги, келадиган, – яъни ҳалиги дегани, ҳозирча ҳали туғилмаган, ана у, ҳали ёш, шунақа ғўрки, у эса унақа, бунақа ва бундай.

Ўзаро бунини шу тариқа муҳокама қилишади. «Туғилган», «ўлган» деган тушунча уларда ўзига хос. Бу одамлар улар учун реал мавжуд. Улар ўзаро мулоқот ҳам қилишади.

Чунки улар кийимга, яъни танага қараб муомала қилишмайди. Ташқи кўринишга қараб муомала қилишмайди, азизларим! Тушуняпсизми?

Ишонтириб айтаманки, оддий одамга буларни тушуниш қийинроқ.

Бир куни менга қўнғироқ қилиб айтишди: «Тез етиб кел. Индинга Устоз ҳаммани йиғяпти». Биз айтилган кун йиғилдик.

Унинг эса ўн саккизта ўғли бор эди. Ўша пайтда ўн еттита эди, у кетганидан сўнг етти ой ўтиб энг кичкинаси туғилди. Энг каттаси билан энг кичкина ўғил орасидаги

фарқ тўқсон уч йил. Албатта, улар битта хотиндан эмас, ўзингиз тушунасиз.

Мана, қариндошлар, шогирдлар, яқин одамлар ҳар хил шаҳарлардан ва мамлакатлардан келишди.

Отахон соғ-саломат бўйи икки метр келадиган қария ҳовлида П шаклида катта дастурхон ёзишни буюрди. Биз, икки юзтага яқин одамлари дастурхон атрофида ўтирибмиз.

Ҳамма уни эъзозларди, ҳозир ҳам эъзозлашади!

У ҳар биримиз билан муомала қиларди. Биттасига қараб:

– Эсингдами, мана бундай бўлади, деб сенга айтгандим? Хўш, нима бўлди?

Ҳалиги:

– Худди шундай бўлиб чиқди, Сиз айтгандай, – деди.

Бошқасига, учинчисига. Ўтирганларнинг ҳар бирида албатта шундай ҳодиса бўлганки, қария унга нима бўлишини айтиб берган. Яна ҳаммаси, худди у айтгандай бўлган.

– Ҳозир менинг ақлимга шубҳаланиб қарайсизларми?

Ҳамма бирдан:

– Йў-ўқ! Нималар деяпсиз?!

– Демак, бундай. Шу бугун бўлаётганларни ва эртага бўладиган нарсаларни, чин дилдан сизларнинг ҳаммангизга тилаб қоламан.

Бугун дастурхон атрофида, ўзимнинг дафн маросимда қатнашишини хоҳлаганларимнинг деярли ҳаммаси ўтиришибди. Эртага соат ўн бирда, менга Парвардигори олам томонидан берилган вақт тугаяпти. Ҳаётим тугаяпти.

Ниҳоят Аллоҳ менга қайтишимга рухсат берди. Аллоҳ мени олиб кетяпти. Эртанги кунга эллик йилдан буён тайёргарлик кўряпман. Фақат, чол қариликдан миясини еб қўйибди деб ўйламанглар, менинг ақлим жойида. Эртага сизларни безовта қилмаслик учун бугун сизлар билан бирга дастурхон атрофида ўтиргим келди.

Сал-пал бўлса-да, мен бунга тайёр эдим, тахминан шунақа вақтда шунақа бўлишини билардим. Лекин унинг қариндошлари оддий одамлар эди. У қанд-а-й қилиб исботламасин...

Дастурхон жуда яхши безатилган. Муסיқачилар. Зиёфат кўнгилдагидай! Лекин озгина ғалати ҳиссиёт бор эдики, ўзингиз тушунасиз. Одамлар, чол ақлдан озибди, деб шивирлашишар, лекин зиёфат ташкил қилингандан сўнг, шунча нарсани увол қилиб бўлармиди!

Эртаси куни кимдир барибир кетиб қолди.

Соат ўн бирларда биз яна дастурхон атрофига тўпландик. Нонушта қилдик. У қишлоқнинг бошқа томонига бориб келди.

Маълум бўлишича, у ерда қандайдир битмаган юмуши бор экан.

Кирди, бизга кулимсираб қараб қўйди. Кулимсираши ғамгин.

– Хўш, кутиб қолдингларми? Хавотир олманглар, ҳаммаси ўз вақтида бўлади, – деди.

Ўтирди. Ўғиллари тик турибди. У ўтирди, осмонга тикилди, бизга қаради, яна бир марта осмонга.

Унинг охирги сўзлари шу бўлди:

– Э-эҳ, фоҳиша ҳаёт! Барибир сенга тўймайди киши. Бўлди. Кетди. Ўғилларининг қўлига суянди-да, шунчаки кетди.

Сизнинг ҳар бирингизга, вақт-соати келганда, шундай кетишни тилайман!

ФАРҚИНИ ҳис қилинг! _____

Интуиция, интуиция, интуиция... Сиз у ҳақда ҳамма нарсани биласиз, фикримга қўшиласизми?

Агар, яна бир марта, «у нима учун керак?», деб сўрасам-чи?

Олтинчи сезги одатдаги бешта сезгига қўшилганда уларнинг ҳаммаси биргаликда еттинчи сезгини ҳосил қилади. Бу еттинчи сезги Устоз учун «керакли ҳолат» ва у Аллоҳ жамолидан таралаётган нурга етишишга ёрдам беради.

Майли, ҳозир яна бир марта деҳқончасига тушунтираман. Олти сезгига эга бўлган одамда деярли ўз-ўзидан еттинчи сезги ҳам ишга тушиб кетади.

Р.С. Эшитдингизми, «деярли ўз-ўзидан». Даярли! Мир-закарим яна ниманидир яширяпти!

Еттинчи сезги нима дегани?

Олтинчи сезги тўғри йўлни танлашга имкон беради. Еттинчи сезги эса ҳар қандай йўлни керакли йўлга айлантиришга имкон беради. Мана шу нарсa – тўлақонли фикрлашнинг бошланиши. Фарқини ҳис қилинг!

Еттинчи сезги. Инсон ўзига қандай йўл кераклигини танлаб ўтирмайди, ўз билимларини ишга солган ҳолда олдинда нима борлигини билиб, ўз келажагини бошқаради. У кўради ва **бошқаради**.

Агар олтинчи сезги турли вариантлардан бирини танлаш имконини берса, еттинчи сезгиси бор одам танламайди, муҳаббат йўлида ўзига керагини яратади. Фарқи борми?

ШАХС ва эргашувчилар _____

*ёки эрта тонгда
лўкилламай югуриш*

Менинг қадрдонларим, илтимос, шунчаки тасаввур қилинг, сиз худди япроқдек, оқим бўйлаб сузиб кетяпсиз.

Тасаввур қилинг, эрталаб кўчага чиқдингиз, ёнингизда мингта одам, ҳаммаси спорт иштончаларида. Эрталабки майдақдам югуриш. Ва ҳамма бир йўналиш бўйлаб югуряпти. Биринчи бўлиш учун сизнинг қандай имкониятларингиз бор? Мингдан битта! Фикримга қўшиласизми?

Агар битта ўзингиз югурсангиз ва ўзингизга ўзингиз йўл танласангиз, сизга югуришнинг нима кераги бор? Сиз ҳатто йўлда ухлашингиз ҳам мумкин! Барибир биринчи бўлиб келасиз. Бу «Шахс Йўли» деб аталади. Бу йўлдан ҳар ким ёлғиз ўзи юради.



Олтинчи ва еттинчи сезгилар тикланганда, энг муҳим нарса пайдо бўлади: инсон ўз тақдирининг яратувчиси бўлиб қолади.

Агар сиз кимгадир яхшилик истасангиз, сизни истангиз ўша одамга яхшилик олиб келади.

Баъзида бу қўрқитади, чунки бу қандайдир янги ҳолат!

Лекин бу – Шахснинг ҳаёти!

Сиз нима иш бошланганг, у албатта содир бўлади ва рўёбга чиқади. Ўз мақсадингизга, натижангизга, керакли лаҳзада ва керакли вақтда етиб келасиз, яъни ўз ҳаётингизни бошқача тарзда режалаштира бошлайсиз.

Бу моддий ва маънавий дунё бўлиши мумкин. Вазифа сизнинг имкониятларингизни минг ва минг марталаб кўпайтиришдан иборат.

Қандай қилиб бўлмасин шундай ечимни топиш керакки, ҳаётда қайси ишни бошланганг, фойдали иш коэффизингиз ҳар сафар ошиб, кўпайиб бораверсин!

АТОМ ёнилгисиди ишлайдиган пневматик иштон

Саҳрои Кабир чўли учун

Сизда етгинчи сезгининг ишлай бошлагани, ўзингизда янги куч пайдо бўлганининг биринчи белгилари қандай?

Олдин ўзингизда қандайдир ноқулай қимирлашни, толиқтирадиган ноаниқ уйғонишни ҳис қиласиз, кейин «пақ!» этиб эсингизга тушиб кетади: «Ғоя!...». Шунақаси бўладими?

Ўзингизнинг бу янги ғоянгиз билан чоңқиллаб юрасиз, уни қўлингизда кўтариб эркалайсиз, думбасидан ўпиб қўясиз, шунақанги роҳатбахш, учаётгандай ҳолат, ўзингизни нимагадир қодир эканлигингизни ҳис қилишдан завқланиш ҳолати юзага келади. Шунақанги шод-хуррамлик! Бўлганми шунақаси? Эслайсизми?

Кейин эса қўрқиб кетасиз: «Нима учун мен? Мендан ақллироқ ҳеч ким топилмадими? Агар бу нарса мумкин бўлганда, бошқалар аллақачон буни қилган бўлишарди». Мана шу ерда сиз қўлга тушдингиз! Ўзингизнинг етакланувчилик қопқонингизга тушиб, соғ-саломат бепи-сезгилилар ҳолатига чўкиб қоласиз ва тўдада йўқ бўлиб кетасиз.

Лекин сизда еттинчи сезги ишлай бошласа...

Янги ғоялар иштиёқи билан, айтайлик, ишга келдингиз. Бирдан у ердагилар – сизнинг ҳамкасабаларингиз, бошлиқларингиз, қўл остингиздагилар олдингизга худди шундай ғоя билан келиб:

– Саҳрои Кабирнинг чўлларида пингвинлар учун атом ёнилгисиди ишловчи пневматик ҳожатхона қурсак бўлмасмикан? – деб сўрайди.

Сиз ҳайратдан кўзларингизни чақчайтирганча ўтирибсиз, ахир, бу сизнинг бугунги ғоянгиз-ку!

Бундай олиб қараганда, ҳамма буюк ғоялар бошида жуда кулгили, ҳатто бемаъни, амалга ошмайдигандай туйилади.

Диалковскийни эсланг. Замондошлари уни тентак, ўтакетган ҳаёлпараст деб ҳисоблашган. Бундан нима келиб чиқди? Бор-йўғи янги эра, янги замон. Бутун XX аср аҳли унинг ғояларини фақат чайнашди холос.

Мана шу сизнинг Куч генератори бўлганлигингизни англатади!

Олий маҳорат айнан шундан иборатки, сиз бошқа одамларнинг кучини, бошқаларнинг бунёдкорлик, ижод қилиш истагини генерациялайсиз. Бу – етакчилик жиҳатларидан бири. Бу етакчи йўлбошчиликнинг асосий жиҳатларидан бири! Тушунарлими? Нимани ва қаерда генерациялаш – бу сизнинг вазифангиз.

Ҳар биримизда Аллоҳ томонидан азалдан берилган интилиш бор, ўзимиздан кейин тарихда из қолдириш хоҳиши, қандайдир эзгуликлар қилсак-да, одамлар биз ҳақимизда жуда бўлмаганда яна минг йиллаб эслаб юришса.

Сизда еттинчи сезги очилса, бунёд этишингиз, яратишингиз, ниманики хоҳласангиз, ўшани яратишингиз мумкин бўлади.

Еттинчи сезги очилганда, ҳаётингиздаги ҳамма жараёнлар қор кўчкисидай шакл олади. Бирор ғоя келганда у қор кўчкисидай сизни босади. Бахт келганда ҳам худди шундай ҳол юз беради.

Сиз генератор-Инсон, магнит-Инсон, қутб-Инсон бўласиз. Қаерда бўлишингиздан қатъи назар ўзингизга керак бўлган ҳамма нарсани тортасиз.

Агар сизда бирор ғоя бўлса, атрофдаги одамлар ҳам сиз билан ҳамжиҳатликда шуни ўйлай бошлашади, фикрларингиз уларнинг онгида акс этиб, ҳамоҳанглик оҳанрабоси пайдо бўлади. Сизнинг истакларингиз, ни-

маники хоҳламанг, ўз-ўзидан амалга оша бошлайди. Тушунарлими?

Агар сиз севсангиз, сизни севмасликнинг иложи бўлмайди!

Сиз ўзингизга керак пайти автобус «чақира оласиз» ёки бекатга айти керак лаҳзада келасиз. Нима фарқи бор? Бундан моҳият ўзгармайди. Қандай ўйласангиз, ўйлайверинг. Балки сиз вазиятни яратаётгандирсиз, балки бу воқеани келажакда кўра олгандирсиз. Бундан мазмун-моҳият ўзгармайди.

Лекин асосийси ҳаётингиздаги самарадорлик жуда кўп марта ошади! Тушунарлими?

У ҳолда машқларга киришинг.

Кўрадиган билан кўрмайдиган одам орасида қанча масофа бўлса, сиз билан олтинчи ва еттинчи сезгилари ишлайдиганлар орасида ҳам худди шунча масофа бор. Бу масофани пул бирлигида ҳам ўлчаш мумкин.

Қадрдонларим! Ҳозир мен айтмоқчи бўлганларимни, Худо сақласин манманлик ёки такаббурлик деб қабул қилманглар! Шунчаки ўқитувчи ёки мураббий, менимча, ўз шогирдлари билан фахрланишига ҳаққи бор, агар уларнинг ютуқларида ўзининг ҳам озги-н-а ҳиссаси бўлса.

Менда эса бугунги кунга келиб, образли қилиб айтсак, ўз қўлим билан тайёрлаган икки юз қирқ нафар миллионер шогирдим бор. Албатта, мен бу ерда ўз мавқеимни ошириб юборяман, лекин шундай бўлса ҳам ўзимни қаҳрамон кўрсатиб, бировларнинг ютуқларига қўшилгим келяпти.

Кўпчилиги чўнтагида бир тийинсиз бошланган, машғулотимизга келиб, ўқиш нархини арзонлаштиришимизни сўрашган. Кўпчилиги умуман ишсиз эди, бироқ айтиб қўймоқчиман: мен учун ҳам, улар учун ҳам пул асосий мақсад эмас! Пул умуман ҳаётимиз мақсади бўлиб қолмаслиги керак!

Мана, сиздан сўрайман: ўз шахсий иншингизни очиш учун сизга қанча бошланғич капитал керак бўлади? Хўш, қанча? Миллионми? Юз мингми? Сизга неча минг ёки миллион етади?

Сиз агар «бир рубль» десангиз ҳам, мен биламан, сиздан ҳеч нарса чиқмайди, чунки пул каллани топмайди, калла пулни топади.

Мана шу каллани тингловчиларимиз билан эндиликда миллионер бўлганлар билан, жойига «ўрнатганмиз». Тўғриси айтганда, шунчаки олтинчи ва еттинчи сезгиларни очганмиз.

Мен уларнинг ҳаммасига бир хил гап айтардим: «Биринчи миллионни ишлаб топишингиз билан менга қўнғироқ қилинг».

Нега? Чунки менда шунақа дафтар бор, унга ҳаммасини ёзиб бораман ва қарайман, уларнинг ҳар бирига миллионер бўлиши учун қанча вақт керак бўлган. Бу – менинг мураббийлик тажрибам. Бу – «дебет-кредит»ларим, ўз Ҳаётим, ўз виждоним олдидаги молиявий ҳисоботим.

Улар ҳаммаси ҳар хил. Уларнинг орасида бизнесмени, банкири, спортчиси, санъат аҳли ҳам бор. Бугунги кунда уларнинг моддий бойлиги охирига кўп ноллар тиркалган катта рақамлар билан ўлчанади. Лекин бу асосий нарса эмас, бу –бор-йўғи натижаси.

Пуллар шунчаки ички қувватингизнинг эквиваленти. Бу одамлар ўзини англаб, ўзини Шахс сифатида кашф қилишди! Улар ўзини, атроф-оламни севиб ўзларининг чексиз имкониятини, истеъдодини, қудратини кўрди. Мен буни ўз тажрибамдан биламан.

Улардан ҳар бири қутб-Инсон бўлишга эриша олди. Қаерда бўлишмасин, атрофида ҳамма нарсада барака, мўл-кўлчилик пайдо бўла бошлайди. Одамларни ўзларига оҳанрабодай тортишади, худди қоронғу саҳрода ёруғлик манбаи йўловчиларни ўзига жалб этгани каби. Бу – ҳали ҳаммаси эмас, айтиш мумкин бўлганлари.

Мен сизни қанчалик хафа қилиб қўйдим!!! Ҳали бу ҳолва, агар ўз ҳаётингиз билан ҳеч нарса қилмас экансиз, шунақа ҳам таъзирингизни ейсизки, асти қўяверасиз. Фақат мендан эмас, сўз шаклида ҳам эмас... Сўзлар нима! Китобни ёпдингиз ва эсдан чиқади!..

ЁКИ... ЁКИ... _____

Учинчи йўл йўқ!

Менинг қадрдонларим! Эсда тутинг!


Сиз ёки – Генератор. Сиз ёки – фойдаланувчи.

Сиз ёки – Йўлбошчи. Сиз ёки – етакланувчи.

Сиз ёки – Шахс. Сиз ёки – малай!

Сиз ёки шатакка олувчи. Ёки сиз – арава.

Ёки... ёки...



Учинчи йўл йўқ!

Қандай яшашни, қандай бўлишни, ўзим ҳал қиляпман деб ўйлаяпсизми? Қаерда ўқишни, кимга уйланишни, нима қилишни, нима ўқишни, кимга овоз беришни ўзим таплайман деб ўйлаяпсизми? Сиз ўзим ўйлаяпман, деб ўйлайсиз?

Ҳақиқатда эса ҳамма фикрларингиз бошқа одамлар – кўрувчилар, кучлилар, келажакни кўра билалдиганлар, англаш орқали фикр юритувчилар ва ҳоказо, ва ҳоказолар фикрининг проекцияси, яъни соясидир.

Ёки бошқалар фикри сизнинг лойиҳаларингизнинг кўзгудаги аксидир. Балким сиз ўз ғояларингизни оҳанрабо тўлқини шаклида маконга, замонга узатаётгандирсиз.

Дунёни 2 фоиз инсонлар бошқаради. Бу ўша «кўрувчилар», қолганлар эса «кўзи ожизлар», ҳаёт ва ўлим оралиғидаги вақтини мудраган ҳолда ўтказаётганлар.

Сиз кўрадиган бўлишни хоҳлайсизми, буни ўзингиз ҳал қилинг!

Сизга ёқмайдиган ЎША нарса _____

**Люцифер
хизматкориникида меҳмонда**

Кўп йиллар олдин бир одамнинг шаҳар ташқарисидаги уйида яшаганман.

Агар сиз 1989 йилгача собиқ Иттифоқнинг исталган техникум ёки олий ўқув юртида, хоҳ техника соҳаси бўладими, хоҳ ижтимоий-гуманитар соҳа бўладими, таълим олган бўлсангиз, албатта, унинг китоблари бўйича имтиҳон топширгансиз. Ёки шогирдларининг китобларини ўқигансиз. Тиззаларингиз қалтираб, кеча ва кундуз шпаргалкалар ёзгансиз ва атеизмдан имтиҳон топширгансиз.

Унинг китоблари бўйича олий таълим муассасасининг педагоглари маъруза ўқишган, бу педагоглар мактаб ўқитувчиларига таълим беришган ва шунақа давом этган. Ахир, унинг ёзган китоблари Сталин давридан буён ҳамма ғайридинлар учун асосий билим манбаи бўлиб, улар эса ўз навбатида, болаларга таълим бериб, келажак авлодларни тарбиялашган эди... Сиз «мажруҳларни» дедингизми?...

Келинглар, мажруҳларни камситиб ўтирмаймиз.

Институтда мен ҳам бу фан бўйича имтиҳон топширганман, мен ҳам таниш-билишчилик қилиб бу фанлардан «тўрт» ва «беш» баҳолар олганман.

Бизнинг илмий атеизм кафедрамиз мудирининг минбардан туриб гапирган гапларига ўзи ҳам шунчалик ишонар эдики, хотини оламдан ўтганда жаноза ўқишга йўл қўймаган. У олий ўқув даргоҳида ишларди, атеизм кафедра-

сига мудирлик қиларди ва атеистик билимларни оммага мутлақо ҳақиқат деб етказарди.

Мен дала ҳовлисида яшаётган одам бир куни кечқурун чой устида мендан сўради:

– Сен Худога ишонасанми?

Мен нима деб жавоб беришим мумкин эди? Мен учун у атеизм соҳасидаги энг сўнгги бекат эди, ахир, уникида меҳмонда эдим-да! Унинг эътиқодини камситиш ҳам ноқулай!

Дарров актёрдай, яхши тарбия кўрган талабага айландим ва бирдан жавоб бердим:

– Албатта, йўқ!

У қандайдир ғалати қараб:

– Бунчалик қаттиқ ишонч қаердан? – деб сўради.

Жавоб бера бошладим:

– Қаердан бўларди? Биз, ахир, ҳаммамиз Худо йўқлигини биламиз-ку.

У деди:

– Ҳамма қаердан билади? Бу «ҳамма» Худони излаганми?

– Шунақа, ўқитишган.

Бизнинг суҳбатимиз шу билан тугади.

Ҳар якшанба у кун бўйи қаергадир кетарди. Бир куни у менга деди:

– Менимча, сен бугун бекорчига ўхшайсан, юр мен билан.

Биз кетдик... қишлоқ черковига. Тасаввур қиляпсизми, черковга?!

Ичкарига кирдик. Кейин у меҳроб олдида чўк тушиб, тиззалаб турди ва шу турганича қолди.

Бир соат ўтди. Мен айланиб, кузатиб юрдим. Кейин яна икки соат кўчада юрдим, ҳар ҳолда кеч куз эмасми, анча совуқ тушиб қолди. Музлаб қолганимдан сўнг, бекорчилик жонимга тегиб, дала ҳовлига қайтиб кетдим.

Ҳамма вақтлар ва халқларнинг энг катта атеисти қоронғу тушганда қайтиб келди. Кечки овқат тайёр эди, биз дастурхонга ўтирар эканмиз у деди:

– Сен ҳайрон бўлдингми?

Сен мени у ерга ўз қалбини қутқаришга бораяпти, деб ўйлайсанми? Йў-ўқ! Менинг қалбим аллақачонлар дўзахда! Аллақачондан бери жаҳаннамда, чунки менинг сабй-ҳаракатим туфайли, юз миллионлаб одамлар ўзларини жаҳаннам азобига гирифтор қилишган. Уларни кўп йиллардан бери худди гўшт комбинатидаги эчкидай қушхонага етакладим ва ҳозиргача етакляпман.

Бу атеистлар тўдаси менинг орқамдан эргашигани етмагандай, бошқаларни ҳам етаклашади. Тўғри даҳрийлик пичоғи остига етаклашади, кейин эса така яна янги подани етаклаб келиш учун орқага қайтади. Бу одамлар қалби йўқ махлуққа айланишди, уларни эса мен шунақа қилдим, ўғлим!

Эсингда бўлсин: сен, шахсан Люцифернинг малайи билан бир дастурхонда ўтирибсан!

Черковга эса ўзим учун бормайман, ўғлим, ўзим учун эмас. Дунёда ҳеч қандай ибодат ҳам, ҳеч қандай вақт ҳам йўқ, менинг одамзотга нисбатан қилган гуноҳларимни юва оладиган. Менга қара: ёшимам – ўҳ-ҳў!

Ўлишдан ҳам қўрқаман, чунки у ёққа жўнатганларим билан бирга ўтиришдан одамни даҳшат босади. Динсизликларини эса ниқоб қилиб, улар алдашарди, ўғирлашарди, ўлдиришарди, сотишарди, бошқа одамларга нисбатан разиллик билан иш тутишарди – шу билан жазосиз қоламиз деб ўйлашарди, чунки уларнинг қалбида эътиқод таянчи йўқ эди, чунки улар ўлим билан бирга ҳамма нарсани, ҳамма сир-асрорларини ўзлари билан бирга қабрга олиб кетамиз, деб ўйлашар эди.

Мен черковга Тангридан фақат битта нарсани илтимос қилиб бораман – ўзимнинг неварам учун. Мен Унга дейман: «Тангрим, мени нима қилсанг қил! Лекин фақат мени деб, менинг қилмишларим деб неварамни лаънатламагин».

Мана унинг сўзлари.

Кимнинг телефон станцияси ЗЎР?

Йўлда келяпман, Отамга қўнғироқ қилмоқчиман. Қарасам, «МТС телефон будкаси»га хоч ўрнатилган. Кўчанинг нариги бетидаги «Билайн будкаси»да ярим ой шакли бор. Яна юрсам, «Сонет телефони» Довуд юлдузи билан безатилган.

Агар сизга МТСчиларнинг пушти ранг жомакори ёқса, сиз «МТС компанияси будкасидан» гаплашасиз, агар билайнчиларнинг яшил формаси ёқса – бошқасидан, агар сонетчиларнинг кўк кийими ёқса – учинчисидан.

Отангиз билан қайси телефон аппаратидан гаплашишнинг нима аҳамияти бор?

Унга қанақа тепаликдан туриб мурожаат қилишингизнинг-чи? Бу тепалик черков деб аталадими, синагог ёки масжидми – фарқи йўқ, чунки биз ҳаммамиз Унга мурожаат қиляпмиз.

Худди қуёш нуридай Худо ҳамма учун бир, фақат номлари, урф-одатлари, шакллари ҳар хил, буниси энди одамлар Уни қандай номлашига қараб. Аллоҳнинг кўз илғамас тарзда мавжуд бўлиши ва Унинг ҳаётимиздаги иштирокини, дунёнинг биронта тилида ҳам бир хил ифодаб бўлмайди.

Лекин ҳар бир одамнинг Худо ҳақидаги ўз тасаввури бор, одамларнинг ҳаммаси ҳам ҳар хил бўлганидан кейин, ана шундан келишмовчиликлар келиб чиқади. Шундай бўляптики, худди Ерда яшовчи одамлар, Аллоҳнинг уйини коммунал уйга айлантириб, рашк, адоват, нафрат, душманликни пайвандлашади.

Одамлар ваъзхонлик қилиб, муқаддас китобларни изоҳлашади, ўз тасаввурида қандай тўғри бўлса, ўзига қандай қулай бўлса, ўзи қандай хоҳласа, уларни шу тарзда қайта ёзишади, кейин эса ким нимани ёзгани борасида баҳслашишади – кимнинг худоси зўр деб жанжаллашишади.

Яҳудийлар «Эйлогим» деб мурожаат қиларкан, улар ҳам сиз билан бизнинг Худомизга мурожаат этади.

Насроний «Господи», «Дэо», «Гот», «Дье», «Бог» деганда, биз – мусулмонлар «Аллоҳ» деб билган Худомизга мурожаат қиламиз.

Буларнинг ҳаммаси Парвардигори оламнинг турли тилдаги номи, холос. Биз ҳаммамиз битта Худога мурожаат қиламиз, фақат ҳар хил тилларда. Моҳият эса битта бизнинг Олий нурга, Олий муҳаббатга, Олий яратувчанликка интилишимиз!

Онанинг болага бўлган муҳаббати қандай тилларда жарангламасин, бу барибир битта муҳаббат, фикримга қўшиласизми? Агар сизнинг муҳаббатингиз қандай тилда жаранглаши сиз учун аҳамият касб этса, бу, демак, сизнинг касаллигингиз!

Агар сиз ўз ичингизда Худони ҳис қилмаётган бўлсангиз, агар бу асос бўлмаса, бу пайтда сиз албатта исбот қидирасиз ва дейсиз: «Менга Худонинг ягоналиги ҳақидаги юридик ҳужжатни кўрсат!»

Шунақа ҳужжат бор!

Эътиборингизни қаратинг – Тавротда ҳам, Библияда ҳам, Қуръони Каримда ҳам – ҳамма муқаддас китобларда – умумий «жамоа», ўша битта Фаришталар ва Пайгамбарлар кўрсатилган.

Сиз ОНАМИЗНИНГ

исмини билмайсизми? _____

Бизнинг генларимизда азалий келиб чиқишимиз жойланган. Ген, агар образли қилиб айтганда, сизнинг уруғингизнинг паспорти.

Сизнинг генингизни тадқиқ қилиб кўрамиз, у ерда фамилиянгиз «ёзилган», дейлик, Эшматов. Ҳақиқатан ҳам, сиз ўша одамнинг авлодими ёки йўқми, буни хатосиз аниқлаш мумкин, ахир ҳаётда нималар бўлмайди. Мерос-хўрлар орасида бўладиган жанжал ва можаролар тарихини ўзингиз ҳам биласиз-ку!

Биттаси бундай дейди: «Ҳей, бу менинг дадам!». Бошқалари эса: «Йўқ, сеники эмас! У – бизники!». Ана ўшанда дадани қайта қазиб олиб ген асосида аниқлик киритишди. Шу тариқа битта генининг ўзи ҳаммасини жой-жойига қўя олиш имконига эга экан.

Минг йиллар аввал ўтган уруғингиздагилар ким бўлганини, образли қилиб айтадиган бўлсак, генингиз даражасидаги фамилиянгиз қанақалигини худди шу тарзда тахмин қилишимиз мумкин. Шу тарзда ҳар хил одамлар билан изланиш олиб боришимиз натижасида, сизни даҳшатга солувчи кашфиётга дуч келдик.

Биз ҳаммамиз, бутун инсоният, битта аёлнинг авлоди эканмиз! Айнан аёл кишининг, эркак кишининг эмас.

Эътибор қилинг! Аёл кишининг гени эркак кишининг генидан кучлироқ экан.

Азиз хонимлар, бу янгиликдан кейин ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? Сиз-чи, ҳурматли эркаклар?

Шундай экан, яҳудийлар ҳақ экан, чунки улар миллатни она томонига қараб олиб боришади.

Бу хоним эса тахминан тўқсон минг йил аввал яшаган. Бу аёлнинг гени, уруғ учун жавоб берувчи генларнинг ҳаммасидан устун келган.

Яъни ҳаммамизнинг фамилиямиз битта, ҳурматли Эшматовлар – бу илмий факт! Барча корейслар, хитойликлар, ҳиндлар, руслар, ҳаттоки украинлар ҳам – ҳақиқатда барчаси Эшматовлар!

Демак, сизу бизнинг онамиз битта аёл бўлган. Қизиқ, бизнинг умумий онамизнинг исми нима экан? Сиз нима деб ўйлайсиз, қадрдон укажон ва сингилжонларим?

Зудлик билан кейинга қолдирмасдан мулоҳаза машқини ўтказинг. Акангиз ёки опангизнинг нимаси сиздан ортиғу, нимаси кам ёки нима учун у онангиз учун бошқаларга нисбатан ардоқлироқ?!

Сен УНИ

излаганмидинг? _____

Демак, бизда бор-йўғи иккитагина йўл бор: ё яхши бўлиб эзгуликка хизмат қилиш ёки ёвуз бўлиб ёвузликка. Ким учундир сиз эзгулик маъбудаси, ким учундир эса нақ иблиснинг ўзгинаси.

Қачонки ўз ичингиздан ёруғлик изласангиз, самимийлик, эзгулик изласангиз, албатта, уни топасиз. Лекин уни излаш учун, ўша ёруғликнинг мавжудлигига одамда **ишонч, эътиқод бўлиши** керак.

Бу ёруғликнинг мавжудлигига сизда оддийгина ишонч бўлиши лозим! Сиздаги муаммоларнинг бари тўғридан-тўғри шу нарсага бориб тақалади.

Эсингиздами, ўзингиздаги Ғолиблик, Қудратлилик, Октава ҳолатини вужудингизда ҳосил қилиб, уни бутун танангиз бўйлаб ўтказганингиз? Мана шунинг ўзи – **ИШОНЧ** ҳолати!

Бу шундай ҳолатки, бунда сиз ҳамма билан бирга ўзингизни ҳам кечира оласиз. Бу ҳам **ИШОНЧ** ҳолати!

Шундай ҳолатки, бундай ҳолатда ҳаммаси амалга ошади, барчаси рўёбга чиқади – бу ҳам **ИШОНЧ** ҳолати!

Эслаб кўринг! Сиз ҳаётингизда муваффақиятга эришган пайтларингизда, ўшандан олдин қандай ҳолат пайдо бўлган эди? Мақсадга ҳали етмадингиз-у, лекин сиз қандай хоҳласангиз, айнан шундай бўлишини аниқ билардингиз! Бу ҳам **ИШОНЧ** ҳолати!

Исо пайгамбар айтган, агар сиздаги ишонч тариқчалик бўлса ва сиз шу ишонч билан тоққа: «У ердан мана бу ерга кўч!»— десангиз, у кўчади ва сиз учун иложсиз нарсанинг ўзи бўлмайди.

Ҳозир биз сиз билан шунчаки ўрганиямиз, бу исбот талаб қилмайдиган назарий қонидани амалиётда қўллаш қолди, холос. Бор-йўғи шу!

Сиз эса қайси йўл билан ўз орзуингизга, мақсадингизга эришмоқчисиз?

Тушунсангиз-чи, азизларим, мен бу одамларни махсус ўрганганман, сиз балки фикримга қўшилмассиз, лекин бугунги кунда менинг нуқтаи назарим шундан иборат. Ёруғликни, нурни, муҳаббатни, эзгуликни инкор этишни атеизм деб аташ мумкин, бу эса ичингизда ёвуз куч борлигидан далолат беради.

Ҳа-а-а, шунақа гаплар! Демак, унда ўзининг қалбидан ҳам беркитмоқчи бўлган нимадир бор.

Бундай вазиятларда доим донишмандларнинг саволини қайтаришга мажбур бўламан:

– Сен бирор марта бўлса ҳам Уни излашга уриниб кўрдингми?

ДИҚҚАТ!

ТАРТИБСИЗЛИК ЧЕГАРАСИ!

Тайёрланмаган, ҳис қилиши чекланган,
махсус жиҳозлар билан таъминланмаган
ўқувчиларнинг у ёққа ўтиши хавфли!

Чегарадан ўтгач, фикрларингиз ва хулосаларингиз
учун ўзингиз жавоб берасиз!



Соддалаштирилган ягона бошлангич МАШҚ

Ҳозир интуициямизни машқ қилдиришни бошлаймиз. Ёки бошламаймизми? Ёки ҳозир эмасми? Сизнинг таъсирланиш ҳолатингизни олдиндан айтишим мумкин. «Мана, ниҳоят!».

Қадрдонларим! Сиртдан ташналикни қондириш мумкинми? Узоқлардан туриб тўйдириш мумкинми? Агар сиз қаерлардадир изгиганча, уйдаи ёки метродами ўтирганча китобни ўқиётган бўлсангиз, машғулотларимда ҳам ҳаммага беришим мумкин бўлмаган, ҳаммага ҳам очавермайдиган нарсани мен сизга қандай қилиб беришим мумкин?

Тингловчиларимиз, бизнинг талабалар ўз сезгиларини ривожлантириш бўйича курсларимизда махсус шуғулланадилар, бу машғулотларда одамларни жуда айёр усулни қўллаган ҳолда, ҳар томонлама текширувдан, қирқ чиғириқдан ўтказиб, танлаб оламиз.

Нима учун?

Чунки инсон олдин ўзининг жисмоний танасини тартибга келтириши керак. Бу шунчаки соғлом бўлиш учун эмас, бу унчалик катта ақл-идрок ҳам талаб этмайди. Шунинг учунки, бу ишда инсон ўзидаги кучни ҳис эта олсин.

Сиз қачон ўз танангизни – касалликларга тўлиб тошган бир қоп ичак-чавоқларни ўзингизнинг ирода кучингиз, руҳиятингиз кучи билан ибодатхонага айлантира олсангиз, қалбингизда қандай туйғулар пайдо бўлади?

Нима учун «ибодатхона» дедим? Ахир сиз ўзингизнинг оғир танангизни ҳаёт сўқмоғидан судраганча кетиб бораркансиз, бақирганча:

– Қани, юр, юрсанг-чи, ярамас! – дейсиз.

Сиз уни яхши кўрмайсиз-ку ёки ундай эмасми? У ҳам сизга худди шу тарзда жавоб беради, касал бўлади, сиз эса азобланасиз. У бўлмаса, нима қилардингиз?

Ўзимни ўзим дунёга келтирардим демоқчимисиз? Йўқ? Мана шу нозик яратмани, мукаммал механизмни, яъни ўзингизнинг танангизни ўзингиз ўйлаб топиб, жонлантирардим дейсизми? Йўқ? Унда УСТАнинг яратиб қўйганини бузишга нима ҳаққингиз бор?

Ибодатхонанинг деворига «Бу ерда Эшмат бўлган!» деб ёзиб қўядиганларга сиз қандай муносабатда бўлардингиз? Сиз худди шундай иш тутяпсиз! Ёки ундан ҳам баттароқ! Ҳозироқ уйимизни тозалашга, оқлаб бўяшга, чиннидек саранжом-саришта қилишга киришамиз!

Танангиз хоҳишларингизга бўйсуна бошлаган пайтда эса ўзингизнинг нималарга қодир эканингизни билиб оласиз. Мана шунда сиздаги ФОЛИБ бўлиш руҳияти уйғонади!

Қачон ўзингизни қалб қўрингиз, ўз эътиқодингиз, руҳиятингиз билан ўзингизни қайта яратсангиз, нақадар лаззатли туйғуни ҳис этасиз.

Бу – ҳали бошланиши, биринчи қадам, томизғи.

Кейин биз қалбимизнинг бутун ҳиссиётлар иқлими-ни ўзгартиришни ўрганамиз, феъл-атворимизга ҳалақит бераётган томонлардан халос бўламиз. Фақат шундан кейингина ғуддасимон безни фаоллаштириш ишига, ички сезгимизни ривожлантира боришга, ҳаётимиздаги кўплаб йўналишларни керакли оқимга ўзгартиришга, орзуларимизни ишғол қилишга, шахсий истагимизга биноан тақдиримизга ижобий таъсир кўрсата бошлашга киришамиз.

Кўпинча кимлардасир юқори машқларга ўтишдан олдин ҳам бу ўзгаришлар, шаклланишлар ўз-ўзидан содир бўла бошлайди. Бу – оддий ҳол.

«Хўш, қалай? Наҳотки, бу бемаза муаллиф барибир сирини ошкор этмаса? Шу билан ўша ҳалиги ички сез-

гини уйғотиш бўйича ҳеч қандай йўриқнома бермаса-я? Бунақада бизнинг миллионларимиз нима бўлади?»

Ҳафсалангиз пир бўлдимиз? Сиз хафа бўлдингизми?

Балки мен, ҳозир сиз мен ҳақимда ўйлаганингиздан кўра баттарроқ, бемазароқдирман? Ким билади, охирги саҳифаларнинг бирида ўша муҳим нарсa ёзилган бўлса-чи?

ЎЗ БОШИНГИЗГА

икки челақ нўхат

Майли, бўпти!

Сизга тушунарли бўлиши учун, Устозим англаб етишишимни кенгайтириш мақсадида қай тарзда танобимни тортиб қўйганини гапириб бераман. Бир куни Устозим мени эски омборхонага бошлаб келди ва тушунарсиз қурилмани, қандайдир мосламалар, бир томони очиқ каттакон мис идишни кўрсатди. Кир-чир, ис босиб кетганидан яқин орада бу нарсадан ҳеч ким фойдаланмагани кўриниб турарди.

Хуллас, у менга бу идишни нима қилишим кераклигини тушунтирди. Уни яхшилаб ювиб тозалаганимдан сўнг икки челақ нўхат келтирди. Бир челақдаги нўхатнинг ҳаммасини қора рангга бўяб чиқишимни, қолганига эса тегмасликни, тайёр бўлгач, ҳаммасини мис идишга солиб аралаштиришни буюрди.

Мис идишнинг тагида махсус мослама бор эди: у томонга бурасанг, нўхат бир томонга, бу томонга бурасанг, нўхатлар бошқа томонга қараб юмалаб кетарди.

Нима деб ўйлайсиз, у ерда қанча нўхат бор эди?

Масала қуйидагича қўйилганди, кўрмасдан туриб мис идишдаги юмалаб тушаётган нўхатларни челақларга шундай тақсимлаш керак эдики, челақлардан биттасига фақат бўялган нўхатлар, бошқасига оддийлари тушсин. Хўш, қўйилган вазифа сизнингча қалай?

Биринчи уринишда ҳар иккала челақда аралаш-қуралаш нарса ҳосил бўлди, бўялган нўхатлар қанча бўлса, бўялмаганлари ҳам шунча эди. Қисқаси, ҳеч нарса чиқмади. Машқ қилиб маҳоратимни ошира борарканман, ўзимча фикр юритардим: «шу ҳам ақлга сиғадиган ишми?».

Бора-бора маҳоратим шунчалик ошиб кетдики, китоб ўқиб ўтириб ҳам, мосламани у ёққа ё бу ёққа автоматик тарзда бурайверамаман, нўхатларнинг ўзи юмалаб бориб тўғри челақларга тушаверади. Бора-бора ҳар қайси челақда бор-йўғи икки-учтагина хато чиқадиған бўлди.

Қадрдонларим! Биз ҳам ички сезги борасида сизнинг худди ҳозирги аҳволингиздек мажруҳ эдик. Шунчаки биз ўрганишни жуда истаганмиз. Мен ҳам ҳамма қатори машқ қилардим. Нимани устида ишласанг, ўша нарсас... Хуллас, буни ўзингиз яхши биласиз.

Буни сиз ҳам бажара оласиз, лекин бундай қурилмани ясай олишингиз муаммо. Тушунаман, устига-устак шунча нўхатни топиш ҳам осон иш эмас. Қаердан олиш мумкин? Бозорга бориш, кейин бўяш...

Биз ўз машғулотларимизда бу нўхатларни қарталар билан алмаштирдик, шунчаки оқ-қора рангдаги картон қоғозлар билан. Кейин бора-бора оқ-қора-кулрангларга, ранглиларга ва сонлиларга ҳам ўтамиз. Фақат булар сал кейинроқ. Ҳозирча буларга ўтишга фурсат бор, шунинг учун бу ҳақда ҳатто гапириб ҳам ўтирмаймиз.

Хуллас, қарталарни яхшилаб аралаштириб, рангли томонини пастга қаратиб қўямиз ва биринчи қартанинг қанақа рангда эканини ҳис қиламиз, сўнг иккинчи қартанинг рангини. Маҳоратингиз ошиб борган сари ҳаммасини аниқ топа оласиз. Лекин машқнинг асл моҳияти бунда эмас. Унда нимада? Машқларни бошлайверинг, кейин англаб етасиз!



**ФИКРНИ қорин гулдирашидан
қандай фарқлаш мумкин?**_____

Жуд-а-а илмий асоснома!

Биринчи галда сиз билан ўзлаштиришимиз керак бўлган нарса, ички ҳақиқатни фарқлаб олишимиз керак. Сизнинг бошгинангизда пайдо бўлган ҳақиқатдан чин ҳақиқатни ажратиш лозим.

Иккинчи: онгингизни вақт бўйлаб бир неча сония олдинга ва орқага кўчира олиш.

Учинчи: ҳиссиётларингиз ва интилишларингизнинг генерациялашуви.

Тўртинчи: энг яхши ҳис-туйғуларни ва интилишларни бошқа бировга узата олиш.

Мана шу тарзда бошланғич малакани ўзлаштиришимиз керак.

Худди Буратинонинг Карло отасидек тер тўкиб меҳнат қиламиз, машқ қиламиз, ҳурматли Буратиноларим!

Биринчи йўлнинг номланиши... Агар қандай бўлса шундайлигича таржима қиладиган бўлсак, жуда қўпол тарзда қуйидаги маъно ҳосил бўлади: «Эзгулик фариштасининг иблис тажовузидан халос бўлишига ёрдам бериш», яъни «Фариштанинг иблис билан қовушишига халақит бериш». Бу – машқнинг номланиши.

Қачонки қалбингиз ёвузлик билан эзгуликнинг фарқига борса, руҳиятингиз яхшилик уруғи қадовчи, бунёдкорлик, ижодкорлик ҳолатига кирса, барча фаришталар атрофингизда улкан бир қўшин каби саф тортишади. Сиз эса уларнинг вакилига айланасиз. Тушунапсизми?

Эзгулик йўлида, муҳаббат йўлида, Шахсингизни энг кучли, яхши томонларини англаш йўлида қандай интиланг бу фаришталар бошқа инсонларнинг қалбига ҳам худди шундай интилишларни жо этишадики, уларнинг ҳам интилишларининг интилишларингиз билан ёнма-ён қадам ташлай бошлайди. Тушуняписизми?

Иккинчи йўл – онгни вақт бўйлаб кўчира олиш. Сиз онгингизни орқага ва олдинга, ўтмишга ва келажакка кўчириш машқини бошлайсиз.

Учинчи йўл қайси? Учинчиси қанақа машқ бўлди экан? Бу машқ орқали ўзгалар қалбига қулоқ тута олиш, ундаги туйғуларни ҳис қила олиш, ўзгалар билан ўз қалбингиздаги ҳис-туйғуларнинг фарқига бориб уларни ажрата олишни ўрганиш.

Тўртинчиси нима? Фикрни масофадан узатишми? Йўқ, азизим! Хоҳишларимизними? Иродамизними? Йўқ! Унда нимани узатамиз? Муҳаббатни узатамиз! Муҳаббатни узатамиз!!!

Ўй-хаёллар – яшаб ўтган кунларимизнинг эсноғи. Бошингизда пайдо бўладиган хаёллар қоринда ҳосил бўладиган ғулдираш билан тенг. Ўзингизнинг кекиригингизни бошқа бировга узатишни хоҳлайсизми?

Истакларингизни-чи, сизни нафақат қул, ҳатто ёвузга айлантириб қўйган кўнгил боғичларини-чи?

Ҳақиқий севгида, фақат севишдан бошқа истакнинг ўзи йўқ. Севгида нимагадир эришиш истаги бўлмайди, беришга интилиш бўлади. Севги -- ўзини қурбон қилишдир. Тушуняписизми?

Демак, агар кимдир елкама-елка ёнингизда туришини хоҳласангиз, биргаликда қамоқхона эшигини очиб, узоқдаги уфқни томоша қилмоқчи бўлсангиз, бошқа бировга нима беришимиз керак экан? Айнан муҳаббатимизни!

Уффф! Энди яна бир марта.

Эзгулик ва ёвузликни ажрата билиш. Бу биринчидан.

Ўз онгингизни эзгулик ва ёвузлик орасидаги макондан эзгуликни танлаган ҳолда кўчира олиш. Бу иккинчидан.

Севгини ўзингиз учун кашф қилинг, севгини англаб етинг, севгини бағишланг, мана шундай севги асосида эзгулик йўлини бунёд этинг, ижод этинг, яратинг. Мана бу учинчидан ва тўртинчидан.

Замин узра эзгуликни тарқатиш учун муҳаббат нури-ни бошқаришни ўрганиш, яъни ўзингизга ўхшаган муҳаббатга ошно қалбларнинг сонини кўпайтириш учун, ғафлат уйқусидан энди уйғонганлар учун таянч бўла олишингиз учун. Бу тўртинчидан.

У ёғига сизга ҳали эрта. Ҳозирча бор-йўғи тўртта машқнинг ўзи етарли.

Учта қарта,

учта қарта,

учта қарта... _____

Оқ-қора рангдаги машқ қарталари дегани нима? Бу шунчаки сизнинг «ҳа» ёки «йўқ» жавобларингиз. Чунки ҳаётдаги саволларнинг барчасини қай тарзда ечамиз? Биз бу ишни ё қиламиз, ё қилмаймиз; ёки борамиз ёки бормаймиз; ё уйланамиз ё уйланмаймиз; ё туғамиз ё туғмаймиз; сўнгра эса ё ажрашамиз ё ажрашмаймиз. Шундайми?

Яъни ичимизда ўзимиз ҳам буни англамаган ҳолда ё «ҳа», ё «йўқ» деб айтамиз.

Биз қарор қабул қиламиз!

Одатда сиз қандай усул билан қарор қабул қиласиз? Кўриниб турганидек, улардан 10 тасидан 9 таси хато. Нима учун «сиз» деяпман? Менинг ички сезгим, Худога шукр, Устозим калтаклари ёрдамида озми-кўпми ёриб чиққан.

Бизнинг интуициямиз ҳар доим тўғри ечимни билади, лекин биз уни эшитмаймиз.

Демак, қарталар ёрдамида машқ қилиб, нимани ўрганамиз? Ўз интуициямизнинг тилини ўрганамиз. **Ҳаётда тўғри қарор қабул қилишни!**

Авваламбор, бунинг учун чин ҳақиқатни ёлғондан ажрата олишни ўрганишимиз керак.

Мана, сизнинг қўлингизда қарталар бор. Хаёлан савол берасиз: у қанақа рангда, қартага эса қарамайсиз. Сизнинг ҳозирги вазифангиз – бу саволга ичингиздан жавоб топиш.

Қанақа ранг? Сезгингиз нима деяпти? Ичингизда қандайдир сезги «оқ», деяпти! Иккинчи сезги эса, «балки қо-

радир» дейди. Сизнинг вазифангиз: бир фоизгина эътиборингизни қартага, қолган тўқсон тўққиз фоиз эътиборингизни қаёққа қаратасиз? Интуициянгизга? Йў-ў-қ! Интуицияга эмас, тентаквой! Ўз-ўзингизни таҳлил қилишга!

Ўз-ўзини таҳлил қилишга!

Сизнинг биринчи галдаги вазифангиз, ҳақиқий сезги билан ёлғончи сезгиларни топиб, жой-жойига қўйиш. **Бу сезгиларнинг хар бирини илғаб олиш ва эслаб қолиш!**

Энди қарталарни очиб кўринг! Текширинг. Хўш, қалай!

Агар қартани тўғри топган бўлсангиз, хурсанд бўлманг!

Агар нотўғри бўлса, хафа бўлманг!

Шошмасдан, босиқ ҳолда хотиржамлик билан ўргана борамиз. Бошида, керакли сезгиларни таниб олиш қийинроқ кечадиган жараёнда, иш унчалик ҳам тез кўчмаслиги мумкин.

Бироқ, сиз ҳар хил тезликларда ишлаш жараёнида шунга амин бўласизки, қанча тез бўлса, шунча яхши. Одатда шундай бўлган. Лекин барибир ҳамма ҳам ўзига хос, шунинг учун яхшиси, ўзингизга қулоқ тутинг!

Бу – машқ. Биз қарталар ёрдамида фол очмаймиз, шўрпешона фолбинчалар! Бизнинг шуғулланаётганимиз – диққат! – ўзини-ўзи таҳлил қилиш.

Кўзларни юмиб олмаймиз! Ойпарастлик ҳолатига тушманг, ундан ҳам муҳими хуррак отишни бошламанг!

Тасаввур қилинг, сиз қарор қабул қилиш учун музокарага келдингиз. Тўсатдан кўзларингиз олайган, иягингиз осилиб қолган, жонсиз танангиз ярим соатча оромкурсида ялпайиб ётади, сунъий тишларингиз эса полда ётибди. Сўнгра сиз кўзингизни очасиз ва эълон қиласиз: «Ҳа, мен шартномани имзолашга розиман».

Бундай аҳволдан кейин ким ҳам сиз билан ҳамкор бўлишни хоҳларди?

Давом этамиз.

Машқни янги бошлаганларга одатда ахборот аввал бошида тескари кўринишда келади.

Чақалоқ энди дунёга келганида, дастлабки кунлари икки ҳафтача ҳамма нарсани оёғини осмондан қилиб кўради. Сиз буни биласизми? Сал улғайгач, дунёни қабул қилиши ўз меъёрига келади. Сизнинг интуициянгиз ҳам худди шундай ишлайди. Бу томонини ҳам ҳисобга олинг.

Энди хатти-ҳаракатлар қонуниятини ҳам кўриб чиқамиз. Мана, сиз битта қартани тўғри топдингиз. Сўнгра бошқасини. Кейингисида адашдингиз. Яна адашдингиз. Охирида сизни шуғуллангиз келмай қолади.

Машқ қилмаган ўртача статистик одамда интуиция, тўғри қарор қабул қилиш сезгиси фақат бир лаҳзагина пайдо бўлади. Сўнгра эса қизиқ ҳолат олдинга чиқади. Унда қаршилиқ кўрсатиш ҳолати пайдо бўлади.

Бу пайтда нимадир ичингизда: «Хато қилишдан қўрқ-япман», дейди. Сиз эса хато қилгандан кўра, қулоғингизгача... нимада ўтираверасиз?... Ана ўшанда.

Тўхта! Огоҳлантириш!

Худо сақласин-у, мабодо тўсатдан қандайдир овозларни – ички овозларними эшитиб қолсангиз, бу овозлар қандайдир маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ ўргата бошласа, зудлик билан **руҳшуносга мурожаат қилинг!** Бу овозларингизнинг машғулотибизга ҳеч қандай алоқаси йўқ!

Сезгиларни «эшитиш» керак, тушунарлими?!

Сизнинг оладиган жавобларингиз сўз кўринишида ёки товоннинг жимирлаши, қўлтиқ таги қитиқланиши кўринишида бўлмайди, сезги кўринишида, қалбдаги ички интилиш, ички истак тарзида бўлади!

Эй, Худойим! Бу нарсани қандай қилиб бесўнақай сўзлар ёрдамида тўла-тўкис баён этиш мумкин?!

Ишонтириб айтаманки, ўзингизда ҳам ички сезги очилгандан кейин, бу сезгиларни аниқ сўзлар билан тунштириб бера олмайсиз. Уларни жуда шартли равишда фақат бизнинг «ҳа» ва «йўқ», «яхши» ва «ёмон», «оқ» ва «қора»ларга тенглаштириш мумкин.

Сўнгра сиз шу нарсани ҳис эта бошлайсизки, битта сезгининг ўзи гоҳ ҳақиқат бўлиб чиқади, гоҳо ёлғон бўлиб. Бу адаштирувчи сезги. Бу нарса кўпинча машқ қилишни энди бошлаганларда бўлади. Вақти келиб сиз қартанингрангини аниқ ажрата бошлайсиз. Муҳими, адашмайдиган, ҳақиқатни айтадиган сезгини таниб, эслаб қолиш керак.

Бу сезгини озми кўпми тинглашни ўрганганингизда, сиз юзтадан тўқсонтасини топа олиш даражасига ёки юзтадан юзта даражасига кўтариласиз. Бунинг учун катта ақлнинг кераги ҳам йўқ. Ўша сиздаги ақл қанча бўлса, ўшанинги ўзи етади, яъни бу ерда айнан ақл керак нарса эмас.

Бизга айнан мантиқий фикрни интуициядан ажрата билиш муҳим. Ва мана шу «ақл»ни вақтинча жаврашдан тўхтатиб, барча эътиборни сезгига қаратиш лозим. Бор-йўғи шу!

Ўз сезгиларингизни ҳис этишни ва фарқлашни ўрганиб олганингиздан кейин, ўй-хаёлларингизни ҳам бошқача тарзда ажрата бошлайсиз. Сиз ўз фикрингиз билан четдан суқилиб кираётган хаёлларнинг фарқига бориб, бошқаларнинг фикрини ўқий бошлайсиз. Шунини яхши биласизки, бу фикрлар сизники эмас, демак, маълум бўлгандек, ўзгалар фикри.

Мана шу даражага етганда биринчи синфга боришга тайёр бўласиз.

У ёғини ҳам билишни истайсизми? Азизларим, сиз ҳамма нарсани ва ҳаммасини бирваракайига истайсиз! Сиз олдин ўз хаёлларингизни қориннинг гулдирашидан ажратишни ўрганинг, келишдикми?..

Хўжа Насриддин услуги бўйича

Қайси бирингиз шу ярим соатлик машқ давомида эришилажак натижанинг яхшиланиб боришини истайсиз? Ҳар кейинги босқичда топишнинг эмас, сеза олишнинг енгиллашиб боришини ким хоҳлайди? Қўлларингизни кўтаринг!

Сиз буни ҳақиқатан ҳам жуда хоҳлаётган бўлсангиз, марҳамат, китобни бир четга суриб, полда ётиб-туришни бошланг-чи. Ҳозир сиз ўз истагингизни амалда кўрасиз.

Қани, ҳамма полга тиралиб, ётиб-туришни бошлаймиз!

Би-ир – битга қартани очамиз. Икки-и, кетдик! Уч-ч, тўрт. Тахламдаги қаргалар ўттизта. Бе-ш-ш, олти-и...

Бу машқ борган сари енгиллашиб боришини истайсизми? Сизда истак бор-у, мушакларингиз эса чарчаб қол-япти! Давом этамиз! Етти-и, сакки-з-з, тўққи-з, ўн. Етарли? Ўрнимиздан турамиз! Раҳмат.

Бу машқдан нимани тушундик? Шуғулланаверган сари... енгил бўлиб боряптими? Ёки мушаклар чарча-яптими?

Мушакларни ва интуицияни машқ қилдириш – бу битта нарса.

Демак, ҳар гал такрорлаганингизда асаб тизимингиз чарчай бошлайди. Машқни тўхтатиш, нимагадир чалғиш истаги пайдо бўлади. Машқлардан зерика бошлайсиз.

Машқлардаги юклама дегани нима?

Штанга кўтаряпсиз, дейлик. Бир марта, икки марта кўтардингиз. Лекин шундай пайт бўладики, у ёғига энди кучингиз йўқ! Нима қилиш керак? Мана шу ерда

«хоҳламайман»га қарши бориш керак. Ўзингизни яна бир неча марта юкни кўтаришга мажбур этинг. Наф ана шунда!

Ким спорт билан шуғулланган бўлса, у менинг нима демоқчи эканимни тушунди! Ким шуғулланмаган бўлса, марҳамат қилиб жисмоний машқлар ва ундаги оғир машқларнинг асл моҳияти билан танишсин.

Мана шу механизмни эслаб қолинг! Айнан ҳозир – қарталар билан шуғулланишни бошлаганингизда.

Зерикиш, аслида, нима ўзи? Бу миянгизнинг машқ қилишга кўникмаган эпифиз деб аталувчи қисмининг қаршилиқ кўрсатиши. Ҳар қандай ўзгаришларга, ўзликни англашга, машаққатли меҳнат талаб қиладиган ишларга нисбатан чиниқмаган ҳаётингизнинг ўзингиз ҳам англаб етмаган ички қаршилигидир.

Тасаввур қилинг-а, сизни ярим кечаси уйқудан уйғотиб: «Қани, тур-е ўрнингдан! Ишлаш керак!» – дейишса, бу нарсa ҳар тунда такрорланаверса, қочиб кетгингиз келади-ку, тўғрими? Албатта, ўша аҳмоқни тумшуғига тушириб қолиш имкони бўлмаса.

Агар бу нарсани ўзингизга-ўзингиз уюштирсангиз-чи? Ўзингизнинг тумшуғингизга ачинасиз-да! Ўзингдан эса қочишнинг иложи йўқ, лекин сиз бир умр шундай қиялпсиз.

Шу сабаб, келинг, Хўжа Насриддин каби иш тутамиз.



НАҚЛ

Хўжа Насриддин ўғлини ёнига чақирибди-да қўлига кўзани тутқазиб, дебди:

– Ўғлим, қудуқдаги сув димиққан, меҳмон учун булоқ сувидан олиб кел.

Ўғил энди кетаётган экан, Хўжа Насриддин қичқирибди:

– Тўхта, тўхта, қайт орқангга!

Ўғли қайтиб келгач, унинг юзига бир шалалоқ туширибди-да:

– Кўзани синдириб қўйма! – дебди.

Меҳмон ҳайратини яшира олмай сўрабди:

– Хўжа, тарбия бериш услубингиз жудаям бемаъни-ку. Мен, одатда, фарзандларимга кўзани синдиргандан кейин тарсаки тушираман, – дебди.

– Азизим, кўза чилпарчин бўлгандан кейин сизнинг тарсакингиздан не наф?

Мен сизни олдиндан ётиб-туришга мажбурлаганимда, худди Хўжа Насриддин каби иш тутаман.

Баъзилар нолишади: «Вой-вой-вой! Менда аввал яхши чиқаётган эди, энди эса чиқмаяпти...» Беш-олти марта машқ бажариш сизда ҳам бўлаётган эди. Мен, бир юз олтинчи мартадан кейин аҳволингизни кўришни хоҳлардим...

Демак, машқлардаги юклама!

Хуллас, машқ қилишни бошлайсиз. Бироздан кейин албатта бирон нимага чалғиш, дам олиш, тамадди қилиш, сайр қилиш истаклари пайдо бўлади.

Сиз нима учун айнан ҳозир шуғуллана олмаслигининг минглаб баҳонасини ва вазият тақозасини, ҳа, айнан ҳозир қарталар билан шуғулланиш имкони йўқлигининг сабабини топиб бера оласиз.

Мана шу ерда сиз ўзингизни мажбур қила бошланг, айнан шундан сиз учун фойда бор! Агар, шунчаки, қизиқиш юзасидан битта, иккита, учта қарта бўлса, бундан ҳеч қандай наф йўқ. Яхшилаб тер тўкишингизга тўғри келади. Келишдикми?

Биз ҳозир хавфсизлик техникаси билан танишиб чиқдик. Йўқ жойдан ўзингиздан камчилик излаб топмаслигингиз учун.

ФИКРЛАРИМИЗ

бизни ўйлашади _____

Нима мақсадда биз машқ қиламиз, шуғулланиб маҳоратимизни оширамиз? Интуициямизни ривожлантириш учунми? Олдиндан кўра билишни уйғотиш учунми? Ақл-идрокни «ўчириб туриш» учундир? Назокатли хонимларимиз безовта бўлмай қўя қолсин, сизда «ўчириб турадиган» ҳеч нима йўқ, чунки бу нарсанинг таги йўқда.



Шунинг учун сизни ишингиз анча енгил кўчади, омад сари сиз ярим йўлни босиб ўтган ҳисобланасиз!

Лекин жиддий гапирадиган бўлсак, бизнинг кўзлаган мақсадимиз нима?

Ичимиздаги буюк алдоқчини аниқлаб, ҳаётда нотўғри йўлларга бошловчи ёлғончини таниб олиш. Бу сирли ёлғончи сизнинг кўплаб хаёлларингиз ва фантазияларингиздир.

Сиз, «мен ўзим фикр юритяман», деб ўйлаётгандирсиз? Қадрдонгинам, адашяпсиз! Бу сиздаги ўй-хаёллар сиз учун фикрлаяпти!

Сиздаги ўй-хаёллар сизга эгалик қилиб, кўпинча адаштиради. Ички сезги ҳеч қачон адашмайди, фақат уни тўғри эшитишни ўрганиб олиш керак. Агар нима-

нингдир аччиқ эканлигини ҳис этаётган экансиз, демак, у ҳақиқатан аччиқ. Агар чучук нарса эканлигини ҳис этаётган экансиз, демак, чучук.

Сезгиларимиз ҳаммасини **билади**.

Биз бу ёки бошқа бирор ҳолатда нима қилиш кераклигини **била**миз... Биз ҳаммамиз қандай қилиб бой бўлиш мумкин эканлигини, қандай қилиб соғлом бўлиш мумкинлигини, қандай қилиб бахтли бўлишни, болаларга қандай тарбия беришни **била**миз. **Биз ҳаммасини била**миз! Лекин иш амалиётга, қарор қабул қилишга келиб тақалганда эса, ҳар доимгидек тугайди.

Биз учун ҳозир миямиз, бутун вужудимиз ўтмишдан, бугундан, келажакдан қабул қилиб олаётган ҳақиқий маълумотини, ўйлаб топадиган галлюцинацияларимиздан ажрата олишни ўрганишимиз муҳим. Ҳозир биз мана шунини даволаяпмиз.

Р. С. Норбеков сизга ҳаммасини айтди, деб ўйлаяпсизми? Ҳечам-да! Чўнтак оғзини каттароқ очаверинг! У сизга ҳеч нимани айтмади. Биз ҳам айтмаймиз!

ҲОЙ! Муюлишда ким бор?_____

**Так,
така-тум-так,
така-тум-так...**

Энди кейингиси. Уйғонган интуицияни нима қилиш керак?

Уни ҳаётда қўллаш, ишлатиш керак.

Сиз тез-тез метрога тушиб турасизми? Эскалатор тезда чиқяпти, сиз эса унинг олдида яқинлашяпсиз.

Биласизми, у ерда ҳар бешинчи поғонада рақам ёзилган? Мана сизга ажойиб машқ: олдингизда ҳозир қандай рақам чиқади? Сиз қайси поғонада турасиз? Нега энди машқ қилиб аниқлаш мумкин эмас? Сиз айнан сўзма-сўз тушунманг. Шунчаки мен «қарталар ягона «тренажер» эмас» деб айтмоқчиман. Энг яхши «тренажер» – бу ҳаёт.

Мисол учун, сиз йўлда турибсиз, машина тўхтатмоқчисиз. Шу лаҳзада қанақа машинада кетишингизни топишга ҳаракат қилинг. Қанақа рангда бўлишини, қанақа русумли эканини? Ва ҳоказо.

Шунчаки ҳар доим ҳодисаларни олдиндан кўра билишга, яқин келажакда нима бўлишини кўра олишга ҳаракат қилинг: «Ҳей! Ким у?».

Ҳозир нима содир бўлади? Ким келади? Нима дейди?

Ҳар куни эртага ва бошқа кунлари ҳам машқ қилишингиз учун ўзингизни хурсанд бўлишга мажбурланг. Бу – калит!

Агар ўзингизни худди секин муздай сувга тушаётган одамдай шуғулланишга мажбур қилсангиз, у ҳолда бир неча ҳафтадан сўнг машғулотни албатта ташлаб юбо-

расиз. Мажбурлаш орқали ўзингиз яратган махлуқни – ялқовликни енгиб ўтишга кучингиз етмайди.

Ҳаётингизда қандай ўзгаришлар бўлишини ўзингиз кўрасиз. Нима учундир, сиз тез-тез керак пайтда, керакли жойда пайдо бўлиб қоласиз. Транспортлар ўз вақтида келадиган бўлади, нафақат транспортлар, бошқа нарсалар ҳам.

Сизга зарур одамлар, сизнинг илтимосингизсиз ҳам қаршингиздан чиқишади. Сиз кўришни истамаган одамлар ўз-ўзидан ҳаётингиздан узоқлашиб ғойиб бўлишади.

Баъзида эса ўзингизнинг изингиздан ета олмай қоласиз. Бу қанақасига?

Мана бундай: бирдан сеза бошлайсиз, кутилмаган ғоялар ҳақида гапириб, самарадорли ишларни қила бошлайсиз. Бирдан ўзингизни қандайдир бошқа нарсаларни гапираётганингизни ёки қандайдир бошқа ҳаракат қилаётганингизни сезасиз. Кўрқманг! Шунчаки уйғонаётган интуициянгиз сизни онгингиздан олдинга ўтиб кетяпти.

Онгингиз ҳали кейинги сўзни ўйлаш учун бармоғини пешанасига қўйганда, интуиция дарров гапни ниҳоясига етказиб қўяди! Тўппа-тўғри мўлжалга тегади. У умуман янглишиш нималигини билмайди.

Мана, яна нима бўлади. Сиз хавф-хатардан узоқроқда юришга ҳаракат қиласизми? Бу табиий, албатта! Энди эса интуициянгиз сизни огоҳлантирадиган бўлади.

Агар реал хавф-хатар туғилса, сиз албатта ўзингизда қандайдир ноқулайлик, ғалати ҳиссиёт, оғирлик сезасиз, ўша жойга оёғингиз тортмай, ёки сизда кимдан хавф туғилаётган бўлса, ўша билан учрашишни хоҳламаслик ҳолати пайдо бўлади.

Ундан ҳам кўпроғини айтаман. Энди хавф-хатар сиздан қочиб юради, албатта, агар сиз ўзингиз уларни сўраб олмасангиз.

Биласизми, интуиция ишлай бошлаганда, шундай ғалати, лекин жуда ёқимли ҳолат пайдо бўладики, ҳаёт сиз-

нинг истакларингизга қулоқ тута бошлайди. Сизда у билан ҳамоҳанглик пайдо бўлиб, у ҳам сизга жавоб қилади, ҳамжиҳатлик ҳисси ошади, умуман айтганда сиз билан ҳаёт ўртасида муҳаббат уйғониб, энди бир-бирингизга бутун мулойимликни, меҳрни бера бошлайсиз... Бу эса энди – Ишқ!

Вой, сизга нима

бўла-ди-и... _____

Вой-вой-вой!!!

Азизларим! Сиздан илтимос: машқ қилаётган пайтин-гизда ишни пала-партиш қилманг. Сиз олдин кучга ки-риб олишингиз керак.

Тахминан икки-уч ой машғулотдан сўнг сизда инту-ициянинг биринчи нишонаси, арзимас нишонаси пайдо бўла бошлайди. Улар аста-секин, аста-секин йиғилади, лекин келиши барибир тўсатдан бўлади.

Ана шунда онгингиз бир ўтмишга, бир келажакка са-ёҳат қилишга тайёр бўлади. Бу худди маятникнинг теб-ранишига ўхшайди.

Вақт соати келиб бу маятникнинг тебранишини бир неча минг йил орқага ёки олдинга кучайтирса бўла-ди. Лекин мен ўйлайманки, ўзингиздан кейин бапорат китоблар қолдириб, Нострадамус бўлмоқчи эмассиз.

Бизга сиз билан бир неча ўн йил олдинга ва орқага кўз ташлаш етарли. Бошланишига эса бир неча сония-га. Кейин эса бошланади: онгингиз бир неча соатга, бир неча кунга кўча бошлайди. Асосий вазифа – бунга шун-чаки диққатни қаратиш, хотирада сақлаш.

Демак, вазифангиз – ўзингизни кузатиш. Илтимос, ўзингизнинг фикр юритиш тарзингизни кузатув остига олинг. Бу албатта жуда қийин ва оғир. Фикримга қўши-ласизми ёки йўқми? Оқим бўйича сузиш, қолип бўйича ўйлаш, турган гап, осон.

Агар шуғулланадиган бўлсангиз, натижа, албатта, бўлади. Агар шуғулланмасангиз, кечирасиз...

Ўн кун спортзалга қатнадингиз, айтинг-чи, илтимос, қандайдир натижа чиқиши мумкинми? Ҳа, албатта, спортзалга қатнаш қатнамасликдан кўра анча қийинроқ. Лекин сиз у ерда шуғуллана бошласангиз, танангиз жисмонан бақувватлашади, фақат жисмонан эмас, балки феъл-атвор ва фикрларингиз ҳам. Сиз у ерга қатнамаганингизда...

Ҳеч нарса қилмасликдан бир муддат лаззат олиб, жуда катта қийинчиликка дуч келамиз. Озгина ҳаракат қилишга ўзингизни мажбурласангиз жуда катта лаззат оласиз. Танлаш сиздан. Ҳал қилиш сиздан.

Сиз келажакни ҳис қилган сайин, жуда қизиқ нарсаларни сеза бошлайсиз. Масалан, ҳамсуҳбатингиз ёлфон гапираётганини бирдан пайқаб қоласиз, чунки сиз ўзингизнинг ички нигоҳингизни беихтиёр бир неча кун ёки бир неча ой олдинга ўтказиб, натижани аллақачон кўрган бўласиз.

Сиз ҳали содир бўлмаган воқеаларни олдиндан ҳис қилиб ёки ҳозирги вақтда сиздан анча узоқда содир бўлаётган ҳодисаларни ҳис қила бошлашингиз мумкин.

Мана шундай ҳодисалардан бирини, ҳаётда жуда кўп нарсаларга эришган одам айтиб берган эди. Бу одамга жуда катта ҳурмат билан қарайман.

У уйига келиб, телевизор қўйган. Янгиликларни кўриб ўтирган. Бирдан қараса, унинг корхонаси ёняпти. Бу нарса унга худди телевизорда, янгиликларда кўрсатилаётгандек туюлган.

Яхшилаб тикилса – йўқ, у ерда бошқа нарсалар тўғрисида гапиришяпти. Лекин унга бу маълумот худди телевизор орқали келгандай жуда аниқ таассурот қолдирган.

Эътибор қилинг! Келажакда сизда ҳам шундай фаройиботлар бўлиши мумкин!

У яхшилаб қарабди, қарабди... Ўтиб кетгандай бўлибди. Ҳамма рисоладаги одамлар қатори, у аста-секин ўзини тинчлантирибди: «Чарчаганимдан кўзимга кўринган».

Эрталаб тургач, етти яримларда, ҳар эҳтимолга қарши, иш бошқарувчисига қўнғироқ қилибди. У эса: «Ёмон хабар, бизда кечқурун ёнғин бўлди», – дебди.

Бу ҳодиса унинг курсларда шуғулланишни энди бошлаган пайтида бўлган эди. Ҳозир унинг бизнесида жуда катта ўзгаришлар юз бериб, ишлари жуда ривожланиб кетди.

Демак, мана шундай «майда-чуйдалар» бўлиб туради. Хулосага келсак.



Биринчидан. Сиз келажакдаги маълумотлардан фойдаланиб ҳаракат қила бошлайсиз ва жуда ҳам манфаатли шароитда бўлиб қоласиз. Оддий одамлар буни «омад» дейишади. Аслида эса, омад йўқ, ўзингни таҳлил қилиш, сезгиларни таҳлил қилиш базасида ақлий хулоса чиқариш бор.

Иккинчидан. Агар сиз ўз интуициянгизни ўзингизнинг катта таъмали истакларингиз, нафсингизга йўналтирсангиз, кафолат бераман: сиз албатта хатога йўл қўясиз. Интуиция билан эҳтиросларга берилмасдан ишлаш керак. Эҳтироссиз бўлиш эса ҳаммасидан қийин.

ШАРҚ – қалтис масала

Менинг ватанимда шифокорнинг таълим олиши қирқ йил давом этади.

Шубҳасиз, сизда шундай савол пайдо бўлиши мумкин?

– Агар у шунча йил ўқиса, у ҳолда одамларни қачон даволайди?

Жавоб бераман:

– Мен қаердан биламан?! Мен ҳозирча фақат ўқияпман ва ўзимизнинг мактабда ўттиз йил ўқиб, энди-энди учинчи курсни тугатдим. Бу вақт ичида уч марта ҳар хил илмий даражалар олдим, доктор, профессор, академик бўлдим ва икки миллиондан ортиқ одам бу вақт ичида ўз соғлигини тиклаб олди.

Шундай экан шогирдлик билан шогирдликнинг фарқи бор.

Хоҳлайсизми, пардани бирозгина кўтараман?

Демак, бундай, шарқ шифокори ўрганадиган фанлардан бири – бу беморга масофадан туриб ёрдам бериш. Экстрасенслар билан чалкаштирманг!

Олдиндан айтиб қўйишга рухсат беринг: расм орқали даволамайман, сув, суртмалар, ҳуқналарни, бурга тутиш учун антенналар, локаторлар, михлар ва бошқа жиҳозларни қувватлантirmaйман... кечирасиз, масофадан туриб бошга аллақандай қувватлар юбормайман.

У ҳолда нима қиламан? Ҳозир айтиб бераман.

Албатта, атайлаб бўрттираман, лекин сиз буни айнан шундай экан деб тушунманг! Ҳар ҳолда, асл моҳиятни сақлаб қоламан!

Қадимда Шарқда, айтайлик аёл киши касал бўлса, унга шифокорни чақиришган. Энди тасаввур қилинг, у келиб нимани кўради?

Хоним паранжида ўтирибди, ўранган, худди ғилофдагидай. Шифокор нафақат унга тега олмайди, балки унга қарашга ҳам ҳаққи йўқ. Худо кўрсатмасин, юзини ёки қўлини кўриб қолса, шу маҳал бошини танасидан жудо этишади!

Шарқ – бу нозик масала.

У ҳолда аёлни қандай даволаш керак?

Шу тариқа Шарқда шифокорлар нафақат ташхис қўйишни ўрганибгина қолмасдан, аста-секин беморга қўл теккизмасдан, масофадан даволашни ҳам ўрганиб олишди.

Бу маҳорат кўп минг йиллар давомида такомиллашиб борди ва энди бизнинг мактабда ўргатилмоқда. Фақат ташхис қўйишни ўрганишнинг ўзига ўн икки йил кетади.

Мен қўл учини ҳам теккизмасдан ташхис қўйиш ва даволаш қаердан келиб чиққанини гапириб беряпман.

Бу «таъмирлаш» қандай бажарилади? Марҳамат, айтиб беришим мумкин. Менда сиздан бекитадиган ҳеч қандай сир йўқ.

Умуртқангизни бирозгина таранглаштиринг. Энди бутун умуртқа бўйлаб импульс ўтказинг, бутун мушакларингиз орқага тортилиши учун, худди қанот ёйгандек енгил таранглаштирайсиз. Нафас олиш жараёнида қандай ўзгариш юз берди?

Агар ҳозир нафас чиқарсангиз, ҳаво баъзи бир шовқинлар билан хириллаб чиқади. Энди яна бироз таранглаштириб-бўшаштирамыз. Дарров тўлқин олдинга кетади, худди сувга тош ташлаганда, сув юзида тўлқинлар тарқалиб кетгандек.

Бу импульслар ичкаридан тўшланади ва енгил ҳаво рангли энергетик устун образи пайдо бўлади. Сиз ишлаётган одамда, бу жавоб реакциясини келтириб чиқаради. Тушунарлими?

Кўрдингизми, ҳаммаси жуда оддий.

Мана шу тарзда ишлайман ва секин-аста шундай ҳолатга кираманки, ўзимни кўп ойлардан буён кўрмаган

яқин қариндошларим орасига тушиб қолгандек ҳис қиламан. Худди уларнинг ҳаммаси бир ҳовлида йиғилишгандай, ҳаммамиз бир-биримиз билан қучоқлашгандек! Битталаб эмас, ҳамма бирга! Ичимда улкан қадрдон қучоқнинг тафтини ҳис этаман.

Мен буни шундай ҳис қиламан, бошқалар нимани ҳис қилишини, эса айта олмайман.

Р.С. Ҳурматли ўқувчилар! Сизга тингловчиларнинг машгулот пайтида ўзларида пайдо бўлган ҳолатлар билан ўртоқлашгани ҳақидаги стенограммани ўқиш жуда қизиқ бўлса керак. Сиз қарши эмасмисиз?

Тингловчи:

– Иликлик пайдо бўлди, жимирилаш. Енгил ихтиёрсиз равишда мушакларнинг қисқариши, томир уриши. Бўшашиш ҳолати. Кейин мени тебрата бошлади ва бутун танам бўшашиб, роҳатланиш ҳисси пайдо бўлди. Умуман, бу шундай ҳиссиётки, худди мен ҳозир бошқа оламда сайр қилиб юргандайман.

Мирзакарим:

– Раҳмат.

Бошқа тингловчи:

– Менда бутун танам кенгайиб кетгандай, жуда кучли ҳиссиёт пайдо бўлди ва мени юқорига торта бошлади. Ҳеч нарсага ўхшамаган роҳатланиш ҳиссиёти ва шу билан бир вақтнинг ўзида яна юқорига, юқорига кўтарилиш хоҳиши. Ўзимдан ниманидир ташлаб юборишни хоҳлагандим, аниқ нима эканлигини айта олмайман, лекин мени ҳаракатланишимга халақит бераётган ниманидир.

Мирзакарим

– Раҳмат.

Учинчи тингловчи:

– Менда кўкрак орқасида оғриқ пайдо бўлди, лекин оғриқ қанақадир ёқимли, умуман олганда, оғриққа ҳам унчалик ўхшамайди. Хаёлимга биринчи келган фикр:

«Менимча, юрак». Кейин умуртқа бўйлаб тўлқинлар ўта бошлади, жуда ёқимли титроқ ҳосил бўлди. Ўшандан кейин тушундим, бу юрак эмас, бошқа нимадир эканини.

Мирзакарим:

– Яхши, раҳмат.

Энди, бу нима учун қилинади, бу импульс нима учун узатилади? Умуман, нима учун умуртқа «массаж» қилинади?

Умуртқадаги асаб толалари тананинг ҳамма қисмларига, ҳамма ички аъзоларга туташган. Бунинг биласиз.

Биз умуртқани «массаж» қилганимизда, бутун асаб тизимимизнинг фаоллигини ошираемиз. Бунақа усул билан, умуман, гавдамизнинг истаган нуқтасини «массаж» қилишимиз мумкин. Сиз нима деб ўйлайсиз, интуициянинг ривожланишига бунинг қандайдир алоқаси борми? Сиз жуда ҳам, жуда ҳам фаросатлисиз! Мен хурсандман!

Энди ҳаммаси тушунарлими?

Ҳеч нарса сизга тушунарли эмас, чунки аутомассаж умуман бунинг учун эмас. Ҳар ҳолда, фақат бунинг учун эмас...

Доктор, ёрдамга-а-а!

Мен севги дардига муьталоман! _____

Қалб туташуви дегани нима? Биз масофадан туриб бир-биримиз билан қандай қилиб яқинлашиб, қандай қилиб ёрдам бера олишимиз мумкин? Ўйлайсизки, мен шунчаки қанотларимни ёяману сиз томонга учиб кетаманми? Йўқ. Супургида ҳам ҳеч қаёққа учмайман, учишни билмайман. Танамдан ҳам чиқмайман.

Ҳозир сиз қиладиган ҳар қандай таққослаш хато бўлади. Нима учун? Чунки сизда таққослайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бу – умуман бошқа дунё.

Қалб учун масофанинг фарқи йўқ. Замонда ҳам, маконда ҳам масофа йўқ. Қалб учун жинси, ёши, касби муҳим эмас, унинг учун миллат, диний ва сиёсий қарашлар умуман йўқ, у ерда бу нарсалар шунчаки мавжуд эмас.

Азизларим, қалбимизда ҳеч қандай ўйлаб топилган хатти-ҳаракатлар қоидаси, ҳеч қандай иккиюзламачилик йўқ. Қалбда фақат муҳаббат бор!

Бу коинот энергияси ҳам эмас.

Шунчаки, кимнингдир қалби сизники билан қўшилганда, сиз бу одам ҳақида ўйлашингиз билан, у бирор соатлардан кейин пайдо бўлади ёки ўзи ҳақида билдиради. Сиз ким ҳақидадир ўйлашингиз билан, у одам қалбида, ифодали айтганда, телефон қўнғироғи жиринглайди.

Ёсингиздами, биз бу ҳақда гаплашгандик: телефон гўшагини кўтарсангиз, сиз ўйлаган одам қўнғироқ қиляпти? Қалблар даражасида туташув ила қўшилиш юз берди!

Сиз онангиз ҳақида, қариндошларингиз ва яқинларингиз ҳақида ўйлаганингизда, дарров уларни ёнингизда ҳис этасиз, дарров ниманидир ҳис қиласиз...

Бу жисмоний яқинлашиш, овоз ёхуд ҳид эмас. Бу ҳатто тимсолий кўриш ҳам эмас. Бу – қандайдир номоддийлик, шунингдек, айнан шу одам билан боғлиқ сизнинг ҳисларингиздаги бутунлай реал нарса.

Буларни флюидлар, шарпалар ёки эзотерика қабилидаги машҳур замонавий сўзлари билан атамоқчи эмасман. Бу – айнан сизни шу одам билан қандайдир шахсий, индивидуал, қайтарилмас алоқангиз ҳиссиёти.

Она ҳар доим ўз боласини ҳис қилади, фикримга қўшиласизми? Нима учун, болангиз қаерда бўлмасин, у билан нима бўлаётганини сиз, албатта, сезасиз. Агар унинг бирон жойи оғриб қолса, типирчилай бошлайсиз, безовталанасиз, сизнинг аҳволингиз ҳам ёмон бўла бошлайди!!! Ҳаттоки бор-йўғи унга зирапча санчилган бўлса ҳам. Бу, албатта, ҳамма оналарда ҳам эмас, лекин кўпчилик оналарда кузатилади.

Асосий курсларда шуғулланганимизда, бизда айнан шундай яқинлик туташуви юзага келади. Биз жуда яқин одам бўлиб қоламиз ва бир-биримизни ҳис эта бошлаймиз. Бу ҳолатни сўз билан тасвирлаш жуда қийин. Бу нарса, биласизми, нимага ўхшайди?

Мана мен ўз ўғлимни қўлимга оламан, қучоқлайман. У ҳали жуда кичкина, ҳали юришни ҳам билмайди. Қўлидан ушлаб турсанг, энди-энди тура олади. Қўйиб юборсанг, орқаси билан ўтириб қолади.

Мен уни бағримга босганимда, унинг сочларидан шунақанги ҳид тараладики! О-о-оҳ!!! Шу ондаёқ бахтиёрликдан еттинчи осмонга учиб кетиш мумкин!

Аудиторияда ишлаш жараёнида сизга нисбатан менда айнан мана шундай ҳолат юзага келади... Бу севган одамингни қучоғига ўхшайди. Лекин қучоқ... Йўқ унақа эмас... Бу шунга ўхшаш...

Яхшиси мисол келтираман.

Саккизинчи синфда эди шекилли, қандай қилиб мактабда, биринчи марта қиз бола билан рақсга тушганим ҳозиргина эсимга тушди. Биз рақсга тушганимизда... Шунақанги янги, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ҳис пайдо бўлди. Бу мусиқа, бу ҳаракат мароми...

Нарироққа ўтиб қарасам, унинг кўйлагида икки панжамнинг изи тамгадек босилган. Чунки улар нам эди. Ҳаяжонланганимдан терлаб кетган бўлсам керак. Нотаниш ва танишликдан, интиқлик билан кутилган ва одатдан ташқари ҳолатдан. Бу ерда ҳаммаси бирга.

Мана шу одатий ва ноодатийликнинг тўсатдан тўқнашуви, униси ҳам, бошқаси ҳам бирданига бўлиши, яна ўзим ҳам нимадир қила оламан деган туйғу қалбингизда такрорланмас экстаз ҳолатини беради ва бу ҳолатда қалблар даражасидаги алоқа юзага келади.

Қачон сизда бошқа одамлар билан шундай алоқа пайдо бўлса, очиқ бўлинг, чунки сиз қалб орқали яқинлашяпсиз. Бу бизнинг ҳар биримизда мавжуд энг тоза нарса.

Азизларим! Биз нима билан шуғулланмайлик, нима-лар қилмайлик, биз бор-йўғи одамлармиз.

Нафрат, хафалик ҳаммада бўлади, фикримга қўшили-сизми? Кимдадир кўпроқ, кимдадир камроқ. Менда ҳам, масалан, вақти-вақти билан салбий ҳиссиётлар пайдо бўлиб туради.

Лекин сиз буни англай бошлаганингиздан сўнг, афсус, бунга ҳаққингиз бўлмайди. Қанча ҳоҳласангиз, шунча хафа бўлишингиз мумкин, фақат хаёлингизда. Ҳеч қачон ўз ғазабингизни юрагингиз атрофига, яъни ҳалқумингиздан пастга туширмаслигингиз керак. Уни қалбингизга киритманг, чунки ҳис-туйғуларингиз, нафратингиз кимга қаратилган бўлса, уларни ўлдиради, ҳаётини бузиб юборади.

Бошқача айтганда, юракдан, ростманасига хафа бўлиш керак эмас. **Эҳтиёт бўлинг!**

Сиз энди тушунаётгандирсиз, нима учун машқлар ўзингизга ва бошқаларга нисбатан яхшилик ва муҳаббат ҳолати орқали очилишини?! Мана бу сизга калит!

Атайлаб бу саҳифаларда қисқагина, сездирмасдан, машқларни қандай фаҳмлашни тушунтирдим.

Бунақа иш учун масофа йўқ! Ҳеч қандай! Миямизнинг шундай қисмлари мавжудки, улар ҳар доим бизга яқин одамлар билан алоқани ушлаб туради.

Биласизми, мен укамни қандай ҳис қиламан?

У қаергадир кетди. Қайтаётганда, кеч қолса, мен хавотирланаман. Бирдан қандайдир пайтда биламан: бўлди, мана у шу ерда. Тахминан беш километр масофадан уни аниқ ҳис эта бошлайман, жуда аниқ! Нима қилаётганини, нима еётганини ҳис этаман.

Сизда ҳам, шубҳасиз, яқин одамларингиз билан доимий алоқа ҳислари пайдо бўла бошлайди.

Бу қобилият ким биландир маълумотлар алмашиш учун керак эмас, йўқ! Агар сиз туғилган пайтингизда бу уруғ азалдан жойланган бўлса, ўсиб чиқади ва сиз кимнидир ростманасига қўллаб-қувватлашингиз мумкин.

Ҳатто битта хоҳишингизнинг ўзи, қалбингизнинг тафти, чин дилдан қўллаб-қувватлашингиз, ҳамдардлингиз ҳаётда реал ҳаракат шаклини олиб амалга ошади.

Бу – муҳаббатингизнинг моддийлашуви.

ХУШ КЕЛИБСИЗ

ёндош дунё Устозлари ҳузурига

Эсингиздами, мен куч манзиллари ҳақида гапиргандим? Мана шундай куч манзилларининг бирида яширин туннел ва қирқ тирсак чуқурлигида ертўлалар бор. Бу жойларда Усталар махсус машқларни ўтказишади.

Нима учун айнан у ерда, ер остида? Чунки бундай жой тоза, инсон қадами тегмаган бўлиши керак.

Бизнинг фикрларимиз, ҳис-туйғуларимиз ҳақиқатда моддий. Улар худди қурум, чангга ўхшаб, одамларни ўраб турган ҳамма нарсага – деворларга, кийимларга ўтириб қолиш хусусиятига эга. Ер тагида эса бу маънода ҳаммаси стерилланган ҳолда бўлади.

Аввал уч кунлик махсус тайёргарликдан ўтишади. Беш кун яна шиддатли машқлар бўлади, кейин етти кун, кейин қирқ... Тасаввур қилинг, чуқур ер остида уйқусиз, тўхтамасдан қирқ кун машқ қилиш, осонми?

Бир суткага майдаланган бир дона ёнғоқ, майиз ва бир ярим литр сув берилади.

Бизнинг мактабда шундай. Бошқа мактаблар бошқача.

Агар сиз бир сутка ухламасангиз, емасангиз, ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

Агар уч кун бўлса-чи? Ақлу ҳушдан айриласиз, фикримга қўшиласизми? У ерда эса қирқ кун ва яна тўхтамасдан ҳаракатда бўлиш! Машқ қилаётган одам ақлдан озмаслиги учун Устозлар, албатта, ёнида бўлишади.

Бу ҳаммаси нима мақсадда қилинади? Шунақа машқлар орқали одам ўзида жуда чуқур ўзгариш ҳолатига етади. Миянинг баъзи қисмларида шундай фаолла-

шиш юз берадики, оддий одамларла улар мудроқ ҳолатида бўлади. Ана шунда бошқача кўриш қобиляти ҳам, бошқача ҳис қилиш ҳам очилади. Одам худди сизнинг ёнингиздагини кўриб, эшитиб тургандай, девор орқасини кўриши ва эшитиши мумкин.

Кўра бошлайди, кўзи билан юмронқозиқ ўз уйида нима қилаётганини эмас, балки ер юзасида нималар бўлаётганини кўра бошлайди ва яна бошқа кўплаб қобилиятлари намоён бўлади.

Бу ҳақда, Худо хоҳласа, бошқа сафар ва бошқа китобда суҳбатлашамиз, майлими? Чунки бу жуда кенг мавзу!

Лекин бунақа синовларга жуда кам одам бардош бера олади.

Ёсингиздами, Самарқанддаги ғаройиботчи ҳақида гапиргандим?

У Устозимнинг энг зўр шогирдларидан бўлган, лекин Устознинг рухсатисиз қирқ кунлик машғулотни ўтказишга қарор қилган. Охирги дақиқада чидай олмай машғулотни тўхтатган. У баъзи бир муҳим нарсаларни билмаган ва барибир битта ўзи Устозсиз кетган. Бунинг оқибати нима бўлганини биласиз.

Агар қандайдир қизиқувчи, кимлардандир ниманидир эшитиб, қизиқувчанлигиданми ёки бошқа нарса учунми қилмоқчи бўлса, бу аниқ ҳалокатга олиб боради! Шунақа ҳодисалар бўлган.

Мени тушуняпсизми, уч ўлчовли кенгликда яшовчи яхшиларим?

Мен ҳозир айтадиганимни бемалол руҳий клиниканинг «тинчлантириш» бўлимидаги беморнинг навбатдаги алаҳсираши деб қабул қилишингиз мумкин. Менимча, ҳар ҳолда, сиз бунга анча кўпикдингиз!

Демак, бундай! Алаҳсирашда давом этамиз!

Маълум бир ҳолатга етгандан сўнг, Усталар нафақат ўзига хос «кутубхона»га кириш ҳуқуқига эришиб қолмай, керак пайти у ердан ҳар хил маълумотлар, тавси-

яномалар, қўлланмалар, ўз саволларига жавоблар олиш билан бирга, яна замон ва маконда саёҳат қилиш имкониятини ҳам олишади. Айнан мана шу ҳолатда у ёндош дунёга «ўтади», бошқа Усталар – «ҳамкасб-улфатлар»и билан шогирд алмашиш учун «ўтади».

Бу Усталар учун барча дунёлар худди сизнинг иш жойингиздай реалдир.

... Ҳозир бирдан тушундим, мана шу ерда тўхташ фурсати келди...

Муҳаррирларга:

Бу бўлимни тугатдим ва уни сизларга бераман. Лекин яна бир бора диққат билан ўқишни қаттиқ илтимос қиламан: Эҳтимол, ўқувчилар менталитетига мос келмайдиган баъзи қисмлардаги маълумотларни олиб ташлашга тўғри келар!

Р.С. Биз ҳеч нарсани олиб ташламасликка қарор қилдик! Ким ҳис қилиш ва англаб етишга тайёр бўлса, албатта тўғри тушунади?



Мустақил равишда машқ қилмоқчи бўлганларни огоҳлантириб қўйишга мажбурман!

Сунъий равишда уйқусизликни ушлаб туришнинг машқ қилиш ҳолатига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам буни қилмаслик керак!!! Моҳият мутлақо бошқа нарсада!

Уйқусизликдан қийналаётганларга мурожаат қиламан. Сиз невропатологга учрашинг!

Агар миянгизда табиий ҳолатдаги маслаҳатчилар мавжуд бўлса, коинот билан овоз ёки кўриш орқали алоқангиз бўлса, албатта руҳшуносга учрашинг! Сизга шуғулланиш қатъиян ман қилинади!

Истасанг ёқалаш!

Сизда табиий равишда «буларга қанақадир ғалати ҳолатдаги машғулотларнинг нима алоқаси бор?» деган савол пайдо бўлмадими? Шунинг учунки, айнан мана шундай пайтда, айнан мана шу ҳолатда сизнинг энг дадил истакларингиз, ҳақиқатан, амалга ошади. Биз бунни Октава деб атагандик.

Энди тасаввур қилинг, сиз бир соат давомида уч юз, тўрт юз, беш юз марта Октава ҳолатига етасиз ва ҳар гал бу ҳолат сизда юқорилаб, юқорилаб, юқорилаб, юқорилаб боради!

Кўп мартали, кўп поғонали Октава -- бу сизнинг хоҳишларингиз, интилишларингиз, ишончларингиз, улкан куч олган ҳолатингиз. Шунақа кучки, унинг натижасида мақсадларингиз рўёбга чиқа бошлайди. Айнан мана шу ҳолатда Усталар қирқ кунлик машғулотни ўтказишади.

Эсишгиздами, тошларнинг қандай қилиб қумга айланишини гапириб берган эдим? Улар бунни айнан мана шу ҳолатда қилишади. Эътибор қилинг, битталаб эмас, ҳаммаси биргаликда. Нимага? Чунки бу ишда биттаси бошқасини кучайтиради ва ҳар бири ҳаммасини кучайтиради.

Агар сиз қачондир ибодат қилиб, Парвардигори Оламга мурожаат қилган бўлсангиз, сиз худди Унинг қабулхонаси эшиги олдида туриб, тақиллатиб қабул қилишни сўрагандай бўласиз.

Кўп марталик Октава рухсат берувчи ва таклиф қилувчи ҳуқуқ бўлиб, образли гапирганда ўша эшикни очади.

Менимча, биз қайсидир бўлимда махфий ёзув ҳақида гаплашгандик. Рухсат берсангиз, битта ривоят айтиб бераман. Ўйлайманки, сиз бунни тушуниб оласиз.

Битта ошиқ ўз севгилисининг эшигини тақиллатди.

– Ким у? – деган овоз келди ичкаридан.

– Бу мен – сенинг ошиғинг! – деди у.

– Кет, сен мени севмайсан, – деган жавоб бўлди.

У кетди. Жуда кўп дарбадарликдан кейин яна ўша эшик олдида келиб қолди ва яна тақиллатди.

– Ким у? – сўради яна ўша овоз.

– Бу – сен, – жавоб берди у ва эшик очилди.

Тушунарлими? Яхши! У ҳолда бошланг!

Энди савол: сиз нима учун у эшикни тақиллатасиз? Хўш, ким нима учунлигини, мен тушунаман! Кўп ҳолларда, нимадир сўраш учун, фикримга қўшиласизми? Демак, кўп мартали Октава – бу ёпиқ эшикларнинг очилишига эришишнинг усулларида бири.

Бу жуда қадимги амалиёт бўлиб, уни инсонлар маҳоратга етиш учун асрлар бўйи такомиллаштириб, асрлар бўйи машқ қилиб келишган. Бу – бир вақтнинг ўзида қалб ва тананинг битта интилиш билан банд бўлиш ҳолати. Улар умумий мақсад сари ҳаракатга қўшилишади ва интилиш улкан кучга эга бўлади.

Биласизми, нима учун аскарлар ҳеч қачон кўприкда саф бўлиб қадам ташлашмайди?

Бир куни битта полк кўприкда саф бўлиб, қадам ташлаб кетаётганда, ўртасига етганда, кўприк бирдан қулаб тушган. Нима учун?

Ақллироқ қилиб тушунтираман. Ташқи таъсир тебраниш частотаси кўприк системасининг тебраниш частотаси билан мос келган ва тебранишлар амплитудасининг кескин ошиб кетиши юз берган. Бу резонанс эффекти деб аталади.

Энди сизга оддий тилда тушунтираман: чунки ҳаммаси биргаликда бир пайтда кўприкка олдин бир оёғини босишган, кейин бошқа оёғини босишган, яъни ритмик ҳолатда уни қимирлатишган ва шундай қаттиқ қимирлатишганки, кўприк қулаб тушган.

Энди эслаб кўринг-чи, сиз ўзингизни концерт залида ёки майдонда, мушакбозлик пайтида қандай ҳис қиласиз?

Мана тасаввур қилинг, қарсак чалаётган ва бир вақтнинг ўзида ҳаммаси биргаликда кимнидир олқишлаб қичқираётган тўда орасидасиз. Сизнинг ҳиссиётларингиз?

Сиз ҳатто у ерда тасодифий одам бўлсангиз ҳам, барибир юрагингиз одатдагидан бошқача ура бошлайди. Бутун танангизда қандайдир ғалати ҳаракат пайдо бўлиб, сизни кимдир кўтараётгандай бўлади. Агар сиз улар билан бутун қалбингиз-ла бирга бўлсангиз, агар яна... Эсингиздами, у ҳолда нима бўлади? Бу, ахир, ўша резонанслар эффекти.

Буларнинг Октавага қандай алоқаси бор, деб ўйлаётгандирсиз? Жуда тўғри ҳам эмас, лекин жуда эгри ҳам эмас. Чунки кўп мартали Октавада ҳам резонанслар ҳолати юз беради, фақат бошқача тарзда.

Биз яшаётган дунё ҳам ритмли: ёз-қиш, қиш-ёз, кеча-кундуз, кундуз-кеча. Ҳар доим нимадир ўзгариб туради, навбатма-навбат, лекин бу унчалик катта бўлмаган ҳаёт билан солиштирганда, узоқ вақтли ритмлар. Қисқалари ҳам бор: нафас ол, нафас чиқар, юрак: тук-тук.

Яна Коинотнинг, Фалакнинг ритми бор, яъни ҳамма нарсанинг ўз ритми мавжуд.

Қалб қандай яшайди? Агар сизда кайфият жуда яхши бўлса, бу кайфият кейин, албатта, пасая бошлайди. Сизганами сиз ёки йўқми?

Ҳар доим бир ҳолатда қолиш мумкин эмас, фикримга қўшиласизми? Бу ерда ҳам ўзининг тебраниш амплитудаси бор, ўз маятниги, ўз ритми. Ҳа, ахир, сиз буни биласиз!

Тасаввур қилинг, бу тебранишлар, моддийси ҳам, моддий эмаси ҳам, қайсидир лаҳзада мос туша бошлайди.

Бир маромда қадам ташлаганча кўприкдан ўтаркансиз, бир вақтнинг ўзида қарсак чалиб, жўр бўлганча олқишлаб, кўприкни тебрата бошлайсиз, худди шу маромда ўз қалб интилишингизни, шижоатингизни тебрата-сиз, шу билан бирга худди арғимчоқдек, Ерни ва бутун

Коинотни, Устозлар айтганидек, бизни Аллоҳдан ажратиб турган ҳамма ўн саккиз минг оламни ҳам тебрата бошлайсиз.

Коинот резонанси қалбда, танада ва атрофни ўраб турган оламда юзага келади!

Ўргимчак инини кўрганмисиз? Пашша оёқчалари билан иннинг қаерига тегишни ўйламасин, бу ҳақдаги маълумот дарров ҳамма йўналишлар бўйлаб тарқаб кетади, барча кўз илғамас тўқилмалар ҳаракатга келади.

Шунақа нарса Октава пайтида ҳам юз беради.

Усталар бу ишда шундай психофизик ҳолатни яратишадики, яралган тўрнинг барча йўналишлари бўйича сигнал тарқалади. Улар Борлиқнинг бутун тармоқ қувватини кучайтиришади ва резонанслар ҳолати юз беради. Қайсидир ўша жойда, маълум бўлмаган ерда, қизил лампочка ёнади, реле ишлаб кетади, занжир уланади ва уларнинг мурожаати, хоҳиши ижобат учун қабул қилинади.

Уларнинг хоҳиши ижобат бўлади, яъни тармоқ бўйлаб қайтиб келади, лекин энди **моддий** кўринишда.

Азизларим, мен ҳазиллашмаяпман! Буни кўн марга текширганман, бу худди шундай!

Мана шуни биз ўрганишимиз керак.

– Ахир бунинг иложи борми?

– Ҳа!

Мен сизни бунга ўргата олмайман, ҳеч ким ҳам ўргата олмайди. Лекин сиз ўрганиб олишингиз мумкин. Фарқини ҳис қилинг!

Мен қандайдир жин келиб, атайлаб сиз учун тилладан қаср қуриб, кейин тўғри сизни оёқларингиз остига ташлайди демаяпман. Бекор гап! Сиз ўзингиз буни қурасиз, чунки қандай қуриш кераклигини билиб оласиз.

Сиз бунинг учун нима ва қандай қилиш кераклигини аниқ кўрасиз ва биласиз: ҳамма ва ҳар нарса сизга ёрдам бера бошлайди, ҳаммаси ғаройиб тарзда, сиз қандай хоҳласангиз шундай ижобат бўла бошлайди. Лекин бу

«ўз-ўзидан» юришиб кетиши учун ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш керак бўлади!

Сиз буни уddалайсиз! Бу ишда биринчиси ҳам эмассиз, охиригиси ҳам!

Мана шу резонансни ҳис қилиш, истакларингизни акс эттириб, ҳаётнинг ўзи садо бериб турганда, буни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди! Бу шундай қудратли бунёдкорлик кучики!

Лекин бунга сиз билан бизга ҳали анча бор. Буюк Хўжа Насриддин васият қилганидек, ҳали бизга ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш керак. Нимани ўқиб ўрганишимиз керак?

Кўп мартали Октава ҳолатига кириш қондасини дейсизми?

Бу ҳолатнинг **қондаси йўқ**, чунки муҳаббатнинг, даҳоликнинг, бахтнинг кўр-кўрона ёки кўрадиган қондаси бўлиши мумкин эмас. Ҳеч қандай қўлланманинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас! Ҳатто ёқалашсангиз ҳам, бу нарса йўқ!!!

***Бир бетамиз уйланган бошқа
бетамиздан нимаси билан фарқ қилади?***

Биринчи калит

Муסיқачи бастакордан нимаси билан фарқ қилади? Бастакор муסיқа басталайди, муסיқачи ижро этади. Мингта муסיқачига балки битта бастакор тўғри келиши мумкин.

Шогирд Устоздан нимаси билан фарқ қилади?



Ўз шогирдларимга кўп марталаб эски бир нақлни қайтараман. Истасангиз, сизга ҳам айтиб беришим мумкин? Қулоқ тутинг.

Уста бир куни ўз шогирдига дебди:

– Сен энди тайёр бўлдинг. Кулолчилик соҳасида камолга етдинг ва Уста бўлдинг. Энди ўз кулолчилик устахонангни очишинг ва шогирдлар тайёрлашинг мумкин.

Шогирд ўз шахрига кетибди, у ерда кулолчилик устахонаси очиб ишлай бошлабди.

Бир қанча вақт ўтгандан сўнг у тушкунликка тушиб, Устанинг олдида қайтиб келибди:

– Уста ҳеч қандай натижа чиқмаяпти!

Уста уни тинчлантириб, дебди:

– Қани, ҳозирнинг ўзида, менинг олдимда кўза ясашни бошлагин. Сен ясаб бўлгунча, хатоинг қаерда эканлигини айтиб бераман.

Шогирд лой қорибди, шакл берибди, кейин уни ўтда пиширибди, безабди, сирлабди, яна пиширибди. Чиройли кўза чиқибди... Лекин унда нимадир етишмасди...

– Биласанми, қаерда хато қилдинг, нимага эътиборингни қаратмадинг? Биринчи марта кўзани пиширгандан сўнг, уни хумдондан чиқариб уч марта чангини пуфлаб ташлашни ва енгинг билан чангини артишни унутдинг.

Баъзи пайтда сир қандай қилиб шакл беришдан иборат бўлмай, ундан чангни пуфлаб ташлашдан иборат, яъни жуда ҳам арзимаган пайтда ёки бизга арзимаган бўлиб кўринган нарсада бўлади.

Агар сиз Октавадан, ўзингизнинг янги тимсолингиздан, нимадир олмоқчи бўлсангиз, мана биринчи калит: **ўзингизнинг руҳий-эмоционал ҳолатингизни танангизга узатишингиз керак.**

Бу нима дегани?

Октаванинг қандай кечишини сездингизми? Икки-уч дақиқа кўтарилиш, кейин янги кўтарилишдан олдин дам олиш. Икки-уч лаҳза кўтарилиш, яна пасайиш. Жуда юқори кўтаринкилик пайти, ҳис қилишнинг энг юқори чўққисида ўз ҳолатингизни танангиз билан ҳис қилиб, уни бутун танангиз бўйлаб ўтказишингиз керак!

Буни қандай қилиш керак?

Мана, масалан, эсланг. Сиз бўшашган ҳолатда ўтирибсиз, китоб ўқияпсиз ёки шунчаки орзуларга берилиб ўтирибсиз.

Бирдан нимадир тарақлаб ёнингизга тушади ёки кутилмаганда мушак отилади, ёки кутилмаганда телефон қўнғироғининг овози сизнинг ҳаловатингизни бузди. Шу лаҳзада нима рўй беради? Сиз сапчиб кетасиз ёки умуман стулдан йиқилиб тушасиз!

Нима бўлди? Қўққисдан бўлган сигнал бутун танангиз бўйлаб ўтиб, мушакларингизни қисқаришга мажбур қилди. Мана сизга, эмоциянинг танангизда акс этгани. Мана шу кўзадан чангни пуфлаб ташлаш бўлади. Мана шу – Октаванинг жуда соддалаштирилган кўринишдаги шакли!

Лекин бизнинг мисолда бу ихтиёрсиз, тасодифан бўлди. Бундай кечинма бизга кераксиз, фойдасиз, ҳатто сал-

бий. Агар шундай тасодиф тез-тез такрорланаверса, у ҳолда ўзингизга памперс ғамлашингизга тўғри келади.

Демак, эмоция ва унинг танадаги акси...

Бизнинг вазифамиз бу механизмни эслаб қолиб, ўз хоҳишимиз билан уни ихтиёрий, тўла тушунган ҳолда қўллаш. Октава пайтида ҳам ўн беш-йигирма дақиқа ичида бир марта эмас, балки уч юздан беш юз мартагача қўллаш! Яъни қандай бўлишни хоҳласангиз шундай бўлиш истагини, ички интилишни, албатта, танангизда мустаҳкамлаш зарур.

Шундай ҳолатга етишингки, истакларингиз танангиз таъсирланиши орқали мустаҳкамлансин. Бунга эътиборингизни қаратинг.

Бу – биринчи калит.

Яна ўнта калит мавжуд ва яна ўнта ва яна!..

Энди яна шунинг ўзини фақат бошқачасига такрорлашга рухсат беринг.

Агар Октава вақтида қалбингиз меҳнат қилса, руҳингиз таранг тортилса, тана эса бўшашган ҳолатда бўлса, бу машқдан фойда кутманг!

Сиз ўн йил кунига ўн соатдан шуғулланишингиз мумкин, аммо фойдаси бўлмайди!

Мана сиз бўшашган ҳолда стулда ўтирибсиз ва ўрнингиздан туриш пайти келди. Туриш истагингиз танангизга қандай тарзда етиб боришини кузатинг-чи.

Бошланишига шунчаки туринг ва яна ўтиринг.

Энди худди ўшани яна бир марта такрорланг, лекин шошмасдан, шу лаҳзани қайд қилингки, сиз ҳали жисмоний ҳаракатга киришмадингиз, лекин «тур» деган сигнал тана бўйлаб мушакларнинг сезилар-сезилмас қисқаришига сабаб бўлди.

Энди фақат ҳеч қандай жисмоний ҳаракатсиз худди ўшани такрорланг. Фақат хоҳиш ва енгилгина ички интилиш билан. Ҳеч қандай жисмоний ҳаракатсиз!

Мана шу оралиқдаги ҳолат мушакларимизга ўз иродамизни қабул қилдириш – ўша таянч, ҳисоб боши нуқтаси.

Энди биз бу ҳолатни ўз иродамиз назорати остига олишимиз ва кучайтиришимиз керак.

Ўзимизнинг ҳар бир ижобий мазмундаги хоҳишимизни, ҳар бир қалб кечинмамизни танамиздаги сезилар-сезилмас жавоблар билан боғлашимиз керак. Ана ўшанда мушакларингиз сизнинг интилишингизни, шиддатингизни эслаб қолади.

Сиз мактабда органик кимёни ўқиганмисиз? Ўқигансиз. Ҳозир ўша даврда олган сабоғингизни эслайсизми? Қандайдир чала-ярим формулалардан ташқари, ҳеч нарсани эсламайсиз. Лекин кимёгарлик қилганда шунақа ҳам кимёгарлик қиласизки! Тўғри, ҳозир энди бошқачасига, албатта, агар кимё бўйича малакали профессор бўлиб кетмаган бўлсангиз!

Нима учун мактаб даврида ўқиганлардан ва эшитганлардан камдан-кам нарса эсда қолади? Нега деганда, улар «бир қулоқдан кириб, бошқасидан чиқади».

Иккинчи сигнал тизими ҳақида эслайсизми? Сўз шаклида олинган маълумотлар бир зумда хаёлдан кўтарилиш хусусиятига эга.

Аммо сиз бир марта велосипед ҳайдашни ўрганиб олсангиз, буни ҳеч қачон эсингиздан чиқармайсиз. Агар сиз сузишни ўрганган бўлсангиз, бу нарсани ҳеч қачон эсингиздан чиқармайсиз, чунки мушаклар хотираси маълумотларни бир умрга эслаб қолади.



ДИҚҚАТ

Ҳа, у ўтмаслашиши мумкин. Ва, аксинча, ёрқинлашиши ҳам мумкин. Лекин мушаклар хотираси ҳеч қачон ўчиб кетмайди!

Бу кичик бўлимда сеҳрли кучингизни очиш учун асосий пойдевор бўлган сирларнинг калити берилган.

ОГОҲ бўлинг! _____

Иккинчи калит

Майли, шундай бўла қолсин, келинг, очиқчасига гапириб бераман.

Бу жуда муҳим!

Мана сиз ўз ёзув дафтарингизга: эртага шуғулланишингиз ва Октавани бажаришингиз кераклигини қайд қилиб қўйдингиз. Эртаси кун ўзингизга: «Хўш, қани, ўтир, шуғуллан! Қани, бўл, бўл, бўл! Қа-ни ахир...», дейсиз.

Сиз ўзингизни мажбурлайсиз ва ўзингизга илтифот кўрсата бошлайсиз. Ўзингизга-ўзингиз дейсиз: «Бу, албатта, азоб, лекин сен бундан фойда кўрасан».

Шу кундан бошлаб сабр-бардошингизнинг ҳисоби, сиздаги турғунлик, пешанангизни бетон деворга уришингизнинг бошланғич даври бошланади.

Бу қанча давом этади? Бу сизнинг феъл-атворингизга, мазохистик иштиёқмандлигингизга боғлиқ. Бир марта кундага келдингиз, иккинчи марта, учинчи...

Сиз ўзингизни «истамайман», «қила олмайман» деган тўсиқлар орқали нимадир қилишга мажбурласангиз, машғулотларга ўзини-ўзи азоблаш томондан ёндашсангиз, бу ҳар доим ёмонлик билан тугайди. Қандайдир вақтдан сўнг сиздаги ирода кучи ҳам етмайди. «Керак, шу нарса керак», деган гап энди бу ерда кетмайди.

Кўпчилик ўзини билмай туриб, ўзига панд бериб қўйиб, кейин ҳайрон бўлиб юради: менда ҳеч нарса чиқмаяпти ёки бўлмааяпти?

Чунки, бу ерда берк айлана ҳосил бўляпти: «хоҳлайман» - «хоҳламайман»га ёпишяпти, «хоҳламайман» эса «хоҳлайман»га, мана шу зайл чексиз давом этади. Аниқроғи, буткул миждовликкача ожизлик ҳиссидан умуман ҳаракат қилмаслик истагигача давом этади.

Бу тўсиқни қандай қилиб айланиб ўтиш мумкин? Буни қандай ўзгартириш мумкин? Қандай қилиб бу омадсизлик айланасини узиш мумкин?

Мана бундай.

Сиз бугун машғулоти тамомлайсиз, индинга эса яна бошқатдан шуғулланишни бошлашингиз керак.

ДИҚҚАТ! Сунъий тарзда шундай кайфият яратингки, гўёки сизни индинга шундай хурсандчилик, шундай роҳатланиш, шундай ҳузур кутяптики... лекин, афсус, бу фақат индинга.

Сабр қилиш керак, сабр қилиш керак. Ахир, бу жуда ачинарли!

Буни қандай қилиб сунъий тарзда яратиш мумкин?

Марҳамат, тасаввур қилинг, сиз учун ҳаммаси барибир, ҳаммасига тупурасиз. Бўшашган ҳолатдасиз. Шунчаки, ўтирибсиз ва шифтга тупуряпсиз. Тасаввур қилдингизми? Чиқяптими? Яхши!

Энди бефарқликни яратинг. Ҳеч қанақа ҳис-туйғу йўқ. Хурсандчилик ҳам йўқ, ғам ҳам йўқ. Ҳеч нарса йўқ. Бўшлиқ.

Сиз қачонлардир балиқ овига борганмисиз? Қармоқни ташлаганингиздан сўнг, ярим соат ўтгандан сўнг, мана шу қизиқ ҳолат юзага келади. Мана, нимани яратиш керак, тушунарлими?

Ана энди, марҳамат, жирканиш ҳиссини эсланг. Худди сиз нимадандир ҳазар қилиб жиркангандек! Фантазиангизни қўшинг!

Тасаввур қилинг, янги костюм кийдингиз, қўлингизни чўнтакка тиқдингиз, у ерда эса нимадир, жунжиктирадиган, ёпишқоқ, сирғанчиқ нарса бор. Чиқариб қарадингиз, бу чириган ва қуртлаб кетган бир парча гўшт экан.

Хўш, қандай чиқди?

Ана энди илтимос, яна бепарқлик ҳолатини ҳосил қилинг.

Эътибор қилдингизми, сиз ҳаммасини уйдаяпсиз. Сиз ҳар қандай ҳолатни сунъий равишда ярата оляпсиз, буткул ҳаммасини! Бу ҳиссий-эмоционал ҳолатнинг барча жилваларини, рангларини ярата оласиз.

Демак, шуғулланаётган пайтингизда, **онгли равишда** роҳатланиш ҳолатини, гўзалликни олдиндан ҳис қилиш ҳолатини, хурсандчиликдан лаззатланиш, роҳатланиш, мафтункор бахт ҳолатини қўшинг, ана шунда дангасалик ўз-ўзидан йўқола бошлаганини кўрасиз.

Хузурланишга, лаззатланишга интилагингизда, дангасалик тўсиқ бўлиши мумкинми? Йўқ!

Мана, биз мисол сифатида кўриб чиқдик, «хоҳиш – азоб»ни қандай қилиб «хоҳиш – хурсандчилик»ка алмаштириш мумкин? «Хоҳиш – азоб» занжирини узиш учун сунъий равишда лаззатланиш туйғусини ҳосил қилишимиз керак. Бу роҳатланиш ҳолатини мустаҳкамлаш учун уни қаерга кўчиришимиз керак? Мушаклар хотирасига. Уни мушаклар хотирасига ёзиб қўйиш керак.

Энди буларнинг барини ўз мақсадингиз йўлида қўланг. Сизда мақсад бор. Сиз ҳаётда нимагадир эришини хоҳлайсиз. Нима учун эриша олмадингиз? **Шунинг учунки: мақсадга етиб бориш сиз учун қийинчиликлар билан тўсилган.**

Сизнинг ҳаётий тажрибангиз нима дейди? Қаергадир сапчидингиз, бўлмади. Ниманидир хоҳладингиз, бўлмади. Ниманидир орзу қилгандингиз, ўхшамади. Натижада эса оғриқ, азоб, мағлубият маҳорати қолди, холос. Энди унчалик хоҳиш йўқ. Ҳар қандай хоҳишда ланжлик, қўрқув ҳисси пайдо бўлади ва сиз ҳеч қандай ҳаракатсиз орзунинг ўзи билан чекланиб қўя қоласиз.

Демак, мақсадингиз ҳам қийинчилик билан маҳкам боғланган. Бу энди феълингиз фазилатига, одат тусига

кирди. Биз энди феълингизга янги маҳорат, янги одат беришимиз керак.

Демак, хулоса: ҳар бир машғулот ирода кучи билан яратилган роҳатланиш, хурсандчилик, бахтли онларни кутиш ҳолатида ўтказилади.

Мана шу йўсинда энди орзу қилинг. Машғулот қилиш керак, деган хаёл, албатта, жисмонан ҳис қилиш мумкин бўлган ҳамда руҳиятингиздаги бўлажак роҳатланишдан ва лаззатланишдан интиқлик ҳолати билан боғлиқ ҳолда кечади.

Бўм-бўш бош чаноғингизга яна бир бора жаврашга ижозат берсангиз, унда шундай акс-садо турсин: А-у-у-у! **Кайфият ҳосил қилиш сунъий, сунъий, сунъий-нъий-ий-й-й!!!**

УЧИНЧИ КАЛИТ

Мен хоҳладим, энди ҳаммаси амалга ошади деб ўйлайсизми? Йў-ўқ? Анча тер тўкишга тўғри келади. Бу ерда онгли равишда феъл-атворингизни, имкониятларингизни, ўзингизни-ўзингиз бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказишингизни қайта дастурлаш бошланади.

Энг катта бошбошдоқликлар бизнинг ўзимизда. Энг катта тартиббузарликлар ўзимизда. Оддий одам ўзининг фикрлари ва ҳиссиётлари измида бўлади. Оддий одам бетартиблик қонуни билан яшайди.

Ҳа-ҳа. Бетартибликнинг ҳам ўз қонуни бор, яъни тартиблилик. Шунинг учун ҳам ушбу масалалар юзасидан бироз иш олиб боришга тўғри келади. Бу озгина ишнинг ўзи ҳам анчагина, негаки, бу ерга бетартибликни неча-неча асрлар йиғиб келгансиз.

Сиз бир қонуниятни сезганмисиз? Ичимизда қанча кўп бетартиблик, хаос бўлса, атрофимизнинг шунча тартибли бўлишини талаб қиламиз.

Сиз машқ қилишни бошладингиз, баъзи бир натижаларга ҳам эришдингиз. Лекин уйдан чиқишингиз билан кундалик ҳаёт чархпалагига тушиб, йилдан-йилга, йилдан-йилга одат бўлиб қолган қолип таъсирига тушиб қол-япсиз.

Мана шу ер – сизнинг ҳаракатларингиз ҳудуди, ўша – сизнинг барча ютуқларингиз, қўлга киритадиган янгиликларингиз ботиб қолган жой.

Сиз жуда яхши машқ қилдингиз. Интуитив фикр юритиш ҳолатини тахминан қирқ дақиқалар чамаси ушлаб тура оласиз. Қолган 23 соату 20 дақиқасини эса эскичасига – бетартиб фикр юритиш, ҳиссиётлар измида бўлиш, кайфиятга қараб иш тутишга сарфлайсиз.

Дейлик, сизга ким биландир учрашиш, ниманидир ҳал қилиш, оддий нарсадан оламшумул аҳамиятга эга бўлган насагача бўлган маълумот келди.

Бу муаммога ўз вақтингизни, меҳнатингизни, пулингизни, кучингизни кетказишга арзирмикан? Бу одам билан биргаликда иш кўришга арзийдими ёки унга кетган вақт ҳайф бўлармикан?



Ҳамма саволларни, ҳамма вариантларни ўзлаштириб олган интуитив фикрлаш элагидан ўтказинг. Мана шу қирқ дақиқа ичида кўплаб саволларингизга жавоб топасиз! Агар машқларни давом эттираверсангиз, ўрганганларингиз мустаҳкамланиб, бу ҳолатдаги вақтингиз ҳам узайиб боради.

Азизларим! Сиз учун тажрибалар вақти тугади. Ҳаёт – бу тажриба эмас! Ҳаётингизнинг фойдали ҳаракат коэффиценти бир неча минг маротабага ўсиши керак. Ҳар бир қабул қилган қарорингиз, ҳар бир қилган ишингиз умрингизни тежаши керак. Келишдикми?

Демак, машғулот пайтида нималарга эътибор берамиз?

Келинг, саволга иқтисодий, статистик томондан ёндашамиз, яъни қанча меҳнатни қачон ва нимага сарфлашни ҳисоблаб кўрамиз.

Ўз устимизда ишлашнинг биринчи босқичида, машқларнинг бошланғич жараёнида 99 фоиз ҳаракатимизни ёқимли ҳисларни пайдо қилишга йўналтирамиз.

Бу ҳисларни пайдо қилиш малакасини олгандан кейин, уни назорат қилишни ўрганамиз, лекин ирода кучимизни мақсад тимсолини аста-секин шакллантиришга, Октавага йўналтирамиз.

Энди 10 фоиз эътиборимизни ёқимли ҳисларда ушлаб туриб, лаззатланиш, роҳатланиш, ҳузурланиш даражасини кўтарган ҳолда сақлаб қоламиз. 90% ҳаракатимизни мақсадимизни буйруқ сифатида қайд қилдиришга йўналтирамиз, тушунарлими?

Учинчи босқич. Энди ҳислар ва Октаваларни шакллантиришга 10% ҳаракатингизни сарф қиласиз. Сиз буни ўрганиб олдингиз, бу борада маҳоратингиз бор. Энди 90% ҳаракатни, бу ҳиссиётларни ўз танангизга, мушакларингизнинг «ёзув» дафтарига кўчиришга қаратасиз.

Бошқача сўзлар билан айтганда, беш фоиз эътиборни ҳисларга сарфлайсиз, беш фоиз эътиборни мақсад тимсолига, тўқсон фоизни эса «ёзув»га қаратасиз.

Ёқимли ҳислар ривожланиб, кучайиб бораётган пайтда, ўз орзуингизни, мақсадингизни, ўзингизда ривожлантирмоқчи бўлган феъл-атвор қиррасини ёки қобилиятни, ўзингизда яхшиламоқчи бўлган молиявий ва номолиявий томонларингизни ва бошқаларни эслайсиз.

Лаззатланиш ҳолатининг энг чўққисида, истакларингиз дастурини ишга туширганингизда, бутун танангиз бўйлаб ёқимли яйраш тўлқинини, соғинч тўлқинини, ёқимли ҳислар тўлқинини ёйиб юборасиз.

Сунъий равишда ёқимли ҳисларни ҳосил қилиб, уларни бутун танангиз бўйлаб тўлқин кетидан тўлқин ҳолда тарқатинг! Жисмоний, сунъий равишда ҳосил қилиб онгли равишда ушлаб турилган экстазни, ички интилиш, ҳаракат қилиш иштиёқини бутун танангизга ўтказасиз.

Шу билан биринчи босқичдаги ишингиз ниҳоясига етди. Ривожланиш сари олға бориш учун учта мустаҳкам таянчга эга бўлдингиз.

Буларнинг биринчиси – руль, иккинчиси – газ, учинчиси тормоз. Бўлди! Энди ўзингизни бошқаришингиз мумкин. Бу учта таянч учун сиздан 10% диққат талаб этилади, қолган 90%ини эса бошқа нарсаларга... сарф қиласиз.

Буларнинг яна баъзи бир қўшимчалари бор, улар китобнинг ҳар хил бобларида сочилган ҳолда берилган. Сиз уларни албатта топа оласиз.

**Қандай қилиб бошни
оёқлар орасидан қашши мумкин? _____**

Ҳозир китобни ёпиб, кўчага чиқасиз. Атрофингиздаги олам ўзининг уйлари, машиналари, қаергадир шошиб кетаётган одамлари билан сизга, бизнинг ҳозирги суҳбатимиздан минг чандон кучлироқ босим бера бошлайди. Кўрлар дунёсининг реаллиги ҳозирча сизнинг реаллигингиз.



Одамлар доим қаергадир ўқишга кириш ҳаракатида, қаердадир ўқишади, иш излашади, пул излашади, уй-жой излашади ва ҳ.к.

Нима уч-у-н?! Кучлироқ бўлиш ва ўз имкониятларини англаш учунми?

Улар ўйлашадики, менинг бахтим балки мана шу касбкордадир? Балки мени қийнаётган саволларга жавоб мана шу лавозимдадир, шу квартирададир, машинададир. Доим қаердадир, нимадандир, кимдандир жавоб излашади.

Ахир, жавоб ичингизда бўлса, ташқаридан излашнинг нима кераги бор?

Кимдир: «Агар миллион жамғариб олсам, бахтли бўламан» дея ўйлайди ва шунчаки бахтли бўлиш ўрнига, ана шу миллионни йиғишга бутун умрини бағишлайди.

Сиз ўзингизда йўқ нарсанинг ортидан юғурасиз, шу нарса йўқлигидан қайғурасиз ва ўзингизда бор нарса

учун қувонишни унутиб қўясиз. Бахтли бўлиш ва юзага чиқиш бу жуда осон.

Сиз мени шунақа ақлли деб ўйлайсизми? Мен китоб ёздим, сиз эса уни ўқияпсиз. Йў-ўқ! Шунчаки мен инсон табиатини билиш соҳасининг кичик қисмида сиздан кўра кўпроқ маълумотга эгаман, бошқа нарсаларда эса тирноғингизга ҳам арзимаيمان.

Ҳозир сиз ноанъанавий бирор ишни қилишга қарор қилсангиз, уни амалга оширмақчи бўлган тақдирда, қарорингизга теварак-атрофдаги одамлар ва уларнинг билимлари қарши чиқади. Ўзингизни кўпчиликка қарши қўйган ҳолда жисмингизни жуда ожиз сезасиз. Фикримга қўшиласизми?

Сиз қанақа билимли, ақлли, ҳамма нарсани биладиган одамлар шундай фикрда экан, демак...» деган қарорга келасиз ва... Бўлмаган гап! Бу уларнинг ёлғон-яшиқлардан иборат айланаси, хатолардан иборат чархпалаги!

Кўзи ожизлар орасида ёруғлик ҳақида кўп ҳам гапиравермаслик керак, чунки бу уларга оғир ботади.

Худо уни кўр қилиб яратибдимиз, демак, у олдиндан сифатсиз яратилган. Уни руҳий жиҳатдан кўрлигича қолдириб, оддий одамлардай яшашига қўйиб бериш керак. Унга ўн йилдан кейин, юз йилдан кейин нима бўлади, нима қўяди, буни билиши шарт эмас.

Табибнинг олдига бир одам келиб:

– Ўлялман, – дебди. – Қорним оғрияпти, табиб, вой, менга ёрдам бер, илтимос!

Табиб унга қараб:

– Нима еган эдингиз? – деб сўрабди.

– Мен, – дебди у, – новвой бўлиб ишлайман. Бир тандир ноним куйиб кетувди. Ўша куйган нонларни ҳар куни еб юрибман. Ҳайф бўлмасин дедим-да.

Шунда табиб шогирдига:

– Кўз малҳамидан олиб кел! Ҳар куни уч маҳал кўзларига томизиб турсин, – деб буюрибди.

Новвой сўрабди:

– Нима, мени мазах қиялпсизми? Мен кўр эмасман! Менинг қорним огрияпти.

– Э-й, йўқ! Агар сен кўр бўлмасанг, нега унда куйган нонларни единг?

Нега буларни ёзяман? Мен сизнинг кўр бўлишингизни истамасдим. Яна ҳаёт дарахтидан узилиб сувга тушган шохчадек номаълум томонга оқиб кетишингизни ҳам истамасдим. Дарёдек бўлишингизни истардим. Тушунарлими?

Умуман олганда, ушбу китобни ўқиш жараёнида ўзингиз сезмаган ҳолда, бу оқимни сезиш, ҳис қилиш каби азалий қобилиятингизни тиклай бошладингиз. Сизда унга таъсир ўтказа олиш қобилияти тиклана бошлади. Сиз ҳамма саволларга жавоб топа олишингиз мумкин бўлган кучингизни тиклай бошладингиз.

Буларнинг бари сизда азалдан бор!

Ўзингизни тушуниш, англаш фақат юрак орқали бўлиши мумкин. Фақат шу йўл билан янада кучли бўлиш мумкин.

Ўзгалар тажрибаси орқали ўзликни англаш – оёқлар орасидан бошни қашиш деган гап. Буни синаб кўрдингизми? Ҳа? Йўқ?! Ғалати. Мен бир умр шу иш билан шуғулланиб келяпсиз, деб ўйловдим. Шу пайтгача буни қандай уддалаётганингизга ақлим бовар қилмайди!

Мана сизга яна битта машқ!

Худди шу алфозда бошқа саҳифага сакраб ўтамиз.

**«Менга Худо ҳақида сўзлаб бер,
йўқса билганларимни
унутяман...»**

Қаршингизда учта йўл бор.

Биринчи йўл – мустақил шуғулланиш. Бу йўл фақат аниқ мақсад сари дадил интилувчиларга мос келади.

Ҳамманинг ҳам спорт билан шуғуллангиси келади, унинг соғлиқ учун фойдасини ҳамма билади, аммо сиздаги спорт билан шуғулланиш истаги одатда нима билан тугайди? Ҳа, худди шу билан тугайди!..

Мана, кунлардан бир кун, ниҳоят сиз спорт билан шуғулланишга астойдил қарор қилдингиз...

Биринчи марта эрта тонгда тетиккина бўлиб ўрнингиздан туриб, шахсан Авраам Линкольн томонидан совға қилинган спорт кийимларингизни олиб, чангиши қоқиб, роса ташвишу жабрнинг уяси бўлган танангизга кийиб, тоза ҳавога чиқасиз.

Мана! Ниҳоят, ўзингизни мажбурлай олдингиз!

Атрофда ҳамма ухляпти. Эркин ҳолда, енгил, худди оҳудек йўлак бўйлаб югуриб кетяпсиз. Бутун кўкрак қафасингиз билан тонгнинг одамни маст қилувчи мусаффо ҳавосидан ва уйғонаётган гуллар ҳидидан тўйиб нафас оляпсиз.

Булбуллар, булбуллар-чи! Қандай роҳат!

Қон томирларингизда жўш уриб оқяпти. Танангизни енгил тер қошлаган. Югурдингиз, сакрадингиз, кейин роҳатдан қийқириб анҳорда маза қилиб чўмилиб ҳам олдингиз.

Сувдан чиқиб бардам, бахтли, худди тойчоқдек туёқларингизни тақиллатиб, айиқчадек учиб уйга етиб

келасиз. Хурсанд ҳолда уйга етиб келдингиз, биласизки, бугундан бошлаб ҳар куни шундай бўлади. Янги ҳаётга шон-шарафлар!

Лекин уйда нимадир бошқача... Қариндошлар ҳам нимадандир ташвишланиб қолишган. «Тез ёрдам» машинаси ҳам келган... Ғалати! Қариндошларингизга гапиряпсиз-у, улар сизни янги қиёфада танишмаяпти, яъни спорт кийимида.

Ётоқхонага кирасиз, у ерда... У ерда! Сизнинг севимли каравотингизда тоғдай бўлиб кимдир ётибди. Қанақадир кўча дайдисига ўхшаган совуқ кимса! Тушунмадим? Эй аҳмоқ, қани тур ўрнингдан!

Тўхта, тўхта, унинг совуқ башарасининг қаеридир таниш. Уни қаерда кўрган бўлишингиз мумкин? Шунақа башаралар ҳам бўлармикан?!

Во-о-й! Бу, ахир, мен-ку!

Бу қанақаси бўлди? Қанақаси бўлди? Қани бу ерда ҳақиқат? Ҳукумат қаерга қараяпти? Энди шуғулланишга қарор қилган пайтимда шунақа бўладими? Ниҳоят, ўз устимда ишлашга вақт топганимда!

Сиз кечаси оламдан ўтган экансиз. Ҳар доимгидек бир кунга кеч қолдингиз!

Хўш, қалай? Ўзингизни таниб олдингизми? Қачон шуғулланишни бошлаймиз?

Минг-минглаб одамларнинг ичидан фақат биттаси амалда шуғуллана олади. Ўша ўз устида ишлаётганлардан фақат битта-иккитасигина уй шароитида шуғуллана олади. Нега?

Чунки уй шароитида сизга қарши бутун турмуш икир-чикирлари туради.

Ҳаммамизнинг ҳам пайпоқларимиз жуда тез кир бўлади. Ҳаммамиз ҳам баъзида, жуда бўлмаганда, йилда бир марта тишимизни ювамиз. Ҳаммамиз ҳам ейишни, ичишни, ёзилишни ва бошқа нарсаларни хоҳлаймиз. Ҳаммамиз ҳам ишлаймиз, оила, болалар, муаммолар... Бу – реаллик, азизларим. Бу реаллик «рўзғор» деб атала-

ди. Ёки «ғор». Қизиқ, бу сўз қаердан пайдо бўлган экан?

Худо кўрсатмасин, бу реаллик меҳробимизга айланиб қолмасин, бўлмаса, ғор бизни ўз домига тортиб, текин малайларга айлангириб қўйиши ҳеч гап эмас. Бу ҳам бир йўл, лекин бу қанақа йўл, буни жуда яхши биласиз!

Ҳаётингиз ҳамма томонлама юқори даражада бўлгани ҳолда, шу билан бирга, у қандай мақсадларга хизмат қилиши керак? Ўзимизни англашга, энг олий жиҳатларимизни ривожлантиришга, бу ҳаётдаги энг олий бурчимизни амалга оширишга.

Бир фильмдаги лавҳа ҳеч эсимдан чиқмайди. Икки ёшлардаги қизалоқ хонада ҳеч ким йўқ пайтида, янги туғилган укасининг олдига келиб шундай деди: **«Менга Худо ҳақида сўзлаб бер, йўқса, билганларимни унутяман».**

Биз сиз билан бу ерда мулоқот қиляпмиз, лекин китобни ёпгандан кейин сиз барчасини унута бошлайсиз. Имкониятларингиз чексиз, аммо 85% одамлар ҳайратланарли даражада қатъият ва шижоат билан ҳаммасини барбод қилувчи йўлни танлашади. Улар орасида қолишни хоҳлайсизми?

Қандай қилиб соғлом бўлиш керак? Қандай қилиб юзага чиқа олиш мумкин? Қандай қилиб миллионер бўлиш мумкин? Қандай қилиб фарзандларимизни бахтли қилиш мумкин? Мана шундай вазиятда нима қилиш мумкин? Мана бундай ҳолларда нима қилиш керак? Нима қилиш керак, токи натижа мана бунақа, бунақа бўлиши учун?

Буларнинг барига сизда жавоб бор.

Буларнинг барига онгингизда, қалбингизда жавоб бор! Ўзингиз биласиз, лекин мен барибир ҳар бир одамнинг ўз Устози бўлиши керак деб ҳисоблайман. Мен ўзим учун шу йўлни танлаганман.

Шарқда шундай бир мақол бор:

«Устозсиз мен катта ютуқларга эришдим деб хурсанд бўлма.

Устозинг бўлмаса ҳам, у барибир бор.

Агар устозинг бўлмаса, демак, устозинг шайтон!»

Фақат Худодан келган илм бор, шайтондан келган илм бор. Устознинг бирдан-бир вазифаси шогирдларига тўғри йўлни кўрсатиб туриш: «Мен у ерда бўлганман, у ерда ифлосликдан бошқа ҳеч нарса йўқ, бу ифлосликка бўғзимгача ботдим, кейин ўн йиллаб ювиб зўрға кетгаздим», деб огоҳлантириш.

Унинг вазифаси – сизни у ёққа ўтказмаслик, ўра бор жойдан сақлаб қолиш. Нима билан? Ўзининг тажрибаси билан. Демак, Устознинг вазифаси, сизга жуда ҳам оғриқли бўлмаслиги учун ҳаракат қилади, агар оғриқ бўлса ҳам, бу лаҳзада ёнингизда бўлади, чунки оғриқли бўлмаган тажрибанинг ўзи йўқ!

Бундай пайтда сиз олдингизда турган паст-баланд жойлардан огоҳ бўлган ҳолда олдинга илдамлик билан қадам ташлайсиз. Фикримга қўшиласизми?

Агар сиз ҳам менга ўхшаб

КАЛТАФАҲМ бўлсангиз, _____

мана сизга

тўртинчи калит

Чўнтагида бир мириси бўлмай туриб, минг сўм ҳақида орзу қилган одам энг бахтли одам. Негаки, унинг мақсади бор. Ўша минг сўмни топган одам дунёдаги энг бахтсиз одам, негаки у мақсадига эришиб бўлди. Мана шундай ҳолатда у бўшлиқни англаши мумкин.

Чўнтагингизда бир миллион борми ёки бир сўм – бунинг иккаласи ҳам бир нарса. Бу билан бахтингиз, муаммоларингиз камайиб ҳам кўпайиб ҳам қолмайди, улар доим бўлади.

Бахтингиз ташқарида эмас, у ўз ичингизда!

Кўпчилигингиз ҳаётингизни ҳатто бўлмагандек, беҳудага сарф қиласизлар. Айтишади-ку, биз йўқ бўлган жой, энг яхши жой деб. Ва сиз ўзингиз йўқ бўлган жойга интиласиз. Йилларни бунга сарфлаб, қайтиб келасиз ва тушкунликка тушиб: «Наҳотки, шунинг учун мен бутун умримни сарф қилган бўлсам?! Э, Худо!» дейсиз.

Агар интуициянгиз бўлса, гап нима ҳақда эканини ҳис қилган бўлсангиз керак...

Агар менга ўхшаб калтафаҳм бўлсангиз, унда ҳеч нарсани тушунмадингиз.

P.S. Асосий курснинг охири кунги машғулотидан стенограмма:

Тингловчи:

– Мирзакарим Санақулович, савол берсам майлими?

– Ҳа. Бемалол. Ўрнингиздан турманг.

– Агар мен ўз олдимга бирор мақсад қўйган бўлсам, Худо эса менга бошқа мақсадни тайёрлаб қўйган бўлса-чи?

– Худо қаерда? Худо ўз ичимизда, азизим! Савол бошдан оқ нотўғри эди.

Худо бизнинг ичимизда. Унинг имкониятлари ҳам!

Нега Устозлар бир-бирини «ҳабибим» дейишади. Нега деганда, айнан бунёдкорлик ҳолати, одамларга эзгулик қилиш истаги – Худога ошиқлик ҳолатидир.

Агар яхшилик қилиш ниятингиз моддийлашиб амалга ошса, демак бу сизни Худо томонида эканингиз, Яратганнинг томонида эканингиз.

Мана гап нима ҳақда. Тушунарлими?

Хўп, майли! Парданинг бир четини кўтараман...

Биз машқларимизни юқори даражадаги латифлик билан, мулойимлик билан ҳузурланиб бажарамиз. Бундай ҳолатда туриб, сиз ҳеч кимга «ёмонлик» тиламайсиз. Шу маънода сиз бирёқлама ёндашасиз.

Биласизми, менинг интуициям жуда жойида. Лекин у қандай лаҳзада умуман ишламай қолади? Қачонки ўзимни тутиб туролмай, жаҳл қилсам, интуициям учиб кетади, ўчиб қолади.

Агар сиз бирор эзгуликни ният қилсангиз, режалаштирсангиз, бу албатта амалга ошади. Ёвузлик эса... Агар озгина бўлса ҳам ёмонлик истасангиз, унда сиз мутлақо оддий одамсиз. Бир ёқлама ёндашиш айнан мана шунда. Буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман.

Ҳатто бир марта Устозимга қўнғироқ қилиб, бундай деганман:

– Сиз мени мажруҳ қилиб қўйдингиз? Мен ёвузликка қарши кураша олмаяпман!

Бунга жавобан Устозим: «Агар ёвузликка қарши ўз ёвузлигинг билан курашсанг, улардан нима фарқинг қолади? Сенинг ўзинг ёвузликсан», деди. Тушунайсизми?

Устозим деди: «Шаффофдек бўл, кечиримли бўлиб,

уларни қалбингдан чиқариб, озодликка қўйиб юбор ва бу бахтсизларни яхши кўришга ҳаракат қил». Тушун-япсизми?

Мана мен сизларга болалар эртагини айтиб бердим. Охирида тўй бўлди. Ҳамма узоқ ва бахтли яшашди. Мана, ҳаммаси бўлди. Эртакларимни тугатдим. Ҳозир бу ердан чиққанингиздан кейин ҳамма айтганларимни унутинг. Буларнинг ҳаммаси – сизларнинг бечора қулоқларингизга осилган лағмон.

Менинг азизларим, менинг яхшиларим. Бугун фақат гап сотишга йиғилдик.

Машғулотни бошладикми?..

Ёқут ҳақида РИВОЯТ

Хўш, нима гап, азизларим?

Охирида сиз учун мустақил иш!

Шунинг ўзи ҳамён, унда... 000 000 \$. Олдидаги рақамларни ўзингиз қўйиб олинг.

Бу ривоятни оддий тилда очиб бериш жуда мушкул, ҳатто изоҳлаш жараёнида ҳам фақат устки қобиғинигина бериш мумкин, ҳатто шу ҳам тахминий бўлади. Аниқроқ қилиб айтсак, у бадий жиҳатдан безалган, шунинг учун бу ривоят маъносини очишда ривоятнинг асл нусхасига, эски турк тилида ёзилган нусхасига таянишга ва сўз-ма-сўз таржима қилишга тўғри келди.

Демак.

Аббосийлар хонадони меросхўр шаҳзодаси Пайғамбар амакисининг авлодидан бўлиб, худди оддий одамлар қатори яшар эди.

Арабларнинг машҳур қавмлари орасида қабул қилинган одатга кўра, Довуд ал-Аббосий деган одам ўзини Довуд Алтаф ўғли деб атар эди.

Унинг аجدодлари ҳамма бойликни йўқотиб, унга шаҳзода унвонидан бошқа ҳеч нарсани мерос қолдиришмади. Уч сулола ўтиб, унинг уруғи мустаҳкамланди, шаҳзода майда савдогар даражасигача кўтарилди. Унинг умри бозорда уруғлик ва зираворлар сотиш билан ўтар эди.

Бир куни у бой савдогарнинг қизини севиб қолибди. Савдогар совчиларга гўзалликда тенги йўқ ёқутни кўрсатиб дебди:

– Менинг қизим шу шаҳзода учун дунёга келган бўл-

са-да, лекин бизнинг уйимизда ўзига хос одат бор. Бу оилага кирган ҳар бир одам ўзи билан худди мана шундай ёқут олиб келиши керак. Бу тартибни ўзгартириш мумкин эмас. Агар олиб келса, қизимни унга хотинликка бераман.

Ва шаҳзода ёқутни топишга қарор қилибди.

Бу ҳақда эшитган, билган савдогарлар унинг олдига келишар ва ҳар хил ёқутларни таклиф қилишарди, лекин уларнинг орасида шаҳзода излаганига озгина бўлса ҳам ўхшаши йўқ эди. Шаҳзода шарқдан, ғарбдан, шимолдан, жанубдан келган савдогарлардан сўраб-суриштирди. Уларнинг ҳаммаси:

– Мана бу томонда бор, – деб айтишарди.

Шаҳзода ҳар гал уларнинг хазинасини кўрганида, умиди қайта-қайта пучга чиқар эди.

Шундай қилиб, ойлар, йиллар ўтди, унинг барча уринишлари беҳуда кетди.

Бир куни у ўз севгилиси ҳажрида, ўзининг ўт босиб кетган кичкина боғида ўтирганида, ёнида кимдир турганини ҳис қилди. Бошини кўтариб қараса, соч-соқоли ўсиб кетган, кир-чир жулдур кийимли дарвешни кўрди. Дарвешни кутишга пешвоз чиқиб, уларнинг оиласида қабул қилинган одатга кўра, шаҳзода деди:

– Салом, менинг подшоҳим!

– Биз сени, бадавлат савдогарнинг қизини севиб қолганингдан бери кузатиб келяпмиз, – деди дарвеш. – Ўша, сен қидираётган ёқут бизда сақланади. Мен сенинг хонадонинг ва бойлигининг кўриқчисиман.

– Қанақа бойлик? Ҳамма бойлик аллақачон сарфлаб юборилган-ку – дебди шаҳзода.

– Йўқ, сен янглишяпсан, – деди дарвеш, – оилангнинг бойлиги жуда катта, у бу ердан узоқларда сақланади: етти қадам ва етти минг йилдан сўнг.

– Агар сен шу қадар туганмас бойликларни сақласанг, нима учун ўзинг бунақа увадаси чиққан кийимда, яланг оёқ, кўзинг оч ҳолда юрибсан?

– Чунки, биринчидан, мен сенинг оиланг бойлиги ва қудратининг қўриқчисиман, холос, иккинчидан эса, бир гала ёвуз одамларнинг жигига тегмоқчи эмасман, чунки улар ўзларига тегишли бўлмаган нарсани ўғирлашга ҳаракат қилишлари мумкин.

– У ҳолда бу бойликни менга бер.

– Йўқ! Биз у ерга, ўша хазина сақланаётган жойга боришимиз керак. У ерга етиб бориш учун сен кар ва кўр бўлиб, кўзинг боғлиқ, қулоғинг ёпилган ҳолда, эшакка миниб боришинг керак.

«Биз бойлик учун йўлга тушишимиз мумкин, – деди у, – лекин битта шарт бор: бир неча кеча ва кундуз тоққа бораётганимизда, сен кўзингни ва қулоғингни очмаслигинг ва эшакдан тушмаслигинг керак. Агар кўзингни очсанг, шундай аросат йўлда қоласанки, сенда олдинга юришга ҳам, орқага қайтишга ҳам йўл бўлмайди. Сен бутунлай йўқолиб, абадий аросат мамлакатада мангу қолиб кетасан.

Уч кеча-кундуздан сўнг сен эшакдан тушасан ва менинг тўним этагидан ушлаганча яёв кетасан. Мен сенинг қулоқларингни очаман. Шунда эшитишинг мумкин, лекин кўзларинг ҳали ҳам ёпиқ бўлади. Кўзларингни, фақат мен айтгандан сўнггина очасан. Агар сен кўзингни вақтидан олдин очсанг, иккаламиз ҳам ғойиб бўламиз».

Шаҳзода рози бўлди ва улар йўлга тушишди.

У ҳамма синовларга бардош берди ва дарвеш унга кўзини очишга рухсат берганда, беҳисоб бойликларга гўла катта ғорни кўрди.

– Бу ҳаммаси бизнинг аجدодларимизга тегишлими?! – деди завқланиб кетган шаҳзода.

– Ҳа, – жавоб берди дарвеш, – фақат бу эмас. Бунақа ғорлардан минг-мингта.

– Демак, мен ҳозир буларнинг ҳаммасини ўзим билан олиб кетишим мумкин?! – хитоб қилди шаҳзода.

– Э, йўқ! – жавоб берди дарвеш. – Сен бу ерга фақат ёқут учун келдинг, шунинг учун ўзинг билан фақат ёқут-

ни олишинг мумкин. Лекин ўзинг тайёр бўлгач бундан кейин хазинага ўзинг йўл топа оласан. Фақат ўша пайтдагина бу ерга қайтиб келасан, фақат тайёр бўлганингдан кейин. Бу бойликларни ғафлат бостанлар дунёсига олиб кетасанми ёки уларни сақлашда давом этасанми, буни ўзинг ҳал қиласан.

Шаҳзода кўз очиб-юмгунча ўз боғида пайдо бўлиб қолди.

У ёқутни қизнинг отасига олиб борди ва тўй бўлиб ўтди. Май дарё бўлиб оқди, асал – челақлаб. Мен ҳам у ерда бўлдим, асал яладим, май ичдим. Мўйловимдан оқиб кетди, лекин оғзимга тушмади.

Эртак тугади.

Бир қарашда «телба-тескари» туйилган бу ривоятдан ўзингизнинг миллионларингизни чиқариб олишингиз учун сизга бирозгина тер тўкишга тўғри келади!

Бу ривоятда унинг яратилиш жойи, вазифаси, жисмоний ва кузатувчанлик машқлар техникаси тўғрисида ҳамма маълумотлар бор. Сиз фақат унинг мағзини чақишга ҳаракат қилиб кўринг!

Агар бирор натижа чиқмаса, махфий ёзувлар китоби чиқишига қадар кутинг...

Ҳа, майли! Келинг, ҳозирнинг ўзида сиз учун биринчи пардани очаман.

Демак.

«Аббосийлар хонадони меросхўри бўлган шаҳзода Пайғамбар авлодидан бўлиб, ҳамма оддий одамлар қатори яшар эди...»

А – Аббосийлар... Алифбонинг биринчи ҳарфи – алиф, бошланишни аңлатади.

П – Пайғамбар... сўзидаги П ҳарфи шунга ишораки, бу ривоятда қанча парда борлигини кўрсатади. Бунинг учун А дан П гача нечта ҳарф борлигини санаб билиш керак.

«Шаҳзода» – бу оддий одам бўлиб, ҳамма куч, қудрат, бойликни мерос қилиб олган, лекин унга эғалик қила ол-

майди. Яна «шаҳзода» бир вақтнинг ўзида – инсон ақл-идроки.

«Уч авлоддан сўнг унинг сулоласи мустаҳкамланди...»

Уч авлод – бу уч йилни англатади. Уч йил ёки минг бир кеча.

Бу ерда махсус тайёргарлик ҳақида гап кетяпти, боғланиб қолиш қуллигидан қутилиш – ўзининг моддий дунё бойликларига боғланиб қолиш ожизлигидан қутулиш ҳақида. Ана шундай қарамлик устидан уч йил ичида қутулиш учун қўлланма бериляпти.

Оддий одам ва гадой, моҳиятан, бир-бирига жуда яқин тушунчани англатади.

Қадим замонларда керакли ҳолатга етишиш учун одамлар тарки дунё қилган дарвешликни амалда қўллашарди. Уч йиллик «гадойликдан» сўнг, яъни ҳамма қатори оддий одамлар ҳолатидан паст даражада бўлиш руҳиятни мустаҳкамлайди деб ҳисоблашар эди.

Тўғри, ҳозир комилликка етишишнинг бошқа йўллари қўлланилади.

Давом этамиз.

«...шаҳзода майда савдогар даражасигача кўтарилди».

Майда савдогар. Савдогар – бу ўзи тайёрламаган нарсани сотувчи одам. Савдогар сотаётган нарсасини тайёрламайди ва тайёрлашни ҳам билмайди. Ундан ҳам кўпроғи, улар кўпинча ўзлари сотаётган нарсаларнинг моҳиятига тушунмаган ҳолда сотишади.

Бизнинг ҳаёт билан қиёслаганда, улар худди илмий ходимдай гап – назариётчи: физик-л-а-р, ботаник-л-а-р, ҳулла-с, ҳунармандлар-да.

Бу ерда моҳият бундай. Инсоннинг онги уч йиллик тайёргарликдан сўнг ҳам майда олим даражасигача кўтарилиб, фақат бегоналар билимини сотиш даражасига кўтарилади.

«...Обрўли араблар ўртасида қабул қилинган одатга кўра...»

«Обрўли» ва «араб» сўзларида бош ҳарфни ўқиш керак бўлади. Айнан улар бу ерда тушуниш калитини беради. Араб-халиф, бу ерда тушунишнинг биринчи босқичини англатади, обрўли, эътиборга лойиқ... Эътиборга лойиқлик нимани англатади?

Обрў-эътибор фақат оддий одамлар орасида бўлган тушунча, лекин оддий одамларнинг қимматга эга бўлган нарсаларининг орасида, дарвеш учун қизиқарли ҳеч нима йўқ. Тушунапсизми?

Ҳамма миллионлар, ҳамма миллиардлар, оддий одамлар орасидаги ҳамма ҳукмронликлар, дарвешлар учун ҳеч қандай қизиқиш касб этмайди!

«...Довуд деб номланган бу одам...»

«Д» алифбода нечанчи ҳарф? «Д» – «Довуд ал-Аббосий...»

Бу шуни англатадики, ўша пардани очгандан сўнг, алифбо ҳисоби бўйича «Д» ҳарфигача келиб, мен яна бошига «А»га қайтишим керак.

Бу ерда гап бошланғич ҳақиқатнинг туғилиши ҳақида боряпти.

«...Унинг ҳаёти бозорда ўтар эди...»

«Бозор» сўзи, ҳамма нарса сотиладиган оддий одамлар дунёсини билдиради.

«...у ерда уруғлик ва зираворлар сотар эди...»

Уруғлик нимани англатади? Сиз нима деб ўйлайсиз? Бошланғич, ҳали куртак ҳолдаги, ҳали шаклланиб улгурмаган ҳақиқатни. Оддий одамлар ҳақиқатни бир-бирига ҳали уруғлик кўринишида тарқатишади.

Лекин биз уруғликни, одатда, нима қиламиз, кўпинча кўп миқдордаги уруғликни қай тарзда ишлатамиз? Биз уни майдалаймиз ва ун қиламиз, ўзимизни бу бозорда бўлишимизни таъминлаш учун фойдаланамиз.

«Зираворлар»!

Зира-в-о-р ёлғонни билдиради! Зи-ра-вор одобни англатади:

– Ке-линг-лар! О-о-о, художўйлар!

Ярим соат зираворлар билан савдо қила туриб, кейин айтаман:

– Менинг хўжайи-н-и-м сен ҳақингда айтди-ки, сен така экансан!

– Эҳ, шоҳаншоҳлар шоҳи, ҳукмдорлар ҳукмдори, олийлар олийси! Менинг камтарин хўжайиним сени така деб атади.

Бу така атрофидаги олдинги юришларнинг сабаби ҳам, у камроқ сасиб ҳид чиқариши учун эди. Мана, нима учун зираворларни ишлатамиз.

Яъни одамлар кўпинча бир-бири билан муомала жараёнида одоб ва маданиятни қўллашганда, бу бир-бирига зираворларни сотиш, алмашлашдан бошқа нарса эмас. Зираворлар ҳеч қачон тўйғазмайди. Агар уларни жуда ҳам кўп қўлласа, одам заҳарланиши мумкин, мана, гап нима ҳақда кетяпти.

«...Унинг аждодлари ҳамма бойликни йўқотишди ва унга шаҳзода унвонидан бошқа ҳеч нарса қолдиришмади... »

Бу сиз билан бизнинг аждодларимиз деган маънони билдиради.

«...аждодлари бутун бойликни йўқотишди...»

Бу ерда бундай олиб қараганда, худди йўқотгандай! Бу баъзи одамлар фикри, улар шундай ҳисоблашади: «Мен ҳеч нарса билмайманми, демак, ўтмишда ҳам ҳеч ким билмаган. Балки келажакда кимдир буни билиши мумкин».

Ўтиб кетган ҳаётдан бизга, шахсий тажрибадан ташқари ҳеч нарса қолмади ва шундайлигича тажрибага кетди – ўз ҳаёти билан тажриба ўтказишга, болаларни тарбиялаш тажрибасига ва охириги дақиқада: «Мен ноҳақ эдим ёки мен ҳақ эдим», деб айтишга.

Лекин ҳақиқат йўқолмайди, ҳақиқат шунчаки яширишиб олади.

«...Бир куни у бой савдогарнинг қизини севиб қолибди...»

«Савдогар» – бу Аллоҳнинг махфий исмларидан бири. Савдогарнинг қизи – бу қалбнинг ўзи. Ошиқ бўлиб қолган ақл-идрок, фақат қалб орқали Худони уйига кира олиши мумкин.

«...Савдогар совчиларга гўзалликда тенги йўқ ёқутни кўрсатди...»

Совчилар. Совчи дегани нима? Совчилик қилувчи ким? Воситачилик қилувчи ким? Бу ерда фикрлаш ҳақида, «фикрлаш» сўзи эмас, балки мушоҳада юритиш билан қалб кўзининг очилиши оралиғидаги тушунча. Бу ҳолат совчи деб аталади.

«Ёруғлик бўлсин» мазмуни билан биринчи галдаги боғлиқ тушунча ёруғликнинг ўзи ҳам ғояни англатади.

Энди «ёқут» – калит сўз. Ривоят матнида тез-тез учраб турадиган, энг аҳамиятга эга бўлган калит сўз.

Ёқут – бу ўша, биринчи бўса, биринчи никоҳ кечаси, боланинг биринчи ташлаган қадами, биринчи марта фарзандни эмизиш.

Она ҳаётида илк марта фарзандига кўкрак тутганда, бу ёқутни ҳис қилади, фарзандини ўз бағрига босиш ҳақиқатига етишади.

Ёқут – бу етишиш завқига олиб келадиган нарсаси. Ёқут маъносида би-рин-чи қалб кўзининг очилиш жараёнининг илк бошланиши, ҳақиқатдан таралаётган нур, Аллоҳдан, Аллоҳнинг жамолидан таралаётган нурни англатади. Ҳаётни қабул қилишни, бутун оламни англашнинг бошланишига яқинлашишнинг биринчи сезгилари ёқут деб номланади.

«...деди: «Менинг қизим шу шаҳзода учун туғилган бўлса-да, лекин бизнинг уйимизда анъана бор...»

Бу ерда Худонинг уйидаги анъана назарда тутиляпти.

«...Ҳар бир одам бу оилага кирмоқчи бўлса, ўзи билан худди шундай ёқут олиб келиши керак...»

Бу нурга қўшилмоқчи бўлган ҳар бир кимса ўзининг қалб нури билан, бу йўлни босиб ўтишдаги ўзигагина хос ҳаяжонли ҳиссиётлар туйғуси билан келиши керак.

«... – Бу тартибни ўзгартириш мумкин эмас. Агар олиб келса, мен ўз қизимни унга хотинликка бераман...»

Яъни агар бу одам Аллоҳни англаб етса ёки олий идрок ҳолатини ҳис эта олса, мана шунда қалб ва идрокнинг уйғунлик билан қўшилиши юз беради.

«...Шаҳзода ёқутни топишга қарор қилибди. Бу ҳақда билган савдогарлар унинг олдига келишар эди...»

Савдогарлар – биз билган тайёр маҳсулот, тайёр маълумотларни сотувчилар.

«...ва ҳар хил ёқутларни таклиф қилишар эди, лекин улар орасида шаҳзода излаганга ҳатто ўхшаши ҳам йўқ эди. Шаҳзода шарқдан, ғарбдан, шимолдан, жанубдан келган савдогарлардан сўрар эди...» Яъни уникида ҳар хил ўқитувчилар, олимлар бўлишди.

«...Ҳаммаси бир хил гапни такрорлашди:

– Ўша томонда бор.

Лекин шаҳзода уларнинг хазинасини кўриши билан, уни янгидан-янги тушкунлик кутар эди. Шундай қилиб, ойлар, йиллар ўтди, лекин унинг барча уринишлари беҳуда эди.

Бир куни у ўз севгилиси ҳижронида ўтирганида...»

Гап шундай ҳолат ҳақида кетяптики, бир вақтнинг ўзида хурсандчилик бор ва хурсандчилик йўқ; ғамгинлик бор ва ғамгинлик йўқ; ҳаракат бор ва ҳаракат йўқ; бор ва йўқ бир вақтнинг ўзида. У ерда муҳаббат бор ва муҳаббат йўқ; боғланиш бор ва боғланиш йўқ.

Бу ҳолат боғда бўлиш ҳолати деб аталади.

Асаларидан ҳам эрта туриб шудрингдан тиззасигача ҳўл бўлган ҳолда атиргул бутаси ёнида ўтирган одамнинг ички кечинмаларини сўз билан таърифлашнинг иложи йўқ!

Ҳали ҳамма ширин уйқудалигида, энди очилаётган биллур томчили ғунча олдиди ўтирган одамнинг ҳис-туйғуларини сўз билан тасвирлашнинг имкони йўқ. Бунинг учун ўзинг ана шу биллур томчилар олдиди бўлишинг керак.

Сўзлар билан буни тасвирлашнинг иложи йўқ. Шаҳарда яшовчи одамга қандай қилиб томирлари билан чуқур ерга кириб кетган атиргул ҳақида гапириш мумкин, агар у, умуман, ҳеч қачон гулларнинг қандай ўсишини кўрмаган бўлса?!

«... боғида... ўтирарди...»

Боғда бўлиш – бу якка ҳолдаги машқ ҳолатида бўлишни билдиради, бу машғулот ҳолати. Боғ махфий ёзувда кўпинча мустақил машғулотни англатади.

Агар ривоятда кимдир боғда, дўстлари даврасида бўлгани ҳақида гапирилган бўлса, бу ерда гуруҳли машғулот, даврадаги машғулот кўзда тутилади.

Мана, майхонада бўлиш эса, ҳақиқатни билиш ҳолатидан чуқур маст бўлиш, даврада бир-бирини ёрдамида кўтарилиш. Яъни шаҳзода айнан мана шу ҳолатда бўлган.

«...бирдан ёнида кимдир турганини ҳис қилди. Бошини кўтарса, соч-соқоли ўсиб кетган, кир-чир, жулдур кийим кийган дарвешни кўрди. Дарвешни кутишга пешвоз чиқиб, уларнинг оиласида қабул қилинган одатга кўра, шаҳзода деди...»

«Оила» уни энди тенги сифатида қабул қилган Севишганлар даврасини билдиради. Демак, у бошланғич пайтдаги дунёни қабул қилиш билан ўзининг ҳозирги дунёни қабул қилиш даражаси бўйича маълум бир поғонагача кўтарилди.

«Салом, менинг подшоҳим!...» Бу сўзлар биринчи даражали Устозга алоқадор, ҳукмдор ҳам айнан унинг ўзи. Бу шундай қабул қилинган.

Шарқда шундай мақол бор: «Устоз отангдай улуғ».

Устозга ўз отасидан ҳам кўпроқ ҳурмат кўрсатилади! Нима учун? Чунки, ота билан она фарзандга жисмоний тана бериб, унинг ўсишини назорат қилиб, қўллаб турса, Устоз бу нарсаларни ақлий ва маънавий томондан беради. Инсоннинг маънавияти, қалби, руҳияти танадан муҳимроқ ҳисобланади.

Подшоҳ ҳар кимни ҳам ўз даражасигача кўтариши, ярим подшоликни бериши, жазолаши, ҳаётдан жудо қилиши мумкин. Мана, нима учун шогирднинг ўз Устозига нисбатан муомаласи ҳақида бундай дейилган.

«Биз сени, бадавлат савдогарнинг қизини севиб қолганингдан бери кузатиб келяпмиз...» Нимага шама бўлганини аллақачон тушунгандирсиз.

«...деди дарвеш. – Сен қидираётган ўша ёқут бизда сақланади. Мен сенинг хонадонинг бойлиги қўриқчисиман.

– Қанақа бойлик? Ҳамма бойлик аллақачон сарфлаб бўлинган, – деди шаҳзода.

– Йўқ, сен янглишяпсан, – жавоб қайтарди дарвеш, – сенинг оилангни бойлиги жуда қатта, лекин у бу ердан жуда узоқда сақланади: етти қадамдан сўнг ва етти минг йилдан сўнг... »

Бу ердан узо-оқ ҳамда узоқ бўлмаган жойда.

«– Агар сен шунақа битмас-туганмас бойликларни қўриқлар экансан, нима учун ўзинг жулдур кийимда, яланг оёқ, кўзларинг ҳам оч ҳолда юрибсан?

– Чунки, биринчидан, мен оиланг бойлигини ва қудратини фақат қўриқчисиман, иккинчидан эса, ўзларига тегишли бўлмаган бу нарсаларни ўғирлашга ҳаракат қиладиган бир тўда ёвуз одамларнинг жиғига тегмоқчи эмасман.

– У ҳолда бу бойликни менга бер.

– Йўқ! Биз у ерга, бойлик сақланаётган жойга боришимиз керак. У ерга етиб бориш учун эса сен кар ва кўр бўлишинг, кўзинг боғлиқ, қулоғинг ёпилган ҳолда эшакка ўтириб боришинг керак...»

Мана шу битта қатор бошловчи шогирд учун йўл-йўриқ ҳисобланади. Нима учун «кўр» бўлиши керак? Чунки кўзлар кўриши ва алдаши мумкин.

«Қулоғингни ёп», яъни тўғридан-тўғри ҳис эта бошла! Қулоғи эшитмайдиган, кўзи кўрмайдиган одам юраги билан ҳис эта бошлайди!

«Эшакка ўтириш» – ўзини дарвешга ишониб топшириш маъносини англатади.

Эшак махфий тилда ҳикматли илмни берувчи одам дегани. Устоз баъзида шогирдни билимлар билан шундай юклаб ташлаши мумкинки, шогирд уларни ўзлаштира олмай, англаб етолмаслик ҳолатида бўлиб қолади.

Буткул «кўр» бўлиш ва эшакка ўтириш, дастлабки пайтларда эргаштириб юрган Устози, Мураббийига ишониш, демакдир.

«– Биз хазина изидан йўлга тушишимиз мумкин, деди у, лекин битта шарт бор: биз бир неча кеча ва кундуз...»

«Бир неча кеча ва кундуз» учни англатади.

«...биз тоққа юраётганимизда...», яъни олий Устозлар томонига юраётганимизда! «эшакнинг» – яъни Устознинг вазифаси аста-секин ўз шогирдини шу даражага етказиши керакки, у ўз қудрати билан «тоғ ҳолати»га ета олган олий Мураббий ва олий Устозларга лойиқ шогирд бўла олсин.

«...сен кўзларингни ва қулоқларингни очмаслигинг ва эшакдан тушмаслигинг керак...» Бошқача айтганда, шогирд мустақиллик намойиш этиши керак эмас.

Ҳозирча мен фақат кўтарилган биринчи парда бўйлаб кетяпман.

Бу ерда шу нарсага яширин ишора борки, оддий одамлар ўз Устозларининг ташқи кўринишига, уларнинг қандай кийинишига, ўсиб кетган, таралмаган соч-соқолларига қараб, нотўғри хулоса чиқаришади. Дарвешлар учун бунинг ҳеч бир аҳамияти йўқ.

Тана – бу идиш. Идиш – бу қути. У бўшаб қолганда, биз кўпинча уни ташлаб юборамиз.

Оддий одамлар учун моҳият эмас, қути кўпроқ аҳамиятга эга! Айтайлик, биллур қадаҳ ёки биллур шиша ўн доллар ёки юз доллар туради дейлик, юз йиллик коньяк эса беш минг доллар. Моҳият муҳимроқ!

Қути бўш бўлса, унинг моҳияти нимада? Бу энди ҳеч кимга керак бўлмаган пўчоқдир.

«...Агар сен кўзингни очсанг, шундай аросат йўлда қоласанки, сенда на олдинга юришга, на орқага қайтишга имкон бўлади. Сен ўзингни йўқотиб қўясан...»

Бошқача сўзлар билан айтганда, дўзах билан жаннат орасидаги аросатда, маҳшаргоҳда, битта ўзинг қоласан. Агар одам на у томонда, на бу томонда бўлмаса, бу – янада оғирроқ жазо.

«...Сен йўқоласан ва абадий аросат мамлакатида мангу қолиб кетасан. Кейин уч кеча ва уч кундуздан сўнг, яъни, уч йилдан сўнг, эшакдан тушасан ва менинг тўнимни этагидан ушлаганча яёв кетасан...» Яъни биринчи бора кучни қўллаш, биринчи бора ку-ч-н-и қўллаш, фақат а-сос-га таянган ҳолда, асосни ушлаган ҳолда. Тўннинг этаги кўп ҳолларда, Устоз берган асосни англади, лекин бу ҳали ҳақиқат эмас! Бошланғич ҳикматлар асосига таянган ҳолда ва Устози ёнида.

«...Мен сенинг қулоқларингни очаман...»

Олдин одамнинг сезгирлиги ошади.

У ҳодисалар ва нарсаларнинг яширин маъносини тушуна бошлайди, олий қобиқдан таралаётган ҳикматли илмларни эгаллай бошлайди.

«...Сен эшитишинг мумкин, лекин кўзларинг ҳали ҳам ёпиқ бўлади...»

Яъни у ҳали ҳақиқатни англаб етишга тўлиқ тайёр эмас.

«...Сен кўзларингни, фақат мен айтгандан сўнг очасан. Агар сен кўзингни вақтидан олдин очсанг, иккаламиз ҳам ғойиб бўламиз...» Сен яна кўр бўлиб қоласан, кўрнинг тоғда юриши жуда аянчли! Тоғлар орасида адашиб қолиш ҳалокатни билдиради!

Фор, хазина сақланаётган жой – мактаб. Бу шундай жойки, одамлар бир умр қидирадиган буюк сирлар, буюк билимлар, буюк ҳақиқат сақландиган жой!

Бунга биринчи пиллапоя, биринчи ғишт, асбоб – интуитив фикрлашдир, ундан англаш орқали фикрлаш юзага келади.

Сиз ҳар қандай ҳолатда ҳам қуйилиб келаётган англаб етиш ҳолатини ҳис эта оладиган бўлсангиз, туғилган пайтингиздан буён хазина устида ўтирганингизни, бу хазина ғори дунёнинг ўзи эканлигини кўрасиз.

Бу хазина деворсиз, тубсиз, ҳеч бир чеклашларсиз Коинотнинг ўзи. Тасаввур қияпсизми, бутун Олам қудрати, муҳаббати, гўзаллиги, уйғунлиги, баркамоллигини?

Ана шунда сиз ўзингизни тўлқинлантираётган ҳамма муаммоларингизга, ошхона даражасидан то коинот миқёсигача, яъни ўз хонадонингиз даражасигача «Сизга осмонни тутатиб юборишингизга халақит бермаслиги учун, қўшнини қандай қилиб тинчитиш керак?!» мавзусидаги саволларингизгача жавоб топишингиз мумкин.

Лекин мен барибир умид қиламан, сиз озгина бўлса ҳам улғайдингиз, шуни ҳам биламанки, сиз коса тагида нимкоса борлигини ўқиб, ўрганиб оласиз, яширин маъноларни очиб, эзгулик учун Бунёдкорлик йўлидан борасиз!

*Сизга чин юракдан соғлиқ тилаб,
Мирзакарим Норбеков.*

Дарвоқе, муҳаббат билан!

МУНДАРИЖА

Муаллиф суратига чизгилар	3
Ариза	6
Муҳаррирлардан	8
Ассалому алайкум!	15
Учинчи бора ҳам жонингизга тегаман	23
Бу саҳифада унақа сўз йўқ!	
ҳа, унақа сўз йўқ!	29
Фикр пайдо қилиш учун битта мия	
бурмаси бошқасини излайди	31
Тест ёки шу тўғрида 100 та эзма савол	35
Бир тасаввур қилинг-а,	
сиз қанчалар ақллисиз... ..	38
Ишчи варақа №1	41
Ишчи варақа №2	42
Ишчи варақа №3	44
Фаннинг фожиаси тухум товуқдан ақллироқ	47
Тимсоҳдан қандай бўса олиш мумкин?	55
«Суннат санъати» дегани нима?	57
Ҳақиқат сизнинг ботинингизда... ..	60
Шахс қандай шаклланади?	69
Энштейн, Колумб... ..	73
Бурнида иккита тешиги	
бўлган миттивойлар ҳақида	78
Фанда кашфиётлар қандай қилинади?	
Қаердан олинади?	85
Лоботомо-раторияга томон	
қадам ташла!	95

Турмаслик қандай ҳолат ўзи?!	98
Хомо хреновинус	106
Кўҳна патефон	109
Винни Пух билан Тумшуквой дарахт ковагида нима билан шуғулланишганди?!	112
Телбалар дунёсига хуш келибсиз...	115
Мен сув парисиман, уммон – масканим, лекин сирлашишга кимсам йўқ маним	117
Оқилона савол: сиз ҳаёгингизни ҳамма қатори яшаб ўтишни хоҳлайсизми?	121
Агар уйқудаги кишининг бошига тушириб қолсак...	125
Эркак танасидаги хоним	136
Шоҳ бўлишнинг қай тариқа кафолатлангани	141
Фақат битта оёқ билан учиш мумкинми?	144
Текинтомоқлар ва бекорчилар полки ҳақида	146
Ўта чапдаст кончилар учун парчалаш илми	150
Академиклар учун саводсизликни тугатиш мактаби	155
Такага ўзини бағишлашнинг кафолати	159
Пиёла келажакда қандай қилиб синди?	169
Ютганингга тикилибгина қол, мушукча!	173
Беҳуда музокаралар тежами	176
Душманинг маъшуқаси телефон рақамини қандай билса бўлади?	178
Биринчи қўл телефони қаерда ихтиро қилинган?	182
Макакалар ва муҳтарам алломалар	185

Кечириш	188
Имтиҳон комиссиясида учрашамиз.....	192
Рағбат	206
Дарёдан оқиб келади... ..	213
Душманни қандай енгиш керак?	215
Гуноҳ сирасига кирган уч ҳақиқат	218
Рицарлар полки ҳақида сўз.....	220
Ҳар куни уч марта оч қоринга кечириш	231
Сабзи булути	234
Руҳшуносларнинг мияси нега	
ўз жойидан «силжийди»?	237
Чуқур уйқудаги соч илдизлари	238
Мен қиролман! Ўрнингиздан туриб	
барчангиз таъзим бажо айланг	241
Октава	246
Қаноатни қайдан топиш мумкин?	250
Қандай қилиб?	252
Шаҳзода иштонидаги арилар хусусида	
айрим мулоҳазалар.....	254
Мирзакаримнинг октаvasи	259
Сизнинг октавангиз.....	264
Бир пудли тош ҳамда бўшаган атир идиши.....	268
«Керак, албатта керак!»	270
Марварид қонуни	274
Ёшликнинг учинчи айёмидаги	
хоним тўзиган пойабзалда	277
Фаҳм-фаросатли улфат	280
Аёл нималар ҳақида ўйлайди?	283
Бу қонимизда бор	286

Куч манзиллари	292
Дилинг аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин.....	297
Биринчи синфга илк қадам	300
Яхши одамлар ҳамма жойда бор.....	303
Қандай қилиб тошни	
қумга айлантириш мумкин?	308
Икки челақли «Тентак»	312
Ҳаммага шундай ўлим тилайман!	319
Фарқини ҳис қилинг!	322
Шахс ва эргашувчилар.....	323
Атом ёнилғисида ишлайдиган	
пневматик иштон	325
240 нафар миллионер.....	328
Ёки... Ёки...	330
Сизга ёқмайдиган ўша нарса	332
Кимнинг телефон станцияси зўр?	335
Сиз онамизнинг исмини билмайсизми?	337
Сен уни излаганмидинг?	339
Соддалаштирилган ягона	
бошланғич машқ.....	342
Ўз бошингизга икки челақ нўхат	345
Фикрни қорин қулдирашидан	
қандай фарқлаш мумкин?.....	347
Учта қарта, учта қарта, учта қарта...	350
Хўжа Насриддин услуби бўйича.....	354
Фикрларимиз бизни ўйлашади	357
Ҳой! Муюлишда ким бор?.....	359
Вой, сизга нима бўла-ди-и...	362

Шарқ – қалтис масала	365
Доктор, ёрдамга-а-а!	
Мен севги дардига мубталоман!	369
Хуш келибсиз	373
Истасанг ёқалаш!	376
Бир бетамиз уйланган бошқа	
бетамиздан нимаси билан фарқ қилади?	381
Огоҳ бўлинг!	385
Учинчи калит	389
Қандай қилиб бошни оёқлар орасидан	
қашиш мумкин?	392
«Менга Худо ҳақида сўзлаб бер,	
йўқса билганларимни унутяпман...»	395
Агар сиз ҳам менга ўхшаб	
калтафаҳм бўлсангиз	399
Ёқут ҳақида ривоят	402
Илова	420

*Илова***НОРБЕКОВ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ***Инсоннинг бемор ва бахтсиз
бўлишига ҳаққи йўқ.***М.С. Норбеков**

Академик Норбеков соғломлаштириш маркази ўзини англаш ва ривожлантириш мажмуи дастурини таклиф этади.

Машғулотлардан кўзланган асосий мақсад – инсоннинг ўз руҳий ва жисмоний ҳолатига фаол ёндашуви.

Ўзининг интилиши, иродаси, руҳий чиниққанлиги билан ҳар ким ҳам саломатлигини, ички ҳолатини, тақдирини ижобий томонга ўзгартиришга қодир.

Тизим асосини устоздан шогирдга узатиладиган асрлар давомида узоқ ўтмишдан мерос бўлиб келаётган Шарқнинг кўҳна билимлари ташкил этади. Бу билимларнинг англаб етиш учун енгил бўлганлари машғулотларга асос қилиб олинган.

Бугунги кунда миллионлаб инсонлар Россия, МДҲ давлатлари, Болтиқ бўйи шу билан бирга АҚШ, Германия, Исроил ва бошқа қатор мамлакатлардаги инсонлар соғломлаштириш марказида олган билимлари ёрдамида нафақат саломатликларини тиклаб қолмасдан, ҳаётда ҳам ўз ўринларини топиб, етакчи, омадли инсонларга айланишди.

Тизимнинг 1-, 2-ўқув соғломлаштириш босқичлари ва маҳоратни ошириш Асосий ўқув курслари 30 йил мобайнида такомиллашиб борган.

Охириги йилларда «Омад устахонаси» ташкил этилди. Бу махсус курс ўз устида ишлаб яхши натижаларни қўлга киритган тингловчиларимизга мўлжалланган.

Ўқув соғломлаштириш курслари, 1-босқич

Курснинг йўналиши инсоннинг табиатида азалдан мавжуд бўлган жисмоний ва руҳий кучларни бошқаришни ўргатади. Курс тингловчилари ташқи таъсирларсиз ва аралашувисиз ўз муаммоларини бартараф этишни ўрганишади.

Асосий мавзу: танани бошқариш ва ўзини тиклаш қобилятини уйғотиш (ёшариш); соғлиқни тиклаш, юрак қон-томирлари, асаб, эндокрин, сийдик йўли, иммунитет, лимфа тизими, модда алмашуви жараёнининг бузилиши муаммоларини бартараф этиш, кўриш қобилятини созлаш, эшитиш ва бошқа сезги аъзоларидаги муаммоларни бартараф этиш, операциядан кейин ва шикастланишдан сўнгги асоратларни бартараф этиш, нафас олиш йўли аъзолари ишини созлаш, ҳаракат таянч апаратини тиклаш, жинсий аъзо муаммоларини бартараф этиш, юздаги ва қоматдаги нуқсонларни бартараф этиш, шу билан бирга ҳар хил чандиқлар, спайкалар, чурралар, стрия (тери ости ситилиши) ва теридаги бошқа хил муаммоларни бартараф этиш устида ишланади.

Машғулотлар – 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

Ўқув соғломлаштириш курслари, 2-босқич

2-босқичда 1-босқичдаги билимлар мустаҳкамланади. Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур ўрганилиб, уларни бартараф этиш устида ишланади. Саломатлик борасида муаммолар бошқа безовта қилмаслиги, хасталикдан батамом халос бўлиш учун ҳар бир касаллик билан махсус шуғулланилади ва шу билан бирга феъл-атвор устида ҳам мақсадли ишланади. Тана кучини жисмонан ривожлантириб, шакллантириб бориш билан бирга шахс сифатлари ва руҳиятни чиниқтириш маҳорати ҳам ошириб борилади. Натижада, инсондаги ноёб қобилиятлар

очирилиши билан бирга сезгиси (интуицияси) ҳам ривожлана боради.

Машғулотлар – 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

Болалар ўқув-соғломлаштириш курслари

Соғломлаштириш курсининг биринчи қисм дастури болаларнинг тасаввур дунёсига мослаштирилган ҳолда олиб борилади.

Кўплаб болалар соғломлаштириш курсларини ўтиб ижобий натижаларни қўлга киритиб, етук, баркамол Шахс даражасига эга бўлиб ўз мақсадларига эришишган. 7 кун давомида фарзандларимиз нафақат соғлиқни мустаҳкамлаш, балки ҳиссий-иродавий ҳолатларни тиклаб ҳаёт тарзини тўғри йўлга йўналтириш кўникмасини эгаллашга ҳам муваффақ бўлишади.

Машғулотлар 7 кун 3 соатдан давом этади.

Асосий босқич – Интуиция курси *Академик М.С. Норбеков ноу-хауси*

Бу курслар инсонда атроф-оламни англаш ва уни ҳис қила билиш қобилиятини уйғотиб, англаш орқали мушоҳада юритишга, ҳаётини ижобий томонга шакллантира боришга ўргатади.

Асосий мавзу: олдиндан сеза олиш, ҳис эта олиш қобилиятини ривожлантириш, ҳаётини режалаштирган ҳолда унинг оқимига ижобий таъсир эта олиш, асаббузар вазиятлардан узоқда бўла олиш, Голиб Инсон қиёфасини шакллантириб боровчи хулқ-атворининг яхши томонини кучайтира бориш. Курс якунида тананинг биологик ёшаруви, ҳиссиётларнинг ўткирлашуви, ўзаро муносабатларда уйғунликнинг пайдо бўлишига мукофот тариқасида эга бўласиз.

Машғулотлар – 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

VIP – дастур

Иши бароридан келган омадли инсонлар учун сара машғулотлар. Машғулотлар 25 – 30 кишилиқ кичик гуруҳларда олиб борилади. Курсларга саралаш асосида қабул қилинади, юқори даражадаги эътибор ва назорат таъминланади.

Машғулотларни марказнинг етакчи ўқитувчилари – М.С. Норбековнинг шогирдлари олиб боришади.

VIP – соғломлаштириш курслари ўқув-соғломлаштириш курслари асосида ташкил этилган, иккинчи босқич соғломлаштириш ва асосий босқич курсининг элементларини ўзида мужассам этган.

VIP – Асосий курс дастури асосий босқич курсининг асосида ҳамда психологик билимлар элементларини ўзида мужассам этади.

Машғулотлар – 10 кун 4 соатдан давом этади.

«Омад устахонаси»

М.С. Норбековнинг муаллифлик курслари

Дастур шахснинг заиф томонини йўқотишга, ҳаётининг 495 томонини шакллантириб боришга йўналтирилган: бизнесда эришган натижаларни кўтаришга, ички имкониятларини кашф қила боришга, руҳиятини чиниқтириш, атроф-олам билан уйғунликда яшаш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, феъл-атворидаги кучли томонларини янада ривожлантириш, ўз ҳаётини ижобий шакллантириш қобилиятини ривожлантириш ва бошқа кўплаб масалалар кўрилади.

«Омад устахонаси» асосий курснинг элементларини ўзида мужассам этади. Машғулотларни дастур муаллифи М.С. Норбеков ва унинг энг сара шогирдлари олиб боришади.

Машғулотлар – 10 кун мобайнида 4 соатдан давом этади.

Курсни ўтиб бўлгач, Сиз миллионерларнинг ёпиқ клубига аъзо бўлишдек ноёб имкониятга эга бўласиз.

«Миллионерлар клуби»

Бу клубга аъзоликка комилликка интилган ҳар қандай инсон даъвогарлик қилиши мумкин.

Асосий мавзу: жисмоний ва руҳий чиниқиш, дунёқарашни янада кенгайтириш, ички кучни йиғиш ва кўпайтира бориш, асабийлашишдан сақлана билиш, ўз олдига мақсад қўйиш ва уни сифатли амалга ошира олиш, энг илғор масалаларни танлай билиш қобилиятини ривожлантириш, муваффақиятли вазиятларни ҳосил қила билиш ва бошқа кўплаб масалалар.

Машғулотлар – 1 йил давомида ойига 1 марта 8 соатдан давом этади.

Машғулотларни марказнинг етакчи ўқитувчилари, М.С. Норбековнинг энг сара шогирдлари ва сиз ўзингиз танлаган мутахассислар олиб боришади.

«Кўзнинг кўриш қувватини тиклаш»

бўйича қўшимча машғулотлар

Мақсад: кўзнинг кўриш қуввати пасайиши сабабини топиб бартараф этиш, Шарқнинг кўҳна билимларига асосанган кўришни яхшилаш ва тиклаш услубини эгаллаш, шулар асосида кўришни созлаш, барча ички аъзолар ва тананинг бутун тизими билан қўшимча ишлар олиб бориш.

Асосий мавзу: кўриш ва эшитиш нерви атрофияси, узоқни ва яқинни хира кўришни бартараф этиш, катаракта, глаукома, астигматизм ва ҳ.к. Шу билан бирга гипертония ва гипотония, томирларнинг варикоз кенгайиши, остеохондроз, ички аъзолардаги ва тана тизимидаги бошқа кўплаб муаммоларни бартараф этиш устида ишланади.

Машғулотлар 5 кун 4 соатдан давом этади.

«Эшитиш қобилиятини тиклаш» бўйича қўшимча машғулотлар

Мақсад: эшитиш қобилиятининг пасайишига ва йўқолишига олиб келган сабабларни топиб бартараф этиш, эшитиш қобилиятини созлаш, бутун тана ва ички аъзолар билан қўшимча машқлар олиб бориш.

Асосий мавзу: эшитиш нерви неврити, нейросенсор гаранглик, Меньера касаллиги, юқумли касалликлар ва лат ейишдан кейинги асорати бўлган эшитиш қобилиятининг пасайиши (йўқолиши) ва шу кабилар.

Машғулотлар 7 кун 4 соатдан давом этади.

«Бахтли оила» курслари М.С. Норбековнинг оиладаги ўзаро муносабатлар мавзuidaги маърузаларга асосланади

Мақсад: оилада самимий муҳит яратиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳурмат қилишни ўрганиш.

Асосий мавзу: эркаклик ғурури, оилада етакчилик, интим муомала, болалар тарбияси, ота-оналарга нисбатан кечиримли бўлиш.

Курс эркак ва аёлларнинг бир-бирига эҳтиёжи борлигини тушунишга ёрдам беради, кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўладиган эркак ва аёлнинг дунёқарашидаги фарқни англаб етишга, эр-хотин ўртасида ҳурмат бўлиши кераклигини тушунтиришга қаратилган. Уйланмаган ва турмушга чиқмаганларга оила қуришга ҳамда бахтли оилавий ҳаёт кечиришга йўллантирилган.

Машғулотлар 10 кун давомида 4 соатдан давом этади.

Бизнинг марказда таълим олиш учун ёшнинг аҳамияти йўқ. Марказимизнинг эшиклари барча учун очик, ким қалбан қаримаган бўлса, кимки орзуларининг рўёбга чиқишига ишонса, асрлар давомида тўпланган донишмандлик йўриқномасидан фойдаланишга тайёр бўлса, марҳамат.

«Умurtқа поғонасини тиклаш» бўйича қўшимча машғулотлар

Ҳозир умurtқа поғонангиз қай аҳволда? Сизнинг 5 – 6 см ўсишингиз учун, кайфиятингиз аъло бўлиши учун, танангизнинг ҳамма аъзолари Швейцария соатидек ишлаши учун ўзингизга атиги 15 дақиқа ажратсангиз кифоя. Мазкур курсда биз сиз билан бажарадиган машқлар оддий бадантарбия эмас, жисмоний тарбия ҳам эмас. Улар – умurtқа поғонасини асл ҳолига келтириш учун ишлаб чиқилган махсус ҳаракатлар. Бу машқлар умurtқалараро ҳалқаларнинг жой-жойида туриши учун, қадам ташлашингиз балетчиларники сингари енгил бўлиши учун, хотирангиз ҳам аввалги ҳолатига қайтиши учун, дунё нақадар гўзал эканлигини ҳис этишингиз учун ҳам керак.

Машғулотлар 5 кун 3 соатдан давом этади.

ДИҚҚАТ! Янги лойиҳа!

Интернет орқали М.С. Норбеков услуги бўйича машғулотлар ўташнинг ноёб имконияти

Масофадан ўқитишнинг муаллифлик дастури, тингловчилар билан юзма-юз олиб бориладиган дарсларнинг сифатидан ҳеч қолишмайди.

Асосий эътибор: ҳар бир тингловчига ўзига хос ёндашилади. Сиз етакчи ўқитувчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконига эга бўласиз. Шахсан М.С. Норбековнинг ўзлари билан ҳам аудиконференцияларда, гуруҳларнинг ёпиқ форумларида, электрон почта орқали ва ICQ (индивидуал ёзишма) олиб боришингиз мумкин.

Курсда ўқув-методик материал интернет-таълим учун махсус мослаштирилган. Курснинг асосий маҳорат услуги баёни ёзилган аудиоёзув. Ўқув-таълим учун видеоматериал, М.С. Норбековнинг маърузалари.

Интернет-курсларимизда ҳам аудиториялардагидек машғулотлар олиб борилади. Бу ҳақда қўшимча маълумотларни электрон почтамиз орқали олишингиз мумкин: info@norbekov.uz.

Батафсил маълумотлар олиш учун

**Академик М.С. Норбековнинг
Ўзбекистондаги соғломлаштириш
марказига мурожаат қилинг.**

Мурожаат учун телефонлар:
8 (371) 276-28-89, 276-44-59, (95) 195-65-97
www.norbekov.uz
e-mail: info@norbekov.uz

Манзил: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 23-уй.

Изоҳ ва қайдлар

Изоҳ ва қайдлар

Илмий-оммабон нашр

МИРЗАКАРИМ НОРБЕКОВ

**МИЛЛИОН
ТЕКИН МАСЛАҲАТ
ТОПИШ ЙЎЛИ
ё х у д ж ў ж а л а р
қ а е р д а қ и ш л а й д и**


Муҳаррир: Муҳиддин Омон

Бадий муҳаррир: Л.Сайфуллаева

Техник муҳаррир: Л.Усачева

Мусахҳиҳ: Д.Жалолов

Саҳифаловчи: А.Ақилов



Босишга 17.08.2015 й. да рухсат этилди.
Бичими 84x108.¹/₃₂ Шартли босма табағи 13,5.
Нашр табағи 23,1. Адади 1000 нусха.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 44

Нашриёт лицензияси: АИ № 239. 04.07.2013 й.

«Adabiyot uchqunlari» МЧЖ нашриёти.
100027, Тошкент ш. Ўқчи к., 109-уй.

«SPECTRUM MEDIA GROUP» босмаҳонаси.

Тошкент ш., Бунёдкор к., 28-уй.

Тел: (998 71) 276-89-28



*«Агар инсон ўз хоҳишларини маълум
мақсад сари йўналтира олса, у деярли
мўъжиза яратишига қодир!»*

Норбеков М. С.

**Бу ҳаётда нимагадир улгуришни истайсизми?
Тақдирингизни ўзингиз учун керакли бўлган
йўналишга буришни истайсизми?**

**Миллионер бўлишни истайсизми?
Буюк кучга эга бўлишни истайсизми?
Ўзингизнинг яширин ички имкониятларингизни
очишни истайсизми?**

**Ҳодисаларни юзага келтиришни,
Сўзсиз гапиришни, қалб кўзи билан
кўра олишни, масофадаги
инсонларни ҳис эта олишни, хаёлан
келажакни кўра олишни
Сизларнинг ҳар бирингиз
уддалашингиз мумкин.**

**Мўъжизами? Э, йўқ! Шунчаки, сиз буни қандай
амалга оширишни билмайсиз.
Шунчаки, бунга ҳаракат қилиб кўрмагансиз.**

**Буларнинг ҳаммасини сиз қила оласиз!
Олдин сизнинг мудроқ интуициянгизни
уйғотиш керак. Ҳамма жавоблар, ҳамма
ечимлар – ўз ичингизда.**

**Бу қўлланма – уйғониш босқичида
турганлар учун.**

ISBN: 978-9943-987-93-7



9 789943 987937